



**«ҲАРБИЙ АЛОҚА ТИЗИМИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МУАММОЛАРИ» МАВЗУСИДА
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-ТЕХНИК КОНФЕРЕНЦИЯСИ**

**МАҚОЛАЛАР
ТЎПЛАМИ**

**СБОРНИК
СТАТЕЙ**

**РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ
«ПРОБЛЕМЫ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ В СИСТЕМЕ ВОЕННОЙ СВЯЗИ»**

12 АПРЕЛЬ 2019 й. ТОШКЕНТ

12 АПРЕЛЯ 2019 г. ТАШКЕНТ

Конференция ташкилий кўмитасининг

ТАРКИБИ:

майор Мухитдинов Х.А.	раис, институт бошлиғи, и.ф.н., доцент
лейтенант Рахимов Б.Н.	раис ўринбосари, институт бошлиғининг ўқув ва илмий ишлар бўйича ўринбосари, т.ф.д., доцент
лейтенант Тураев Б.З.	Институт ўқув бўлими бошлиғи, PhD(педагогика фанлари), доцент
подполковник Абдисаттаров Қ.	Институт илмий методик бўлим бошлиғи
подполковник Исмоилов А.П.	“Ахборот хавфсизлиги” кафедраси катта ўқитувчиси
майор Нишанов И.И.	“Ахборот хавфсизлиги” кафедраси ўқитувчиси
майор Мирзаолимов А.Қ.	Институт илмий методик бўлим бошлиғи ўринбосари
майор Мирзаев Т.А.	Институт ўқув бўлими бошлиғи ўринбосари
подполковник Пардаев Х.С.	Кафедра бошлиғи
подполковник Садиков К.У.	Кафедра бошлиғи
подполковник Ибрагимов М.Х.	Кафедра бошлиғи
подполковник Миржалолов О.А.	Кафедра бошлиғи
полковник Ахунов Р.Ў.	Кафедра бошлиғи
подполковник Солиев А.Б.	Кафедра бошлиғи
подполковник Байматов Ф.У.	Кафедра бошлиғи
подполковник Алляров О.А.	Кафедра бошлиғи
подполковник Таштаев З.Д.	Кафедра бошлиғи
лейтенант Юсупов Б.К.	Кафедра бошлиғи
подполковник Нурматов Т.Ш.	Малака ошириш маркази бошлиғи
лейтенант Дехконов О. Р.	Котиб

КИРИШ СЎЗИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан бошлаб, тарихан қисқа вақт ичида Қуролли Кучларимизнинг жанговар шайлигини ва қудратини оширишга қаратилган кенг кўламли ва тизимли ишлар ўтказилиб келинмоқда. Хусусан, миллий армиямиз шакилланишининг бошланғич давридаёқ энг долзарб масалалардан бўлган миллий ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизими яратилиб, ҳозирги кунгача керакли мутахассисликлар бўйича юқори малакали ҳарбий кадрлар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа соҳасида офицер кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа соҳасида юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ҳарбий-илмий тадқиқотларни ташкиллаштириш унинг инфратузилмаси ва ўқув моддий-техник базасини ривожлантиришга катта асос бўлмоқда.

Ҳарбий алоқа институти бугунги кунда, Қуролли Кучларимиз алоқа соҳасида ҳарбий-илмий фаолиятни такомиллаштириш, истеъдодли ёшларни ҳарбий-илмий фаолиятга кенг жалб этиш йўли билан илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда ҳарбий соҳадаги илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг ягона комплексини ташкиллаштирилди. Шу жумладан, Ҳарбий институтда илмий-тадқиқот лабораторияси ташкиллаштирилиб, унда 5 та йўналиш бўйича институт офицерлари ҳамда курсантлари томонидан Мудофаа вазирлигидаги долзарб мавзуларидан келиб чиқиб, ҳар бир гуруҳга аниқ илмий вазифалар белгиланади.

Бугунги кунда Ҳарбий институт профессор-ўқитувчиларидан ЎР ҚК Академияси таянч докторантурасида 1 нафари, ЎР ҚК Академияси таянч докторантурасига мустақил изланувчилари – 5 нафари ва ТАТУ таянч докторантурасига мустақил изланувчилари – 4 нафари докторлик диссертацияси бўйича ишларни олиб бормоқдалар.

Институтда замонавий ўқув лабораторияларини яратилмоқда булар:

дронларни бошқариш ва робототехник тизимларни яратиш ўқув ва илмий лабораторияси;

Cisco базасида маълумотлар узатиш тармоғи ва виртуал моделлаштириш ва симуляция воситалари ўқув лабораторияси;

оптик-толалли алоқа линиялари ўқув лабораторияси;

радиотехник воситалар ўқув лабораторияси;

«Радиоҳаваскорлик» ва «Радиоэлектроника» ўқув лабораторияси;

рақамли радиоалоқа ўқув лабораторияси;

“Кибер хавфсизлик” ўқув лабораторияси.

Конференцияда қуйидаги йўналишлар бўйича 5 та шўъба фаолият юритади:

1-Шўъба. Автоматлаштирилган тизимларнинг дастурий ва техник таъминоти.

2-Шўъба. Ахборот муҳофазасини таъминлашнинг асосий муаммоларини криптографик ечимлари.

3-Шўъба. Ҳарбий таълимда замонавий педагогик технологияларининг ўрни.

4-Шўъба. Радиоалоқа, симсиз технологиялар ва радиоэлектрон кураш тизимларини ривожланиш истиқболлари.

5-Шўъба. Оптик алоқа тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимларининг ривожланиш тамойиллари.

Бугунги кунда илмий салоҳиятли офицерлар ва курсантларнинг илмий натижалари келгусида албатта Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларида амалиётга ва ишлаб чиқаришга узвий боғланади ва ривожланишига ўз хисасини қўшади.

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА АЛОҚА ҲАРБИЙ ИНСТИТУТИ БОШЛИҒИ
и.ф.н., доцент, майор Х.А.МУХИТДИНОВ

ТЕЗКОР НАВБАТЧИНИНГ ҲАРАКАТЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

***подполковник АБДИРОЗИҚОВ О. Ш., подполковник ИБРАГИМОВ М. Х.
Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти***

Ушбу мақолада Қуролли Кучлар таркибидаги ҳарбий округ, ҳарбий қисм ҳамда олий ҳарбий билим юртларида жанговар тайёргарлик тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш, юқори командирлар томонидан берилган “сигнал” ёки “тревога” бўйича Тезкор навбатчи ўз вазифаларини бажариши, уларнинг ҳаракатлари ушбу дастур орқали фойдаланиши ҳамда Macromedia Flash MX дастури ёрдамида интерфаол дастур яратиш муаммоларини ишлатиш таклиф этилган [2], [3], [17].

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти асосларига кўра барпо этилган. Эндиликда ана шу қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий цивилизация талаблари, XXI асрда инсон ва инсоният тақдири билан боғлиқ бўлган глобал муаммолардан келиб чиқиб, ривожланишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу бевосита жамиятнинг барча соҳаси ва йўналишларини қамраб олган ялпи янгилинишларни талаб қилаётган ҳаётининг эҳтиёждир. Ишлаб чиқилган тезкор навбатчининг ҳаракатларини оптималлаштириш дастури бугунги кунда долзарб масала сифатида эътироз этишимиз мумкин. Ушбу яратилган дастур тезкор навбатчиларнинг вазифалари ва ҳаракатларини автоматлаштириш Қуролли Кучлар олдида турган долзарб вазифалардан бири.

Муҳтарам Президентимиз томонидан 2019 йил 17 январдаги 4122-сонли “Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа соҳасида офицер кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорларида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институт фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари этиб куйидагиларни белгилаб берди [1]:

- алоқа, ҳаво ҳужумидан мудофаа, радиоэлектрон разведка ва кураш кўшинлари йўналишлари бўйича тактик бўғин офицер кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

- дунё стандартлари даражасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, шу жумладан ахборот тизимлари ва компьютер тармоқлари дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва бошқариш соҳасида мутахассисларни тайёрлаш;


- ҳарбий-илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш;

- миллий ва хорижий етакчи олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш;

- бўлажак офицерларда юқори маънавий-ахлоқий, психологик ва етакчилик сифатларини, ватанпарварлик ҳамда ўз Ватанидан ва Қуролли Кучларидан фахрланиш хиссини уйғотиш, Ўзбекистон мустақиллиги ғояларига садоқат туйғуларини шакллантириш, уларда кенг дунёқарашни ва интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш [1].

Юқоридаги қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, ҳамда Республикаимиздаги барча ҳарбий округ, ҳарбий қисм ҳамда олий ҳарбий билим юртлари учун Flash MX дастури ёрдамида тезкор навбатчининг ҳаракатлари (ТНХ) автоматлаштирилган дастур яратилди.

«Харбий алоқа тизимида ахборот – коммуникация технологиялари муаммолари» мавзусида
Республика илмий-техник конференцияси
1-Шўъба. Автоматлаштирилган тизимларнинг дастурий ва техник таъминоти



1-расм. ТНХ дастурнинг интерфейси


Дастурда “сигнал” гача, яъни ҳеч қандай “сигнал” бўлмаганда “Календарь” тугмасини босилгандаги ҳолати 2-расмда келтирилган. Ушбу экранда механик ва электрон соат, ҳафта кунлари ой ва йиллар кўрсатиб ўтилган [15], [16], [17].

Механик соатнинг орқа фонига Ўзбекистон Республикаси герби акс эттирилган. Механик соатнинг икки томонида мамлакатимизнинг бир нечта ҳар хил чиройли жойларининг фото лавҳалари навбат билан намоиш этиб турилади [12].



2- расм. ТНХ дастурдаги “КАЛЕНДАРЬ”

“сигнал” олингандан сўнг “Календарь” даги “Орқага” тугмасини босиш ва дастлабки ҳолатига қайтиши 3- расмда келтирилган.




3- расм. ТНХ дастурнинг дастлабки ҳолатига қайтариш

Дастур куйидаги блоклардан ташкил топган:

- Бош меню;
 - Календарь;
 - Тезкор навбатчининг ҳаракатлари;
 - Бошлаш;
 - Тезкор навбатчининг бажариши лозим бўлган вазифалар кетма-кетлиги.
- Яратилган дастурдан фойдаланиш қоидаси:

“сигнал” олингандан сўнг “тезкор навбатчининг ҳаракатлари” ва “Бошлаш” тугмаларини бир вақтда босиш 4- расмда келтирилган. Тугмалар босилгандан сўнг компьютер вақтига нисбатан дастур соатлари ишга тушади [5].




4- Расм. ТНХ дастурнинг сигнал олингандан кейинги ҳолати

Мисол тариқасида, ушбу дастурда, навбатчининг келтирилган еттита бажариши лозим бўлган вазифаларни навбатчи бирин кетин ўз вақтида (агар реал ҳолатда бажариб бўлган бўлса) бажариш ҳолати 5- расмда келтирилган.



5- расм. ТНХ дастурдаги шартларни бажарилиш ҳолати

Навбатчи, еттита бажариши лозим бўлган вазифаларни бирин кетин ўз вақтида тўлиқ бажариб бўлган ҳолати 6-расмда келтирилган.



6- расм. ТНХ дастурда тезкор навбатчи ўз вазифаларни тўлиқ бажариб бўлиш ҳолати

Худди шу дастур сингари Macromedia Flash MX дастури ёрдамида «**тезкор навбатчи ёрдамчисининг ҳаракатлари**» номли дастур ҳам яратилган. Фарқи шундаки Тезкор навбатчи ёрдамчисининг вазифалари тезкор навбатчининг вазифаларидан сон жиҳатидан камроқ [5], [13].

Шуни таъкидлаш лозимки, дастурни ихтиёрий компьютерда ҳеч бир кўшимча дастурларсиз ўрнатиш мумкин, фақат компьютерда “Windows” операцион тизими мавжудлиги етарли. Дастурнинг ҳажми ҳам кўп жой талаб этмайди.

Бизга маълумки айни пайтда аксарият ҳарбий қисмларнинг навбатчи ва унинг ёрдамчиларининг вазифа ва ҳаракатларини бажарилганлигини белгилаш учун “назорат таблоси” механик кўринишда. Ушбу яратилган дастур барча ҳарбий округ, ҳарбий қисм ҳамда олий ҳарбий билим юртларига замонавий ахборот технологияларидан автоматлаштирилган ҳолда фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, яратилган тезкор навбатчининг ҳаракатларини автоматлаштириш имконини берувчи дастурни барча ҳарбий округ, ҳарбий қисм ҳамда олий ҳарбий билим юртларига ўрнатиш ва фойдаланилиши таклиф этилади. Таклиф этилаётган ушбу дастур тезкор навбатчининг ҳаракатларини автоматлаштириш эвазига вазифаларни бажарилиш аниқлигини оширади.

АДАБИЁТЛАР

[1] 4122-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2019 йил 17 январь.

[2] Mo'minov B.B., Kamalova N.I., Rajabova V.R.– Flash texnologiyasi va Action script, Buxoro 2010 yil

[3] ActionScript 3.0 для Adobe Flash Professional CS5 (+ CD-ROM). - М.: Эксмо, 2011. - 432 с.

[4] Adobe Flash CC. Официальный учебный курс (+ CD-ROM). - М.: Эксмо, 2014. - 432 с.

[5] Adobe Flash CS5. Официальный учебный курс (+ CD-ROM). - М.: Эксмо, 2011. - 448 с.

[6] Adobe Flash CS6. Официальный учебный курс (+ CD).-М.: Эксмо, 2013.- 464 с.

[7] Flash-технологии. - М.: РИВШ, 2011. - 122 с.

- [8] Учебник по Macromedia Flash www.daflash.ru Html документ.
- [9] Язык программирования ActionScript www.daflash.ru/action.html
- [10] Сариев Р.Б. «Web-технологиялари» фанидан маъруза ва тажриба ишлари бўйича услубий кўрсатмалар. Бух. 2009 й.
- [11] Амелин Р.В., Flash и ActionScript. Пособие для практических занятий по курсу "Мировые информационные ресурсы" СГУ, мех-мат фак. 2007 г.
- [12] Капранова М.Н. Информатика. Macromedia Flash MX. Компьютерная графика и анимация / М.Н. Капранова. - М.: Солон-Пресс, 2010. - 680 с.
- [13] Капустин М.А. Flash MX для профессиональных программистов / М.А. Капустин, П.А. Капустин, А.Г. Копылова. - М.: Интернет-университет информационных технологий, Бином. Лаборатория знаний, 2016. - 512 с.
- [14] Киселев С.В. Flash-технологии / С.В. Киселев, С.В. Алексахин, А.В. Остроух. - М.: Academia, 2011. - 683 с.
- [15] Лотт Д. ActionScript 3.0. Сборник рецептов / Д. Лотт. - М.: Символ-плюс, 2013. - 559 с.
- [16] Сандерс У. ActionScript 3.0. Шаблоны проектирования / Уильям Сандерс, Чандима Кумаранатунг. - М.: Символ-плюс, 2011. - 592 с.
- [17] Финкэнон, Джейсон Flash-реклама. Разработка микросайтов, рекламных игр и фирменных приложений с помощью Adobe Flash / Джейсон Финкэнон. - М.: Рид Групп, 2012. - 288 с.
- [18] <http://www.flashist.ru>
- [19] <http://www.sibmult.ru/fla.php>
- [21] <http://www.web-silver.ru/flash/source/games.php>
- [22] <http://www.flashzone.ru>
- [23] <http://www.fundux.ru>
- [24] <http://www.nd.ru/catalog/products/flashgames>
- [25] <http://www.flash-zona.org/isxodniki/isxodnik.htm>
- [26] <http://www.wmcentre.net/des.php>

AXBOROTLARNI “BULUTLI” TASODIFIYLIK BILAN SHIFRLASH USULINI YARATISH

KURBANOV A. A.

GulDU huzuridagi XTXQTMOH markazi

Axborotlar xavfsizligini ta'minlashda juda ko'plab zamonaviy usul va metodlari mavjud. Bu usullarning ba'zi kamchiliklarini ko'rishimiz mumkin, qaysiki hozirda shifrovchi vositalar va funksiyalarning kriptochidamliligi yuqori bo'lganligi uchun shifrlash jarayoni ancha sekin kechadi. Shu bois kriptofunksiyalarga bir qancha talablarni qo'yishimiz mumkin:

- Kriptofunksiya tezkor ishlashi kerak;
- Funksiyaning tuzilishi sodda va tushunarli bo'lishi kerak;
- Muhim xavfsizlik tizimlaridan tortib oddiy foydalanuvchilar ham funksiyadan foydalana olishi lozim;
- Funksiyaning kriptochidamliligini oshirish uchun uning shakli davriy yoki foydalanuvchining xohishiga qarab o'zgaradigan bo'lishi zarur.


Mana shu kabi muammolarni yechish maqsadida “bulutli” tasodifiylik asosida ishlovchi kriptofunksiyani taklif qilamiz.

Bunda ma'lumotlarni shifrlash uchun odatda ma'lum funktsiya yordamida harflar va raqamlar o'rniga boshqa belgilar ishlatiladi (masalan, Base64 shifrlash usuli) yoki shifrlash uchun ma'lum alfavit tuzib olinadi (eng oddiysi – Sezer usuli). Biz taklif qilayotgan usul shifrlashning tasodifiy alfavitini tuzib olishga qurilgan. Kompyuterda belgilar ASC II¹ kodlar jadvalida raqamlab chiqilgan, biz alfavit tuzish uchun harfning ASC II kodlar jadvalidagi tartiblangan raqamini tasodifiy almashtirsak yangicha alfavit hosil bo'ladi.


Belgi	Belgning tartib raqami	Tasodifiy sonlar	Tasodifiy sonlarga mos keluvchi belgilar
a	97	70	F
b	98	64	@
c	99	43	+
d	100	91	[
e	101	111	O
f	102	109	m
....

Tuzilgan alfavit asosida ma'lumotlarni shifrlab ko'ramiz; jadvalning birinchi va ikkinchi ustunlarida ASC II kodlar jadvalining o'zi keltirilgan, uchunchi ustunga 1 dan 255 gacha tasodifiy sonlar yozilgan, ya'ni "a" ning tartib raqami aslida 97, lekin biz unga 70 ni birlashtirib qo'yamiz, keyin yana ASC II kodlar jadvalidan 70-belgini to'rtinchi ustunga joylashtiramiz. Tuzib chiqilgan jadval asosida "face" so'zini shifrlasak "mF+O" xosil bo'ladi. Uchunchi ustundagi tasodifiy sonlar hosil qilish uchun rand () funksiyasidan foydalanishimiz mumkin, lekin rand() funksiyasini har safar qayta ishga tushirsak yangi sonlar xosil bo'laveradi bu esa shiflangan "mF+O" ni qayta deshifrlashda muammolar tug'ilishi mumkin. Shu sababli biz tasodiviy sonlarni hosil qilishning "Bulut" texnologiyasini taklif etamiz.

Usulning asosiy **algoritmini** quyidagicha tuzishimiz mumkin. Bu funktsiya quyidagi tartibda ishlaydi. Biz tabiatdagi biror bulutni rasmini olamiz va uning ustiga jadval joylashtiramiz va tasvir ustiga joylashtirilgan jadval yacheykalariga harflarni joylashtirib chiqamiz.



¹ Amirov D. M. AKT izohli lug'ati BMT ning O'zbekistondagi vakolatxonasi 2010y



Yacheykadagi piksellarning ranglari miqdorini hisoblab chiqamiz. Bu yerda piksellar ranglarining o'zgarish diapazoni #000000 dan #FFFFFF gacha o'zgaradi. O'n oltilik sanoq sistemasidagi sonni o'nlikka o'tkassak qora va qoramtir ranglar 7 xonali, oq va oqish ranglar 8 xonali sonlarga aylanadi. Biz qiymati sakkiz xonali songa teng bo'lgan pixellar sonini har bir yacheyka uchun aniqlaymiz va massivga yozib boraveramiz. Albatta yacheykadagi bizga zarur piksellar soni keng bo'lib qolsa, buni hisobga olmaymiz. Natijada bizga zarur kriptomatraslar hosil bo'ladi. Bu jadvalga yuqoridagi kabi belgilarni joylashtirib chiqishimiz mumkin.

Ushbu algoritm asosida yozilgan dastur kodi Embarcadero RAD Studioda quyidagicha bo'lishi mumkin.

Tanlangan rasmni dasturga yuklab rasmni bo'laklarga ajratib, hosil bo'lgan yacheykalarni hajmini aniqlab olamiz. So'ngra piksel rangini 16 likdan 10 likka o'tkazamiz, yuzalar takrorlanmasligi zarur:

```

procedure TForm1.Button1Click(Sender: TObject);
label 55;
var
    c:word;
    i,j,p1,p2,yuza:integer;
    s2,s1,s:string;
    Color: TColor;
    R,G,B: Byte;
    bor:boolean;
begin
    //////////// Arrayni tashkil etish
    Image1.Picture.LoadFromFile(OpenDialog1.FileName);
    Randomize;
    x1:=Image1.Width;
    y1:=Image1.Height;
    55:ran:=RandomRange(1,x1 div 15);
    dis:=x1 div ran;
    arr1:=x1 div dis;
    arr2:=y1 div dis;
    if x1 div dis < 30 then goto 55;
    s2:='X '+IntToStr(x1)+#13+'Y '+IntToStr(y1)+#13+' dis '+IntToStr(dis)+#13+'
arr1 x '+IntToStr(arr1)+#13+' arr2 y '+IntToStr(arr2);
    //////////// Asosiy prodsedura
    a:=1; num:=1;
    
```



```
i:=0;
for i:=1 to arr1 do
begin
  for j:=1 to arr2 do
    begin
      bor:=false;
      yuza:=0;
      for p1:=(i-1)*dis to i*dis do  //// Yuzaning xajmi
      for p2:=(j-1)*dis to j*dis do
        begin

Color:=Image1.Picture.Bitmap.Canvas.Pixels[p1,p2];

s1:=colortostring(image1.Canvas.Pixels[p1,p2]);
s1:=InttoStr(hextostr(s1));
if Length(s1)=8 then
  begin
    bor:=true;
    yuza:=yuza+1;
    end;      //// Yuzaning
xajmi
    end;
if (bor=true) and (takror(yuza) = false) and (yuza <> 256)
then
  begin
    rand[num]:=yuza;
    mainarr[2,num]:=chr(rand[num]);
    StringGrid1.Cells[num,2]:=mainarr[2,num];
    StringGrid1.Cells[num,3]:=IntToStr(rand[num]) ;
    Image1.Canvas.Pen.Color:=clblue;
    Image1.Canvas.Ellipse((i-1)*dis,(j-1)*dis,(i-1)*dis+8,(j-1)*dis+8);
    inc(num);
    if a>=173 then break;


    a:=a+1;
    end;
    end;
    if a>=173 then break;
    ProgressBar1.Position:=ProgressBar1.Position+ trunc(100/arr1) ;
    end;

end;
bizga zarur ikkita funksiya va jadvalni yozamiz.
function HexToStr(s:string):longword;
var
i:integer;
begin
s:='0'+Trim(s);
Result:=0;i:=1;
  for i:=1 to length(s) do
    case s[i] of
```

```
'0'..'9':Result:=Result*16 + ord(s[i])-48;
'A'..'F':Result:=Result*16 + ord(s[i])-55;
'a'..'f':Result:=Result*16 + ord(s[i])-87;
end //case
end;
function takror(yu:integer):boolean;
var i:integer;
b:boolean;
begin
  b:=false;
  for i:=1 to num do
    if (rand[i] = yu) then
      b:=true;
      takror:=b;
    end;
  procedure TForm1.FormShow(Sender: TObject);
  var i:integer;
  begin
    pwc[1]:=' '; pwc[2]:='!'; pwc[3]:='"''; pwc[4]:='#'; pwc[5]:='$'; pwc[6]:='%';
    pwc[7]:='&';
    pwc[8]:=#39; pwc[9]:='('; pwc[10]:=')'; pwc[11]:='*'; pwc[12]:='+';
    pwc[13]:='.'; pwc[14]:='-';
    pwc[15]:=':'; pwc[16]:='/'; pwc[17]:='0'; pwc[18]:='1'; pwc[19]:='2';
    pwc[20]:='3'; pwc[21]:='4';
    ///..... toki 'X' belgilargacha tuziladi.
    pwc[171]:='X'; pwc[172]:='x';
  end;
  Asosiy boshqaruvchi procedure ni yozamiz.
  procedure TForm1.BitBtn2Click(Sender: TObject);
  var t,d,l,i,j:integer;
  begin
    t:=0;
    a:=1;
    while a<173 do
      begin
        ProgressBar1.Position:=0;
        Button1Click(Sender);
        if t<=2 then
          inc(t)
        else
          begin
            ShowMessage ('Bu faylning o`lchamlari kichkina'+#13+' iltimos
            boshqa fayl tanlash yoki generatsiyani boshqattan amalga oshirish '+#13+'TAVSIYA
            etiladi');
            exit;
          end;
        ShowMessage('Harakatlar soni='+IntToStr(t));
        i:=0; j:=0;
        while i<x1 do
          begin
```

```
Image1.Canvas.Pen.Color:=clGreen;  
Image1.Canvas.MoveTo(i,0);  
Image1.Canvas.LineTo(i,y1);  
i:=i+dis  
end;  
while j<y1 do  
begin  
Image1.Canvas.Pen.Color:=clRed;  
Image1.Canvas.MoveTo(0,j);  
Image1.Canvas.LineTo(x1,j);  
j:=j+dis;  
end;  
ProgressBar1.Position:=0;  
end;
```

Dasturning asosiy kodlari shulardan iborat. Dastur loyihasi va natijasi taxminan quyidagicha bo'lishi mumkin.



Dasturning ikkinchi qismiga text yoki MS Word fayllarini shifrlash ikoniyatlarini ham qo'shishimiz mumkin.

Taklif etilayotgan kriptofunksiyaning asosiy imkoniyatlari quyidagicha:

- Dastur algoritmi kam bosqichli va bu dasturning tez ishlashiga yordam beradi.
- Dastur asosida har qanday foydalanuvchi o'zi uchun yangi kriptofunksiya tuzib olishi mumkin, shuning uchun buni har qanday jarayonlar uchun ishlata olamiz Dastur har safar ishga tushganda yoki foydalanuvchining buyrug'iga qarab o'zgaradi.

ADABIYOTLAR

[1] Бабаш А.В., Шанкин Г.П. История криптографии. Часть I. — М.: Гелиос АРВ, 2002. — 240 с.
[2] Баричев С. Г., Гончаров В. В., Серов Р. Е. Основы современной криптографии — 3-е изд. — М.: Диалог-МИФИ, 2011.
[3] Вильям Столлингс. Криптография и защита сетей: принципы и практика. М.: Вильямс, 2001.
[4] Шнайер Б. Прикладная криптография. Протоколы, алгоритмы, исходные тексты на языке Си = Applied Cryptography. Protocols, Algorithms and Source Code in C. — М.: Триумф, 2002. — 816 с.
[5] Гатченко Н.А., Исаев А.С., Яковлев А.Д. Криптографическая защита информации. — СПб : НИУ ИТМО, 2012. — 142 с.

- [6] Millman, Renee. SC Magazine UK. // "New polymorphic malware evades three quarters of AV scanners". 2017
- [7] Turner, Rik. Informa PLC. Ovum. // "Thinking about cyberattacks in generations can help focus enterprise security plans".
- [8] Смарт Н. Криптография = Cryptography: An Introduction / пер. с англ. С.А. Кулешова под ред. С.К. Ландо. — М.: Техносфера, 2005.
- [9] "Cryptology (definition)". Merriam-Webster's Collegiate Dictionary (11th ed.). Merriam-Webster. Retrieved 26 March 2015.
- [10] Stevens, Tim. Politics and Governance. // "Global Cybersecurity: New Directions in Theory and Methods".

ЭЛЕКТРОН ХАРИТАНИ ЯРАТИШНИНГ БОСҚИЧЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

подполковник АБДУЛЛАЕВ Ш.М.

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти
Умумҳарбий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси*

Ушбу мақола электрон хариталарни ишлаб чиқишга бағишланган. Мақолада растер ва векторли электрон хариталарнинг хусусиятлари аниқланди. Тадқиқот натижаларига кўра, электрон хариталарнинг асосий муаммоларини аниқлаш ва ушбу муаммоларга ечимларини топиш таклиф этилади.

Замонавий дунёда турли хил картографик маҳсулотлар электрон ва рақамли хариталар шаклида қўлланилади. Хариталарнинг узлуксиз ва тезкор ривожланиши турли соҳаларда: саноатни, транспорт, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий жараёнлар, ҳарбий соҳаларда тезкор бошқаришни таҳлил қилиш, моддий ва табиий ресурслардан фойдаланишни режалаштириш, минерал-хом ашё ресурсларини излаш ва бошқаларни талаб қилиш билан изоҳланади.

Фаолиятнинг ҳар бир соҳасида электрон хариталар ўз вазифаларини бажарадилар. Миллий иқтисодий тизимларда электрон хариталар миллий иқтисодиёт мажмуасини бутун бошли соҳаларда тезкор бошқаришни, табиий ва табиий ресурслардан фойдаланишни режалаштиришни, ижтимоий жараёнларни таҳлил қилишни, кадастрларни яратиш ва юритишни таъминлашни, ресурслар бошқаруви моделлаштиришни таъминлаши керак.

Автоматлаштирилган бошқарув тизимларида электрон хариталар вазиятни реал вақт режимида баҳолаш ва қарорларни қабул қилиш, вазифаларни белгилаш ва ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш, минтақалар ва ҳудудларнинг географик хусусиятларини ўрганиш, вазиятни баҳолаш, моделлаштирилган тадбирларни амалга ошириш, ерлардаги ўзгаришларни прогнозлашда зарур ҳисобларни амалга ошириш, объектларнинг координаталарини аниқлашни таъминлаши керак. Автоматик навигация тизимларида электрон хариталар ер, ҳаво ва космик навигациясини таъминлаши керак. [1]

Электрон харита - рақамли картографик моделдир; у кўрсатиладиган ёки намоёни қилиш учун тайёрланган махсус контентнинг маълум бир турдаги ва ўлчов харитаси мазмунига мос келадиган анъанавий белгиларнинг махсус тизимида кўрсатилади. Электрон хариталарнинг - векторли ёки растерли харита турлари мавжуд. Растер харитаси оддий қоғоз харитасини сканерлаш орқали олинган рақамли тасвирдир. Растер харитаси иккита хусусиятга эга. Биринчи хусусият, қоидага мувофиқ хаританинг сканер қилингандан сўнг жуда катта ҳажмга эга бўлишидир. Иккинчиси эса, дастурнинг растерли харитаси билан

1-Шўба. Автоматлаштирилган тизимларнинг дастурий ва техник таъминоти

қандай алоқаси борлигини билишдан иборат. Растер харитаси ёрдамида компьютер қуйидаги ҳисобларни амалга ошира олмайди: оптимал ҳаракат йўналишини аниқлаш, ер юзасининг профилини ҳисоблаш ва ҳоказо. Бундан ташқари, катта ҳажмда кам қувватли компьютерларда растер хариталарни кўрсатиш сезиларли даражада секин. Растер хариталарининг камчиликлари бўлган бу хусусиятлар улардан фойдаланишни сезиларли даражада чеклайди, аммо баъзи ҳолатларда уларни ишлаб чиқаришнинг арзонлиги сабабли улардан фойдаланиш оқланади. Вектор хариталар растрли хариталар билан ички тузилишига кўра ҳеч қандай умумий жиҳатга эга эмас. У ўзида хариталар объектлари ҳақидаги бор маълумотларни сақлайдиган (маълумотлар базаси)ни сақлайди.

Ушбу маълумот икки турга бўлинади: объектларнинг геометрик таърифи ва атрибутив таъриф. Атрибутив таъриф ўзида қуйидаги маълумотларни масалан, дарахт баландлиги, йўлнинг кенглиги, дарё оқиш тезлиги, турар-жой номи ва бошқа шу каби маълумотларни ўз ичига олади. Геометрик тавсиф, объектларнинг контурларини белгилайди, уларни қоидага мувофиқ текис синиклар сифатида тахминий бошланғич контур эгрилигига рухсат берилган хатоликка яқин бўлган бузилган текис чизиклар билан белгиланади. Векторли хариталарнинг асосий муаммоси - ишлаб чиқариш харажатларининг катталиги. Векторли хариталарнинг афзаллиги эса, уни автоматик равишда компьютерда қайта ишлаш мумкинлиги ва у турли компьютер дастурларида, шу жумладан авиация соҳасида навигация мақсадларида тарқалиб бораётганлигидадир.


Электрон хариталар яратиш жараёни жуда мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиладиган жараён, у қуйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади:

1) дастлабки картография маълумотларини рақамли шаклга автоматик тарзда ўтказиш;

2) рақамли картографик маълумотларнинг символлашуви ва электрон хариталарнинг автоматлаштирилган тузилиши;

3) электрон хариталар билан ишлаш учун фойдаланувчи маълумотлар базасини бошқариш тизимини ишлаб чиқиш.

Биринчи босқичда электрон картанинг асоси - мавжуд бўлган дастлабки картографик материаллар (аерокосмик тасвирлар, ажратилган асл нусхалар ва хариталарнинг босиб туширилган рангли тиражлари) асосида векторли рақамли харита моделини олиш масаласи ҳал қилинади.



Ушбу муаммо қуйидаги асосий усуллар билан ҳал этилади: 1) объектдаги контурларни кузатиб бориш, семантикани тайёрлаш ва киритиш, рақамли ахборотни тузиш орқали планшетга асл картографик материалларни рақамлаштириш; 2) оригинал картографик материалларни сканерлаш орқали, кейинчалик автоматик ёки интерактив векторлаштириш ва экраннинг растрли тасвирини таниб олиш, керакли семантикани киритиш ва рақамли маълумотларни тизимлаштириш.

Иккинчи босқичда қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

- вектор моделини ифодалаш;
- юк даражасининг электрон харитасини тузиш;
- рамзий электрон карталарни назорат қилиш ва тартибга солиш;
- электрон хаританинг рамзий нусхасини архив графикасини олиш.

Рамзлаштириш жараёнининг моҳияти - ҳар бир объектга тегишли белгининг кодини таснифлаш коди, объектларнинг тавсифлари ва уларнинг шартларига асосланган белгилар кутубхонасидан ажратиш. Юкларнинг электрон хариталарини тузиш жараёнида дастурий ва визуал мониторинг ва ахборотни таҳрир қилиш амалга оширилади, бу асосан объектлар имзосини жойлаштиришга тўғри келади. Электрон хариталар яратиш жараёни энг биринчисидан бошлаб, ҳар бир юк даражасига навбати билан рамзий график нусхани олиш йўли билан тўлдирилади. Электрон хариталар шаклланиши универсал маълумотлар структурасида амалга оширилади, бу вектор маълумотларини кетма-кет ва занжир-тугунлар тақдимотида, растер шаклида, маълумотнома маълумотларда, шунингдек фойдаланувчи маълумотларининг сегментларини шакллантиришга имкон беради. Технология маҳаллий компьютер тармоғида бирлаштирилган автоматлаштирилган иш стантсиялари комплексида амалга оширилади. Электрон карталарнинг барча асосий хусусиятлари ва афзалликлари улардан фойдаланишда намоён бўлади. [2]

Аmmo харитани яратишда бир қатор муаммоларни ҳисобга олиши керак. Ушбу муаммоларнинг энг дастлабкиси картографик материалларнинг эскириши ҳисобланади. Шундай қилиб, мавжуд анъанавий усуллар бўйича электрон хариталарни яратиш хариталарнинг эскиришига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Рақамли хариталашнинг бир қатор муаммолари ишлатилган технологиялар, аппарат, дастурий таъминот ва ахборот билан боғлиқ. Бугунги кунда электрон харитани яратиш технологиялари самарадорлиги деярли дастурий таъминот сифати билан аниқланади. Дастурий таъминот ҳақида гапирганда, уни икки тоифага бўлиш мумкин: импорт ва маҳаллий. Ҳориж дастурий таъминоти маҳаллий таъминотдан қимматроқ; одатда битга иш жойи учун дастурий таъминот қиймати ускунанинг нархидан ошиб кетади. Бундан ташқари, дастурий таъминотнинг маҳаллийлаштирилган турлари етишмаяпти ёки кечиктирилиб пайдо бўлади. Маҳаллий дастурий таъминот янада оқилона нарх билан тавсифланади, лекин унинг функционалиги ишлаб чиқариш талаблари ва эҳтиёжларидан орқада қолмоқда. Рақамли хариталашнинг энг катта муаммоси - топографик ахборотни таснифлаш ва кодлаш бўйича миллий стандартларнинг ва рақамли топографик маълумотлар алмашинуви форматларининг етишмаслигидир. Баъзи масштабларда бир нечта таснифловчи мавжуд бўлиб, маълумотларнинг бир классификатордан бошқасига ўтказилиши ахборотнинг йўқолишига олиб келади. Агар картография ташкилотлари бир-бири билан ўзаро таснифларни алмашадиган бўлса, унда бошқа, айниқса, кичик корхоналар олдида, ижодкорлик учун кенг қўламли йўналишларни очиб беради. Ушбу корхоналарнинг маълум қисми рақамли хариталашни ноқонуний равишда, зарур литцензиялар ва малакали

мутахассисларсиз олиб боради. Рақамли топографик режа ва электрон шаклдаги шубҳали хусусиятларни ишлаб чиқариш ва тақсимлашни чеклаш учун барча ишлаб чиқарувчилар томонидан рақамли топографик маҳсулотларга сифат сертификатини олиш мажбуриятини амалда қўллаш зарур. Турли мавзулар бўйича электрон рақамли хариталар кенг оқимларда йиғилиб, қоғозда яратилган хариталарни алмаштиради. Хариталарни яратиш тажрибаси тўпланиб, уларни тайёрлаш методик усуллари такомиллаштирилмоқда. Электрон хариталар яратиш учун ишлатиладиган дастурий пакетларнинг янги версиялари жадал ривожланмоқда.

АДАБИЁТЛАР

[1]. Буров Н.И. Электрон навигация ва картография. Нашриётчи ОГМА. 1996. 26 бет.

[2]. Ватушченко Л., Лдипевич В., Кошевой А.А., Навигацион хариталарни кўрсатиш учун электрон тизимлар. Нашриётчи ОГМА. 2000. 120 бет.

ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР ҲУДУДИДА УЧУВЧИСИЗ УЧИШ АППАРАТЛАРИНИНГ ТОПОГРАФИК КАРТАЛАРНИ ТЕЗКОР ЎЗГАРТИРИШ ВА ЯНГИЛАШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Идиев Э.И.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, халқ хўжалигининг кўплаб соҳаларида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Шу қаторда топография, картография ва геодезия соҳаларида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бизнинг кўриб чиқадиган ҳозирги мисолимизда шу кунгача маълум бир ҳудудларни йирик масштаби топографик карталарни тезкор ўзгартириш ва янгилашда жойнинг рельеф ва тафсилотларини қоғозда тасвирлашда мензула съёмкаси тахеометрик съёмка орқали амалга оширилган ишлар ёки махсус самолётлар AN-2, IL-14 FKM лар ёрдамида ер юзининг сурати олинган ва топографик карталарни янгилашда қўлланилган. Олдинги амалга оширилган ишлардан фарқли равишда, ҳозирги замонавий учувчисиз учиш аппаратларини қўллаб бу жараён иқтисодий жиҳатдан ва сифат кўрсаткичлари қолаверса иш ҳажмининг бир неча баробар камайишини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳудудларга мос равишда қўллаган ҳолда қуйидаги кўрсаткичларга эришишимиз мумкин.

Ундан олдин аэросурат материалларини ишлаб чиқиш методи ва ҳосил қилинадиган маҳсулот ҳақида қисқача ёзадиган бўлсак булар уч турга бўлинади:

1. Контурли аэросъёмка. Бунда суратга олинган майдон бўйича ўзаро паралел бўлган маршрутлар танланади. Ушбу съёмкада маълум вақт оралиғида аэросуратларни бир-бирини қоплаши, белгиланган қопланиш фоизидан ошмаслиги ҳисобга олинади. Ҳосил бўлган аэросурат фотографик план ҳисобланмайди. Бунга сабаб суратни деформацияси, қия учиш ва жой рельефи ва бошқа омиллар таъсир қилади. Фотоплан ҳосил қилиш учун аэросуратлар бир хил масштабга келтирилади яъни трансформацияланади.


2. Комбинирлашган аэросъёмка. Бунда контурли съёмка ва мензула съёмкаси биргаликда олиб борилади.

3. Стереотопографик съёмка. Ушбу съёмкада бир-бирини қопловчи аэросуратларни камерал ишлаб чиқиш универсал ёки дифференциал усулда бажарилади.

Юқоридаги услублардан келиб чиққан ҳолда биз учувчисиз учиш аппаратларининг суратларни олишдаги қулайлиги ва эришиш мумкин бўлган натижаларига қуйидагиларни мисол келтираемиз.

Учувчисиз учиш аппаратларининг парвоз вақтидаги умумий қоидалари:


1. Парвоз вақтида ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги керак.



1-расм.


2. Аппарат юқори тўсиқларга яқин масофадан учмаслиги керак. Суратга олиш майдонидан узоқлашиб кетишдан ва қўниш жойлари ўртасидаги ер баландлиги фарқларини билиш, қўниш вақтида имкон қадар шамолга йўналтириш зарур. Шу тартибда учиш аппаратларининг тўсиққа урилиш хавфини юқотиш ва олдини олиш мумкин. Шамол пайтида ёки шамол туриши ва тезлиги изчил бўлган ҳудудларда суратга олишни бажариш иш сифатига салбий таъсир кўрсатади.

3. Дастлабки кўтарилиш бурчаги 20° - 30° оралиғида бўлганда аппаратни юқорига кўтарилишини тўғри йўналтириш мумкин.




2-расм.

4. Аппаратнинг парвозидан олдин бизга керакли бўлган майдоннинг чегарасини белгилаб олишимиз ва аппарат хотирасига жойлашимиз лозим.




3-расм.

5. Аппарат белгиланган контур чегараси бўйлаб, жойнинг суратини қуйидаги тартибда олади.




4-расм.

6. Аппарат учиб вақтида жой рельефини ҳам хотирасида сақлаб суратларга боғлиқ ҳолда хотирасида сақлайди. Сунъий йулдош билан парвоз вақтини кўзата туриб, рельеф куйидагича тасвирланаётганини кўриш мумкин.



5-расм.

7. Парвоз тугаши билан $U \times 5$ аппарати автоматик равишда кўниш тартибини бошлайди. Кўрсатилган баландликдан бошланган кетма-кетликда 300 метр масофада учуш нуқтасидан пасаяди, аппарат 75 метр радиусда айланма ҳаракатда ерга яқинлашади.



6-расм.

Олинган суратларни махсус компьютер дастурлари орқали қайта ишлаб, керакли ҳудуд топографик карталарини тезкор ўзгартириш ва янгилаш, натижада мазмуни жиҳатдан жой тавсилотларига тўла мос тушадиган топографик карталарни ҳосил қилишимиз мумкин бўлади.

Биз бу ишлардан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, жойнинг топографик карталарини тезкор ўзгартириш ва янгилашда ушбу услуб, шу пайтгача фойдаланиб келинган услубдан яъни самолётлардан олинган суръатлардан қолишмаслиги, ишни бажаришда вақтнинг кам сарфланиши, иш кучининг камлиги, тасвирнинг тиниқлиги ва аниқлиги каби энг асосий параметрлар талаб даражасида эканлигидан учувчисиз учуш аппаратларининг топографик карталарни тезкор ўзгартириш ва янгилашда энг қулай восита деб ҳисоблашимиз мумкин.

АДАБИЁТЛАР

[1] Акбаров М.С., Мухитдинов Д.К. "Фотограмметрия ва суратларни дешифровкаш" фанидан ўқув қўлланма. Тошкент, ТИМИ, 2008.

GAT-TEKNOLOGIYALARIDAN FOYDALANIB ELEKTRON RAQAMLI TOPOGRAFIK XARITALARDA AMALIY TOPSHIRIQLAR BAJARISHDA «PANORAMA» DASTURINING O'RNI VA AHAMIYATI

IDIYEV E.I.

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va aloqa harbiy instituti

Zamonaviy sharoitlarda, geografik makon ma'lumotlarining ahamiyati qo'shinlardan samarali foydalanishda sezilarli darajada oshmoqda va joyning raqamli ma'lumotlarini tuzish, o'lchash va hisoblash ishlari tobora zarur bo'lib bormoqda.

Geografik axborot tizimi (GAT) – bu kompyuter jihozlari, muhim dastur va geografik ma'lumotlarning joyga aloqador hamma turdagi ma'lumotlarni yig'ish, qayta ishlash, modellashtirish, tahlil qilish va tasvirlash uchun mo'ljallangan to'plamidir.

Harbiy ahamiyatdagi geoaxborot tizimga qo'yilgan asosiy talablar qo'shinlarni boshqarish organlarida va qurollarni o'rganish vaziyatida tahlil qilish va baholash, operatsiyalarni rejalashtirish, nishonlarni ko'rsatish va uchish vazifalarini tayyorlash jarayonida qo'llash uchun qulay ko'rinishdagi katta hajmdagi turli ko'rinishdagi koordinata-vaqt ma'lumotlarini qayta tuzish, o'zgartirish va ko'rsatishdan iboratdir. Bunday ma'lumotlarning aniqlovchi ko'rinishi Elektron raqamli topografik xaritalar hisoblanadi. GATda xaritalarga maxsus joy ajratilgan. GATda xarita tuzish jarayoni qo'l bilan, yoki avtomatik kartografiyaning an'anaviy usullariga nisbatan juda oson va qulay. U ma'lumotlar bazasini tuzish bilan boshlanadi. Boshlang'ich ma'lumotlar manbasi sifatida oddiy qog'ozdagi xaritaning raqamlangan ko'rinishidan foydalansa bo'ladi. GATga asoslangan kartografik ma'lumotlar bazasi uzluksiz (aloxida varaqlar va hududlarga bo'linmagan) va muayyan masshtabga bog'liq bo'lmagan bo'lishi mumkin. Bu ko'rinishdagi ma'lumotlar bazasi asosida istalgan hudud uchun, istalgan masshtabda kerakli vazifani yuklash, zarur shartli belgilar bilan ajratish va tasvirlash (elektron ko'rinishda, yoki qog'ozda) mumkin. Ma'lumotlar bazasi istalgan vaqtda yangi ma'lumotlar bilan to'ldirilishi (masalan: boshqa ma'lumotlar bazasidan olib), unda mavjud ma'lumotlar esa, zarur bo'lganda tuzatilishi mumkin.

Elektron raqamli topografik haritalardan – qo'shinlarni boshqarish tizimida qo'shinlarni boshqarish hujjatlarini ishlab chiqish, yig'inlar tashkil etilishining safarbarlik rejalarini tuzish, vaziyatning tezkor ma'lumotlarini aks ettirish uchun, shuningdek, jangni tashkil qilish va olib borishda joyning taktik xususiyatlari ta'sirini (o'tish sharoiti, orientirlanish, kuzatish, qo'shinlar himoyasi va maskirovkasi) baxolash, vositalarni jangovar qo'llashda hisoblarni bajarish, nishonlarni ko'rsatish va taqsimlash, jangovar harakatlar modelini ishlab chiqish bo'yicha vazifalarni yechishda axborot ta'minotining asosi sifatida foydalaniladi.

Biz quyida elektron raqamli topografik xaritalarda amaliy topshiriqlar bajarishni (o'lchash va hisoblash ishlarini) ko'rib chiqamiz.

Masofalarni o'lchash. Masofani o'lchash qo'yidagi tartibda bajariladi “Zadachi” “Rascheti po karte” “Dlina i rasstoyanie”




Ushbu ishorani belgilagandan keyin qo'yidagi asboblardan to'plamini paydo bo'ladi:

Siniq chiziqning uzunligini aniqlash.



Bu ishora operator tomonidan chizilgan siniq chiziqning uzunligini aniqlash uchun imkonini beradi. Siniq chiziqni chizish sichqonning chap tugmasini bosib burilish nuqtalarini tanlash orqali bajariladi. Ikkita ketma-ket tanlangan nuqta to'g'ri chiziq orqali tutashtiriladi. Bu ishorani marshrut bo'yicha harakatlanish masalalarini ishlashda

qo‘llash mumkin. Yo‘nalishlar to‘g‘risidagi ma'lumotlarni ishchi oyna pastida joylashgan ma'lumotlar qatorida ko‘rish mumkin.



“Backspace” tugmasini bosish so‘nggi tanlangan nuqtaning o‘chirilishiga olib keladi. Buriilish nuqtalarini tanlash jarayonida kartadagi mavjud obyektlardan (yoki ularning ma'lum bir qismlaridan) foydalanish mumkin.

Obyektning uzunligini aniqlash.



Bu ishora yordamida chiziqli va maydonli obyektlarda mavjud chiziq uzunligi aniqlanadi. Obyekt tanlanganidan keyin natijalar oynasida uning uzunligi (yoki perimetri) ifoda qilinadi.

Qismning uzunligini aniqlash.



Bu ishora bilan chiziqli va maydonli obyektlardagi mavjud chiziq bir qismining uzunligi ustida ishlanadi. Obyektni tanlagandan keyin uning qismi, maydonli obyektni uchta nuqtasidan, chiziqli obyektni ikkita nuqtasidan belgilab aniqlanadi. Uchinchi nuqta tanlanganidan keyin o‘lchanayotgan qism yaltiraydi va ma'lumotlar oynasida uning uzunligi aks etadi.

Nuqtadan ob'ektgacha bo‘lgan masofani aniqlash.



Bu ishora yordamida berilgan nuqtadan tanlangan obyektgacha bo‘lgan masofa aniqlanadi. Obyekt tanlanganidan keyin kartadagi istalgan nuqtani sichqonning chap tugmasini bosish orqali belgilash kerak.

Obyektlar orasidagi masofani aniqlash.




Bu ishora istalgan ikki obyekt orasidagi eng qisqa masofani aniqlaydi va natijani ma'lumotlar qatorida aks etdiradi. Ishning boshlanishida asosiy obyekt tanlanadi. So‘ngra tanlov yo‘li bilan ulargacha bo‘lgan eng qisqa masofani aniqlash zarur bo‘lgan ikkinchi obyekt tanlanadi.

Chiziq uzunligini relefni hisobga olib aniqlash.



Bu ishora yordamida istalgan ikki nuqta orasidagi masofa relefni hisobga olib aniqlanadi hamda oynada relefning kesimi (gorizontal, qiya va relef bo‘yicha) ko‘rsatiladi.



Chiziqni tuzish ikki nuqtani sichqonning chap tugmasini bosib tanlash orqali bajariladi. Natija chizma tarzida aks etadi. Balandliklar matritsasidagi chiziq bo‘ylab kesim hamda boshlang‘ich va yakuniy nuqtalarni qiyalikni inobatga olgan holda tutashtiruvchi chiziq tuziladi. Chiziqning qiymatlari oynaning chap tomonida aks etadi. Bu vazifada boshlang‘ich va yakuniy nuqtalardagi kuzatuv (joylashuv) balandligini o‘zgartirish imkoniyati mavjud bo‘lib, buning uchun oynadagi “*Otnositelnaya visota*” (nisbiy balandlik) qatoriga tegishli qiymatni kiritish zarur.

Maydonlarni aniqlash.

Maydonlarni aniqlash “*Zadachi*” – “*Rascheti po karte*” ishoralari yordamida bajariladi.

Ko‘pburchakning maydonini aniqlash.




Bu ishora yordamida operator tomonidan tuzilgan ko‘pburchakning maydoni aniqlanadi. Ko‘pburchakni chizish uning burilish nuqtalarini sichqonning chap tugmasini bosib belgilash orqali bajariladi. Ikki ketma-ket belgilangan nuqta to‘g‘ri chiziq bilan tutashtiriladi. Ko‘pburchak doim yopiq bo‘ladi. Boshlangan jarayonni bekor qilish va chizilgan ko‘pburchakni o‘chirish uchun CTRL va sichqonning o‘ng tugmasini birgalikda bosish kerak.

Obyektning maydonini aniqlash.



Ushbu ishora yordamida faqat maydonli obyektlar maydoni aniqlanadi.

Obyekt tanlanganidan keyin uning maydoni natijalar oynasida obyekt ichidagi kichik obyektlarni inobatga olmagan holda aniqlanadi (ya'ni asosiy obyekt tegishli bo‘lmagan obyektlarning maydoni ham birgalikda hisoblanadi).



Oqava xandaqning aniqlangan maydoni 183088 m².


Ixtiyoriy chiziq bo‘yicha kesim (*profil*) tuzish.



Bu ishora yordamida berilgan chiziq (marshrut, siniq chiziq) bo‘ylab balandliklar matritsasidan foydalangan holda yer yuzasi kesimi tuziladi. Marshrut sichqonning chap tugmasini bosish orqali burilish nuqtalarini belgilash yo‘li bilan ko‘rsatiladi va chap tugmaning ketma-ket bosilishi (yoki o‘ng va chap tugmalarning birgalikda bosilishi) orqali tugallanadi. Natija paydo bo‘lgan oynada chizma ko‘rinishida aks etdiriladi; undagi vertikal o‘q mutlaq balandlikni metrlarda qayd qilib boradi, gorizontal chiziq esa, marshrut uzunligini metrlarda qayd qilib boradi.

Sichqon yordamida marshrut bo‘ylab harakatlanish mobaynida “Visota” va “Rasstoyanie” xonalarida balandlikning qiymati marshrutning boshlang‘ich, yakuniy va joriy nuqtalariga tegishli ravishda, shuningdek marshrutning boshlang‘ich nuqtasidan joriy nuqtasiga qadar bo‘lgan masofa aks etdirib boriladi. “Uroven” oynasida kesimdagi joriy nuqtaga to‘g‘ri keluvchi yer yuzasidan marshrutning boshlang‘ich va yakuniy nuqtalarini tutashtiruvchi to‘g‘ri chiziqqacha bo‘lgan masofa aks etdirib boriladi.

Mazkur ishorada boshlang‘ich, yakuniy va joriy nuqtalarni aniq bir balandlikka ko‘tarish, yoki tushirish imkoniyati mavjud. Buning uchun zaruriy qiymatlarni “Previsheniye” qatoridagi muvofiq xonaga kiritish zarur. Kesimning tasvirini sichqon yordamida oynaning o‘lchamlarini o‘zgartirish orqali (katalashtirish yoki kichraytirish) ixtiyoriy masshtabga keltirish mumkin.



Ixtiyoriy chiziq bo‘ylab kesim tuzish.

“Parametrlar postroeniya” deya nomlanuvchi ishoraga o‘tib kesimning va boshlang‘ich, yakuniy, hamda joriy nuqtalarni tutashtiruvchi chiziqning tasvirlanish rangini o‘rnatish; yordamchi chiziqlarni xalaqit bermasligi maqsadida ko‘rinmas holatga keltirish; kesim to‘rining gorizontal, yoki vertikal oralig‘ini belgilash mumkin. Gorizontal oraliqni tanlashda “Ves profil”ni belgilasa kesimning tasviri oynaga to‘la aks etadi.

GAT «PANORAMA» dasturining imkoniyatlaridan foydalangan xolda yaratilgan elektron raqamli topografik xaritalarda yuqoridagi o‘lchash va hisoblash ishlarini bajarish mumkin bo‘ladi.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, Qurolli Kuchlarimizda o‘lchash va xisoblashlarning aniqligini, ishonchliligini va joylarni o‘lchash uchun sarflanadigan vaqt va xarajatlarni kamaytirish maqsadida GAT «PANORAMA» dasturi imkoniyatlaridan foydalanish maqsadga muvofiq bo‘ladi. Yuqorida biz GAT «PANORAMA» dasturining imkoniyatlaridan harbiy sohada qanday foydalanish mumkinligini qisqacha ko‘rib chiqdik, bundan tashqari dasturni boshqa ko‘plab sohalarda qo‘llash va yuqori samaraga erishish mumkin.

ADABIYOTLAR

[1] Ismatov B.K. «PANORAMA» geografik axborotlar tizimi, o‘quv qo‘llanma, Qurolli Kuchlar Akademiyasi, Toshkent– 2017 yil

ПЕРЕДАЧА ДАННЫХ МЕЖДУ ПОЛЬЗОВАТЕЛЯМИ С ПОМОЩЬЮ МОДЕМОВ ЧЕРЕЗ АТС ЛИНИЙ

подполковник СОЛИЕВ А.Б., майор НИШАНОВ И.И.

Военный институт информационно-коммуникационных технологий и связи

В данной статье представляется оптимизация эксплуатации автоматических телефонных станций по передачи данных с использованием унифицированных модемов.

В имеющихся телефонных сетях каждое оконечное устройство подключается через телефонную линию (телефонную пару, представляющую собой два медных провода) к абонентскому комплекту, установленному на автоматической телефонной станции (АТС). Известно, что индивидуальные абонентские линии используются для разговоров незначительное время (около 0,4-0,7 часов в сутки), а стоимость абонентской телефонной сети составляет 45-65% от стоимости линейных сооружений, начиная уже с 2000 года через линии АТС добавляются дополнительные возможности, кроме голосовых вызовов. Таким образом, 55-60% пропускной способности телефонных линий оказывается неиспользуемой. Кроме того, при использовании для передачи данных коммутируемых телефонных линий их пропускная способность ограничена значением 33600-56000 бит/с. Прокладка же выделенных линий связи между провайдерами и пользователями стоит дорого. Таким образом, повышение эффективности использования коммутируемых телефонных линий для передачи данных в компьютерных сетях способствует развитию информационных технологий.

Модем считается частью системы электронных коммуникаций. Это устройство позволяет включиться в единый мир телекоммуникаций с разных имеющихся сигналов и просто жизненно необходимой при использовании мир информационных потоков, электронных баз данных, электронной почты, электронных справочников, электронных досок объявлений и многого другого. Возможности получения и обмена информацией с помощью модемов уже сегодня трудно переоценить, а то, что ждет нас завтра, мы не можем себе даже вообразить.

Основной задачей модема является преобразование исходной цифровой информации в вид, пригодный для передачи по каналу связи, и обратное преобразование на приеме. Вид модуляции и метод построения модема в значительной степени определяют скорость передачи данных и эффективность использования канала связи.

За достижения в скорости передачи данных приходится расплачиваться усложнением процесса соединения: чем выше скорость модема, тем больше время подключения (таблица).

Стандарт соединения	Максимальная скорость передачи, бит/с	Среднее время соединения, с
V.22 F.C	1200	0,5
V.22	1200	3,0
V.22bis	2400	5,0
V.32bis	14400	7,8
V.34	28800	10,7
V.90	56000	25-27
V.92	48000	12,5-13,5
V.110	64000	12,7-13,2

Если во время каждой транзакции передается небольшой объем данных, то хорошая система передачи может быть создана с использованием «медленного» стандарта.

В научной статье «Компоненты и технологии» рассматривается, что при передаче данных с килобитной секундой, применение медленного модема позволит установить соединение и передать данные прежде, чем высокоскоростной модем установит соединение. Примеров передачи небольших объемов информации достаточно: кассовые аппараты, системы сигнализации, дистанционное считывание информации с датчиков и т. д. Как пример рассмотрим передачу 100 байт. Модем со скоростью передачи 1200 байт/с установит соединение и передаст 100 байт менее чем за 4 секунды, то есть на 22 секунды быстрее, чем установит соединение модем V.90. Использование модема, поддерживающего оптимизированный протокол соединения, позволит передать данные за 1 секунду. Модемы 73K222 или 73M2901 фирмы TDK SemiconductorCorp. устанавливают соединение за 0,5 секунды (на 25 секунд быстрее, чем «быстрый» модем V.90). Таким образом, экономится время, которое стоит денег. Вопрос о том, надо ли платить дополнительные деньги за то, что не нужно и никогда не будет использоваться, отпадает сам по себе[1].

Институтом радиоэлектроники, сервиса и диагностики г. Омска рассмотрены новые методы модуляции и демодуляции сигнала, реализованные на уровне изобретения в структуре модема. Теоретически исследована статистическим моделированием подтверждена помехоустойчивость модема при работе в канале без помех.

Новый метод модуляции, в котором все параметры сигнала «спрятаны» за оператор математического ожидания, в результате чего получаем функцию

$$\theta(V_m) = m_1 \{ \exp(jV_m u(t)) \} \quad (1)$$

известную в математике, физике, статистической радиотехнике. Математик А. Ляпунов предложил эту функцию и опубликовал её описание в 1901 году [3]. В литературе ее называют характеристической функцией. Применяя формулу Л. Эйлера, запишем [4]

$$\theta(V_m) = m_1 \{ \cos[V_m u(t)] \} + j m_1 \{ \sin[V_m u(t)] \} = A(V_m) + jB(V_m) \quad (2)$$

где $A(V_m)$, $B(V_m)$ — действительная и мнимая части характеристической функции; V_m — параметр характеристической функции. Характеристическая функция (х.ф.) является вероятностной характеристикой сигнала, например, квазидетерминированного колебания

$$u(t) = U_0 \sin(\omega t + \varphi) \quad (3)$$

1976 йилда Уитфилд Диффи ва Мартин Хеллман лар томонидан чоп этилган “Криптографияда янги йўналиш” деб номланган мақола криптографик тизимлар ҳақидаги тасаввурларни ўзгартириб юборди, очiq калитли криптография пайдо бўлишига замин яратди. Бу мақолани ўрганиб чиққан Massachusetts технологиялар институти олимлари Ronald Rivest, Adi Shamir ва Leonard Adleman 1977 йилда RSA алгоритмини яратдилар.

RSA номи алгоритми яратувчилари фамилияларининг биринчи харфларидан (Rivest, Shamir, Adleman) олинган. Алгоритм модул арифметикасининг даражага кўтариш амалидан фойдаланишга асосланган. 1977 йил август ойида **Scientific American** журналида RSA криптоанизимини ёритиб беришди.

1989 йилдан бошлаб RSA алгоритми Интернетда фойдаланила бошланди. 1990 йилдан бошлаб АҚШ мудофаа вазирлиги фойдалана бошлади. 1993 йилда PKCSI стандартининг 1.5 версиясида RSA алгоритмини шифрлаш ва электрон имзо яратишда қўллаш келтирилди. Бу стандартнинг охириги версиялари RFC стандартида келтирилган (RFC 2313-1.5, 1993 йил; RFC 2437-2.0, 1998 йил; RFC 3447-2.1, 2002 йил).

Бугунги кунда RSA тизимидан дастурий таъминотларни хавфсизлигини таъминлашда, электрон рақамли имзо схемаларида ва кўпгина стандартлаштиришларда кенг фойдаланилади.

Алгоритмни қуйидаги қадамлар кетма-кетлиги кўринишида ифодалаш мумкин:

- 1) Иккита катта туб сон p ва q танланади;
- 2) Калитнинг очiq ташкил этувчиси n ҳосил қилинади: $n = p \cdot q$;
- 3) Қуйидаги формула бўйича k (Эйлер функцияси қиймати)

ҳисобланади:

$$k = (p-1)(q-1);$$

- 4) k қиймати билан ўзаро туб бўлган катта туб сон e танлаб олинади,

$$EKUB(k, e)=1;$$

- 5) Қуйидаги шартни қаноатлантирувчи d сони аниқланади:

$$d = e^{-1} \text{ mod } k .$$

Яъни, e нинг k модул бўйича тескариси. Бу шартга биноан e d кўпайтманинг k қийматга бўлишдан қолган қолдиқ 1 га тенг. e сони очик калитнинг иккинчи ташкил этувчиси сифатида қабул қилинади. Ёпиқ калит сифатида d сони ишлатилади.

6) Дастлабки ахборот унинг физик табиатидан қатъий назар рақамли иккилик кўринишда ифодаланади. Битлар кетма-кетлиги L бит узунликдаги блокларга ажратилади, бу ерда блок сифатида $L < \log_2 (n+1)$ шартини қаноатлантирувчи энг катта бутун сонни олиш тавсия этилади. Ҳар бир блок $[0, n-1]$ оралиққа тааллуқли бутун мусбат сон каби кўрилади. Шундай қилиб, дастлабки ахборот M_i ($i = 1, N$) сонларнинг кетма-кетлиги орқали ифодаланади. N нинг қиймати шифрланувчи кетма-кетликнинг узунлиги орқали аниқланади.

7) Шифрланган ахборот куйидаги формула бўйича аниқланувчи C_i сонларнинг кетма-кетлиги кўринишида олинади:

$$C_i = M_i^e \bmod n$$

8) Ахборотни очишда калитлардан фойдаланилган ҳолда куйидаги муносабатдан фойдаланилади:

$$M_i = C_i^d \bmod n .$$

Энди Delphi дастурлаш тили ёрдамида юқорида берилган алгоритмдан фойдаланиб, дастур иловасини яратамиз.

Бу ерда ишлатилаётган ҳар бир турлар, компонентлар, процедура ва функциялар, ҳамда ўзгарувчиларнинг ўзига ҳос хусусият ва ҳоссалари мавжуд.

Масалан, глобал ўзгарувчиларни оладиган бўлсак, уларнинг қай биридир санаш учун ишлатилса, бошқа бири ҳисоб-китоб учун, қай бири массив яратиш имконини берса, бошқа бири матн яратиш имконини беради ва ҳаказо.

Энди биз шу алгоритмни дастурлашни қандай амалга оширганимизни кўриб чиқамиз. Бунда шифрланадиган матнни киритиб, SHIFRLASH тугмачасини босганимизда дастур коднинг куйидаги қисми ишга тушади:

```
procedure TForm1.Button7Click(Sender: TObject); begin Edit14.Clear;
// a1 векторга шифрланувчи матннинг ASCII кодини юклаш
for i:=1 to length(Edit7.Text) do a1[i]:=ord(Edit7.text[i]);
// p, q, e сонларини қийматларини мос ўзгарувчиларга юклаш, ва n, r
сонларини ҳисоблаш
p:=StrToInt(Edit8.Text); q:=StrToInt(Edit9.Text); e:=StrToInt(Edit10.Text);
n:=p*q; Edit13.Text:=IntToStr(n); r:=(p-1)*(q-1); Edit12.Text:=IntToStr(r);
// ва ниҳоят a2 векторга a1 нинг қийматини мос формула ёрдамида
шифрлаш ва юклаш
for i:=1 to length(Edit7.Text) do
begin pp:=1;
// ҳар бир a1 нинг қийматини e даражага ошириш ва n бўйича модулини
олиш
for j:=1 to e do pp:=pp * a1[i] mod n;
// натижани a2 векторда сақлаш
a2[i]:= pp mod n; end; end;
```

Эътибор берадиган бўлсак, бу алгоритмда $C_i = M_i^e \bmod n$ формула бўйича биз M_i ни e - даражага ошириб, кейин уни n бўйича модулини олимиз лозим эди. Аммо, агар M_i нинг қиймати ҳам, e нинг қиймати ҳам каттароқ сон бўлса, M_i ни e - даражага оширишда, бизда дастурлаш тилининг энг катта қийматлар соҳасига эга турида аниқланган ўзгарувчининг ҳам хотираси етмаслиги мумкин. Бу муаммони биз бу ерда M_i ни қадамма-қадам, яъни 1-даражага, 2-даражага ва

e – даражагача оширамиз. Ва ҳар кадамда даражага оширганимизда уни n бўйича модулини оламиз ва ҳосил бўлган қийматга яна M_i ни кўпайтириб даражага ошириш амалини бажарамиз.

Шу тариқа, киритилган матн биринчи, ASCII кодига ўтказилади ва бу қиймат a_1 векторга юкланади. Сўнгра, мос формула ёрдамида бу қийматлар шифрланади ва бундан ҳосил бўлган натижа a_2 векторда сақланади, ҳамда керакли майдонга чоп қилинади.

Дешифрлаш жараёнида ҳам худди шу сингари берилган қийматлар бўйича зарур қийматлар ҳисобланиб топилади, улар тегишли формула ёрдамида қайта ишланиб шифр очилади, ҳамда керакли майдонга чоп қилинади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бу ишда ахборотларни ҳимоялаш усулларининг носимметрик туридан бирининг криптоалгоритми ўрганилган. Бу ўрганилган алгоритм RSA алгоритми бўлиб, унинг дастурий иловаси яратилган.

Буларни ўрганиш натижасида ахборотни ҳимоялаш усулларини дастурлаш тўғрисида, яъни уларнинг фарқлари, ютуқлари ва камчиликлари ўрганилган. Шулардан келиб чиқиб, носимметрик алгоритмлар нисбаттан анча мураккаб кўринишга эга эканлиги, ва бу ахборотларни яхшироқ ҳимоялашда жуда қўл келиши мумкинлигини кўрамиз. Бундан ташқари, алгоритмнинг ҳам ўзига хослиги ўрганилган.

Бу алгоритмларнинг дастурий таъминотини яратилиши ўзига хослиги билан ажралиб туради. Умуман олганда, ҳозирда амалиётда кўплаб криптоалгоритмларнинг дастурлари яратилган. Улар бир биридан дастурий оптималлиги, дизайн кўриниши ва фойдаланувчига қулайлиги билан фарқ қилади. биз яратган дастур криптоалгоритмларни янги ўрганувчи дастурчилар учун тушунарли бўлиши, умуман, криптоалгоритмларни қандай дастурлаш мумкинлигини, унинг сифатларини қандай ошириш лозимлиги ва фойдаланувчи талабларни қандай тўла таъминлаш мумкинлигини ҳақидаги кўникмаларни ҳосил қилишда хизмат қилади. Шунингдек, бу кўникмалар асосида янги дастурлар яратиш учун ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР

[1] O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida. O‘zbekiston Respublikasi prezidentining PF-4947- son farmoni. Toshkent 2017- yil,7- fevral.

[2] Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va oilyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. Toshkent: “O‘zbekiston”, 2017.

[3] Акбаров Д.Е. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг криптографик усуллари ва уларнинг қўлланилиши – Тошкент, 2008 – 394 бет.

[4] Акбаров Д.Е., Хасанов П.Ф., Хасанов Х.П., Ахмедова О.П. Криптографиянинг математик асослари – Тошкент, 2010 – 210 бет.

[5] Rivest R.L., Shamir A., Adleman L.A. Method of Obtaining Digital Signature and Public-Key Crypto System // ACM, V.21, №2, 1978. – Pp. 120-126.

[6] Коробейников А.Г., Гатчин Ю.А. Математические основы криптологии. Учебное пособие. Санкт-Петербург-2004.

[7] Бабаш А.В., Шанкин Г.П. История криптографии. Часть I. – Москва: Лори Гелиос АРВ, 2002. – 240 с.

[8] Delphi Language Guide. Borland Software Corporation 100 Enterprise Way Scotts Valley, California, 95066-3249, www.borland.com.

[9] Культин Н. Основы программирования в Delphi 2010. Самоучитель. ISBN: 9785977505192, БХВ СПб, 2010. – 448 с.

AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TIZIMLARIDA AXBOROT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHNING KRIPTOGRAFIK TAHLILI

podpolkovnik TASHTAYEV Z.D., kursant BOBOYEV N.T.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти

Insoniyatning axborotga, uni olish, foydalanish va tarqatishga bo'lgan ehtiyoji mitsiz sur'atlarda ortib bormoqda. Ma'lumki, axborotga nisbatan talab qanchalik kuchaysa, uni tarqatuvchilar ham mos ravishda ko'payishadi. Xo'sh, tarqatilayotgan axborotlar uni talab qilayotgan shaxslarning manfaatlariga mos kelayaptimi? Shaxs, jamiyat, davlatning axborot xavfsizligiga tahdidlar bo'lsa, uni oldini olish, undan muhofazalanish mumkinmi? Bu kabi savollar globallashuv jarayoni sharoitida eng muhim masalalardan biriga aylanib bormoqda. Ularni to'g'ri hal etish uchun esa axborot xavfsizligi tushunchasini anglab olish va axborot xavfsizligini har tomonlama ta'minlash, xususan, huquqiy ta'minlash yo'llarini izlash lozim. Xususan axborotni kriptografik himoyalanihi, axborot xavfsizligini ta'minlashning eng muhim qismlaridan biri hisoblanadi [1].


Axborot xavfsizligini oddiy qilib aytganda tushuntiradigan bo'lsak, bu axborot munosabatlari subyektlarining manfaatlarini muhofazasi deyish mumkin.

Tahdid – xavfsizlikni muayyan ravishda buzishga qaratilgan harakat. U oshkora yoki yashirin bo'lishi mumkin. Axborot-kommunikatsion tizimlarida axborot xavfsizligini ta'minlashda avvalo tarmoq administratori (tegishli dasturiy apparati) tarmoqdagi zaif joylarni aniqlamog'i, ehtimoliy hujumlarga qarshi kurashish chora tadbirlarini ishlab chiqish, tahdid turlarini o'rganib chiqish va unga qarshi kurashish chora tadbirlarini ko'rib chiqmog'i lozim.

Tarmoq texnologiyalari rivojining boshlang'ich bosqichida viruslar va kompyuter hujumlarining boshqa turlari ta'siridagi zarar kam edi, chunki u davrda dunyo iqtisodining axborot texnologiyalariga bog'liqligi katta emas edi. Hozirda, hujumlar sonining doimo o'sishi hamda biznesning axborotdan foydalanish va almashishning elektron vositalariga bog'liqligi sharoitida mashina vaqtning yo'qolishiga olib keluvchi hatto ozgina hujumdan kelgan zarar juda katta raqamlar orqali hisoblanadi. Misol tariqasida keltirish mumkinki, faqat 2003 yilning birinchi choragida dunyo miqyosidagi yo'qotishlar 2002 yildagi barcha yo'qotishlar yig'indisining 50% ini tashkil etgan, yoki bo'lmasa 2006 yilning o'zida Rossiya Federatsiyasida 14 mingdan ortiq kompyuter jinoyatchiligi holatlari qayd etilgan.

Hozirda tashqi kommunikatsiya orqali ruxsatsiz foydalanishga atayin qilingan urinishlar bo'lishi mumkin bo'lgan barcha buzilishlarning 10% ini tashkil etadi. Bu kattalik anchagina bo'lib tuyulmasa ham, internetda ishlash tajribasi ko'rsatadiki, qariyb har bir Internet-server kuniga bir necha marta suqilib kirish urinishlariga duchor bo'lar ekan. Xavf-xatarlar tahlil qilinganida tashkilot korporativ yoki lokal tarmog'i kompyuterlarining hujumlarga qarshi turishi yoki bo'lmaganida axborot xavfsizligi buzilishi faktlarini qayd etish uchun yetarlicha himoyalanganligini hisobga olish zarur. Masalan, axborot tizimlarini himoyalash Agentligining (AQSH) testlari ko'rsatadiki, 88% kompyuterlar axborot xavfsizligi nuqtai nazaridan nozik joylarga egaki, ular ruxsatsiz foydalanish uchun faol ishlatishlari mumkin.

Axborot kommunikatsiya tizimlarining xavfsizligini ta'minlashning ilk bosqichi hisoblangan kriptografik usullarini tahlil qilib ko'raylik. Avvalambor kriptografiya qanday kriptotizimlardan tashkil topganligi haqida tanishib chiqsak:



1- rasm. Zamonaviy kriptografiya strukturaviy sxemasi;

Kriptotizimlarga qo‘yilgan talablar

Ma’lumotlarni kriptografik akslantirish jarayoni dasturiy va apparatli amalga oshirilishi mumkin. Apparatli ta’minot qimmat, ammo u sarmahsullik, oddiylilik, himoyalanganlik kabi afzalliklarga ega. Dasturiy ta’minot foydalanishga qulayligi uchun ko‘proq amaliy hisoblanadi [2].

Amalga oshirish usullariga bog‘liq bo‘lmagan holda axborotni himoyalashning zamonaviy kriptografik tizimlariga quyidagi umumiy talablar qo‘yiladi:

- shifrlash algoritmini bilish shifratn kriptoturg‘unililigini tushirib yubormasligi lozim. Barcha kriptotizimlar bu talabga javob berishi kerak;
- shifrlangan xabarning biror qismi va unga mos ochiq matn asosida kalitni aniqlash uchun zarur bo‘lgan amallar soni mumkin bo‘lgan umumiy kalitlarga sarflanadigan amallar sonidan kam bo‘lmasligi kerak;
- shifrlangan matndan ochiq matnni hosil qilish uchun mumkin bo‘lgan kalitlar to‘plamini to‘la ko‘rib chiqish amallari soni qat’iy past ko‘rsatkichga ega bo‘lishi va zamonaviy kompyuterlar imkoniyatlari chegarasidan chiqib ketishi kerak;
- shifrlash algoritmini bilish himoyaga ta’sir qilmasligi kerak;
- kalitdagi yoki boshlang‘ich ochiq matndagi kichik o‘zgarishlar shifrlangan matnni tubdan o‘zgartirib yuborishi kerak;
- shifrlash algoritmining tarkibiy elementlari o‘zgarmas bo‘lishi lozim;
- shifrlash jarayonida qo‘shilgan qo‘shimcha bitlar shifratnda bir butunligini saqlashi va yetarlicha yashirilgan bo‘lishi talab etiladi;
- shifratn uzunligi ochiq matn uzunligiga teng bo‘lishi kerak;
- shifrlash jarayonida ketma-ket qo‘llaniladigan kalitlar o‘rtasida o‘zaro oddiy va oson bog‘liqlik bo‘lmasligi kerak;
- mumkin bo‘lgan kalitlar to‘plamidagi ixtiyoriy kalit, shifratnning kriptoturg‘unililigini ta’minlashi kerak;
- algoritm ham dasturiy, ham apparatli realizatsiyaga qulay, va kalit uzunligining o‘zgarishi, shifrlash algoritmining sifatini pasaytirmasligi kerak.

Har qanday kriptografik tizim kriptografik kalitlardan foydalanishga asoslangan. Kalit axboroti deganda axborot tarmoqlari va tizimlarida ishlatiluvchi barcha kalitlar

majmui tushuniladi. Agar kalit axborotlarining yetarlicha ishonchli boshqarilishi ta'minlanmasa, niyati buzuq odam unga ega bo'lib olib tarmoq va tizimdagi barcha axborotdan hohlaganicha foydalanishi mumkin. Kalitlarni boshqarish kalitlarni generatsiyalash, saqlash va taqsimlash kabi vazifalarni bajaradi. Kalitlarni taqsimlash kalitlarni boshqarish jarayonidagi eng ma'suliyatli jarayon hisoblanadi. Simmetrik kriptotizimdan foydalanilganda axborot almashinuvida ishtirok etuvchi ikkala tomon avval maxfiy sessiya kaliti, ya'ni almashinuv jarayonida uzatiladigan barcha xabarlarini shifrlash kaliti bo'yicha kelishishlari lozim. Bu kalitni boshqa barcha bilmasligi va uni vaqti-vaqti bilan jo'natuvchi va qabul qiluvchida bir vaqtda almashtirib turish lozim. Sessiya kaliti bo'yicha kelishish jarayonini kalitlarni almashtirish yoki taqsimlash deb ham yuritiladi. Asimmetrik kriptotizimda ikkita kalit-ochiq va yopiq (maxfiy) kalit ishlatiladi. Ochiq kalitni oshkor etish mumkin, yopiq kalitni yashi-rish lozim. Xabar almashinuvida faqat ochiq kalitni uning haqiqiyligini ta'minlagan holda jo'natish lozim. Kalitlarni taqsimlashga quyidagi talablar qo'yiladi:

- taqsimlashning operativligi va aniqligi;
- taqsimlanuvchi kalitlarning konfidentsialligi va yaxlitligi. Kompyuter tarmoqlaridan foydalanuvchilar o'rtasida kalitlarni taqsimlashning quyidagi asosiy usullaridan foydalaniladi.

1. Kalitlarni taqsimlovchi bitta yoki bir nechta markazlardan foydalanish.

2. Tarmoq foydalanuvchilari o'rtasida kalitlarni to'g'ridan-to'g'ri almashish.

Birinchi usulning muammosi shundaki, kalitlarni taqsimlash markaziga kimga, qaysi kalitlar taqsimlanganligi ma'lum. Bu esa tarmoq bo'yicha uzatilayotgan barcha xabarlarini o'qishga imkon beradi. Bo'lishi mumkin bo'lgan suiiste'mollar tarmoq xavfsizligining jiddiy buzilishiga olib kelishi mumkin.

Axborotni xavfsizligini ta'minlovchi kriptotizim kriptoturg'unlilik sinflarini ko'rib o'tamiz:

Absolyut kriptoturg'un algoritmlar

Absolyut kriptoturg'un algoritmlar – agarda kriptotalgoritm ruxsat etilmagan foydalanuvchi (buzg'unchi) tomonidan, ko'plab hisob mashinalar (kompyuterlar)ning deshifrlashga urinishiga qaramasdan, shifrlangan ma'lumotni buzg'unchi tomonidan deshifrlashni na amaliy, na nazariy isbotlana olinmasligi tushuniladi. Bunda:

- Generatsiyalangan kalit umuman takrorlanmaydi;
- Statistik jihatdan ishonchli kalitlar qo'llaniladi;
- Kalit uzunligi shifrlanadigan ma'lumot uzunligiga teng yoki uzun bo'ladi;

Ushbu kriptobordash algoritmlarning ajoyib xususiyatlari shundagi, tizimni analiz qilish, kriptotalitkni hisoblovchi mashinalari (kompyuterlarni) soniga qaramaydi. Tizimni amaliy qo'llashni shartlarini esa chegaralanmaydi.

Yetarli kriptoturg'un algoritmlar

Kriptoturg'unlilik darajasi ma'lum shartlar bajarilgandagina amalga oshirilganda, kriptotalitkni nechta hamda qay darajadagi kuchli hisoblovchi mashinalari(kompyuterlari) borligi bilan baholanadigan algoritmlar hisoblanadi.

Ushbu algoritmlarning kriptoturg'unliliqi haqida so'z ketganda avvalo kalitlarning generatsiyasi murakkbligni tashkil etish shartlari hamda algoritmning murakkablik darachasi ko'rib chiqiladi. Shuningdek:

- Hisoblovchi qurilmalarning kuchi hisobga olinadi (soni hamda sekunda nechta amal bajara olish qobiliyati);
- Algoritmning murakkab hamda zaif tomonlarining hisoblovchi qurilmalarga kriptotalil o'tkazishida qiynchilik tug'dirish qobiliyati hisobga olinadi.

Ushbu kriptoturg'un algoritmlarning kriptotahlili turli taktlarda turlicha bo'ladi. Aniq tahlil esa qachonki deshifrlash jarayonini aniq matematik ifodalar bilan isbotlanadi.

AES kriptoaigoritmi

AES kriptoaigoritmi asosida "Rijndael" shifrlash algoritmi yotadi. Bu algoritm noan'anaviy blokli shifr bo'lib, kodlanuvchi ma'lumotlarning har bir bloki qabul qilingan blok uzunligiga qarab 4x4, 4x6 yoki 4x8 o'lchamdagi baytlarning ikki o'lchamli massivlari ko'rinishiga ega. Shifrdagi barcha o'zgartirishlar qat'iy matematik asosga ega. Amallarning strukturasi va ketma-ketligi algoritmning ham 8-bitli, ham 32-bitli mikroprosessorlarda samarali bajarilishiga imkon beradi. Algoritm strukturasi ba'zi amallarning parallel ishlanishi ishchi stansiyalarida shifrlash tezligining 4 marta oshishiga olib keladi. Dastlab DESni almashtirish uchun 1997 yil 2 yanvarda e'lon berildi. Bu tanlovda quyidagicha shartlar qo'yildi. Yaratilayotgan algoritm blokli shifrlashni qo'llab quvvatlashi, kamida har bir blok 128 bit o'lchamda bo'lishi, har bir raundda foydalaniladigan kalitlar uzunligi esa 128, 192 yoki 256 bit bo'lishi shart qilib qo'yildi. Bir so'z bilan aytganda yaratilayotgan algoritm kamida DESda foydalanilgan Triple DES algoritmidan kriptoturg'unligi yuqori bo'lishi ko'zda tutilgandi.

Kriptoturg'unlik-bu algoritmgaga qo'yiladigan eng birinchi baho sanaladi. Bu ko'rsatkich unda ishtirok etgan matematik funksiyalar, amallar qiyinchilik darajasi bilan baholanadi. Algoritm bahosi - bu ikkinchi zarur ketegorya bo'lib, unda asosan kriptoaigoritmni dastur va aparat ko'rinishida ketadigan sarf-xarajatlar, va uni tizimlardan talab etadigan resurslari miqdori bilan belgilanadi. Algoritm xarakteristikasi va uning amalga oshirish-bu kategoriyada uni aparatli va dasturli ko'rinishda ishlatiladigan bitlar soni, kalitlar uzunligi, kalitlarni generatsiyaga bardoshlilik kabi xarakteristikalar bilan belgilanadi. AES standartiga dastabki nomzod etib quyidagi 15 ta kriptoaigoritm qo'yildi. Bular o'rtasida 1998 yil 20 avgustda birinchi konferensiya bo'lib o'tdi. Bu konferensiya quyidagi algoritmlarqatnashdi. Bu algoritmlarning faqat dastur ko'rinishlari foydalanildi (1 - jadval)

Davlat	Algoritm	Algoritm mualliflari
Avstraliya	LOKI97	Lawrie Brown. Josef Pieprzyk. Jennifer Seberry
Belgiya	RIJNDAE	Joan Daemen, Vincent Rijmen
Buyuk Britaniya. Isroil. Norvegiya	SERPENT	Ross Anderson, Eli Biham. Lars Knudsen
Germaniya	MAGENT	Deutsche Telekom AG
Kanada	CAST-256	Entrust Technologies. Inc.
		DEAL Outerbridge, Knudsen
Koreya	CRYPTON	Future Systems. Inc.
Kosta-rika	TROG	TecApro Internacional S.A.
	HPC	Rich Schroepfel
	MARS	IBM
AQSH	RC6	RSA Laboratories
		SAFER+ Cylink Corporation
	TWOFISH	Bruce Schneier. John Kelsey. Doug Whiting. David Wagner. Chris Hall, Niels Ferguson
Fransiya	DFC	Centre National pour la Recherche Scientifique
Yaponiya	E2	Nippon Telegraph and Telephone Corporation (NTT)

2-rasm. 1998 - yil 20 - avgust AQSHda bo'lib o'tgan konferensiyada qatnashgan 15 ta kriptoaigoritm tahlili.

Ushbu o`n besh kriptotalgoritm bo`yicha eng kriptoturg`unalgoritm deb Belgiya davlati a`zolari yaratgan RIJNDAEL algoritmi topildi. 1999 yilning mart oyilarida AES algoritmi analizi bo`yicha ikkinchi konferensiya bo`lib o`tdi va bu konferensiyada kuchli 5 kriptotalgoritm nomzod etib qo`yildi. Bular quyidagilar edi: MARS, RC6, Rijndael, Serpent va Twofish. Bo`lib o`tgan konferensiyada ham RIJNDAEL o`zining kriptoturg`unligini yuqori ekanligini namoyish etdi. Bunda yuqoridagi algoritmlarning VHDL aparatli ko`rinishi namoyish etildi. Bu konferensiyaning 13-14 aprel 2000 yilda AESning yakuniy qismi bo`lib otdi va buning natijasi o`laroq RIJNDAEL yutub chiqdi va 2001 yilgacha standart yakunlanib u AQSH standarti sifatida qabul qilindi. Quyidagi 2- jadvalda AES kriptotalgoritmlash standartida ishlatiladigan Rijndael shifrlash algoritmining aparatli holda yuqoridagi 5 ta algoritm bilan taqqoslanishi berilgan[3].

Bizga ma`lumki AES standarti DES standarti o`zini oqlay olmaganligi tufayli yaratilgan edi. Bu standart hozirda Amerika qo`shma shtatlaring “Standartlar va Texnologiyalar Milliy Universiteti (NIST)” qabul qilinib, standart sifatida foydalanilayapti. Undan tashqari unda foydalanilgan Rijndael blokli shifrlash algoritmi ham alohida kriptoturg`unligi yuqori va yuqori darajadagi

	Kriptotalgoritmlar	Serpent	Twofish	MARS	RC6	Rijndael
1	Kriptoturg`unligi	+	+	+	+	+
2	Kriptoturg'unlik zaxirasi	+	+	+	+	+
3	Dastur ko`rinishidagi shifrlash tezligi	-	±	±	+	+
4	Dastumi amalga oshirishda kengaytirilgan kalit tezligi	±	-	±	±	+
5	Katta miqdordagi resurslar bilan	+	+	-	±	+
6	Chegaralangan miqdordagi resurslar	±	+	-	±	+
7	Aparatli amalga oshirish (PLIS)	+	+	-	±	+
8	Aparatli amalga oshirish(Maxsus miqdordalarda)	+	±	-	-	+
9	Foydalanilayotgan va qudratini yoqotgandagi himoyasi	+	±	-	-	+
10	Kengaytirilgan kalitlar prodsedurasida qudratni	±	±	±	±	-
11	Smart-kartalarda qudratni yoqotgandagi himoya	±	+	-	±	+
12	Kengaytirilgan kalitlardan	+	+	±	±	±
13	Mavjud variantlarni amalga oshirish	+	+	±	±	+
14	Paralell hisoblashlarning mavjudligi	±	±	±	±	±

3-rasm. 2001 –yildagi konferensiya yakuni bo`yicha 5 algoritmnining kriptotahlili himoyaga ega. Bundan tashqari bu shifrlash algoritmdan ma`lumotlarni shifrlab uzatish uchun ham qo`llaniladi.

Shu bilan birga kriptotalgoritmlar shifrlash va deshifrlashda ma`lumotlar bilan ishlash tezligiga ham bog`liq bo`ladi. Shu o`rinda biz misol tariqasida AES kriptotalgoritmini ba`zi bir algoritmlar bilan tezliklari farqini ko`rib chiqamiz. Bunda biz shifrlash dasturlaridan foydalanamiz.

Algorithm	Encryption	Decryption	Mean
AES	64.8 MB/s	66.3 MB/s	65.5 MB/s
Twofish	57.6 MB/s	60.7 MB/s	59.2 MB/s
AES-Twofish	30.9 MB/s	31.8 MB/s	31.4 MB/s
Serpent	30.0 MB/s	31.1 MB/s	30.5 MB/s
Serpent-AES	20.8 MB/s	21.2 MB/s	21.0 MB/s
Twofish-Serpent	19.8 MB/s	20.6 MB/s	20.2 MB/s
Serpent-Twofish-AES	15.3 MB/s	15.7 MB/s	15.5 MB/s
AES-Twofish-Serpent	15.3 MB/s	15.7 MB/s	15.5 MB/s

Bunda biz TrueCrypt shifrlash dasturidan foydalandik. Unda 50 MB hajmda axborotlar ishlashdagi tezliklar keltirilgan. Bundan ko`rinib turibdiki AES boshqa kriptotalgoritmlarga qaraganda o`zining tezligi bilan ajralib turibdi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, axborot xavfsizlikini ta`minlashda iloji boricha maksimal xavfsizlikni ta`minlovchi, axborot xavfsizligi parametrlariga mos, zamon talabiga javob bera oladigan kriptotalgoritmni qo`llagan ma`qul. Chunki bugungi kunda abonentlar orasidagi kommunikatsiyani ta`minlovchi komponentlar, xususan kommutatorlar, swichlar hamda serverlarga tahdid ostida qolmoqda. Ushbu holatga qarshi kurashishni ilk bosqichi esa aynan axborotni kriptografik himoyasida yotadi. Albatta axborotning xavfsizligini ta`minlashning texnik chora tadbirlarini qo`llash so`ngra shifralgoritmdan foydalanishda noodatiy kalitdan foydalanish kerak. Yuqoridagi tahlildan ko`rinib turibdiki AES shifrlash algoritmi bugungi kunda butun jahonda keng foydalanadigan, shifrlash va deshifrlash tezligi bo`yicha birinchi o`rinda turadigan, kriptoturg`unlik bo`yicha ko`plab jahon kriptotalgoritmlar bo`yicha ilg`or o`rinni egallovchi shifrlash algoritmi hisoblanar ekan. Foydalanuvchi ushbu kriptotalgoritmni ham telekommunikatsiya tarmoqlarida ham m`lumot tashuvchi vositalarda axborot xavfsizligini ta`minlashda qo`llashi maqsadga muvofiq bo`ladi.

ADABIYOTLAR

- [1]. G`aniev S.K., Karimov M.M., Toshev K.A. «Axborot xavfsizligi. Axborot - kommunikatsion tizimlari xavfsizligi», «Aloqachi» 2008 yil
- [2]. Анин Б. "О шифровании и дешифровании. Конфидент, 1997.
- [3]. Смарт Н. Криптография = Cryptography: An Introduction / пер.с англ. С.А. Кулешова под ред.С.К. Ландо. — М. : Техносфера, 2005. — 528 с.

МЕТОДЫ ВЫДЕЛЕНИЯ КРИПТОСТОЙКОСТЬ ХЕШ ФУНКЦИЙ

лейтенант ЮСУПОВ Б.К., курсант УМУРОВ М.Н.

Военный институт информационно-коммуникационных технологий и связи

В данной статье обсуждается, как принудительно установить пароль для нарушения безопасности и как исправить уязвимости. Пароли безопасности охватывают три традиционных типа атак и алгоритмы их анализа.

Разработка офисного программного обеспечения и увеличение количества электронных документов вызывают проблемы с безопасностью файлов, созданных в офисных программах. Основным способом аутентификации является использование пароля, который используется для защиты от несанкционированного доступа, который является основным методом защиты при перемещении электронных файлов. Тем не менее, различные типы уязвимостей безопасности были разработаны и внедрены на практике, показывая, что существуют уязвимости в защите файлов [1,3].

Хеш файл.

Хеш файла (Хеш-сумма файла) - это уникальный идентификатор файла, который при помощи специального программного обеспечения высчитывается компьютером путем определенных математических преобразований информации, содержащейся в нем.

Файлы с одинаковыми Хешами всегда являются точными копиями друг друга, даже если у них разные имена и (или) расширения [2,3].

Изменение содержания файла автоматически влечет за собой изменение его Хеша.

Существует несколько общепринятых алгоритмов (стандартов) расчета Хеша. Наиболее часто используются алгоритмы:

- SHA-1;
- MD5;
- CRC.

Хеши, рассчитанные по разным алгоритмам, будут отличаться. Например, так выглядят разные Хеши одного и того же файла [3,4]:

- CRC: 02888A09;
- MD5: 00EF4D6ADBC7ED3A1368122DDE85B2DB;
- SHA-1: F777CE63EDC87B77BF3B2C0945DFEB9AA63E9B4C.

Как узнать Хеш файла.

Для расчета Хеша используют специальные программы. Одной из самых популярных среди них является бесплатная программа Hash Tab. Она добавляет соответствующие функции в меню свойств файлов.

Порядок использования:

- установить программу Hash Tab;
- щелкнуть правой кнопкой мышки по файлу и в появившемся контекстном меню выбрать пункт «Свойства»;
- в открывшемся окне перейти на вкладку «Хеш-суммы файлов» и подождать, пока компьютер рассчитает и отобразит Хеши файла.

На этой же вкладке есть ссылка с названием "Настройки", нажав на которую можно выбрать алгоритмы, по которым программа Hash Tab будет рассчитывать Хеши [4,5].

RC32 - (Cyclic redundancy code) Циклический избыточный код. используется в работе программ архиваторов.

MD5 - используется не только для проверки целостности данных, но и позволяет получить довольно надежный идентификатор файла. Последний часто используется при поиске одинаковых файлов на компьютере, чтобы не сравнивать все содержимое, а сравнить только Хеш.

SHA-1 - используется для проверки целостности загружаемых данных программой BitTorrent [2,6].

Разница заключается в длине, которую они генерируют:

- `crc32 ()` дает 32-битный код;
- `sha-1 ()` дает 128-битный код;
- `md5 ()` дает 160-битный код.

Каждый из них реализует другую криптографическую Хеш-функцию, и каждая Хеш-функция генерирует Хеш-значение другого размера. Основное различие между тремя функциями, которые вы показали здесь, состоит в том, что **sha1** и **md5** на самом деле предназначены для криптографической защиты. **crc32** (`crc` означает циклическую проверку избыточности) функция не является крипто функцией и предназначена для генерации Хеша, который будет использоваться для проверки целостности файла (в основном для определения того, был ли он поврежден во время загрузки) [7,8].

Просто обратите внимание: не используйте **md5** или **sha1** для любой реальной работы криптографии (например, Хеширование паролей). Они оба ужасно разбиты (просто спросите Evernote или любую другую компанию, сжигаемую при использовании этого старого алгоритма). Вместо этого используйте функцию `php crypt ()` и используйте SHA-256 или SHA-512 (лучше 256) или blowfish. И всегда солей ваши Хеши.

crc32 () не предназначен для использования в криптографических целях. Его цель состоит в том, что он создает Хеш очень быстро, поэтому вы хотите использовать его, когда это ваша главная задача – вы хотите получить полезный Хеш сразу. По этой причине он используется в сетевом оборудовании.

md5 () и **sha1 ()** являются криптографическим Хешированием, то есть они намереваются иметь очень приятные свойства, например, очень сложно найти сообщение, которое создает определенный Хеш, только для Хеш-значения. Однако **sha1** более безопасен и более современен, чем **md5**. Фактически, использование **md5** следует считать устаревшим, если вы заботитесь о безопасности [8,11].




Рис. 2. Схема работы алгоритма MD5




Рис. 3. Схема работы алгоритма CRC




Рис. 3. Схема работы алгоритма SHA-1

Основное различие между md5 и sha1 заключается в том, что пример столкновения sha1 еще не найден. Т.е. если вы используете md5 для двух разных

2-Шўъба. Ахборот муҳофазасини таъминлашнинг асосий муаммоларини криптографик ечимлари
входов, можно получить тот же Хеш; с sha1 это не так. Помимо этого, они реализуют разные алгоритмы, но, например, не подходят для хранения паролей, несмотря на то, что они обычно используются для этого [12,13].




Рис.1. Контекстной меню выбранный пункт «Свойства» в программе Hash Tab

Таким образом, функция Хеширования может использоваться для обнаружения изменений сообщения, т.е. может служить для формирования криптографической контрольной суммы (также называемой кодом обнаружения изменений или кодом аутентификации сообщения). В этом качестве Хеш-функция используется для контроля целостности сообщения при формировании и проверке ЭЦП (Электронная цифровая подпись). crc32 для шифрования использование для быстрого Хеширования, оно не так безопасно, как sha1 или md5.

ЛИТЕРАТУРА

- [1] Кнут Д., Искусство программирования, т.3. М.: Вильямс, 2014.
- [2] Peterson W.W., Addressing for Random-Access Storage // IBM Journal of Research and Development, 1957. V.1, N2. P.130--146.
- [3] Иванов А.Г., Карпова А.В., Семик В.П., Филинов Ю.Е. Объектно-ориентированная среда программирования. Системы и средства информатики. Вып.2. М.: Наука, 2011.
- [4] Иванова Г.С., Ничушкина Т.Н., Пугачев Е. «Объектно-ориентированное программирование: Учебник для вузов Изд. 2-е», М: МГТУ им. Н.Э.Баумана
- [5] Фаронов В.В. Delphi 2015. Язык, среда, разработка приложений. - СПб.: Питер, 2015 г.
- [6] Вирт Н. Алгоритмы и структуры данных. - Изд. Невский Диалект, 2001 г.
- [7] http://www.optim.ru/cs/2000/4/bintree_hm/hash.asp
- [8] Чмора А., Современная прикладная криптография., М.: Гелиос АРВ, 2001.
- [9] Кормен Т., Лейзерсон Ч., Ривест Р., Алгоритмы: построение и анализ, М.: МЦНМО, 2011
- [10] Вирт Н., Алгоритмы + структуры данных = программы, М.: Мир, 1995.
- [11] Керниган Б., Пайк Р., Практика программирования, СПб.: Невский диалект, 2013.

БИОМЕТРИК КРИПТОТИЗИМЛАРНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Ш.М.РАЙИМОВ

*Мудофаа вазирлиги Қуролли кучлар Медиа Маркази
Веб студия бўлим бошлиғи*

Ахборотнинг криптографик ҳимояси ҳозирги кунда долзарб усуллардан ҳисобланади ва ахборотнинг конфиденциаллигини, яхлитлигини, аутентификациясини таъминлашда ва рад этишдан ҳимоялашда фойдаланилади. Криптографик ҳимоя усуллари ўзининг бардошлиги ва ишончлиги билан бошқа ҳимоя усулларида ажралиб туради.

Криптография соҳаси симметрик шифрлаш тизимлари, очиқ калитли шифрлаш тизимлари, электрон рақамли имзо тизимлари ва криптографик калитларни бошқариш тизимларида ташкил топган. Симметрик ва очиқ калитли шифрлаш алгоритмлари маълумотни конфиденциаллигини таъминлашда, электрон рақамли имзо тизимлари ахборот яхлитлигини, аутентификациясини таъминлашда ва рад этишдан ҳимоялашда қўлланилади.

Криптографик калитларни бошқариш тизимлари қолган барча тизимлар учун асос ҳисобланиб, уларнинг бардошлиги ва ишончлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. *Кирхгоф принципи*га биноан криптографик тизимнинг бардошлиги фақат калит ноъмалум бўлган ҳолда аниқланади.

Криптографик калитларни бошқариш тизимида криптографик калитларни генерациялаш жараёни муҳим ҳисобланади. Криптографик алгоритмларда фойдаланилган калитлар сифатида одатда, пароллардан ва токенларда сақланган калитлардан фойдаланилади. Паролларни калит сифатида фойдаланишда унинг тасодикийлик даражаси қаршилик қилади. Бундан ташқари паролларни инсон хотирасида сақланиши қийин. Токенларни унутилиши ва йўқотилиши жиддий муаммоларга сабаб бўлади.

Ҳозирда юқорида келтирилган муаммоларни олдини олишда турли ёндашувлардан фойдаланилмоқда. Биометрик хусусиятларнинг инсондан ажралмаслиги ва унда унутилиш хавфи мавжуд эмаслиги улардан криптографик калит сифатида фойдаланишга имкон беради.


Биометрик параметрларни криптография соҳасида қўлланилиши янги, *биометрик криптография* соҳасини яратилишига асос бўлди. Ҳозирда бу соҳада куйидаги ёндашувлар кенг фойдаланилмоқда:

- криптографик калитни озод этиш (*key release*);
- криптографик калитни яшириш (*key binding*);
- криптографик калитни генерациялаш (*key generation*).

Криптографик калитни озод этиш. Бу ёндашув оддий биометрик аутентификация усулига асосланади. Бирор биометрик аутентификациялаш усулидан муваффақиятли ўтган фойдаланувчи калитлар сақланадиган маълумотлар базасидан ўз калитини бошқариш ҳуқуқини қўлга киритади. Бошқача айтганда калит ва биометрик параметр бир - бирига алоқадор эмас. Бунда фойдаланилган аутентификациялаш усулида ёлғондан тасдиқлаш кўрсаткичини (*False acceptance rate*) ногла яқинлаштириш тавсия этилади. Бу усулнинг асосий камчилиги - биометрик параметр ва калитнинг бир - бирига боғланмаганлиги ва биометрик параметрнинг хавфсизлиги таъминланмаганлиги.

Криптографик калитни яшириш. Бу ёндашувга асосан криптографик калит ва биометрик параметр асосида ягона катталиқ (*helper data*) ҳосил


қилинади. Бу катталikka мос фойдаланувчи биометрик параметрини аралаштирмасдан калитни ажратиш жуда қийин (назарий томондан иложи йўқ деб ҳисобланади). Бу жараёнда мавжуд хатоликларни тузатиш учун *хатоликларни тузатиш кодларидан* кенг фойдаланилади. Бу усулга асосан тасодифий сонлар генератори орқали ҳосил қилинган калитнинг бирор хатоликни тузатиш кодидаги фойдали қолдиғи ҳисобланади. Калит ва унинг фойдали қолдиғи биометрик параметр билан XOR амалида қўшилади ва натижа ягона катталик сифатида калитнинг хэш қиймати билан базада сақланади. Мос фойдаланувчи биометрик параметри киритилганда, уни ягона қиймат билан XOR амалида қўшилганда маълум хатолик билан калит қайта ҳосил бўлади. Мавжуд хатолик даражаси тузатилса ва ундан олинган хэш қиймат базадаги хэш қиймат билан тенг бўлса, калит тўғри деб топилади (1 - расм).



1 - расм. Калитни яшириш

Бу усулда кенг фойдаланилаётган схемалар: *fuzzy commitment* ва *fuzzy vault* лар бўлиб, улар хавфсизлик нуқтаи назаридан ягона қийматни махфий сақлашни, мос хатоликларни тузатиш кодларини танлашни талаб этади. Бу усулнинг афзаллиги фойдаланилган калитнинг тасодифийлигини ва уни янгилашни амалга ошириш имконияти.

Криптографик калитни генерациялаш. Бу ёндашувга кўра ягона қиймат (*helper data*) фақат биометрик параметрдан ҳосил қилинади. Криптографик калит бевосита ягона қиймат ва киритилган биометрик намунадан ҳосил қилинади (2 - расм). Бу турдаги ёндашувда *fuzzy extractor* ёки *secure sketches* схемалари кенг ишлатилади.



2 - расм. Криптографик калитни генерациялаш

Бунда ҳеч бир керакли ахборот базада сақланмайди. Бу усулнинг асосий камчиларларидан бири - биометрик параметрга калит учун етарли муҳим ахборотнинг мавжуд эмаслиги. Яъни, бармоқ изи ёки юз тасвири учун шахслар ўртасида фарқ қилувчи хусусиятларнинг ўлчами етарлича узунликда эмас (масалан, 128 битли калитни ҳосил қилиш мураккаб).

Юқоридаги барча ёндашувларнинг қиёсий таҳлили 1 - жадвалда келтирилган.

1 - жадвал

Биометрик криптолизимларнинг қиёсий таҳлили

Биометрик криптолизим тури	Афзаллиги	Камчилиги
Криптографик калитни озод этиш	Калитни алмаштириш, фойдаланиш қулай	Биометрик ва калит бир - биридан мустасно, аутентификациядаги муаммолар
Криптографик калитни яшириш	Калитни янгилаш, калит бардошлиги	Муайян хатони тузатиш коди зарур ва ягона қиймат махфий сақланиши шарт
Криптографик калитни ҳосил қилиш	Калит биометриқдан бевосита ҳосил қилинади	Калит энтропияси кам, калитни янгилаш мураккаб

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, калитларни алмаштириш зарурияти мавжуд бўлган ва бардошли криптографик калит талаб этилган соҳаларда криптографик калитларни яшириш усуллари самарали ҳисобланади ва уларда юқори энтропияга эга биометриқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ADABIYOTLAR

- [1]. G'aniev S.K., Karimov M.M., Toshev K.A. «Axborot xavfsizligi. Axborot - kommunikatsion tizimlari xavfsizligi», «Aloqachi» 2008 yil
- [2]. Анин Б. "О шифровании и дешифровании. Конфидент, 1997.
- [3]. Смарт Н. Криптография = Cryptography: An Introduction / пер.с англ. С.А. Кулешова под ред.С.К. Ландо. — М. : Техносфера, 2005. — 528 с.
- [4] Кнут Д., Искусство программирования, т.3. М.: Вильямс, 2014.
- [5] Peterson W.W., Addressing for Random-Access Storage // IBM Journal of Research and Development, 1957. V.1, N2. P.130--146.
- [6] Вирт Н. Алгоритмы и структуры данных. - Изд. Невский Диалект, 2001 г.
- [7] Козин А.Н. «Структуры и алгоритмы обработки данных» ТИСБИ, 2003
- Morris R., Scatter Storage Techniques // Communications of the ACM, 1968. V.11, N1. P.38--44.
- [8] http://www.optim.ru/cs/2000/4/bintree_htm/hash.asp
- [9] Чмора А., Современная прикладная криптография., М.: Гелиос АРВ, 2001.
- [10] Кормен Т., Лейзерсон Ч., Ривест Р., Алгоритмы: построение и анализ, М.: МЦНМО, 2011
- [11] Вирт Н., Алгоритмы + структуры данных = программы, М.: Мир, 1995.


ТАРМОҚЛАРАРО ЭКРАННИНГ ТАРТИБЛИ ЗАНЖИРЛАРИДА ҚОИДАЛАР УЧУН ЗИДДИЯТЛАРНИ КАМАЙТИРИШ УСУЛЛАРИ

лейтенант ЮСУПОВ Б.К.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти

Ушбу мақолада тармоқлараро экраннинг тартибли занжирларида қоидалар учун зиддиятларни камайтириш усуллари ва жараёни амалга оширишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш масалалари кўриб чиқилган.

Технологияларнинг ривожланиши корхона ва ташкилотларда тармоқ технологияларидан кенг фойдаланиш, тармоқ ресурслари ҳимояси билан боғлиқ янги кўринишдаги хавфсизлик муаммоларини юзага келаётганлигини кўрсатмоқда. Компьютер тармоқлари ҳимоясини бирламчи ташкил этувчиси восита сифатида тармоқлараро экранга асосланган хавфсизлик тизимидан кенг ва самарали фойдаланилмоқда [1].



1- расм. Тармоқлараро экран асосида ҳимояланган ташкилот компьютер тармоғининг умумий кўриниши

Шу сабабли тармоқлараро экран асосида тармоқ трафигини филтрлаш жараёнида фойдаланиладиган махсус филтрлаш қоидалари қуришни ва қўллашни тўғри ташкил этиш, тармоқ трафиги билан боғлиқ хавфсизлик муаммоларини минималлаштиришда энг ишончли ечимларидан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Филтрлаш қоидаларини созлашдаги хатоликлар – бу қоидаларни самарасизлигига, қоидаларнинг зиддиятига ва тармоқлараро экранлар

заифликларига олиб келувчи филтрлаш қоидаларини қуриш ва лойиҳалашдаги хатоликлардан иборатдир. Бу хатоликлар тармоқлараро экранларни филтрлаш қоидалари билан боғлиқ заифликларни юзага келишига ҳамда тармоқ трафиғи хавфсизлиги билан боғлиқ жиддий муаммоларни борлигини кўрсатиб бермоқда. Тармоқлараро экран асосида ҳимояланган ташкилот компьютер тармоғини ташкил этиш жараёни 1-расмда келтирилган [2].

Битта тармоқлараро экранда қоидалар рўйхати учун характерли бўлган барча уч тоифадаги зиддият пакетларни кузатиш йўлидаги занжирда турли тармоқлараро экранлар орасида учраши ҳам мумкин. Мисол учун, 1-жадвалдаги 1-қоида 1- расмда кўрсатилган F4 тармоқлараро экрани учун, 3-қоида эса F5 тармоқлараро экрани учун ўрнатилиши мумкин. Натижада биз йўлда 3-қоида сояланишига эришамиз (F, A, C, D, G). Бу қоидалар шуни кўрсатадики тармоқлараро экранда созланган қоидалар бошқа қоидалар соясида қолиб тармоқ трафиғини назоратлашда кутилган натижа ўрнига бошқа, яъни тескари натижани юзага келишига сабаб бўлишини кўришимиз мумкин [3-5].

1- жадвал

Ip-tables тармоқлараро экранида созланган қоидаларини бошқа қоидалар соясида қолиши

№	Тоифа	Протокол	Манба	Манба порти	Борадиган порти	Борадиган манзил порти
1	Deny	TCP	10.10.1.0/24	Any	10.1.0.0/24	Any
2	Accept	TCP	10.10.0.0/26	Any	10.1.0.0/24	Any
3	Accept	TCP	10.10.1.0/24	Any	10.1.0.5/32	Any
4	Accept	TCP	10.10.2.0/24	Any	10.1.0.8/32	Any
5	Accept	TCP	10.10.3.0/24	Any	10.2.0.0/25	Any
6	Accept	TCP	10.10.3.0/24	Any	10.2.128.0/25	80
7	Deny	Any	Any	Any	Any	80

Тармоқлараро экран параллел занжирларидаги қоидалар учун зиддиятлар

Филтрларнинг кесишувчи занжирларидаги зиддиятлар битта йўл бўйича пакетлар учун тармоқда ҳаракатланиш кутилганда аслида бошқа манзилга қайта манзилланганда амалга ошади. Агарда бундай йўллар турли хавфсизлик созланмаларига эга бўлса, янги йўл пакетларнинг жорий йўл учун рухсатни чеклаш сиёсатига тўғри келмайдиган бошқа пакетлар тўпламини тақиқлайди ва рухсат беради. Бундай зиддиятга мисол бўлиб 1- расмда кўрсатилган (F, A, C, D, G) ва (F, A, B, D, G) йўллар учун вазиятлар хизмат қилади [5-7].

Қоидаларнинг ортиқчалиги муаммоси

Тармоқлараро экранлар улкан миқдордаги пакетларни текширишлари лозим. Шунинг учун ҳам тармоқлараро экран самарадорлигини четда қолдиришни иложи йўқ. Бугунги кунда амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари яхшиланган дастурий ёки аппарат ечимлардан фойдаланиб тармоқлараро экран самарадорлигини оширишга бағишланган. Маъмур учун тармоқлараро экран самарадорлигини оширишнинг энг яхши усули тармоқлараро экран қоидаларини яхшироқ созлаш ҳисобланади.

Филтрлаш қоидалари рўйхати учун рухсатни чеклаш сиёсатини ифодаси учун қоидалар миқдоридан ортиқча фойдаланиш муаммоси аниқлаган, кам миқдордаги қоидалар орқали айнан ўша рухсатни чеклаш имкониятидир [7,8].

Икки тоифадаги қоидалар ортиқчалиги мавжуд: рўйхатдаги фойдаланилмайдиган қоидалар ва қуйида кўрсатилган қоидалар кераксизлиги.

Бироқ қоидалар ортиқчалиги тўғридан-тўғри заифликни кўрсатмайди, тармоқлараро экрандан янада фаолроқ, тезроқ ва самарали фойдаланишни талаб этилади ва бу билан тармоқ хавфсизлиги ошади, ҳамда тармоқлараро экран учун хизмат кўрсатишдан воз кечиш эҳтимоли кам бўлади.

2- жадвал

Ip-tables тармоқлараро экрани созланмасида фойдаланилмайдиган
қоидалар рўйхатини юзага келиши

№	Тоифа	Протокол	Манба	Манба порти	Борадиган манзил	Борадиган манзил порти
1	Deny	TCP	140.192.37.20	Any	Any	80
2	Accept	TCP	140.192.37.0/24	Any	Any	80
3	Accept	TCP	Any	Any	161.120.33.40	80
4	Deny	TCP	140.192.37.0/24	Any	161.120.33.40	80
5	Deny	TCP	140.192.37.30	Any	Any	21
6	Accept	TCP	140.192.37.0/24	Any	Any	21
7	Accept	TCP	140.192.37.0/24	Any	161.120.33.40	21
8	Deny	TCP	Any	Any	Any	Any
9	Accept	UDP	140.192.37.0/24	Any	161.120.33.40	53
10	Accept	UDP	Any	Any	161.120.33.40	53
11	Deny	UDP	Any	Any	Any	Any

Фойдаланилмайдиган қоидалар

Фойдаланилмайдиган қоидалар рўйхатдаги бошқа қоидалар каби ўша пакетларга ўша амалларни қўллайди, шундай қилиб, ортиқчалик олиб ташланганда рухсатни чеклаш сиёсати ўзгармайди. R_y қоидаси R_x га нисбатан ортиқча, агарда R_x рўйхатдаги тартиб бўйича R_y га қаршилиқ қилса, R_y қамраб олган диапазон R_x диапазонига эквивалент ёки тўплами ҳисобланади ҳамда R_x ва R_y қоидалари томонидан белгиланган амал бир хил бўлади. 2- жадвалда кўрсатилганидек, 7- қоида 6- қоидага нисбатан ортиқча ва 9- қоида 10- қоидага нисбатан ортиқча, унда 7- ва 9-қоидалар ўчирилса, натижавий рухсатни чеклаш сиёсати ўзгармайди [5,7,8].

Ортиқчалик

3- жадвал

Ip-tables тармоқлараро экрани созланмасида қоидалар тўплами ортиқчалигини
юзага келиши

№	Тоифа	протокол	манба	Манба порти	Борадиган манзил	Борадиган манзил порти
1	Accept	TCP	192.168.1.1/32	Any	172.16.1.1/32	Any
2	Accept	TCP	10.0.0.0/8	Any	Any	Any
3	Accept	TCP	10.2.1.0/24	Any	Any	Any
4	Deny	TCP	Any	Any	Any	Any
5	Deny	UDP	10.1.1.0/26	Any	Any	Any
6	Deny	UDP	10.1.1.64/26	Any	Any	Any
7	Deny	UDP	10.1.1.128/26	Any	Any	Any
8	Deny	UDP	10.1.1.192./26	Any	Any	Any
9	Deny	UDP	Any	Any	Any	Any

Фойдаланилмайдиган қоидаларни одатда ҳар доим хато деб қабул қилиш керак. Бундай қоидалар филтрлаш қарорларини қабул қилишда фойдаланилмаслиги мумкин, бироқ қоидалар жадвали мураккаблигини ва

ҳажмини оширади ҳамда мос келувчи қоидалар кидируви учун вақт кўп сарф этилишига олиб келади. Қоидалар рўйхати қайта ишлови учун ёки ортиқча қоидаларни оддий ўчириш учун ортиқча қоидалар кидирувини ўтказиш муҳим ҳисобланади.

Ортиқчалик қоидалар тўплами камроқ қоидалар тўплами билан бирлашиши мумкин бўлгандагина аниқланади. Мисол учун, 3- жадвалдаги 5-, 6-, 7- ва 8- қоидалар “Deny UDP 10.1.1.0/24 Any” қоидалар бирлигига бирлашиши мумкин. Ортиқчалик одатда амалда маъмур вақт даврларининг бир неча оралиқларида қоидалар рўйхатини қайта ишлаганда содир бўлади [5,8,11].

Қоидалар рўйхатлари учун зиддиятларининг миқдорий кўрсаткичлари

Қоидалар учун зиддиятларнинг миқдорий кўрсаткичлари уларни қурилган мутахассис малакасига боғлиқ. Бу кўрсаткичлар қисқача 5- жадвалда келтирилган [5,10].

5- жадвал.

Қўлда ишлаб чиқилган филтрлаш қоидаларининг рўйхатлари учун созлаш муаммоларининг сонини ўзаро нисбати учун ўртача қиймати

Малака	Бошланиш	Ортиқчалик	Кесишиш
Эксперт	0%	5%	3%
Матахассис	1%	9%	3%
Малакасиз	4%	12%	9%

Амалга оширилган изланишлар ҳисоб-китоби ҳар бир тармоқлараро экранни филтрлаш қоидаларининг рўйхати учун зиддиятлар миқдори 8% дан 25% гача бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Тармоқлараро экранни филтрлаш қоидаларининг номувофиклиги рухсатни чеклаш талаб этилаётган қоидалар тўплами кутилган натижа бермаганда юзага келади, бу эса тармоқ хавфсизлиги учун бевосита таҳдид ҳисобланади.

Хулоса қиладиган бўлсак тармоқлараро экранда филтрлаш қоидаларининг ортиқчалиги ва мувофиклигининг назоратини амалга ошириш тармоқ трафиги билан боғлиқ заифликларни камайтириш ҳамда тармоқ ресурсларидан рухсатсиз фойдаланишни олдини олишни асосини ташкил этади. Амалга оширилган таҳлил натижалари тармоқлараро экранни филтрлаш занжирларидаги қоидалар учун зиддиятларни камайтириш тармоқлараро экранларнинг самарадорлиги ва ишончлилигини ортиқчилиги кўрсатмоқда.

АДАБИЁТЛАР

[1] Divya G., Kavitha C.J. Priya and Kowselya G., "Effective Firewall implementation in cloud over virtual environment using speck Firewall restriction", International Journal of Electrical and Electronic Engineering & Telecommunications, Vol. 1, No. 1, pp. 324-328, March 2015.

[2] Karimov M.M. Approach Development Accelerate of Process Special Traffic Filtering // Journal of Computer and Communications. USA, 2015. Volume 3. P.68-82.

[3] Bremler-Barr A., Harchol Y., Hay D., Koral Y. Deep packet inspection as a service. In CoNEXT, 2014. - P.271-282.

[4] Canini M., Li W., Moore A. W., Bolla R. GTVS: Boosting the collection of application traffic ground truth, Lecture Notes Comput. Sci. V.5537. 2009. - P.54-63.

[5] Gobika S., Janane T. K., Mohana Priya U and C Gnanaprakasam. Detection monitoring of secure packet transfer over network traffic. Journal of Electrical and Electronic Engineering & Telecommunications. Special Issue, Vol. 1, No. 1, March 2015. -P.319-322.

[6] Rakhmanova G.S., Boymurodov B.E. Ensuring Se-cure Info-Communication Networks Based on the Special Filtering Mode. International Journal of Engineering Innovation & Research. Volume 5, Issue 1, 2016, ISSN: 2277 –5668, India, -P.16-23.

[7] Karimov M.M., Ganiev A.A. Models of Network Processes for Describing Operation of Network Protection Tools // 4th International conference on application of information and communication technology and statistics in economy and education (ICAICTSEE – 2014). University of National and World Economy Sofia. - Bulgaria, October 24 - 25th 2014. - P.226-235.

[8] Ma T., Zhou, Z., Antoniou, C. Dynamic factor model for network traffic state forecast. 2018. Transportation Research Part B: Methodological, 118, pp. 281-317. DOI: 10.1016/j.trb.2018.10.018

[9] Vikash C.P., Sateesh K Peddoju and Prachi S Deshpande. A statistical and distributed packet filter against DDoS attacks in Cloud environment. Indian Academy of Sciences. Sadhana 2018. 43:32-P.2-9.

OCHIQ KODLI IDS TARMOQLARI ORASIDA YETAKCHI O'RINDA TURUVCHI HUYUMLARNI ANIQLASH TIZIMLARINING SAMARADORLIGI HAQIDA

leytenant TURAPOV SH.N.

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va aloqa harbiy instituti

Snort ochiq kodli IDS tarmoqlari orasida yetakchi o'rinni egallagan. Haqiqatdan ham yagona iqtisodiy va bir vaqtning o'zida qaror qabul qilish oson bo'lib, u haqli ravishda tanildi. Biroq oxirgi paytlarda ular muqobil haqida ko'proq gapirishni boshladilar - Suratda mavjud bo'lgan barcha IDS / IPS yo'nalishlari amalga oshirilgan.

Statistik ma'lumotlarga ko'ra, foydalanuvchi har yili 50% ga oshadi. Bunday yukga oldindan tayyorlanish kerak. Ruterlar, xavfsizlik devorlari va hujumlarni aniqlash / oldini olish tizimlari o'z ichiga katta tarmoq oqimini qayta ishlashga tayyor bo'lishi kerak. Savdo yechimlari bilan odatda muammo tug'dirmaydi, ularning kuchi oldindan hisoblab chiqiladi va tekshiriladi va mutaxassislar ularni amalga oshirishda ishtirok etadilar. Shuning uchun siz osongina aksiyalarni ta'minlashingiz mumkin, ammo bu yerda ular arzon emas. Shu bilan bir qatorda, ochiq-oydin manba yechimlarni yaxshi tomonlarini isbotlagan va dasturiy ta'minot uchun mualliflik huquqi talab qilmaydi. Biroq, amalga oshirish uchun barcha savollar sysadmin yelkasiga tushadi.

Ommabop Snort 1998 yilda, 32 bitli protsessorli server odatda tarmoq trafiginii boshqarish uchun ishlatilganda ishlab chiqila boshladi. Shu sababli, vaqtning yagona yivli arxitekturasi ishlatilgan - ikkinchisi mantiqsiz edi. Ushbu vaqt mobaynida Snort 300 mingga yaqin ro'yxatdan o'tgan foydalanuvchilarni ish bilan ta'minlaydi va deyarli yuz etkazib beruvchilar o'z mahsulotlarida foydalanadilar. Sourcefire kompaniyasining o'zi Cisco (Snort, ClamAV va Razorback bilan birga) tomonidan sotib olingan va bu korporatsiya muhandislari Snortga qo'shilgan.

Xizmat axboroti va foydalanuchi ma'lumotlari, masalan navigatsiya ma'lumotlari ham shu tarzda o'tadi. Dastlab, ma'lumotlar shifrlanadi, keyin shifrlangan raqamli potok paket ko'rinishiga o'tkaziladi (bu holda, agar kirish ma'lumotlari katta hajmda bo'lsa), bunda ham xalaqitbardoshlik kodlash qo'llaniladi va bu raqamli oqim modulyatorga yuboriladi. Modulyatorga kelishdan oldin tushgan potok sinxronizatsiyalanadi va adreslanadi. Keyin radiostansiya modulyatorga uzatilib efirga chiqariladi.



1-rasm. Uzatgichning umumiy modeli




2-rasm. Muloqotlarning maxfiyligini ta'minlash

Muloqotlarning maxfiyligini ta'minlash

2-rasmga binoan, MI xabar indikatorini Shifratlarni sinxronlash uchun ishlatiladi. Aloqa o'rnatish sozlamalarida birinchi xabarda qabul qiluvchi MI ni topadi va o'z registri LFSR ga saqlaydi. Endi qabul qiluvchi LFSR registri yordamida MI hosil qilishi va boshqa MI lar bilan solishtirishi mumkin. Shu bilan birga, barqaror ishlashni ta'minlash uchun transmitter shu bilan aloqa sessiyasining keyingi xabarlarida MI ni qo'shadi. Xatoni aniqlash va tuzatish mexanizmi (FEC) barcha xatolarni aniqlasa va uni tuzatish mumkin bo'lsa, transmitter MI ishlatiladi, aks holda, qabul qilgich tomonidan ishlab chiqarilgan MI ishlatiladi va ma'lumotlar parolini oladi. 2-rasmda ko'rsatilgandek, Blok-kodlovchi oddiy almashtirish rejimida shifrlash operatsiyasini amalga oshiradi. Biz O'z DSt 1105:2009, AES va DES algoritmlarini ishlatishimiz mumkin. Zanjirli bloklar mexanizmi xar xil bo'lishi mumkin, 2-rasmda OFB rejimidan foydalanish ko'rsatilgan.

Muloqotlar yaxlitligini ta'minlash.

Ovozli xabarning yaxlitligini ta'minlash mexanizmlari- xabarning tugaganligini, o'zgartirilmaganligini va ilgari yuborilgan xabarning nusxasi emasligini tekshirishni o'z ichiga oladi. 3-rasmda ko'rsatilgandek, xabarning uzunligi kalit va ma'lumotlar maydonini o'z ichiga olishi kerak, uning tarkibi qaytarilmas funktsiya bo'lib, bu xabarning o'zgarmasligini ta'minlaydi. Xabarni tasdiqlash kodi (MAC) buning uchun xizmat qiladi. Ta'kidlash joizki, aloqa kanalidagi xatolar ebirdagi shovqinlar oqibatida yuzaga kelishi mumkin, xatolarni aniqlash va tuzatish vositalarini aniqlash (FEC) orqali tuzatiladi.



3-rasm. Muloqotlar yaxlitligini ta'minlash


4 - rasmda ko'rsatilgandek xabarning yaxlitligini ta'minlash uchun O'z DSt 1105:2009 algoritmi, imitoqo'shimchalarni ishlab chiqish rejimida qo'llaniladi. Bunda, ebirdan qabul qilingan uzatuvchi tomonidan ishlab chiqilgan imitoqo'shimchalar, qabul qiluvchi tomonidagi imitoqo'shimchalar bilan solishtiriladi. Agarda ular orasida nomuvofiqlik bo'lsa, ovozli xabar noto'g'ri deb hisoblanadi va bekor qilinadi. Shuningdek, 4-rasmda ilgari uzatilgan xabarning takroriy nusxalariga qarshi himoyaning xronologik yaxlitligi uchun 2- variantdan foydalanish mumkin.

Birinchi holda, qabul qiluvchi tomonning qiymati tekshiriladigan xabarga raqam qo'shiladi. Raqam joriy raqamlar oynasiga kirsam, xabar qabul qilinadi, aks holda xabar bekor qilinadi. Bundan tashqari, xabarlarining yaxlitligi MI tomonidan ta'minlanishi

2-Шўъба. Ахборот муҳофазасини таъминлашнинг асосий муаммоларини криптографик ечимлари
мумкин. Агар бузғунчи хабарни то'xtatib, uni qayta nashr qilsa, u holda qabul
qilgichda MI o'sha zahoti ishga tushadi va xabar qabul qilinmaydi.

Калитларни бoшқариш

Криптографик шифрлаш ва аутентификация алгоритмларида калитлар муҳим аҳамиятга эга, шунинг учун радио тизимларида калитларни бoшқариш механизмидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Калитларни oldindan радиостансияларга дастurlash имкони mavjud, lekin, bu katta radio-tarmoqlar uchun qiyin va vaqt talab qiluvchi vazifa, chunki foydalanuvchi radiostantsiyalarini olib tashlash talab etiladi.



4 – rasm. Shifrlangan raqamli oqimning sxemasi

OTAR texnologiyasi bu muammoni chetlab o'tadi,[4] TEK (trafik shifrlash kaliti) trafik shifrlash kalitini masofadan radio interfeysidan foydalanib yuklab olish imkonini beradi. xabar TEK ni o'z ichiga oladi, o'z navbatida kalit shifrlash kaliti (KEK kalit shifrlash kaliti) bilan himoyalangan. KEK kalitlari KMF kalitlarini boshqarish qurilmasiga va radiostasiyalarga ma'lum bo'lishi kerak, shuningdek. OTAR texnologiyasi uchun assimetrik kriptografiyadan ham foydalanish mumkin. bunday hollarda xabar, TEKni o'z ichiga oladi, radiostansiya o'zining yopiq kalitidan foydalanadi va tek kalitini oladi.[4]

ADABIYOTLAR

- [1] Axborot Xavfsizligi Asoslari. Karimoy I.M., Turgunov N.A., Toshkent 2016
- [2] TIA/EAI Standard. ANSI/TIA/EIA 102.BAAA, Project 25 FDMA Common Air Interface, May 1998
- [3] TIA/EAI Standard. IS102.AAAA-A, APCO Project 25 DES Encryption Protocol, February 1997.
- [4] TIA/EAI Standard. TSB102.AACA, APCO Project 25 Over-The-Air-Rekeying (OTAR) Protocol, January 1996

MACROMEDIA FLASH MX АНИМАЦИОН ДАСТУРИДАН ФЙДАЛАНИБ ЖАРАЁНЛАРНИ ВИЗУАЛЛАШТИРИШ

***подполковник АБДИРОЗИҚОВ О.Ш., АКРАМОВ З.Н., ХАЗРАТКУЛОВ К.К.
Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти***

Ушбу мақолада Macromedia FLASH MX дастури имкониятларидан фойдаланган ҳолда ҳарбий таълим тизимини янада такомиллаштириш ва яратилган дастурларга кўшимчалар киритиш масаласи кўриб чиқилган [3].

Бугунги кунда машғулотларни ташкил этиш ва ўқитишда янги иновацион технологияларни қўллаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш замонавий педагогиканинг асосий талабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ахборотлаш тизимининг асосий йўналишларидан бири бу таълим соҳасининг ахборотлашувидур. Таълимнинг ахборотлашуви психологик – педагогиканинг кенг қўлланишига ва шу орқали ўқитишнинг энг самарали усуллари пайдо бўлишига олиб келмоқда. Ахборотлаштирилган таълим методлари берилган билимларининг назарий муҳитдан ўзлаштирилиши билан чегараланиб қолмай, балки унинг амалий ўзлаштирилишига катта ҳисса қўшмоқда [4, 7].

Замонавий ҳарбий таълим тизимининг асосини сифатли ва юқори технологияларга асосланган муҳит ташкил этади. Унинг яратилиш ва ривожланиши техник жихатдан мураккаб, аммо бундай муҳит ҳарбий таълим тизимини такомиллаштиришга, ҳарбий таълим жараёнига ахборот коммуникация технологияларини жорий этишга хизмат қилади. Таълим жараёнида мультимедиа технологиялари ва компьютер графикасидан фойдаланиш дарс жараёнини интерфаол шаклда олиб боришга имкон беради.

Macromedia Flash MX дастури таълим, ишлаб чиқариш ва маълум техник жараёнларни лойиҳалаш, синовдан ўтказиш, моделлаштириш мақсадида фойдаланади. Ҳукуматимиз томонидан илм-фан, техник ва технологик янгиликлар ҳарбий соҳада яратиш ва ривожлантириш борасида юксак эътибор қаратилаётганлигига қарамасдан ушбу соҳада талайгина камчиликлар мавжуд. Биргина ҳарбий қисмларни оладиган бўлсак замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганлигига қарамасдан дарсларнинг ўқитилиши фақатгина PowerPoint дастури (презентациялар) билан чекланган. Оддийгина презентация орқали ўрганувчи (аскар)га дарснинг асосий мақсадини етказиш қийин бўлади, масалан 9мм ли ПМ (Макаров пистолети) қуроли ҳақида презентация орқали юзаки тушунчалар берилиши мумкин лекин унинг ички мезанизмларининг ишлаш принциплари ва деталларининг қай тарзда ҳаракатланишини кўрсатиб беролмайди. Отиш жараёнида эса бу ходисани кўз билан кўришнинг умуман имкони йўқ. Ушбу мақолада кўтарилган асосий мақсад бўлажак ҳарбий кадрларни тайёрлашда ахборот технологияларидан, жумладан Macromedia Flash MX дастуридан фойдаланган ҳолда интерфаол дастурлар ишлаб чиқиш ва ушбу дастурларни ҳарбий таълим тизимига жорий этишдан иборат. Бу эса ҳарбий таълим тизимини тубдан ўзгартиради ва ўрганувчиларга ўтилаётган дарснинг моҳиятини чуқурроқ англаб етишлари учун замин яратади. Macromedia Flash MX дастури орқали ўтилаётган мавзуларни визуаллаштириш мавзунинг тўлиқ моҳиятини очиқ беради. Қуролларни Macromedia Flash MX дастури орқали визуаллаштиришга мисол тариқасида 9мм ли ПМ нинг яратилган интерфаол дастури 1-расмда келтирилган [8], [11].

Дастур куйидаги блоклардан ташкил топган:

- Пистолетнинг тузулиши;
- Ўқлаш ҳолати;
- Отиш ҳолати.



1 - расм. Дастурнинг интерфейси.

Пистолетнинг тузулиши тугмаси босилганда ўрганувчига зарур бўлган 9 мм ли ПМ нинг қисм ва механизмларидан ташкил топганлиги 2-расмда келтирилган.



2 - расм. 9 мм ли ПМ пистолетининг қисм ва механизмлари.


Ушбу ойнада 9 мм ли ПМ қисм ва механизмларининг кўриниши ўнг томонда ва номлари чап томонида келтирилган. Ўрганувчи чап томондаги қисм ва механизмларининг номлари сичқонча орқали танланганда ўнг томонда мавжуд тегишли қисм ва механизмлар атрофи қизил пунктир чизиклар орқали белгиланади. [14].

Дастур блокадаги ўқлаш ҳолати тугмаси босилганда 9 мм ли ПМ нинг ўқлаш ҳолатидан тортиб охириги пистолет стволидан ўқнинг чиқиб кетиш ҳолатига қадар сақлагич ҳолати, тепки ҳолати, пружинанинг харакати, улоқтиргич ҳолатларини қисқача айтганда 9 мм ли ПМ ичида юз бераётган хар бир ходисани секинлаштирилган тарздаги отиш жараёларинининг анимацияси 3-расмда келтирилган [3], [5], [6], [13].



3 - расм. 9 мм ли ПМ пистолетининг отиш жараёнлар анимациялари.

Дастур блогидаги отиш ҳолати тугмаси босилганда ўрганувчи 9 мм ли ПМ дан отиш жараёнида пистолет ички ҳолатларини ўқ чиқиши ва автوماتик қайта ўқлаш жараенини кўради бу ҳолат ўрганувчига пистолетни қай тарзда отиш жараёнининг анимацияси (овоз билан) 4-расмда келтирилган [10], [12].




4 - расм. 9 мм ли ПМ пистолетининг отиш ҳолати анимацияси.

Бунда ўрганувчи 9 мм ли ПМ пистолетининг отиш жараёни юз берганда, қисм ва механизмларининг вазифаларини аниқ тушунади ва ишлаш принципларини моҳиятини англайди [1], [3].

Юқорида келтирилган интерфаол дастур тушунарли ва ўрганувчи учун амалларни бажариш осон. Macromedia Flash MX дастури орқали интерфаол дустурларни янада мукамаллаштириш, уларни бойитиш чексиз тарзда амалга ошириш мумкин.

Ушбу яратилган 9 мм ли ПМ пистолетининг интерфаол дастурини янада бойитиш ва яратилган интерфаол дастурни самарадорлигини янада ошириш, мукамаллаштириш учун ҳамда ўрганувчини билимларини ошириш мақсадида 9 мм ли ПМ пистолетининг қисм ва механизмларини тўғри жойлаштириш ойнаси қўшилди ва ойнанинг кўриниши 5-расмда келтирилган. 9 мм ли ПМ пистолетининг қисм ва механизмларини тўғри жойлаштириш ойнаси ўрганувчи учун олинган билимларни синаш билан бир қаторда, кўникмаларни такрорлаб уларни мустаҳкамлаш учун ёрдам беради [14], [18].



5 - расм. 9 мм ли ПМ пистолетининг қисм ва механизмлари.

Ойнанинг ўнг томонида турган сўзларни яъни 9 мм ли ПМ қисмларининг номланишларини қайси қисмга тегишли бўлса шу қисмга уланган бўш катак ичига қўйилади агар амал тўғри бажарилган бўлса **“тўғри”** деган сўз янграйди ва катак ичига қўйилган сўз жойлашади ва катак пастида яши белги пайдо бўлади. Агар ўрганувчи томонидан бажарилаётган амал нотўғри бажарилганда **“нотўғри”** деган сўз янграйди ва катак ичига қўйилган сўз ўз жойига қайтади шу билан бир вақтда катак пастида қизил белги пайдо бўлади.

Амалларни бажариш жараёнида ойнани қайтадан ишга тушуриш зарур бўлганда ойнанинг чап томон тепа қисмидаги қайтариш тугмаси босилади. Мабодо ойнани ёпиб бош менюга қайтиш зарурати туғилганда, ойнанинг чап пастки бурчагидаги орқага қайтиш тугмаси босилиши зарур.

Миллий армиямиз салоҳиятини янада ошириш ҳарбий таълим тизимини тубдан ўзгартириш нафақат олий ҳарбий таълим муассасаларида балки темирбеклар мактаблари, ҳарбий қисмларда, оддий аскарлар ва сержантлар билан уларнинг билимларини такомиллаштириш мақсадида ташкиллаштирилган

дарсларда ҳам замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан уларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда дарслар ташкиллаштириш мақсадга мувофиқ. Интерфаол анимациялар ҳар бир ҳодиса ва воқеликни визуал макетини яратади ва унинг аниқ мақсадини тушунишда ёрдам беради. Macromedia Flash MX дастурининг имкониятлари чексиз бўлиб, ушбу дастур орқали яратилган интерфаол қўлланмаларни хоҳлаган тарзда ўзгартириш имкониятлари мавжуд .

Macromedia Flash MX дастуридан фойдаланган ҳолда интерфаол анимациялар яратиб Қуролли Кучларга тадбиқ этилиш чора тадбирлари кўрилиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, дастурнинг интерфейсига яратилган интерфаол ойнани қўшимча яна бир тугма яратиш ва ушбу ойнадан ўрганувчиларнинг билимларини такомиллаштириш мақсадида фойдаланиш .

АДАБИЁТЛАР

- [1] 4122-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2019 йил 17 январь.
- [2] Action Script 3.0 для Adobe Flash Professional CS5 (+ CD-ROM). - М.: Эксмо, 2011. - 432 с.
- [3] Мо'минов В.В., Kamalova N.I., Rajabova V.R.– Flash texnologiyasi va Action script, Buxoro 2010 yil
- [4] Adobe Flash CS5. Официальный учебный курс (+ CD-ROM). - М.: Эксмо, 2011. - 448 с.
- [5] Adobe Flash CS6. Официальный учебный курс (+ CD).- М.: Эксмо, 2013. - 464 с.
- [6] Adobe Flash CS. Официальный учебный курс (+ CD-ROM). - М.: Эксмо, 2014. - 432 с.
- [7] Учебник по Macromedia Flash www.daflash.ru Html документ.
- [8] Flash-технологии. - М.: РИВШ, 2011. - 122 с.
- [9] Сариев Р.Б. «Web-технологиялари» фанидан маъруза ва тажриба ишлари бўйича услубий кўрсатмалар. Бух. 2009 й.
- [10] Капустин, М. А. Flash MX для профессиональных программистов / Капустин М.А, Капустин П.А, Копылова А.Г. - М.: Интернет-университет информационных технологий, Бином. Лаборатория знаний, 2016. - 512 с.
- [11] Капранова, М. Н. Информатика. Macromedia Flash MX. Компьютерная графика и анимация / Капранова М.Н. - М.: Солон-Пресс, 2010. - 680 с.
- [12] Киселев, С. В. Flash-технологии / Киселев С.В, Алексахин С.В, Остроух А.В. - М.: Academia, 2011. - 683 с.
- [13] Лотт, Д. ActionScript 3.0. Сборник рецептов / Лотт Д. - М.: Символ-плюс, 2013. - 559 с.
- [14] Финкэнон, Джейсон Flash-реклама. Разработка микросайтов, рекламных игр и фирменных приложений с помощью Adobe Flash / Джейсон Финкэнон. - М.: Рид Групп, 2012. - 288 с.
- [15] <http://www.sibmult.ru/fla.php>
- [16] <http://www.flashist.ru>
- [17] <http://www.web-silver.ru/flash/source/games.php>
- [18] <http://www.wmcentre.net/des.php>
- [19] <http://www.flash-zona.org/isxodniki/isxodnik.htm>

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС ҲАРБИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ГУРУҲЛИ ЛОЙИҲАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ph.D. лейтенант ТЎРАЕВ Б.З., майор МИРЗАЕВ Т.А.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти

Замонавий илмий, техник, ижтимоий-иқтисодий талаблардан келиб чиққан ҳолда олий таълим тизимида тайёрланаётган бўлажак кадрларга нисбатан юқори талаблар қўйилмоқдаки, улар инновацион фаолиятга мослашиб боришлари, ҳамда касбий муаммоларни самарали ҳал эта олишлари назарда тутилган. Ахборотлар ҳажмининг тезкор суръатлар билан ўсиб бориш, инсон фаолияти соҳаси кенгайиши жамият ва таълимни ислоҳ қилиши заруриятига олиб келади. Янги илмий-техник ғоялар тижоратига асосланган инновацион иқтисодиётни куриш, кадрлар тайёрлаш тизимида мавжуд ўзгартиришларни талаб этади. Бу эса таълимда янгича ёндашувларни жорий қилиш, мутахассислик фанларини ўқитиш услубларини ишлаб чиқиш ва битирувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш эҳтиёжи ортишига сабаб бўлади. Фан, технология ва бизнесда янгича таъсир этишларни қўллаш мумкин бўлган таълим мутахассислар тайёрлаш манбаси бўлиши лозим. Охириги ўн йилликда юртимиз ва хориж давлатларида ушбу йўналиш бўйича етарлича муҳим ўзгаришлар кузатилди. Фундаментал фанларнинг ривожланиши ва таълимнинг замонавийлашуви иқтисодий барқарор демократик давлат куришнинг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш бўйича ҳукуматимиз томонидан мақсадли қарор ва фармонлар асосида муҳим ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармонида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” вазифаси белгиланган [1]. Шундан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги мавжуд олий ҳарбий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш, ахборот ва педагогик технологияларни таълим жараёнида қўллашни янги усул ва воситалар ёрдамида ташкил этишга қаратилган тадбирлар тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда.

Ҳарбий кадрларни ўз соҳасининг компетенти даражасида тайёрлашда инновацион педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Педагогик технологияларнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, улардан фойдаланиш олиб борилаётган ўқув фани ва дарс турига нисбатан танланади. Олий ҳарбий таълим муассасаларида вазиятли топшириқлар ва касбий муаммолар ечимини олишда гуруҳли лойиҳалаш инновацион технологиясидан фойдаланиш анча самарали ҳисобланади. Бу технологиядан фойдаланишда курсантлар ҳам мустақил, ҳам гуруҳ билан ҳамкорликда тадқиқот олиб бориш, ўзаро фикр алмашиш ва фикрининг тўғрилигини исботлаш, камчиликларни тузатиш ва хулоса бериш малакасини эгаллашади, ҳамда коммуникатив сифатлари ва лидерлик қобилиятлари маълум даражада шаклланади. Чунки курсантлар ўз фикрлари ёки ишланмаларини мустақил

равишда ўқитувчига еткази олмаслиги ёки доска олдида чиқиб кўпчиликнинг олдида ҳимоя қила қилиш даражасида бўлмаслиги кўп ҳолларда кузатилади. Ўз тенгқурлари орасида эса ўзларини эркиб сезиб, фикрларини билдиришади, мунозарали муҳитда бўлишади. Шу ўринда тадқиқот ишлари ва гуруҳли таълим нима эканлигига таъриф бериб ўтайлик. Тадқиқот иши – бу қўйилган масала устида мустақил ишлаш ҳисобланиб, таҳлиллар олиб бориш ва ўрганилаётган ҳодиса ҳақида хулоса чиқариш учун зарур ўзига хос назарий ёки тажриба материалларига эга бўлиш билан ифодаланади. Бундай ишларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, режалаштирилишига нисбатан олиб борилган тадқиқот натижаларида олинадиган натижанинг ноаниқлиги ҳисобланади. Ундан фарқли равишда, лойиҳани бажариш – бу ҳар доим жамоавий, илмий-техник натижага ёки белгиланган маҳсулотга эга бўлиш учун мўлжалланган ижодий амалий иш. Бундай иш қўйилган масалани аниқ ва бир маъноли шакллантирилиши, белгиланган бажариш муддатини аниқ кўрсатилиши, ишлаб чиқиладиган объектга нисбатан талабларнинг аниқлаштирилишини кўзда тутати.

Тингловчи ва курсантларнинг ўқишга бўлган иштиёқини янгича шакли тегишли тематик лойиҳаларни ташкил этиш йўли билан реал масалалар устида ишлашга жалб қилиш, уларни бажариш учун лойиҳавий гуруҳларни шакллантириш ҳисобланади. Лойиҳавий таълим технологияси мақсадга эришиш учун (қизиқарли лойиҳа, ишчи ўйин, ўзини кўрсата олиш ва б.) тегишли билимларга эга бўлишда таълим олувчининг шахсий қизиқишларига асосланиб фаол таълим муҳити яратишни таклиф қилади. Лойиҳани бажаришдаги ўқитишнинг ўрганилаётган бошқа фанлардан муҳим фарқи шундаки, баҳо бажарилган ишга эмас, балки лойиҳа вазифаларини белгиловчи ечимлар, уни амалга ошириш даража ва сифатига берилади. Лойиҳада ҳал қилинадиган муаммо реал ҳаётдан олинган бўлиши лозим. Бу муаммоларни ҳал этиш учун лойиҳа иштирокчилари илгари эгаллаган билимларини қўллашади ва янгиларини эгаллашади.

Лойиҳавий таълимга қўйиладиган асосий талаблар:

- тегишли маҳсулот яратиш ёки масалани ҳал қилишга нисбатан назарий, тадқиқот ва техник вазифалар режасининг мавжудлиги;
- ишлаб чиқиладиган маҳсулот ёки масалани ҳал этиш йўллариининг ўзига хослиги ва янгилиги билан фарқ қилиши;
- лойиҳа устидаги ишларни бажариш учун гуруҳ шакллантирилган бўлиши;
- лойиҳа устидаги ишлар ҳар қандай лойиҳанинг ҳаётий даври (обзорли ишлар, тадқиқот, техник вазифалар, лойиҳалаш босқичи ва б.) доирасида бажарилиши лозимлиги;
- лойиҳалаш натижалари кўргазмаларда, шунингдек семинар ва конференцияларда мақолалар кўринишида тақдим қилиши кераклиги;
- лойиҳа иши, қоида сифатида, натижаларини сотиш мақсадида давом эттириш имкониятига, иштирокчилар эса ўзларининг илмий тадқиқот ишларини олиб бориш истиқболига эга бўлиши керак [2].

Юқорида келтирилган талаблар узокни кўра оладиган, янгича фикрлайдиган, амалий вазифаларни тушуниш ва ҳал этиш имконига эга янгича харбий кадрлар қатламини шакллантиришга олиб келади.

Бакалавр ва магистрлар тайёрлаш мазмунини белгиловчи замонавий давлат таълим стандартларида таянч компетенциялар билан бирга қўшимча равишда махсус ва касбий кўникмаларни қисқа вақтда курсантлар томонидан эгалланиши талаб этилган. Шу сабабдан ўқитиш технологияларини такомиллаштириш зарурияти юзага келади. Гуруҳли лойиҳалаш технологияси асосида ўқитиш

“Ахборот технологиялари” кафедрасининг “Компьютер графикаси”, “3D моделлаштириш ва рақамли анимация” каби ихтисослик фанларида мисолида келтириш мумкин. Чунки ушбу фанлар бўйича мажмуавий топшириқлар бериш ва уларни жамоа бўлиб ҳал қилиш анча самара беради. Бу технология ўқув жараёнини истиқболли инновацион ташкил этишга йўналтирилган бўлиб, мақсад таълим самарадорлигини оширишга қаратилган.

Лойиҳа аъзолари 3-5 кишидан иборат ижодий жамоага бирлашишади. Ўқитувчи томонидан жамоада билим даражаси турлича бўлган курсантларни жалб қилинишига алоҳида эътибор берилади. Ҳар бир лойиҳада жамоа таркибидан етакчи тайинланади ва у лойиҳа ишини жамоа аъзоларига тақсимланиши ва ишни бажариш муддати, бажарилган ишларни умумлаштириш, тузатишлар киритиш ва якуний маҳсулотни ҳимоя қилиш масъулиятини олади. Лойиҳа ишларини бажариш босқичлари қуйидаги тартибда олиб борилади: тайёрланиш (мавзу ва лойиҳа мақсадини аниқлаш, техник топшириқни тайёрлаш), лойиҳалаш (лойиҳа ечиладиган вазифа ҳақида ахборотлар тўплаш ва таҳлил қилиш усуллари, манбаларини аниқлаш), лойиҳа устида ишлаш (лойиҳани техник, интеллектуал, дастурий кўринишда амалга ошириш), лойиҳа натижаларини тақдим этиш (натижаларни ҳисобот ва тақдимот кўринишида расмийлаштириш).

АДАБИЁТЛАР

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон фармони.

[2] Нуралиев Ф.М., Тўраев Б.З. Ихтисослик фанларини ўқитишда гуруҳли лойиҳалаш технологиясининг татбиқи // “Ўқув жараёни сифатини ошириш ва кадрлар тайёрлаш тизимини комплекс ривожлантиришнинг услубий асослари” Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ илмий-услубий конференцияси маърузалар тўплами. 2-қисм. Тошкент-2018. 6-7 январ. – Б. 32-34.

РОЛЬ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОЦЕССЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ВОЕННО-ПОЛЕВОЙ ТЕРАПИИ

ХУЖМАНОВ У.М., МАМАТОВ И.И.

***Военно-медицинский факультет при Ташкентской Медицинской Академии
Кафедра военно-полевая терапии***

Целью настоящей публикации явилось обобщение 6-летнего опыта работы кафедры Военно-полевой терапии Военно-медицинского факультета при Ташкентской Медицинской Академии и стремление высказать свои соображения о качестве подготовки войскового врача и перспективах ее развития.

В условиях модернизации высшего медицинского образования компетентностная модель подготовки специалистов является основным направлением инновационного развития медицинского образования. Главным показателем уровня квалификации специалиста является его профессиональная компетентность. Современное быстрое развитие науки и техники приводит к быстрому накоплению общих знаний по каждой дисциплине, что создает системе высшего образования сложные проблемы и требует усовершенствования системы преподавания [1,2,4].

Для обеспечения подготовки специалистов нового типа, глубоко образованных, творчески мыслящих и адаптирующихся к новым условиям, должно быть полное использование новейших инновационных технологий в подготовке специалистов наряду со сложившимся богатым педагогическим опытом медицинских вузов [2,3,5].

Основой организации образовательного процесса, обеспечивающей преподавание в соответствии с учебным планом, является разработка учебно-методического комплекса (УМК) по дисциплине «Военно-полевая терапия».

УМК по дисциплине «Военно-полевая терапия» включает типовую программу, образовательный стандарт учебной дисциплины, учебные пособия, методические материалы для самостоятельной работы курсантов, материалы по системе тестирования, методические рекомендации для курсантов по изучению дисциплины.

Важнейшим направлением в преподавании военно-полевой терапии мы считаем традиционные методы. Основопологающим звеном в подготовке военных врачей мы считаем проведение тематических разборов больных с терапевтической и смежной патологией со курсантами и врачами в прикрепленных клиниках.

При проведении тематических разборов преподаватель закрепляет навыки, включающие правильный сбор анамнеза, осмотр больного, намечает план обследования. Акцент делается на возможности диагностики и лечения в амбулаторных и стационарных условиях. Большое внимание при разборе больных уделяется вопросам диагностики заболеваний, встречающихся в войсковом звене.

Однако существующее традиционное обучение не всегда удовлетворяет требованию сблизить процессы обучения и мышления. В эру постоянного увеличения потока информации в преподавании клинических дисциплин недостаточно использовать только традиционные методы, следует внедрять и развивать и новые направления. Поэтому одним из приоритетных современных направлений развития высшего образования является внедрение инновационных технологий.

Внедрение инновационных методик преподавания позволяет повысить наглядность обучения, улучшить усвоение полученных знаний. Одним из наиболее распространенных и доступных видов собственных образовательных ресурсов является компьютерная презентация. Достаточно наглядный материал облегчает его усвоение и восприятие. Он повышает наглядность преподавания, способствует лучшему освоению материала и вызывает большой интерес у курсантов. При разборе больных для повышения наглядности также используются фотографии, слайды, рисунки, видеофильмы. Кроме того, сами курсанты работают над созданием тематических компьютерных презентаций.

В педагогической работе кафедры широко используются активные методы обучения, которые побуждают курсантов к активной мыслительной практической деятельности. Это позволяет не только дать курсанту знания, но и формировать у них познавательные интересы, творческое мышление, умения и навыки самостоятельного умственного труда. Для формирования профессиональных компетенций нами широко используются различные формы подготовки: мультимедийные лекции, семинары, дискуссии, круглые столы, самоподготовка с анализом различных информационных ресурсов, созданием презентаций клинических случаев, сообщений для их обсуждения в группах, проведение мини-конференций, внедряются ролевые и деловые игры.

Лекционный курс является очень важной частью обучения. Он позволяет преподавателям сориентировать курсантов в предмете, вызвать интерес к нему. Используется проблемное изложение материала, чтение лекций с применением современных технических средств (демонстрационной аппаратуры, учебных

фильмов). Это делает изложение материала более живым, хорошо иллюстрированным и облегчает его восприятие.

Проблемное обучение как одна из форм активных методов обучения привлекает курсантов к поисковой работе. Мышление начинается и развивается при возникновении проблемной ситуации. Создание проблемной ситуации как формы познавательного процесса с помощью различных методических приемов (проблемные и информационные вопросы, гипотезы, анализ ситуации) дает возможность преподавателю вовлечь курсанта в активный поиск ответов на поставленные вопросы путем размышления и рассуждения.

Ролевые игры дают возможность имитировать различные ситуации (прием больного с различной патологией, консультативный прием и т.д.). Преподаватель определяет задачи, проблемы и распределение ролей между участниками. Использование деловых и ролевых игр значительно активизирует познавательную деятельность курсантов и позволяет живо и интересно проводить занятия. При обсуждении разбираемого материала курсантам дается роль ведущего, оппонента или рецензента, консультанта-эксперта. Преподаватель организует подготовительную работу, обеспечивает участие в дискуссии каждого курсанта, подбирает литературу, руководит работой семинара, уточняет излагаемые сведения, подводит итог дискуссии.

Оценка знаний курсантов в процессе обучения на цикле (начальных, текущих знаний) проверяется на занятиях на бумажных носителях. Итоговое тестирование проводится в компьютерном классе. По окончании цикла проводится балльно-рейтинговая оценка курсантов. Балльнорейтинговая оценка обеспечивает интегральную оценку результатов всех видов учебной деятельности курсантов (исходное тестирование, тестирование по темам, решение ситуационных задач, тематических разборов, теоретического материала, освоение практических навыков).

Большое внимание на кафедре уделяется кружковой работе курсантов. Они привлекаются к поисковым работам по актуальным вопросам ведения больных с различной патологией. Результаты проведенных исследований докладываются на заседаниях кружка. Курсанты привлекаются к проведению научнопрактических конференций.

Важнейшее место в процессе совершенствования клинической подготовки курсантов отводится войсковой и клинической практике. Сотрудники нашей кафедры в течение многих лет работают с курсантами во время войсковой и клинической практики, помогают им овладеть практическими навыками.

Профессиональное образование должно быть непрерывным. В настоящее время оно представлено тематическими усовершенствованиями, выходом на рабочее место с целью освоения практических навыков и умений по смежным специальностям.

Таким образом, в педагогическом процессе преподавания военно-полевой терапии должны гармонично сочетаться инновационные и традиционные педагогические технологии. У преподавателя не должно быть консерватизма в преподавании дисциплины, а должно присутствовать стремление к освоению инновационных педагогических технологий, которые позволяют учебный процесс поднять на более высокую ступень, сделать более наглядным и информативным, живым и интересным.

ЛИТЕРАТУРА

- [1] Галкин В. А. Терапевт поликлиники - повышение компетенции // Тер. архив. - 2011. №1. - С.5-7.
- [2] Горшунова Н. К., Медведев Н. В. Роль инновационных педагогических технологий в подготовке врачей общей практики // Материалы 3-го съезда врачей общей практики / семейной медицины. Ассоциация врачей общей практики. - Белгород, 2008. - С.1-3.
- [3] Мухина С. А., Соловьева А. А. Современные инновационные технологии обучения. - М.: ГЭОТАР - Медиа, 2008. - 360 с.
- [4] Романов М. Г., Сологуб Т. В. Педагогические технологии в медицине. - М.: ГЭОТАР - Медиа, 2007. - 112 с.
- [5] Рябошапка А. И., Шеметова Г. Н. Традиционные и инновационные педагогические технологии в подготовке специалистов первичного звена здравоохранения
- [6] Социально-психологические аспекты взаимодействия участников медицинского процесса: материалы межкафедральной научно-практической конференции. - Саратов, 2010. - С. 116-122.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА “КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ” УСУЛИ

РАХИМОВ А.Ф., АБДУСАМАТОВ Д.М.

Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги харбий тиббиёт факультети

Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юкори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Интерфаол усулларда дарсни ташкил этишда талаба шахсини ривожлантиришни ўзига-ўзи замин яратишдан бошлаш керак.

Яъни талаба:

- ўзи мустақил мутолаа қилиш, ўқиш асосида билим олишга;
- ўзини-ўзи англаб етишга, англаб тарбия топишга;
- ўз кучи ва имкониятларига ишонч билан қарашга;
- ўқув меҳнатига масъулият ҳисси билан қарашга;
- ўз фаолиятини мустақил ташкил эта олиш, ҳар бир минутни ғанимат билишга;
- ўқув меҳнатига ўзида ҳоҳиш-истак уйғота олишга;
- ҳар қандай вазиятда фаоллик кўрсата олишга;
- айниқса, ҳозирги тезкор ахборот манбаларидан унумли фойдалана олишни асосий ва бош мақсад қилиб олишга ўрганмоғи зарур.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда талабанинг ўз-ўзини ривожлантириш технологиясини яратиш педагогика, дидактика фанларининг олдида ўз ечимини қутаётган долзарб муаммолардан биридир.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” усулидан фойдаланиш тингловчиларнинг дарсдаги фаоллигини таъминлайди, ҳар бир тингловчининг мунозарада қатнашиш ҳуқуқини ва бир-биридан ўрганиш имконини беради. Бунинг учун аудиториядаги талабалар кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳда 3-6 та талаба бўлиши мумкин.

Ҳарбий дала жарроҳлиги фанини ўзлаштиришда замонавий педагогик технологияларидан бўлган “Кичик гуруҳ” интерфаол методидан фойдаланиб, амалий машғулотлар қуйидагича лойиҳаланади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг мақсади:

таълим олувчиларни фаоллаштириш;

уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш;

берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий ишлаш.


Кичик гуруҳларда ишлаш методининг мазмуни – бу ўқув топшириқни ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган таълимни ташкил этиш шаклидир.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи-назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

Талабаларга интерфаол методда дарс олиб боришга ижобий таъсир этувчи омиллардан, бу ўқув хонасининг ҳолати, гуруҳларнинг ўзаро жойлашиш тартиби ҳам муҳим ҳисобланади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси



“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин;
- гуруҳ ичида кучли ва кучсиз талабаларни аниқ ажратишни имкони бўлмайди.

Хулоса тариқасида шуни таъкидлаш мумкинки, замонавий педагогик технологияларнинг қўлланилиши ўқитишнинг барча шаклларида (маъруза, амалиёт, лаборатория ва мустақил таълим) тезлик билан ўз самарасини беради. Ўқув материалларини мультимедиа тизимлари кўринишида тайёрлаш ва уларни компьютер тармоқлари ва узатиш воситалари орқали кўпчиликка тақдим этиш мумкин.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” усулидан фойдаланиш тингловчиларнинг дарсадаги фаоллигини таъминлайди, ҳар бир тингловчининг мунозарада қатнашиш ҳуқуқини ва бир-биридан ўрганиш имконини беради. Замонавий педагогик технологияларидан фойдаланиш фақатгина касбий профессионал фаолият самарадорлигини оширибгина қолмай, балки бўлажак мутахассисларда дунёқарашни ва маданиятини шакллантиришга, турмуш тарзига, ижтимоий соҳадаги фаолиятига ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Илғор ижодкор педагоглар томонидан анъанавий таълим технологиясидаги камчиликларга жавоб топиш, самарали услубларини такомиллаштириш, талабанинг ақлий меҳнатини амалга ошириш усулларини излашлари натижасида ўзига хос таълим усули воситалари яратилдики, бунинг оқибатида янгича педагогик фикрлаш тарзи вужудга келди. Ана шу изланишлар замирида янги педагогик технологияга асос солган педагогик технологиялар яратила бошланди. Қўлланиладиган педагогик технологияларни бир тизимга солиш, унга мақсадли йўналиш бериш таълимни амалга оширишдаги шакл ва мазмун яхлитлигини таъминлаган ҳолда кутилиши зарур натижани олишни белгилайди.

АДАБИЁТЛАР

- [1] Тиббий таълимда янги ахборот ва коммуникацион технологиялар: ривожланиш истикболлари. // X ўқув-услубий анжуман материалларининг тўплами. Тошкент- 2015 й.
- [2] Ишмухамедов Р., Юлдашев М. “Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар”. Тошкент- 2013 й.
- [3] Ишмухамедов Р., А. Абдукадиров, А. Пардаев. “Тарбияда инновацион технологиялар”. Тошкент- 2010 й.
- [4] Тажиев М., Алимов А.Я. ва б. Педагогик технология-таълим жараёнига тадбиғи. /”Тафаккур”, Тошкент-2010 й.
- [5] Зиёмухамедов Б., Тожиев М. Педагогик технология-замонавий ўзбек модели. // ”Lider Press”, Тошкент- 2009 й.
- [6] Хидирова Б. Таълим жараёнида педагогик технологияни қўллашнинг назарий ва амалий асослари. /” Фан ва технология”, Тошкент- 2009 й.
- [7] Ишмухамедов Р., Абдукадиров А., Пардаев А. “Таълимда инновацион технологиялар”. Тошкент- 2008 й.
- [8] Йўлдошев Ж.Ғ. “Интерфаол дарсларда ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятларини ташкил этиш”. Тошкент- 2008 й.
- [9] Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. “Таълимнинг замонавий технологиялари”. Тошкент- 2006 й.
- [10] Методика интерактивного обучения взрослых. // Проект «Развитие местного управления в Центральной Азии. Урбан институт, Ташкент- 2005 г.

ЭЛЕКТР ЗАНЖИРЛАР НАЗАРИЯСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*доцент ТУЛЯГАНОВА В.А., ассистент ГАЗИЕВА В.А.
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот Технологиялари
Университети*

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларида кенг миқёсда ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ҳарбий ислохотларнинг асосий йўналиши юқори, касбий маҳоратга эга бўлган, ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам жанговар вазифани бажара оладиган ҳар томонлама етук офицер кадрларни тайёрлашга қаратилган. Етук мутахассис, ўз Ватанини севувчи ва уни ҳар қандай шароитда ҳам ҳимоя қила олувчи, Ватанимиз хавфсизлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўша олувчи етук офицер кадрларни тайёрлаш учун курсантларнинг билим олишларига катта эътибор бериш зарур. Ўқитиш сифатини оширишда янги ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, ҳар бир дарс мавзусини ўрганишда ўзига хос технология, усул ва воситаларни танлашга тўғри келади. Ўқитиш жараёнида юқори натижага эришиш учун дарс жараёнини олдиндан кетма- кетлигини мўлжаллаш керак бўлади. Бунда ўқитувчи фаннинг ўзига хос томонларини, ўқув жараёнини ва шароитини, курсантларнинг эҳтиёжини ва имкониятларини, билим савиясини, шароитга қараб ишлатиладиган технологияларни танлаши лозим.

Анъанавий таълим тизими талаба ва курсантларни тайёр билимларни ўзлаштиришга ўргатади. Бугунги кунда талаба ёки курсант ўзлаштириши лозим бўлган илмий ахборот хажмининг кескин ошиб кетиши билан анъанавий таълим кам самарали бўлиб қолди. Ана шунинг учун келиш даври интерактив методлар, инновацион педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига киритишга кизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар талаба ёки курсантларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишга, мустақил ўрганиш, таҳлил қилиш ва олинган билимлардан ўзлари хулоса чиқаришга ўргатади. Инновацион технологиялар инглизчадан “innovaton” янгилик киритиш – педагогик жараён, яъни курсант ва ўқитувчи фаолияти ўзгариш, янгилик киритиш, ўқув жараёнида интерактив методлардан тўлқин фойдаланишни ўз ичига оладиган воситалар эса курсантнинг биргаликда фаолият орқали таълим мазмунига таъсир кўрсатадиган воситаларни ўз ичига олади. Бундан ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- курсантнинг билим олиш иштиёқини мунтазам ошириб бориш;
- курсантнинг ҳар қандай муаммога ижодий ёндошувига ўргатиш;
- педагог ва ўқувчи фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

Курсантнинг дарс давомида бефарқ бўлмасдан, ижодий фикрлаши ва изланланувчанлигини оширишга имкон яратиш.

Талаба ва курсантларга техника фанларини ўқитишда, хусусан, “Электр занжирлар назарияси” фанини ўқитишда энг оммавий интерфаол усуллар қуйидагилар саналади:

1. Интерфаол усуллар: “Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”), “Блиц-сўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Суҳбат” ва бошқалар.
2. Стратегиялар: “Ақлий ҳужум”, “Чархпалак”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Ротация”, “Т-жадвал”, “Юмалоқланган қор” ва ҳоказо.
3. График органайзерлар: “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” кабилар.



“Балиқ скелети” технологияси орқали курсантлар мустақил, кенг, ижодий, танқидий фикрлашга ўрганадилар.

Ушбу технология балиқ модел чизмаси орқали намоиш этилиб, бунда курсантлар ўртага ташланган муаммони ҳар томонлама очиб беришга ҳаракат

қиладилар. Балиқ скелети чизмаси ватманга чизилиб унинг тепа қисмига ечилиши керак бўлган муаммо ёзилади. Пастки қисмига муаммони ҳал этилиш йўллари ёзиб борилади. Масалан, ЭЗН дарсида “Электр филтрларни ҳисоблаш” масаласи қўйилса, курсант ва талабалар ўз фикрлари билан балиқ скелетини бойитиб борадилар.

Масалан, курсантларга “Электр занжирлар назарияси” фанини ўрганишда “Зинама-зина” технологиясидан фойдаланиш курсантларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича яққа ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма кўринишида ифода қилишга ўргатади. Курсантлар бу технология орқали гуруҳларда ишлашга ўрганадилар, ўтилган мавзунини субъект ўқитиш орқали мустақамлайдилар. ЭЗН дарсида “зинама- зина” технологиясини “Электр занжирларда ўтиш жараёнларини ҳисоблаш” ҳақидаги мавзунини қўйидагича ташкил қилиш мумкин. Топшириқ аввалида талаба ёки курсантлар тўрт гуруҳга бўлинади.

1-гуруҳга “Ўтиш жараёнларини ҳисоблашнинг классик усули”, **2-гуруҳга** “Ўтиш жараёнларини ҳисоблашнинг оператор усули”, **3-гуруҳга** “Ўтиш жараёнларини ҳисоблашнинг вақт усули”, **4-гуруҳга** “Ўтиш жараёнларини ҳисоблашнинг частотавий усули” мавзулари бўйича билганларини ёзма ёзиш топшириғи берилади. Гуруҳлар тоширикни бажариб бўлгач навбат билан ёзган маълумотларини йиғадилар. Ҳар бир гуруҳ сардори бажарган топшириқлари бўйича маълумот бериб, ўз мавзусини ҳимоя қилади.

“Венн диаграммаси” технологияси ЭЗН дарсида ўтилатилган мавзу ҳақида ўз фикрига эга бўлиш, матн билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаш, сўзлаб бериш, фикрини эркин ҳолда баён этиш, ҳамда дарс мобайнида ўқитувчи томонидан барча талаба ва курсантларни баҳолай олишга қаратилган методлардан биридир. ЭЗН фанидан амалий дарсларда “Оптимал ҳисоб усулларини аниқлаш”, “Параметрли тақсимланган электр занжирлар” мавзуларини ўқитишда бу технологиядан фойдаланиш яхши натижалар беради.

Курсантларга ЭЗН фанини ўқитишнинг яна бир самарали усули Swot-таҳлил усулидир. Талабаларга қўйидаги расм кўринишидаги тарқатма карточкалар тарқатилиб, мавзу юзасидан тўлдириш талаб қилинади.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, курсантлар билимларини мустақамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

“Ўткинчи жараёнларни оператор усули билан ҳисоблаш” мавзуси учун қўйидагича Swot-таҳлил тузиш мумкин.

Кучли томони (S) - мураккаб дифференциал тенгламаларни ечиш ўрнига оддий алгебраик тенгламалар кўринишида тузилади ва ечилади. Афзаллиги - ҳисобнинг соддалигидадир.

Заиф, кучсиз томони (W) - бу усулни фақат кўргазмалар кўринишида қўллаш мумкинлигидадир.

Имкониятлари (O) – чизиқли электр занжирларда ўткинчи жараёнларни таҳлил қилишнинг содда усули.

Тўсиқлар (T) - бу усулни оғзаки нутқда қўллаб бўлмайди. Ўқитувчи тарқатма материаллар билан таъминланган бўлиши лозим.

Ҳарбий таълимда фойдаланиш мумкин бўлган усуллардан яна бири бу Синквейн усули. Синквейн – бу маълум қоидаларга асосан тузилган 5 та сатрдан

иборат бўлган шеърдир. 1 сатр – мавзу номи, 2 сатр – бу мавзуниники сифат билан аниқлаш, 3 сатр – бу мавзу доирасидаги фаолиятни кўрсатувчи 3 та феъл, 4 сатр – муаллифнинг мавзуга муносабатини билдирувчи 4 та сўздан иборат бўлган жумла, 5 сатр – мавзу якуни, ихтиёрий сўз бўлакларида ифодаланган биринчи сўз синоними. Синквейн тузиш курсантларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўрганилаётган мавзуга ўз муносабатини билдириш, у ёки бу нуқтаи назар тўғрисида аниқ фикр билдириш кўникмаларини шакллантирашга ёрдам беради.

Синквейнлар кўринишида анъанавий япон шеърлятида шеърлар ёзилади:

От _____
иккитасифат _____
учта феъл _____
тўртта сўздан иборат жумла _____
отнинг синоними _____

Ўзгармас электр занжирларда Кирхгоф қонунлари мавзуси учун Синквейнга мисол қуйида келтирилган.

От: Кирхгоф қонунлари

иккита сифат: Контур тоқлари учун. Тугун потенциаллари учун

учта феъл: Ўлчайди, ҳисоблайди, текширади

тўртта сўздан иборат жумла: Ўзгармас тоқ занжирини ҳисоблаш

отнинг синоними: Қонунлар

Шундай қилиб, ҳарбий таълимда замонавий-педагогик технологиялардан фойдаланиш курсантларнинг ўз қобилиятлари ва имкониятларини намоёни қилишларига имкон беради, улар жамоа билан ишлаш малакасига эга бўладилар, ўзгалар фикрини ҳурмат қилишни ўрганадилар. Бу эса ўз навбатида дарснинг самарадорлигини ошириб, таълим сифатини кафолатлашга олиб келади, ҳамда замонамизнинг етуқ, ватанпарвар, мустақил ва баркамол офицер кадрларни тайёрлашда муҳим босқич ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

[1] Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947- сон фармони. Тошкент, 2017 йил 7 феврал.

[2] Bahriyev A., Bahriyeva N. Yangi pedagogik texnologiyalar orqali o'qitishda ichki motivatsiyani shakllantirish. / "Xalq ta'limi" jurnali, 2006, № 6. -25-28 b.

[3] Jumaev A. Bo'lajak o'qituvchi shaxsining ijtimoiy faollik omillari. / "Xalq ta'limi" jurnali, 2006, № 6. -17-20 b.

[4] Беспалко В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. — М.: Изд-во Института профессионального образования Министерства образования России, 1995.

[5] Og'ayev S. Yangi pedagogik texnologiya-hayotiy ehtiyoj. / "Xalq ta'limi" jurnali, 2001, № 3. -69-71 b.

[6] Сластенина В.А.-Педагогика профессионального образования. Под ред. М.: Академия, 2004.

СИСТЕМАТИЗИРОВАННЫЙ УЧЕБНО-ТЕРМИНОЛОГИЧЕСКИЙ СЛОВАРЬ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКЕ СПЕЦИАЛИСТА В ВВУЗЕ

***подполковник БОГАТОВ В.
Военный институт ИКТ и С***

Обосновываются необходимость разработки учебного терминологического словаря, как развитие профессиональной речи будущего специалиста. Описываются требования к учебному терминологическому словарю и критерии формирования.

Овладение любой профессией требует не только знаний специальных дисциплин, но и прочного усвоения терминологии. Оно предполагает знание профессиональной лексики, которая в свою очередь, основывается на усвоении объема и содержания научных понятий, а также на представлении изучаемой дисциплинарной области, отражающие внутрисистемные понятия и отношения.

Анализ методической работы современных стран показал, что определенную помощь в решении проблем усвоения терминологии могут оказать существующие учебные пособия, нормативно-справочная литература, а также терминологические словари. Однако, пособия читать довольно трудно, поскольку они ориентированы не на терминологические термины. Словари, построенные по алфавитному принципу, не дают возможности получить систематизированные знания, так как служат лишь для толкования отдельных терминов. Кроме того, чтобы изучаемая терминология стала достоянием всех обучающихся курсантов, она должна быть представлена в словарном виде и в такой последовательности, которая бы задавала логику содержания учебной дисциплины (темы). Наиболее удобный и доступный способ последовательного представления терминов является учебный терминологический словарь [1].

Терминологический словарь – это словарь, содержащий термины какой-либо области знания или темы и их толкования [2].

Важными методическими требованиями к учебному терминологическому словарю являются:

- отбор лексических средств, для учебного терминологического словаря в соответствии с требованиями учебных программ, с учетом уровня обучения и специальности курсантов;
- комплексное описание лексических единиц, представленных в словаре;
- учет уровня усвоения лексических единиц (рецептивный или продуктивный): включение дополнительных сведений о сочетаемости для лексических единиц, предназначенных для продуктивного усвоения;
- наличие методических указаний, содержащих рекомендации по использованию словаря в качестве средства обучения;
- наличие специально разработанных типовых упражнений, включенных в словарь или в специально разработанное учебное пособие [2].

С методической точки зрения, логико-семантические структуры тем (ЛССТ) являются основанием для отбора текстов по изучаемой тематике. Это также средство формирования навыков и умений в различных видах речевой деятельности [2].

Необходимо обратить внимание на то, что в настоящее время в процессе обучения курсанты сталкиваются с языковым барьером. Технические термины по

специальным дисциплинам излагаются в основном на русском языке, а уровень владения русским языком нашими курсантами является недостаточным, для качественного усвоения материалов.

Профессиональная речь, это общение людей, носителей любой профессии с помощью языка. Язык как инструмент получения знаний, он обслуживает не только сферу духовной культуры, но и связан с производством, со всеми его отраслями, с социальными отношениями, поэтому он является составляющей социальной сферы [3].

Реалии сегодняшнего времени требует по-новому рассмотреть вопрос функций языка. Определяющим критерием становится знание профессии, уровень овладения профессиональной терминологии, умение общаться в профессиональной сфере.

Знать язык специальности, значит знать специальную терминологию, особенности построения синтаксических конструкций - т.е. иметь сформированную языковую компетенцию, уместно и правильно использовать эти знания на практике [3].

Знания языка профессии намного повышает эффективность труда, помогает ориентироваться в сложнейшей производственной ситуации, в контактах с представителями своей и родственной специальностей. Профессиональное мастерство специалиста предусматривает также основательные специальные знания, умение общаться в коллективе с соблюдением норм профессиональной речи, поскольку речь нужна специалистам не как сборник правил, а как средство самоформирования и самореализации личности [4].

Качество профессиональной речи зависит напрямую от: содержательности, точности, понятности, богатства и разнообразия, чистоты, выразительности, правильности. Таким образом, мы видим, что культура речи, это явление сложное и вместе с тем определенное, и главным ее результатом должно быть умение говорить и писать правильно, что она органически включает в себя все элементы, способствующие точной, ясной и эмоциональной передаче мысли [5].

Для построения такой педагогической технологии необходимо знать некоторые особенности механизма самого процесса понимания слов вообще и особенно новых слов. Услышав незнакомое слово, человек испытывает дискомфорт. После звучания незнакомого или малознакомого слова человек не в состоянии некоторое время сознательно воспринимать даже понятную словесную информацию. Таким образом, произнесенные преподавателем на занятиях фразы с обычными, но недостаточно знакомыми обучающимся словами-терминами сводят на нет и те объяснения, которые они изначально понимали. Эти явления особенно заметны, когда изучаемый специальный предмет по своей сложности требует от обучающихся, значительного умственного сосредоточения. Приходя на занятие, курсант нацелен на получение новых знаний, а в итоге слышит только непонятную и абсолютно бесполезную информацию. Следовательно, затраченные преподавателем усилия не приводят к намеченному результату, а значит, цели, поставленные им в процессе обучения, не реализуются полностью.

Из вышесказанного сделать вывод о том, что для формирования иноязычной речевой лексической компетенции будущего офицера как способности к восприятию, усвоению и употреблению иноязычного лексикона, выражающего знания определенной предметной области, с целью и в ситуациях иноязычного профессионального общения, необходимо разработать учебный терминологический словарь на двух языках (русский и узбекский), который отвечал бы всем необходимым требованиям.

ЛИТЕРАТУРА

- [1] Граудина Л. К., Ширяев Е.Н. Культура русской речи. Ответственные редакторы –Москва, 2006.
- [2] Гринев-Гриневиц С.В. Введение в терминографию: как просто и легко составить словарь: учеб. пособие. 3-е изд., доп. М. : Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2009.
- [3] Кудашев И. С. Проектирование переводческих словарей специальной лексики. Helsinki: Helsinki University Translation Studies, Monographs 3, 2007.
- [4] Морковкин В. В. О словарной лексикологии // Русский язык за рубежом. 2001. №2. С. 32-38.
- [5] Чайникова Г. Р. Формирование иноязычной речевой лексической компетенции на основе учебного электронного терминологического словаря тезаурусного типа. Пермь, 2014.

DINIY EKSTREMISTIK VA TERRORCHI GURUHLARNI MAQSADLARINI O'RGANISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNI O'RNI

KODIROV J.M., RAJABOV E.A., SOLIJONOV T.T.
Axborot kommunikasiya texnologiyalar va aloqa harbiy instuti

Ushbu maqola pedagogik texnologiyalar imkoniyatlaridan foydalangan holda diniy ekstremistik va terrorchi guruhlarini maqsadlarini aniqlash a'zo bo'layotgan yoshlarni oldini olish bo'yicha ko'rib chiqilgan.

XXI asr-internet, ajoyib kashfiyotlar asri, axborot va g'oyat ulkan texnikaviy imkoniyatlar asri bo'lmoqda. Hozirgi kunda kelik insonlarning, ayniqsa yoshlarning hayotiga, xavf soluvchi ekstrimiz, terrorizm va shunga o'xshash qatlam paydo bo'ldi. Shu sabab yer yuzida bu ofatga qarshi keskin kurash olib borilmoqda, jumladan har bir ta'lim muassasalarida ta'lim olayotgan voyaga yetmaganlar bu xavfdan ogoh etish oqimlarning tuzog'iga tushib qolishiga saqlash maqsadida soha mutaxassislari bilan hamkorlikda targ'ibot-tashviqot ishlari sifatini oshirmog'imiz zarur. Manbalarda keltirilishicha diniy ekstremizm va terrorizm kabi hodisalarning ildizlari uzoq tarixga borib taqalishidan dalolat beradi. Shunday bo'lsada, ular hechon ijtimoiy barqarorlik va taraqqiyot uchun bugungudek tahdid sololmaganini qayd etishi lozim. Zero, hozirda diniy ekstremizm va terrorizm global xarakterga ega bo'lib, dunyoning barcha mamlakatlari hamda mintaqalarda birdek xavf solmoqda. Shunday ekan, uning oldini olish, unga qarshi kurashish imkoniyatning istiqboliga daxildor masalaga aylanganini e'tirof etish joiz. Mazkur yo'nalishda kishilik jamiyat oldida kompleks vazifalar dolzarb bo'lib turibdi.

Ta'lim muassasalari xodimlarning terrorizmga qarshi kurash tadbirlarini tashkil etish, diniy ta'lim muassasalari o'qtuvchilari bilan hamkorlikda uzluksiz ta'lim tizimini joriy etish bo'yicha maqsadli dasturiy tadbirlar majmuasi. Ta'lim sohasi xodimlari, makrabadan tashqari ta'lim, maktabgacha ta'lim, umumiy o'rta ta'lim, o'rta maxsus kasb hunar ta'lim, oliy ta'lim, o'ly ta'limdan kegingi ta'lim, kadrlarni qayta tayorlash va malaka oshirish terrorizm va ekstrimiz qarshi kurash tadbirlari tashkil etish sohada uzluksiz ta'lim joriy etish bo'yicha maqsadli dasturiy tadbirlar kompleksi quydagi bo'yicha amalga oshiriladi:


1. Ta'lim xodimlarining diniy ta'lim muassasalarning o'qtuvchilari va turli konfressiyalarning terrorizmga qarshi foliyatni tashkil qilish, sohasidagi uzluksiz ta'lim

tamoyillarini amalga oshirishga kontseptual, ilmy va uslubiy yordam.

2. Ta'lim xodimlarning diniy maktab o'qtuvchilari turli nominatsiyalar terrorizmga qarshi faoliyatini tashkil etish sohasidagi uzluksiz ta'lim tamoyillarini amalga oshirish qonuniy yordam berish.

3. Ta'lim xodimlarning diniy maktab o'qtuvchilari turli nominatsiyalar terrorizmga qarshi faoliyatini tashkil etish sohasidagi uzluksiz ta'lim joriy etishni taminlovchi jarayonlarni mionitoring qilish va boshqarish.

4. Ta'lim xodimlarning o'qtuvchilar turli dinlarning terrorizmga qarshi kurash tadbirlari tashkil etish sohasida uzluksiz ta'lim sohasidagi ishchilarni turli toifalari bo'yicha malakasini oshirish.



1 - rasm. O'zbekiston Respublikasidagi ta'lim tizimini strukturasi.

5. Ta'lim xodimlarning diniy ta'lim muassasalarning o'qtuvchilar turli dinlarning terrorizmga qarshi kurash tadbirlari tashkil etish sohasida uzluksiz ta'lim tamiyillarini amalga oshirishga axborot ko'magi keng foydalangan holda.

6. Ta'lim xodimlarning terrorizmga qarshi kurash tadbirlari tashkil etish sohasida doyimiy ta'lim tizimiga xizmat ko'rsatuvchi umumtas'lim muassasalar o'qtuvchilari turli denominatorlarning xizmachilarni zamonaviy kompyuter texnikasi va dasturiy ta'minot bilan jihozlash.

Ularning bajarish quydagi tashkiliy va reklama faoliyatini talab qoladi:

1. Ta'lim muassasalari o'qtuvchilarining antiterroristik faoliyat tashkil qilish, ta'lim muassaalarning diniy ta'lim muassasalar o'qtuvchilari va turli kofessiyalarning faoliyatini tashkil etish sohasidagi ta'lim muassasalarni uzluksiz ta'lim tizimiga o'tkazish uchun texnologiyalar ilmiy –uslubiy rivojlantirish.

2. Ta'lim muassasalari xodimlarning, muassasalarni o'qtuvchilari va turli nomenatsiyalar antiterror faoliyati tashkil etish sohasida uzluksiz ta'lim tizimidagi ta'lim muassasalarning menrjerlar va mutaxasisalari malakasini oshirish.

O'quv qo'llama va materiallarni chop etish.

1. O'quv seminar va manaviyatini oshirish uchun shoir va yozuvchilar bilan uchrashuvlar.

2. Ta'lim muassasalari xodimlarni, o'qtuvchilari turli kofessiyalarning tomonidan terrorizmga qarshi faoliyat tashkil etish sohasida uzluksiz ta'lim tizimining axborot bilan taminlash va qo'llab-quvatlash.

3. O'tish jarayoni va ta'lim muassasalar xodimlarining, diniy talim muassasalari o'qtuvchilari va turli xil nomzodlarni terrorizmga qarshi faoliyatlatini tashkil etish sohasida uzluksiz ta'lim tizimidagi ta'lim amaliyotlarining monitoringi.

Terrorizm – siyosiy kurashning jamiyatda beqarorlik o'rnatishga hamda aholida

vahima va dahshat o'yg'otishga qaratilgan usuldir. Bu konspirativ ruhdagi tashkilotlar davlatni beqarorlik holatiga keltirishda foydalanadilar. Ekstremizm tushunchasi, odatda, siyosatdagi keskin choralar va g'oyalarga moyillikni bildiradi. Ekstremizmning asosiy xususiyati – jamiyatda qabul qilingan qadriyatlar va me'yorlarga zidligidir. Xalqaro terrorizm – davlatlar, xalqaro tashkilotlar, siyosiy partiyalarni beqarorlashtirish va xalqaro ijtimoiy-siyosiy nufuzga ega bo'lgan alohida siyosiy arboblarni qotil qilishga yo'naltirilgan buzg'unchi siyosiy harakatlardir^[2].

Markaziy Osiyoda, shu jumladan O'zbekistonda faoliyat ko'rsatishga o'rinayotgan ekstremizm 1970 yillarda boshlanib, hozirgacha 5 ta bosqichni bosib o'tgan^[6].

1-bosqich. 1970-85 yillar bo'lib, 1956 yilda Sobiq Sho'rolar xukumati ayrim arab davlatlari bilan aloqa qiladi va shu doirada Livan davlati muftisi Moskvaga keladi va I. Buxoriy qabrini ziyorat qilishni so'raydi va shu yo'l bilan sovet davrida islom diniga munosabatni aniqlab ketadi 1985-89 yillarda.

2-bosqich. O'zbekistonga tashqaridan diniy mavzudagi adabiyotlar kirib kela boshladi. Uni chetdan o'qish uchun kelgan talabalar yoki o'qituvchilar orqali amalga oshirilib, shu sababli islomga e'tiqod qiluvchilar orasida ayrim ixtiloflar, har xil oqimlar kelib chiqadi va ular machitlarda ham turli mazmundagi g'oyalarni targ'ib qila boshlaydi.

3-bosqich. 1989-93 yillarda mustaqillik munosabati bilan O'zbekistonda dinga katta erkinlik berib yuboriladi. O'zbekistondagi machitlar 5000 tadan oshib ketadi va bundan foydalanib Farg'ona vodiysida «Adolat», «Islom o'yg'onish partiyasi», «Nurchilar» kabi guruhlar kelib chiqib, davlatga qarshi ochiqchasiga siyosiy talablar qo'ya boshladi.

4-bosqich. 1993-99 yillarda diniy ekstremistlar mahfiy faoliyatga o'tdi va ular ko'prok yoshlarni jalb qila boshlashdi. Asosan dunyoviy va diniy bilimga ega bo'lmagan yoshlarni ko'proq qamrab oldi. 1996 yilda Juma Namongoniy rahbarligida «O'zbekiston islomiy harakat» ni tashkil qiladi. Ular oldin Tojikiston va Afg'onistonga o'tib, Usama Bin Laden bilan birlashdi.

5-bosqich. 1999 yildan keyingi bosqichdagi ekstremizm bir muncha ayollar faoliyatiga e'tiborni kuchaytirib, shu yo'l orqali ayollar o'zlarini o'zlarini portlatish darajasigacha olib keldi. «Hizbut tahrir»ning «Ong» degan jurnalida shu jamoa a'zolarini shaxid darajasigacha chiqaradi, ya'ni o'zini o'zi o'ldirishgacha olib boradi. Islom olimlari esa «Hizbut tahrir» ni islomga zid bo'lgan g'oyadir deb tan olishgan.

Islom dini qadriyatlari mamlakatimizdagi ro'y berayotgan ma'naviy yangilanish jarayoni va milliy g'oya mezoni shakllanishining eng muhim omillaridan biridir. Bugungi kunda dinga bo'lgan qiziqishning kuchayib borishi globallashtirish jarayonlarining o'ziga xos in'ikosi deyish mumkin^[3]. Zero, globallashtirish dunyoni bir butun va yaxlit qila borishi bilan bir qatorda, uning hosilasi sifatida alohida olingan millat va jamiyatlar darajasida o'z-o'zini anglashga bo'lgan intilishning chuqurlashuviga ham zamin yaratmoqda. Afsuski, kommunikatsiya va informatsion texnologiyalarning tez sur'atlardagi taraqqiyoti g'oyaviy ta'sir o'tkazish imkoniyatlarining kengayishiga turtki bo'lib, geosiyosiy maqsadlarga bo'ysindirilgan, inson qalbi va ongi uchun kurashlarning yangidan-yangi usul va vositalarining ko'payib borayotgani, ayniqsa, bu borada din omilidan foydalanishga urinishlarda yaqqol namoyon bo'lmoqda. Aksariyat holatlarda ushbu kurash qurolli tus olib, ko'plab xalqlarning boshiga fojiali kunlarni solmoqda. So'nggi yillarda dunyoning qator mamlakatlarida, xususan, Yaqin Sharq mamlakatlarida turli noqonuniy qurolli tuzilmalar tomonidan islomiy davlat qurish shiori ostida insoniyatga qarshi jinoyatlar sodir etilmoqda. Oqibatda, Iroq, Suriya, Liviya kabi aslida ulkan iqtisodiy salohiyatga

ega mamlakatlar chuqur ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy tanazzulni boshidan kechirmoqda.. Qonli fojealar tufayli ushbu davlatlar yalpi ichki mahsulotining o'sish sur'atlari keskin pasaygan, ishsizlik darajasi deyarli ommaviy tus olgan. Eng dahshatlisi, hozirgi kunda Iroq va Suriya davlatlari hududida qariyb 8,5 million kishi terrorchi guruhlar to'liq nazorat o'rnatgan hududda, har qanday fuqaroviy huquq va erkinliklardan marhum bo'lgan holda kun kechirishga majbur bo'lmoqda. Terrorchilar ushbu mamlakatlarda ommaviy qatl, garovdagilarni qiynab o'ldirish, xotin-qizlarni ayollarni zo'rlash yoki ularni qul qilib sotish kabi jirkanch va qabih ishlarga qul urib, o'zlarini e'tiqodi puch, imonsiz kimsalar ekanliklarini namoyon etmoqda^[2]. Yuzlab ziyoratgohlar, shia musulmonlarining masjidlari, xristianlarning cherkov va monastirlari, maktab va kutubxonalar vayron qilindi. Ma'lumotlarga ko'ra, bugun dunyoda 500 ga yaqin terrorchilik tashkiloti faoliyat ko'rsatmoqda. Ularning 80 foizi islom niqobi ostida faoliyat yuritadi. Ular qatoriga "ISHID (Iroq va Shom Islom davlati)", "Jabha an-Nusra", "Ansaru ash-SHam" (Suriya), "al-Qoida", "al-Jihod al-Islomiy", "at-Takfir va-l-Hijra" (Misr), "Abu Sayyaf" (Filippin), "Ozod Achex", "Lashkari jihod" (Indoneziya), "Qurolli islomiy harakat" (Jazoir), "Boko haram" (Nigeriya), "Islom jihodi uyushmasi", "O'zbekiston islomiy harakati" Tolbion (Afg'oniston, Pokiston) kabi tashkilotlarni kiritish mumkin. Siyosiy hokimiyatga intilayotgan, diniy shiorlarni niqob qilib olgan aqidaparast oqimlar Markaziy Osiyo mamlakatlari, xususan, O'zbekistondagi ijtimoiy-siyosiy vaziyatga salbiy ta'sir o'tkazishga harakat qilmoqda. So'nggi yillarda "jihodchilar", soxta "salafiylar" kabi diniy-siyosiy guruhlar, shuningdek, "Xizbut tahrir" diniy-ekstremistik guruhi respublikamizda faol harakat qilishga urinmoqdalar. So'nggi yillarda mutaassib oqimlar yoshlar ichidagi faoliyatini xorijiy mamlakatlardagi mehnat migrantlarini ta'sir doirasiga olish, "Internet" orqali targ'ibot o'tkazish, oila a'zolari, yaqinlari va qo'shnilarini o'z guruhiga tortish, yashirin "hujralar" tashkil etish, diniy-ekstremistik mazmundagi materiallarni bosma, elektron ko'rinishda tarqatish kabi usullarda amalga oshirmoqda.

Internet orqali suhbat olib borish jarayonida yoshlarga kufr diyori, hijrat, jihod, shahidlik, xalifalikni tiklash kabi g'oyalar singdirilib, ular turli to'qnashuv va nizo o'choqlariga jalb qilinmoqda. Muayyan siyosiy kuchlarning nog'orasiga o'ynayotgan diniy-ekstremistik va terrorchi oqimlar tomonidan u erlarda amaliyotni o'tab kelgan aqidaparast, diydasi qotgan, mustaqil fikrlashdan mahrum, rahnamolarining har qanday buyruqlarini qonun deb biluvchi zombi jangarilardan tinch mintaqalarda ham turli nizolar va beqarorliklarni keltirib chiqarishda foydalanish maqsadi bugun ko'pchilikka ayon haqiqatdir. Ayniqsa, "jihodchi" guruhlar o'z safiga yangi shaxslarni jalb etishda internet va ijtimoiy tarmoqlardan keng foydalanmoqda. Turli internet saytlari, "Odnoklasnik", "Twitter" kabi ijtimoiy saytlarda tashkil etilgan turli nomlardagi forum va guruhlar, "You Tube" portalidan keng foydalanilmoqda^[3]. Mazkur guruhlarining targ'ibotchilari ko'p vaqtini internetda o'tkazuvchi, vaqtincha ishsiz, xorijda pul topish ilinjida yurgan va ijtimoiy holatdan norozi shaxslarni o'z saflariga qo'shish maqsadida ular bilan go'yoki "musulmonlarning azoblanayotgani" suhbatlar olib boradilar.

Yuqorida qayd etilganlardan kelib chiqqan holda, shuningdek, yurtimizda ijtimoiy-ma'naviy va diniy vaziyatning barqarorligini ta'minlash, turli diniy ekstremistik oqimlarga qarshi kurashni yanada faollashtirish hamda yoshlarni yot g'oyalarga qo'shilib ketishining oldini olish maqsadida diniy soha xodimlari quyidagilarga ahamiyat qaratishi zarur hisoblanadi^[3]:

- joylarda fuqarolar ichida din bilan bog'liq jarayonlardan doimiy ravishda boxabar bo'lib yurish, vaziyatning barqarorligini ta'minlash bo'yicha mutasaddi tashkilot va idoralar bilan amaliy hamkorlikni yanada mustahkamlash;

- o'quv muassasalari, mahalla yig'inlari, korxonalar va tashkilotlarda yoshlarni

dunyoviylik, vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga qaratilgan amaliy chora-tadbirlar va ma'naviy-ma'rifiy ishlarining ta'sirchanligini oshirish;

- ta'lim muassasalarida «Tinchlik eng oliy ne'mat», «Islomda ekstremizm va terrorizmga o'rin yo'q», «Diniy-ekstremistik oqimlar – davlat va jamiyatga tahdid» kabi mavzularda davra suhbatlari va seminar-mashg'ulotlar son va sifatini oshirish, tadbirlarda diniy ekstremistik va terroristik guruhlarining asl qiyofasini fosh etuvchi, jinoyatlari aks etgan videotasvirlardan foydalanish^[3].

- joylarda masjid va alohida uylarda(hujralarda) noqonuniy diniy ta'lim berish holatlariga barham berish yuzasidan tushuntirish ishlari tizimli o'tkazish;

- mahalliy OAVda diniy ekstremizm va missionerlik g'oyalari jamiyatga tahdidi haqida davra suhbatlarida ishtirok etish, xalqaro terrorizm hamda diniy ekstremizm g'oyalari zamirida g'arazli geosiyosiy maqsadlar yotganligi, aqidaparastlar islomni buzib talqin qilishlarini asosli tarzda fosh etuvchi chiqishlarni ko'paytirish;

- mahallalarda hushyorlik va ogohlikni ta'minlash, yoshlarning tarbiyasida oila ma'suliyatini oshirishga qaratilgan tadbirlar uyushtirish va bu kabi ishlarda faol ishtirok etish, mehnat migrantlari bilan ularni jihodiy jamoalar ta'siriga tushib qolishi oldini olishga qaratilgan suhbatlarda ishtirok etish;

- hokimiyat, korxonalar, tashkilot, "Mahalla" va "Nuroni" jamg'armalari bilan hamkorlikda xayriya faoliyatini kuchaytirish orqali ekstremistlar uchun «faoliyat maydonini» toraytirish va yo'qqa chiqarishga alohida e'tibor qaratish;

- diniy-ekstremistik oqimlar tarkibida sodir etgan jinoyati uchun jazo o'tagan, hozirda tuzalish yo'liga kirgan va amnistiya tufayli ozodlikka chiqqan shaxslar bilan o'tkaziladigan tarbiyaviy ishlarda qatnashish, ularga aqidaparastlikning asl mohiyati va zararli oqibatlarini tushuntirish bilan ijobiy ta'sir o'tkazishga urg'u berish.

- amaliy yondoshgan holda har xil tadbirlarni tashkillashtirish muzey, tiyatir, vatan qahromonlari bilan uchrashuv muloqat shoir aktorlar bilan turli hil tashkilotlar bilan ham hamkorlik olib borish kerak.

Xulosa qilib aytgandan bo'lsak tinchlikni asrash hushyorlik va ogohlikni talab qiladi. Shu nuqtai-nazardan, globalashuv jarayonlari shiddatli tus olgan hozirgi zamonda xalqimizda, ayniqsa, yoshlarda milliy g'urur, iftixor, tuyg'usini, yanada chuqurroq shakllantirish, yot g'oyalardan saqlovchi mafkuraviy immunitet shakllantirish O'zbekistondan buyuk Vanatimiz kelajagiga o'zini ma'sul hisoblovchi barcha yurtdoshlarimizning, fazivasi deb bilishimiz lozim.

ADABIYOTLAR

[1] Abdulaziz Mansur Qur'oni karim ma'nolarining tarjima va tafsiri / Tarjima va tafsir muallifi –T.: Toshkent islom universiteti, 2017. – 624 b.

[2] Ochiliev A.S. Diniy ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashning ma'naviy-ma'rifiy asoslari: O'quv qo'llanma /. T.: Toshkent islom universiteti, 2016.–246 b.

[3] Zakulaev A.K. Buddavilik niqobi ostida diniy ekstrimistik guruhlar: o'quv-uslubiy qo'llama // 2010. – B.345.

[4] Zakurlaev A. O'zbekistonda g'ayriqonuniy faoliyat ko'rsatayotgan diniy ekstremistik va terroristik tashkilotlar va bu tashkilotlarni aniqlashda huquqni muhofaza qiluvchi idoralarning vazifalari va jamoat tashkilotlari bilan hamkorlik: Uslubiy qo'llanma.– T., 2017.

[5] Zakurlaev A. O'zbekiston rivojiga tahdid solayotgan g'ayri- qonuniy diniy oqim va terrorchilik tashkilotlari. Tariqatchilik, asliyat va mohiyat. – Toshkent, 2017y.

[6] Axunov B., Zakurlaev A. Diniy ekstremizm va terrorchilik. – T., Yangi asr avlodi, 2004. – B. 66.

[7] Meliqo'ziev J. Halokat tuzog'i. – T.: Toshkent islom universiteti, 2013. – B. 32.

ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

РАХИМОВ А.Ф., САБИРОВ Д.Р.

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий тиббиёт факультети

XX аср кишилик жамияти тараққиёти тарихидан фан ва техника соҳасида юз берган инқилоблар даври сифатида жой олди. Ижтимоий зарурият маҳсули бўлган технология соҳаси ва унинг такомиллашиб бориши қисқа вақт оралиғида, кам жисмоний куч сарфлаган ҳолда юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди.

Инсоният цивилизациясининг қуйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар қўйилмоқда. Чунончи, мураккаб техника билан ишлай оладиган ишлаб чиқариш жараёнининг моҳиятини тўлақонли англаш имкониятига эга, фавқулодда рўй берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта олувчи малакали мутахассисни тайёрлашга бўлган ижтимоий эҳтиёж таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.

Шу боис, ижтимоий тараққиёт билан узвий алоқадорликда ривожланиб бораётган педагогика фанининг вазифалари доираси кенгайиб бормоқда.

Айни вақтда, Республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кенг қўламни камраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда талабага етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни татбиқ этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда зерикарли дарслар ўрнига дарсларни ташкил этишга масъулият билан ёндашадиган, касбий билимдон, методик маҳоратга эга, маъсулиятли, замонавий интерфаол педагогик технологияни мукамал ўзлаштириб олган, инновациялар асосида таълимни ташкил эта оладиган ўқитувчиларга талаб ошиб бормоқда. Таълимда моддий база, стандарт, ўқув режалар, дастур ва дарсликлар қанчалик такомиллаштирилмасин, қутилган асосий натижага эришиш, чуқур ва пухта билим бериш, юқори сифатдаги ўзлаштиришга эришиш бевосита назарий ва амалий машғулотларни олиб борувчи ўқитувчининг ижодкорлиги, изланувчанлиги, малакасига, педагогик маҳоратига боғланиб қолаверади.

Ўқитиш жараёни педагогик технологиялар талаблари асосида ифода этилганда ўқув мақсадларига эришилади. Илмий-техник тараққиёт жадаллашган даврда ўқитиш самарадорлиги, асосан, талабанинг ўқитиш жараёнидаги ўрни, педагогнинг унга бўлган муносабатига боғлиқ бўлади. Бу ерда ўқитиш технологиясининг икки турини ажратиш мумкин: **авторитар** ва **шахсга йўналтирилган**.

Авторитар технологияда, педагог ягона субъект сифатда намоён бўлади, талабалар эса фақатгина «объект» вазифасини бажаради холос. Бунда талабанинг ташаббуси ва мустақиллиги йўқолади, ўқитиш мажбурий тарзда амалга оширилади. Одатдаги анъанавий ўқитиш, авторитар технологияга тааллуқлидир. Бунда, аввало Я.А.Коменский томонидан ифода этилган, дидактика

тамойилларига асосланган ўқитишнинг «гуруҳ - дарс» тизимида ташкил этиш назарда тутилади. Ҳанузгача дунёда ўқитишнинг энг кўп тарқалган тури «гуруҳ – дарс» тизими ҳисобланади, у қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

ёши ва таёрлик даражаси тахминан бир хил бўлган ўқувчилар гуруҳни ташкил этади;

гуруҳ ягона ўқув режа, ягона ўқув дастурлар ва ягона машғулотлар жадвали билан шуғилланади;

машғулотларнинг асосий бирлиги дарс бўлиб, у битта фаннинг битта мавзусига бағишланади ва ўқитувчи томонидан бошқарилади;

ўқув китоблари асосан уй ишлари учун қўлланилади.

Анъанавий ўқитиш асосан билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга қаратилган бўлиб, шахснинг ривожланишини кўзда тутмайди.

Анъанавий ўқитиш асосини, Я.А.Коменский томонидан тузилган педагогика таълимлари ташкил этади:

- илмийлик;

- табиатга монандлик (ўқитиш ривожланиш билан белгиланади ва шаклланади);

- узвийлик ва тизимлилик;

- ўзлаштирувчанлик “маълумдан номаълумга, соддадан мураккабга”;

- мустақамлаш “такрорлаш”;

- онглилик ва фаоллик;

- назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги;

- ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш.

Кескин юксалиш давригача (XX асрнинг биринчи ярмигача), фан, техника ва технологиялар ривож эволюцион, паст суръатларда амалга ошар эди.

Шунинг учун кетма-кет келувчи авлодларнинг ривожланиш даражаси деярли фарқ қилмас эди. Бундай шароитларда Я.А.Коменскийнинг ўқитишнинг авторитар технологияси, анъанавий «гуруҳ – дарс» тизими дунёга келди.

Илмий техник тараққиётнинг кескин юксалиш даврида (XX асрнинг иккинчи ярми), фан, техника, технологиялар юқори сураътларда ривожланаётган даврда, бир авлод ҳаёти давомида фаннинг ривож инсониятнинг бутун тарихидан кўра кўпроқ бўлган бу даврда, ўқитишнинг анъанавий тизими (шу жумладан замонавий анъанавий ўқитиш) ўз умрини охирига етди. Ҳозирги замон авлодининг ривожланиш суръати олдингилардан кўра анча юқори бўлганлиги сабабли, ўқитишнинг анъанавий тизими, ривожланишга тускинлик қила бошлади. Бундай шароитларда тараққиёт, фақат ҳар бир шахснинг мавжуд имкониятларини тўла рўёбга чиқариш асосида амалга оширилиши мумкин. Ахборотнинг ҳажми, хилма-хиллиги, эгаллашга мойиллиги ва воситаларининг етарлилиги самарали индивидуал ва мустақил ўқитишни ташкил этиш учун зарурий шарт-шароитлар яратади. Ўқитишни жадаллаштириш мақсадида, педагогнинг талабага бўлган муносабати «сардор»ликдан, унинг «шериги»га айланиши зарур.

Ўқитишнинг **шахсга йўналтирилган** технологияларига қуйидаги асосий таълимлар хос бўлади:

инсонпарварлик, яъни инсонга ҳар томонлама ҳурмат ва муҳаббат кўрсатиш, унга ёрдамлашиш, унинг ижодий қобилиятига ишонч билан қараш, зўрлашдан тўла воз кечиш;

ҳамкорлик, яъни педагог ва талабалар муносабатидаги демократизм, тенглик, шериклик;

эркин тарбиялаш, яъни шахсга унинг ҳаёт фаолиятини кенг ёки тор доирасида танлаб олиш эркинлиги ва мустақилликни бериш, натижаларини ташқи таъсирдан эмас, ички хиссиётлардан келтириб чиқариш. Шахсга йўналтирилган технологияларнинг коммуникатив асоси – педагогик жараёнда ўқувчига инсоний - шахсий ёндашув ҳисобланади.

Муҳаббат ва ҳурмат, унга ёрдамлашиш ҳислатлари асосида цивилизация шаклланиб келди.

Япониянинг замонавий педагог-олимлари болани кунига 200 мартагача эркалатишни тавсия берадилар. Бу замонавий ғояларнинг дебочаси, буюк аждодимиз Ал-Бухорийнинг «Ҳадис» китобида «Болага раҳимдиллик қилмоқ, уни ўпиб кучоқламоқ ҳақида» бобида ёритилган. Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларининг ўзаги шахслар ўртасидаги юқори кадриятларга, тенг ҳуқуқликка асосланган муносабат ҳисобланади.

Бу кадриятлар Ал-Бухорийнинг «Ҳадис» китобида «Ширин сўз одам ҳақида», «Сўкмоқ ва лаънатламоқ тақиқланганлиги ҳақида» бобларида намоён этилган. Унда шахсни сўкиш уни ўлдириш билан тенглаштирилган.

Шахсга йўналтирилган технологиялар инсоннинг ақлий қобилиятларини очишига хизмат қилади.

Индивидуал ёндашувнинг замонавий янги талқини қуйидагилардан иборат:

ўртача талабага йўналтиришдан воз кечиш;

шахснинг яхши ҳислатларини излаш;

шахс ривожланишининг индивидуал дастурларини тузиш.

Шахсий ёндашишда биринчи навбатда қуйидагилар зарур бўлади:

хар бир талаба қиёфасида ноёб шахсни кўриш, уни ҳурмат қилиш, тушуниш, қабул қилиш, унга ишониш. Педагогда барча талабалар истеъдодли деган ишонч бўлиши керак;

шахсга, ютуқни мақулловчи, қўллаб-қувватловчи, хайрихоҳ вазиятлар яратиш, яъни ўқиш, қониқиш ва хурсандчиликни олиб келиш керак;

беvosита мажбурлашга йўл қўймаслик, қоқоқликка ва бошқа камчиликларга урғу бермаслик, унинг нафсониятига тегмаслик;

педагогик жараёнда, талабаларга ўз қобилиятларини руёбга чиқаришга имконият яратиш ва кўмаклашиш.

Олий, ўрта махсус ва касбий таълим тизими учун, ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологияларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ишбилармонлик ўйинлари;

- муаммоли ўқитиш;

- табақалаштирилган ўқитиш;

- дастурлаштирилган ўқитиш;

- компьютерлаштирилган ўқитиш;

- модулли ўқитиш.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари илмий-техникавий тараққиёт жадаллаштирилган даврида ривожланган давлатларда шакллантирилганлигини инобатга олган ҳолда улар чуқур илдизларга эга эканлигини таъкидлаш лозим.

Муносабатларни демократлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- талаба ва педагог ҳуқуқларини тенглаштириш;

- талабанинг эркин танлаб олиш ҳуқуқи;

- хатога йўл қўйиш ҳуқуқи;

- ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ҳуқуқи;

- педагог ва талабалар муносабати зайли: таъқиқламаслик; бошқариш эмас, биргаликда бошқариш; мажбурлаш эмас, ишонтириш; буюриш эмас, ташкил этиш; чегаралаш эмас, эркин танлаб олишга имкон бериш.

Янги муносабатларнинг асосий мазмуни, ҳозирги замон шароитида самарали натижа бермайдиган ва ғайриинсоний ҳисобланадиган зўравонлик педагогикасидан воз кечишдир. Муаммо бу тамойилни мутлоқлаштиришда эмас, балки унинг оқилона мезонларини аниқлашдадир. Умуман олганда тарбия жараёнида зўравонлик мумкин эмас, аммо жазолаш инсонни камситади, эзади, ривожланишини сусайтиради, унда қулчилик хусусиятларини шакллантиради.

Эркин ўқитиш куйидагилар билан белгиланади:

- ўқув материалга қизиқиш, уйғотиш, билишга ва фаол ижодий фикрлашга рағбарлантириш;

- талабаларнинг мустақиллиги ва ташаббусига таяниш;

- жамоа орқали билвосита усуллар билан талабларни амалга оширишни таъминлаш.

Янги индивидуал ёндашувнинг моҳияти шундаки, у таълим тизимида ўқув фанидан талабага эмас, талабадан ўқув фани томонига ҳаракатланишни тақозо этади, талабаларнинг мавжуд имкониятларини инобатга олиб, уларни ривожлантириш, такомиллаштириш ва бойитишга қаратилган бўлади.

Умумий хулоса шуки, ҳозирги даврда олий таълим муассасаларида замонавий педагогик технологиялар (шу жумладан, шахсга йўналтирилган таълим)га асосланган таълим турлардан эркин фойдалана оладиган мутахассисларни тайёрлаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Чунки замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш фақатгина касбий профессионал фаолият самарадорлигини оширибгина қолмай, балки бўлажак мутахассисларда дунёқарашни ва маданиятини шакллантиришга, турмуш тарзига, ижтимоий соҳадаги фаолиятига ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Замонавий педагогик технологиялар таълим жараёнида дидактик материал тайёрлаш вазифасини енгиллаштиради. Педагогик технологиялар билан дидактик материалларни уйғунликда қўллаш ўрганилаётган мавзунини талабалар томонидан ўзлаштиришда катта ёрдам беради. Таълимда педагогик технологияларни қўллаганда, талаба эшитиш, кўриш, кўрганлари асосида мустақил фикрлаш имкониятига эга бўладилар.

Замонавий педагогик технологиялар асосида талабаларнинг фанларга бўлган қизиқишларини янада ошириш, касбий малака ва кўникмаларини шакллантириш бўйича ҳамда таълим самарадорлигини таъминловчи услубий тавсияларни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР

[1] Зиёмухамедов Б., Тожиев М. Педагогик технология-замонавий ўзбек модели. // "Lider Press", Тошкент- 2009 й.

[2] Ишмухамедов Р., Юлдашев М. "Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар". Тошкент- 2013 й.

[3] Ишмухамедов Р., Абдуқадиров А., Пардаев А. "Тарбияда инновацион технологиялар". Тошкент- 2010 й.

[4] Ишмухамедов Р., Абдуқадиров А., Пардаев А. "Таълимда инновацион технологиялар". Тошкент- 2008 й.

[5] Йўлдошев Ж.Ф. "Интерфаол дарсларда ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятларини ташкил этиш". Тошкент- 2008 й.

[6] Методика интерактивного обучения взрослых. // Проект «Развитие местного управления в Центральной Азии. Урбан институт, Ташкент- 2005 г.

[7] Тажиев М., Алимов А.Я. ва б. Педагогик технология-таълим жараёнига тадбиғи. /”Тафаккур”, Тошкент-2010 й.

[8] Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. “Таълимнинг замонавий технологиялари”. Тошкент- 2006 й.

[9] Тиббий таълимда янги ахборот ва коммуникацион технологиялар: ривожланиш истиқболлари. // X ўқув-услугий анжуман материалларининг тўплами. Тошкент- 2015 й.

[10] Хидирова Б. Таълим жараёнида педагогик технологияни қўллашнинг назарий ва амалий асослари. /”Фан ва технология”, Тошкент- 2009 й.

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

РАХИМОВ А. Ф.

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий тиббиёт факультети

Мақолада курсантлар ва тингловчиларга ҳарбий-дала жарроҳлиги фанини ўқитишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш тажрибаси ҳақида мулоҳаза юритилади.

Ҳарбий-дала жарроҳлиги фанини ўқитишда замонавий педагогик технологиялар асосида машғулотларни ташкил қилиш– бу, таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли усулидир.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини демократлаштириш, XXI аср ёшларини ҳар томонлама ривожланган, етук, дунёвий фикр юритадиган, билимли, баркамол шахсларни жаҳон таълим стандартларига мос равишда тарбиялаш долзарб вазифалардан биридир.

Юртимиз келажаги халқимиз, мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятига, ақл-заковатига, миллий таълим-тарбия тизимини жаҳон андозалари асосида такомиллаштириш, таълим тизимини янги замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил қилишга, кадрлар тайёрлашга бевосита боғлиқ. Янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган баркамол ташкилотчи ва зукко кадрларга эга бўлиши учун аввало таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни ҳозирги давр талаби даражасига кўтариш зарур ва муҳимлигини ҳаёт тақозо этипти (Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А.Каримов - “Баркамол авлод йили дастури”).

Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, ёш авлодни шу асосда Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатинининг энг муҳим устивор йўналишларидан бири этиб белгиланди (Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев).

Таълим технологияси – тингловчининг шахсий сифатларини, касбий, умумкасбий ва умуммаданий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган ўқитиш ва тарбиялаш технологиясидир.

Қадимий файласуф Сократ ўз чиқишларида савол ва жавоб усулини ишлатар эди. Бу усул ҳақиқатни билиб олиш учун ёрдам берар эди.

Қадимий Рим педагоги М.Ф. Квентилиан ҳар бир шогирдга эътибор ва диққат билан ёндашишни тавсия берган эди.

Ажойиб шахсий фазилатларга асосланган таълимимиз, жаҳон фанининг шаклланишига ва ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшгани билан ажралиб туради. Абу Али ибн Сино, А.Беруний, Ал-Хоразмий, М.Улуғбек, Ал-Бухорий, А.Ғиждувоний, Б.Нақшбандий, А.Навоий, З.Бобур каби буюк аждодларимизнинг таълимоти, жаҳон ивилизациясидаги бебаҳо улушини бугунги кунда бутун дунё тан олмоқда. Ўрта аср Шарқининг буюк олимумутафаккирлари томонидан йирик педагогик мерос қолдирилган. Асрлар, минг йиллар давомида шахсга янгича қараш қуйидагилардан иборат бўлиб келмоқда:

педагогик жараёнда шахс объект эмас, субъект ҳисобланади;

ҳар бир тингловчи қобилият эгаси, кўпчилиги эса истеъдод эгаси ҳисобланади;

юқори этик ва эстетик қадриятлар (саҳийлик, муҳаббат, меҳнатсеварлик, виждон ва бошқалар) шахснинг устивор хислатлари ҳисобланади.

Замонавий таълимни ташкил этиш, айниқса, интерфаол методлардан фойдаланиш асосида дарс жараёнларини ташкил этишга қўйиладиган талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Интерфаол усулларни ўқув жараёнида либерализация қилиш, демократлаштириш, ҳамкорлик ҳам ижодкорликни ташкил этишни тақозо этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўқув жараёни марказида тингловчи бўлмоғи лозим ва ўқув жараёни унга қаратилган, йўналтирилган бўлиши талаб этилмоқда. Шахсга йўналтирилган таълим ўқувчининг ўқув меҳнатини ташкил этишни ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилади.

Бундай таълим ўқитувчи ва тингловчига доимий ижодий изланиш, узлуксиз ўз устида ишлаш имкониятини беради. Бу ҳолатнинг ижобий кечиши таълимда сифат ва самарадорликнинг қафолатидир. Дарслар жараёнида интерфаол усуллардан фойдаланиш ўз моҳиятига кўра субъектив хусусиятига эга, яъни ҳар бир педагог таълим ва тарбия жараёнини ўз имконияти, касбий маҳоратидан келиб чиққан ҳолда ижодий ташкил этиши лозим.

Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Педагог дарс жараёнида шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида талаба асосий фигурага айланади. Шунингдек, таълим жараёнини мазмунли ташкил этиш учун технология, ахборот, компьютер, мультимедиа, интернет, масофали ўқитиш, ягона ахборот муҳити ва шунга ўхшаш ахборот-коммуникацион технологияларнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш ўзининг самарасини беради.

Маълумки, барча таълим муассасаларида интерфаол методлар бўйича муҳим илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва бу борада кўплаб катта ютуқларга эришилган десак муболаға бўлмайди. Масалан, Р. Ишмухамедов, А. Абдуқадиров, А. Пардаевларнинг “Таълимда инновацион технологиялар” (2008), “Тарбияда инновацион технологиялар” (2010), Р. Ишмухамедов, М. Юлдашевларнинг “Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар” (2013), Н. Саидахмедовнинг “Педагогик маҳорат ва педагогик технология

кўлланмаси”, И.Қ. Толипов, М. Усмонбоевнинг “Педагогик технологияларининг татбикий асослари” ўқув кўлланмаси (2006), Ж.Ғ. Йўлдошев, Ф. Йўлдошева, Т.Йўлдошевларнинг “Интерфаол таълим – сифат кафолати кўлланмаси” (2008), Т. Ғаффоровнинг “Бошланғич таълимда замонавий педагогик технологиялар” (2011) ва бошқа тадқиқот натижалари асосида турли тажриба-синов ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда “Таълим тўғрисидаги” Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га асосан таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш – шахс манфаати устиворлигидир. Бу омил давлатимизнинг ижтимоий сиёсатда муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли таълим-тарбия жараёнига янги педагогик технологияларни олиб кириш, таълимнинг янгиланган технологик моделларини яратиш, таълим-тарбия самарадорлиги, аввало, талабалар фаолиятида кўзга ташланади. Шундай экан, таълим-тарбиянинг мақсад, вазифаларини бажаришда юқори самарадорликка эришишни кафолатлаш педагогик технологияга асосланган дарс лойҳаларини яратишдаги бош мақсад ҳисобланади.

Таълим муассасаларида таълим- тарбия жараёнларини ташкил қилиш куйидаги йўналишларда олиб борилади.


1. Ўқитувчининг дарсга пухта тайёргарлиги таълимнинг муваффақиятли ва самарали бўлишининг гаровидир.

2. Дарс ишланмасининг таркибий қисмлари.

3. Ўқитувчиларни ўз устиларида мустақил ишлашлари, ижодий изланишлари орқали таълим самарадорлигини оширишга оид ёрдам берадиган омил – дарсларни таҳлил қилиш.

Дарс – бу ўқув аудиториясида аниқ мақсадларни кўзлаб, белгиланган вақт оралиғида ўқитувчи раҳбарлигида тингловчилар учун ўқув-тарбия жараёнининг ташкил этилишидир, “Бир соатлик яхши дарс – буюк бир асардир”. Зеро, бугун бизнинг Ватанда юқоридаги вазифаларни сифатли даражада бажариш, яъни соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, уларни ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун барча шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилган.

Ўқитувчилар дарсга таёргарлик кўришда куйидагиларга амал қилади:



Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги натижаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёни шуни кўрсатдики, ўқитувчининг шогирдларини дарсда фаол қатнашиши, пухта билиши, ўқув-қобилият маҳоратига доимий эътибор қаратиши ҳамкорлик савиясини оширар экан, шу ўринда алоҳида такидлаш жоизки, ўқитувчи тингловчини ўзининг талаб ва шартларига бўйсунувчи, итоат этувчи шахс деб ҳисобламасдан балки унинг мустақиллигини, ўзига ҳослигини эътироф этган ҳолда ҳамкорлик муносабатида бўлиши даркор, қолаверса у тиноловчилар билан

дарс юзасидан муносабатларини таҳлил қилиши, таққослаб билим бериб бориши керак.

Таълим жараёнида интерфаол усулларнинг самарали қўлланилиши куйидаги омиллар билан кафолатланади:

мазкур усулни қўллаш учун олдиндан пухта тайёргарлик кўриш ва режалаштириш;

ушбу усулни қўллаш учун тегишли вазият яратилиши;

интерфаол таълим жараёни умумпедагогик талаблар асосида, ҳиссиёт-эҳтиросларга берилмаган ҳолда, дўстона, самимиятли равишда ташкил этилиши;

индивидуал ёндашув жараёни тингловчининг эркин фикр юритиш, ўзининг ички кечинмаларини ижодий баён қилишлари учун тегишли шароитнинг яратилиши;

интерфаол методлар турли шаклларда амалга оширилиши.

Таълимни индивидуаллаштириш жараёни куйидагилардан иборат:

таълим жараёнини индивидуаллаштириш шундай ўқитиш усулики, бунда ҳар бир тингловчи ўқув жараёнида фаол иштирок этиб, ўқув-билув жараёнига шахсий ҳисса қўшиши ҳисобга олинади;

таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчининг услубий ёндашуви, тезкорлиги, тингловчининг шахсий ҳусусиятлари ҳисобга олинади;

ўқув-методик, психологик, педагогик ташкилий бошқарув ишларини олиб боришда тингловчи шахси ўқув-билув марказида бўлади.

Гуруҳларда ўқув-тарбиявий ишлар ташкил этилганда ҳар бир талаба билан яккама-якка ишланганда уларнинг шахсий ҳусусиятлари доимо ўқитувчи диққат марказида турмоғи, ҳисобга олинмоғи керак. Талаба билан мулоқот олиб борилганда ҳам, унинг ўзига хосликлари диққат эътиборда тутилиши керак. Таълим жараёнида ҳам унинг қобилияти, имкониятлари назарда тутилиши керак. Педагогик-психологик жараёнларни олиб боришда талабанинг шахсий ривожланиш даражасини кўзда тутиш зарур.

Индивидуаллашган таълим принциплари куйидагиларни ўз ичига камраб олади:

индивидуаллаштириш – ўқув жараёнининг бош стратегиясидир;

ўқув жараёнини индивидуаллаштириш орқали шахсни ривожлантириш таъминланади;

ҳар бир ўқув предметини ўқитишни индивидуаллаштириш орқали амалга ошириш кутилган натижани кафолатлайди;

ўқитиш шакллари индивидуаллаштириш билан интеграциялаш шароити яратилади;

индивидуаллашган таълим – ўқув жараёни сифат ва самарадорлигини таъминлайди;

индивидуаллашган таълимда кўникма, малака, билим олиш ўқувчининг қизиқиши асосида кечади;

мустақил ишлай олиш ўқувчининг умумўқув кўникмасини ривожлантиради, тараққий эттиради.

Демак, таълим-тарбия сифати ва самарадорлиги талабанинг ўқув мазмунини ўзлаштиришга йўналтирилган мустақил мутолаа билан самарали шуғулланиши, мустақил фикр юритиши ва тафаккур фаолияти билан боғлиқ. Интерфаол методларда дарс жараёнини олиб боришда талабаларда куйидаги ҳусусиятларнинг ривожланишини кўрсатиш мумкин.

Талаба ўқитилмайди, уни мустақил ўқиш, ўрганиш, ишлашга ўргатилади. Бунда талабалар мустақил равишда таҳлил қилиш орқали ўзлаштиришга, ижодий

мулоҳаза юритишга, шахсий хулосалар асосида эркин фикр юритишга ўргатилади. Талабаларда ёд фикрларга қарши фикр юрита олиш, ўз позициясини химоя қила олиш кўникмалари шакллантирилади.

Талабага билимлар тайёр ҳолда берилмасдан, билимларни дарсликлардан, интернетдан, турли бошқа манбалардан излаш, топиш, қайта ишлаш орқали унинг билим олиш малакаси шакллантирилади. Олган билимлари орқали ижодий мушоҳада юритиш имконияти яратилади. Талабани дарсликлар билан ишлаш, ўқиш, ўрганиш, конспект ёзиш, қўшимча адабиётлардан фойдаланиб мустақил ўзлаштириш кўникмаларини эгаллашга ўргатилади.

Барча талабаларнинг ўз қобилиятлари даражасида албатта ўзлаштиришлари кафолатланади. Бунда талабанинг ўзлаштирилган, олган билимларини ҳаётда, амалий фаолиятда фойдалана олиш кўникма ва малакалари билан белгиланади.

Барча ўқитувчи- талабалар интерфаол методлар асосида ишлашни ўрганиб, уни ўз ўқув-билув фаолиятларига олиб кира олсалар, барча ўқувчилар бир хил натижаларга эриша оладилар.

Дарс жараёнини жорий этишда ва унинг структурасидан унумли фойдаланишда талабалар фаолиятини ташкил этиш муҳим роль ўйнайди. Зероки, жараён марказида талаба шахси туради. Демак, таълим жараёни талаба шахсига қаратилмоғи зарур.

Талабанинг ўқув-билув фаолиятини олиб бориш уч йўналишда амалга оширилади:

- 1) умумий;
- 2) гуруҳли;
- 3) якка тартибда.

1. Умумий йўналишдаги дарс жараёни фаолиятида ўқитувчи раҳбарлигида гуруҳдаги барча талабаларнинг хатти-ҳаракатлари тушунилади.

2. Гуруҳли ўқувни ташкил этишда талабалар фаолияти гуруҳ-гуруҳларга бўлиниб олиб борилади.

3. Якка тартибдаги ўқув жараёнида талабалар яккама-якка фаолият олиб борадилар.

Умумий шаклдаги фаолиятни ташкил этувчи дарсларда, талабалар бир вақтнинг ўзида бир хилдаги топшириқларни гуруҳ бўйича биргаликда муҳокама этадилар, фикр алмашадилар, солиштирадилар, умумлаштирган ҳолда хулосалар чиқарадилар. Ўқитувчи, талабалар билан биргаликда ва бир вақтда вазифани бажаришда ҳамкорлик қиладилар, ҳам ижодкорликда иш юритиладилар. Ўқитувчи сўзлаш, тушунтириш, кўрсатиш жараёнида барча талабаларни жалб қилган ҳолда масалани бирга муҳокама қилади.

Бундай мулоқотлар талабалар ишончини қозонишга талабалар билан мулоқотга киришишга, жамоа бўлиб ишлаш кўникмасининг ҳосил бўлишига олиб келади.

Умумий ўқув-билув фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос камчилик ва етишмовчиликлари ҳам мавжуд. Дарсда фаолият ўқитувчи томонидан барчага бирдек қаратилади, яъни бир оз абстрактлик юзага келади.

Барчани қизиқиш, қобилиятларидан қатъий назар бир хилда, бир мақсад йўлида изланиш, фикрлаш, ишлашга ундайди.

Айрим талабалар мураккаброк, қийинлик даражаси юқорирок бўлган материалларни ўзлаштиришга мойил бўладилар. Айримлари эса, кўпроқ мустақил изланиш, ижодий ёндашув асосида ишлашга қизиқиш билан қарайдилар. Шунинг учун, умумий йўналишли дарсларда савол-жавоблар, лаборатория ишлари, машқлар бажариш, масалалар ечиш иложи борича талаба шахсига йўналтирилган

бўлиши мақсадга мувофиқдир. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, дарслар бир хиллик, умумий ёндашув, бир хил қолипдаги таълимий фаолиятдан воз кечишни тақозо этади.

Интерфаол усулда иш юритмоқчи бўлган ўқитувчиларга шуни эслатмоқ мумкинки, янги ишлаш учун фақатгина мақола, адабиётлар ўқишнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун, яъни ўқитувчи ўз фаолиятида интерфаол методларни қўллаш учун, у шахсан ўзи ишчанлик ўйинлари, ақлий хужум, мунозара, дебат ва ҳоказоларда қатнашиб, ўзи тажрибадан ўтказди, бу ишга шахсий хиссасини қўшиб боради.

Бунинг учун у интерфаол дарсларни ўтказишнинг қуйидаги қоидаларини билиб, ўзлаштириб, амалга киритиши керак:

1) интерфаол машғулотларга барча иштирокчилар (талабалар) жалб этилиши талаб қилинади. Бунда шундай технологиялар танланиши керакки, иш жараёнида барча иштирокчиларнинг иштироки ёки муҳокамаси таъминлансин;

2) машғулотга иштирок этишни психологик тайёрлаш зарур. Дарсда иштирок этувчилар жараёнга киришиб кетишга тайёр эмаслигини ҳисобга олмоқ керак. Янги ташкил этилаётган интерфаол дарсларда улардаги ҳадиксираш, тортинчоқлик, индамаслик ҳолатлари дарснинг фаол кечиши, ички имкониятларни ишга солишга тўсқинлик қилиб кузатилади;

3) талабаларни янги технологияларни қўллаб жорий этиш билан толиқтирмаслик. Иштирокчи имконияти, янги технология сифати бир-бирига мос келгани маъқул;

4) машғулот олиб бориладиган хоналарни тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керак. Аудитория шундай тайёрланиши керакки, кичик ва катта гуруҳ билан ишлаганда, улар эркин ҳаракатлансинлар. Бошқача қилиб айтганда, талабага қулай муҳит яратилиши керак. Столларни 4-6 кишилик қилиб қўйиш, гуруҳ аъзоларининг бир-бирларига қараб ўтириши, кўриб, фикрлашувга қулай муҳит яратилиши яхши натижалар беради;

5) ишчанлик ўйинларини олиб боришдан олдин унинг регламенти, кетма-кетлигига риоя қилиш керак. Унга қатъий риоя қилишни олдиндан келишиб олган маъқул. Ҳар бир иштирокчи ҳар қандай фикрлаш, нуқтаи назарга чидамли бўлиш, охиригача эшитиши, танқид қилмаслиги керак. Ҳар бир иштирокчининг сўз эркинлигига ҳурмат билан қараш, шахс ҳурматини сақлаш;

6) иштирокчиларнинг кичик гуруҳларга бўлинишларига диққат-эътибор билан қараш керак. Аввало, кичик гуруҳларни шакллантириш эркин, хоҳиш-истаклар асосида кечгани маъқул. Кейинчалик гуруҳларни тасодифий шакллантиришга ўтилган маъқул. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, интерфаол усуллар бирданига кўпгина вазифаларни бажара олишга имкон беради.

Энг муҳими, интерфаол усуллар талабаларнинг коммуникатив билими, тушунчасини, қўникма ва малакаларини оширади. Уларни ҳамкорлик, ҳамжихатлик, дўстона муносабатларда ишлашни таъминлайди. Айниқса, бир-бирларини эшитиш, фикрини баён этиш, ўзаро ҳурматга ундайди.

Бу усулда ишлаш аудиторияда руҳий ҳолатни, юкламаларини енгиллаштиради. Машғулот шакллари, фаолиятларини ўзгартириб туриш асосида муҳим муаммолар ечишни топишга ўрганиб борадилар.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ўқитувчи дарс берувчи эмас, балки талабаларни муаммога йўналтирувчи, тадқиқот фаолияти маслаҳатчиси, ташкилотчиси ва мувофиқлаштирувчисидир. У талабаларнинг мустақил фикрлаши учун шароит яратади ва уларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

Ўз навбатида талабалар ўқитувчи билан биргаликда ўқитиш жараёни ва унинг натижалари учун масъулиятни тақсимлаш орқали ўқиш жараёнининг тўлақонли иштирокчиларига айланади.

Интерфаол таълим асосида дарс жараёнини ташкил этилганда:

1) талабаларнинг ўзаро фаоллиги ошади, ҳамкорликда, ижодкорликда ишлаш кўникмалари шаклланади;

2) ўқув режа, дастур, дарслик, стандарт меъёр, қўлланмалар, мавзу мазмуни билан ишлаш малакалари шаклланади;

3) таълим мазмунини, матнини мустақил мутолаа қилиш, ишлаш, ўзлаштириш кундалик шахсий ишларга айланади;

4) талаба эркин фикр билдириш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, исботлай олиш, тасдиқлай олишга одатланади;

5) энг муҳими, ўқув жараёнида дидактик мотивлар вужудга келади. Яъни, талабанинг эҳтиёж, ҳоҳиш, истаги қондирилади. Ўқув-билув жараёнида талабанинг манфаатдорлиги ошади. Бу ҳолат талабанинг ўқув мақсадларга эришишда юқори босқичга кўтаради.

Дарсни интерфаол методларда ташкил этишининг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

ўқитиш мазмуни яхши ўзлаштиришга олиб келади;

ўз вақтида талаба-ўқитувчи-талабалар орасида таълимий алоқалар ўрнатилади;

ўқитиш усуллари таълим жараёнида турли хил кўринишларда кечади: якка, жуфт, кичик гуруҳ, катта гуруҳ;

ўқув жараёни ўқув эҳтиёжини қондириш билан юқори мотивацияга эга бўлади;

ўзаро ахборот бериш, олиш, қайта ишлаш орқали ўқув материали яхши эсда қолади, талабада ўзаро мулоқатга киришиш, фикр билдириш, фикр алмашилиш кўникмалари шаклланади;

ўқув жараёнида талабаларнинг ўз-ўзига баҳо бериши, танқидий қараши ривожланади;

талаба учун дарс қизиқарли ўқитилаётган предмет мазмунига айланади, ўқиш жараёнига ижодий ёндашув, ижобий фикр намоён бўлади;

хар бир талабанинг ўзи мустақил фикр юрита олишга, изланишга, мушоҳада қилишга олиб келади;

интерфаол усулда ўқитилган дарсларда талаба фақат таълим мазмунини ўзлаштирибгина қолмай, балки ўзининг танқидий ва мантиқий фикрлашишини ҳам ривожлантиради.

Албатта интерфаол даврларни ташкил этишнинг ҳам ўзига яраша камчиликлари мавжуд:

1) ўқув-билув жараёни кўплаб вақт сарфлашини талаб қилади;

2) интерфаол машғулотларда барча талабаларни кераклича назорат этиб боришнинг имконияти бўлавермайди;

3) жуда мураккаб материаллар ўрганилаётганда талабалар муаммони тўлақонли, аниқ еча олмайдилар, бундай шароитларда ўқитувчининг роли паст бўлиши ҳоллари кузатилади;

4) гуруҳларда ўқув жараёни кечаётганда кучсиз талабаларнинг иштироки туфайли кучли талабалар ҳам паст балл ёки баҳо олиш ҳоллари кузатилади.

Бундай шароитда ўқитувчи юксак ривожланган фикрлаш қобилятига, муаммолар бўйича мушоҳада юритишга, муаммоларни ўз вақтида еча оладиган қобилятга эга бўлиши керак.

Интерфаол усулларда дарсни ташкил этишда талаба шахсини ривожлантиришни ўзига-ўзи замин яратишдан бошлаш керак.

Яъни талаба:

- ўзи мустақил мутолаа қилиш, ўқиш асосида билим олишга;
- ўзини-ўзи англаб етишга, англаб тарбия топишга;
- ўз кучи ва имкониятларига ишонч билан қарашга;
- ўқув меҳнатига масъулият ҳисси билан қарашга;
- ўз фаолиятини мустақил ташкил эта олиш, ҳар бир минутни ғанимат билишга;
- ўқув меҳнатига ўзида ҳоҳиш-истак уйғота олишга;
- ҳар қандай вазиятда фаоллик кўрсата олишга;
- айниқса, ҳозирги тезкор ахборот манбаларидан унумли фойдалана олишни асосий ва бош мақсад қилиб олишга ўрганмоғи зарур.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда талабанинг ўз-ўзини ривожлантириш технологиясини яратиш педагогика, дидактика фанларининг олдида ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан биридир.

Интер (ўзаро) фаол таълим усулида талабаларга дарс жараёнини яхши ташкил этишга қулай муҳит яратилади. Талабаларнинг ўзаро фикр алмашишларига имкон берилади. Ўзаро ахборот олиш ва бериш учун шароит туғдирилади. Ечимини кутаётган масалаларни ҳамжиҳатликда муҳокама этадилар ва ечадилар. Вазиятдан чиқишда ҳамкорликда ечим топадилар. Олган ахборотларни асосида билимларини бир-бирларига намойиш этадилар.

Бир-бирларидан илҳомланиб, руҳий қониқиш ҳосил қиладилар. Бир-биларини тушуниб, балки қизиқиш пайдо бўлиб, вақт ўтганини билмай қоладилар. Ҳар бир иштирокчи таълим мазмунини муаллифлардек ҳис этадилар. Таълим мазмунини тўла ўзлаштиришга эришадилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, таълим жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш асосида таълим самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асослари, таълим муассаларининг таълим-тарбия жараёнларида интерфаол методлардан фойдаланишнинг ҳозирги кундаги ҳолати, интерфаол таълим – сифат кафолати, интерфаол усулларни ўқув жараёнида қўлланиш йўллари ўрганилди.

Харбий-дала жарроҳлиги фанини ўқитишда интерфаол таълим усулларидан венн диаграммаси, кластер, SWOT-таҳлил, ассесментва бошқа усуллар кенг қўламда қўлланилмоқда.

Тингловчилар билимини баҳолашда “Ассесмент” усулини қўллаш таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Талабаларни белгиланган мақсад , унга қўйиладиган талаб ва қоидалар билан таништирилади.


Ўқитувчи кейинги слайд орқали тўғри жавобни намойиш қилади ва талабалар ўзларининг натижаларини билиш имкониятига эга бўладилар, шу усул орқали ўтилган мавзуни мустаҳкамлайдилар.

Ўқитувчи талабалар томонидан бажарилган ишларни йиғиб олади ва натижаларни журналга туширади.

Венн диаграммаси (инглиз файласуфи Джон Венна номи билан аталган) график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб,

у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Усулнинг мохияти шундан иборатки, ўрганилаётган муаммони таркибий қисмларга ажратилади ва ҳар бир қисм ўз навбатида майда қисмларга бўлиб ўргатилади. Масалан, шикастланиш касаллигини ўрганишни кластер усули бўйича қуйидагича ифодалаш мумкин.



Энди шу бўлинган қисмлардан патогенетик назарияларни, травматик касаллик даврларининг ўзини ёки бошқа қисмини бўлақларга бўлиш мумкин.

Ушбу усулнинг афзаллик томони шундаки, талабалар аста-секин умумийликни хусусийликка, оддийликдан мураккабликка ўтиб борадилар ва бир мавзунинг ичидаги ташкил қилган барча қисмларни ўрганиб чиқишга имконият туғилади.

Бу метод бирон мавзунини чуқур ўрганишдан аввал тингловчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзунини мустақамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш, ҳамда тингловчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундайди.


SWOT-таҳлил усулида объектнинг (вазифанинг) кучли, кучсиз томонлари, имкониятлари ва хавф-хатарлар таҳлил этилади:

кучли томони – Strengths – ҳал этилаётган вазифанинг афзалликлари;

кучсиз томони – Weaknesses – мақсадга эришишда ички муҳит омиллари таъсири;

имкониятлари – Opportunities – белгиланган вазифаларни ҳал этишдаги энг мақул ҳолат;

хавф-хатарлар – Threats – фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ташқи муҳит омиллари.



“Тармоқлар” - «Кластер» усули Кластер сўзи инглизчада бир бутун яхлит нарсани майда бўлақларга бўлишни англатади.

Олий таълимда ўқитишнинг сифатини ошириш сўзсиз янги ўқитиш усулларида қандай фойдаланишга боғлиқ бўлмоқда. Янги ўқитиш усуллари талабаларнинг эътиборини таълим жараёнига жалб эта билиш муҳим саналади. Бунда албатта тингловчи доимий равишда изланиш ва ҳаракатда бўлиши лозим, яъни берилган маълумотларни очиши, қайта ишлаши ва олган билимларни аниқ масалалар ечишда қўллаши лозим. Замонавий педагогик технологияларнинг қўлланилиши ўқитишнинг барча шаклларида (маъруза, амалиёт, лаборатория ва мустақил таълим) тезлик билан ўз самарасини беради. Ўқув материалларини мультимедиа тизимлари кўринишида тайёрлаш ва уларни компьютер тармоқлари ва узатиш воситалари орқали кўпчиликка тақдим этиш мумкин.

Ҳозирги даврда олий таълим муассасаларида замонавий педагогик технологияларга асосланган таълим турлардан эркин фойдалана оладиган мутахассисларни тайёрлаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Чунки замонавий педагогик технологияларидан фойдаланиш фақатгина касбий профессионал фаолият самарадорлигини оширибгина қолмай, балки бўлажак мутахассисларда дунёқарашни ва маданиятини шакллантиришга, турмуш тарзига, ижтимоий соҳадаги фаолиятига ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Замонавий педагогик технологиялари таълим жараёнида дидактик материал тайёрлаш вазифасини енгиллаштиради. Педагогик технологиялар билан дидактик материалларни уйғунликда қўллаш ўрганилаётган мавзунини талабалар томонидан ўзлаштиришда катта ёрдам беради. Конфуций «эшитганимни ёдимдан чиқараман, кўрганимни эслаб қоламан, мустақил бажарсам тушуниб етаман», деган экан. Таълимда педагогик технологияларни қўллаганда, талаба эшитиш, кўриш, кўрганлари асосида мустақил фикрлаш имкониятига эга бўладилар.

Юқоридагилардан умумий хулоса шуки, замонавий педагогик технологиялари асосида талабаларнинг фанларга бўлган қизиқишларини янада ошириш, касбий малака ва кўникмаларини шакллантириш бўйича ҳамда таълим самарадорлигини таъминловчи услубий тавсияларни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР

- [1] Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 29.08.1997 й.
- [2] Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Ўзбекистон Республикаси 29.08.1997 й. Қонуни билан тасдиқланган.
- [3] Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т : Ўзбекистон, 2008 й.
- [4] Каримов И.А Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий соадатдур. –Т : Ўзбекистон, 2015 й.
- [5] Каримов И.А 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.
- [6] Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент- 2016 й.
- [7] Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатлари таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. 2016 йил 7 декабрь. – Тошкент- 2017 й.
- [8] Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент- 2017 й.
- [9] Тиббий таълимда янги ахборот ва коммуникацион технологиялар: ривожланиш истиқболлари. // X ўқув-услубий анжуман материалларининг тўплами. Тошкент- 2015 й.
- [10] Р. Ишмухамедов, М. Юлдашевларнинг “Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар”. Тошкент- 2013 й.
- [11] Р. Ишмухамедов, А. Абдуқадиров, А. Пардаев. “Тарбияда инновацион технологиялар”. Тошкент- 2010 й.
- [12] М.Тажиев, А.Я.Алимов ва б. Педагогик технология-таълим жараёнига тадбиғи. /”Тафаккур”, Тошкент-2010 й.
- [13] Зиёмухамедов Б., Тожиев М. Педагогик технология-замонавий ўзбек модели. // ”Lider Press”, Тошкент- 2009 й.
- [14] Хидирова Б. Таълим жараёнида педагогик технологияни қўллашнинг назарий ва амалий асослари. /” Фан ва технология”, Тошкент- 2009 й.
- [15] Ишмухамедов Р., Абдуқадиров А., Пардаев А. “Таълимда инновацион технологиялар”. Тошкент- 2008 й.
- [16] Йўлдошев Ж.Ф. “Интерфаол дарсларда ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятларини ташкил этиш”. Тошкент- 2008 й.
- [17] Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. “Таълимнинг замонавий технологиялари”. Тошкент- 2006 й.
- [18] Методика интерактивного обучения взрослых. // Проект «Развитие местного управления в Центральной Азии. Урбан институт, Ташкент- 2005 г.
- [19] Ҳарбий-дала жарроҳлиги. Ўқув қўлланма. I қисм. Д. Сабилов, С. Чориев, Ж. Мавланов. Тошкет- 2015 й.
- [20] Сабилов Д., Насриддинов А., Қабилов А. Ҳарбий-дала жарроҳлиги. Ўқув қўлланма. II қисм. Тошкет-2017 й.

ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТЛАРИДА “АВТОМОБИЛЬ ТЕХНИКАЛАРИНИ ЭЛЕКТР ЖИҲОЗЛАРИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛИ

*подполковник АБДУГАНЕВ А.Ш.,
катта лейтенант ХУДОЙБЕРДИЕВ Ш. Х, курсант ПАЗЛИЕВ М.Ф.*

Ушбу мақолада “Автомобиль техникаларини электр жиҳозлари” фанини ўқитишда ўт олдриш шамларида содир бўладиган техник жараёнларни тушунтиришни аппарат кўргазмали усули усулда ташкил этиш усулари таҳлили кўриб чиқилган.

Ривожланиб бораётган фан ва техника автомобиль техникалари билан боғлиқ фанларни ўқитишда курсантларга янги кўргазмали усулда дарсларни ташкил этиш талабларини кўймоқда. “Автомобиль техникаларни электр жиҳозлари” ўқув фани сифатида биринчи навбатда умумтаълим характериға эға. Фан ютуқлари саноатда ишлаб чиқаришда ҳарбий техникаларда ва технологиясини асоси бўлиб бораётган илмий техника революцияси даврида меҳнатнинг характери ўзгариб, у борган сари ижодийлашиб бормоқда. Шунинг учун ҳам “Автомобиль техникаларни электр жиҳозлари” фани юқори илмий савияда олиб бориш алоҳида амалий аҳамият касб етади.

“Автомобиль техникаларни электр жиҳозлари” ҳарбий олий техника билим юртларида фақат умумтаълим фан бўлиб ўрганилмай, балки курсантларнинг профессионал тайёргарлигини ошириш мақсадларда ҳам хизмат қилади. Шунинг учун ўқитиш жараёнида тайёрланаётган курсантларнинг мутахассисликларига қараб курсининг у ёки бу бўлимларига алоҳида аҳамият бериш лозим.


Ҳарбий техникаларнинг барча соҳаларда фойдаланаётган ҳар қандай машина ва асбоб - ускуналарнинг тўзилиши ва ишлашида ушбу фаннинг қонунлари илмий асос бўлишиға қарамай, ўқув материали ушбу курсда умумий кўринишда яъни тушунчалар, қонунлар, назариялар шаклида берилган. Айниқса ҳарбий билим юртларида ушбу курсни техника ва технологияға боғламай туриб ўқитиш мумкин эмас, чунки бу фан курсантларнинг техникавий қурилмаларнинг ишлаш жараёни ва кўпгина технологик жараёнларнинг моҳиятини тушунтиришда муҳим аҳамиятға эға. Бу ҳарбий техника билим юртлари олдида турган асосий масалалардан бириға, яъни турли машиналар ва жиҳозлар тўзилишини, балки уларнинг бошқарадиган малакали курсантлар тайёрлаш масаласига тўғри келади. Бундай ўқув материал (тушунчалар, ҳодисалар, қонунлар) ҳажми жиҳатидан унча катта бўлмаслиги лозим. Шунингдек ушбу курснинг мантиқини бузмаслиги керак. Ушбу юқоридаги фикрларни инобатға олган ҳолда биз автомобилларни ўт олдириш шамлари бўйича ҳозирги замон педагогик технологиялар асосида тайёрланган макет орқали тугарак машғулотларини олиб борамиз.

Ўт олдириш шамлари карбюраторли ва замонавий инжекторли двигателларнинг цилиндрларидаги ёнилғи аралашмасини ўт олдириш учун хизмат қилади. Ўт олдириш шам электродлари орасида даврий равишда ҳосил бўладиган учқунли разряд ҳисобига амалға оширилади.

Двигателнинг ёниш камерасига ўрнатилган ўт олдириш шамлари қиймати катта бўлган электр, иссиқлик ва механик юкламалар таъсири остида ишлайди. Бензин таркибида агрессив металллар (кўрғошин ва марганец) бўлган детонацияни пасайтирувчи қўшимчалар қўшилиши шамларнинг ишлаш муддатини қискартиради.

Шамнинг ўт олдириш камерасидаги қисмининг температураси 70°C дан (цилиндрга узатилаётган ёнилғи аралашмасининг янги улушининг температураси) 2000 –2700°C гача (циклнинг энг максимал температураси) ўзгариб турса, ёниш камерасидан ташқаридаги қисмининг температураси -60°C дан +100°C гача (капот ости бўшлиқ температураси) бўлиши мумкин.

Шамнинг икки қисми ҳар хил температурага эга бўлиши ва уни турли материаллар (керамика, металл) дан тайёрланган элементларини чизикли кенгайиш коэффициентлари ҳар хил бўлганлиги шамларда иссиқлик деформациялари ва кучланишларни вужудга келтиради.



1-расм. Ишлаб чиқилган ЎОШУБ қурилмасининг ташкил этувчи қисимлари.

- а) батареякада ишлайдиган электр учкун зажигалка;
- б) автомобиль ўт олдириш шами (свеча);
- в) автомобиль юқори кучланишли сим ўтқазгичи.

Шамларнинг ўт олдириш камерасига киритилган қисм юзига цилиндрдаги газларининг 10 МПа гача бўлган босими таъсир қилади. Бундан ташқари, ўт олдириш шамларига ишлаётган двигателдан вибрация юктамалари таъсир қилиб туради. Ишлаш жараёнида ўт олдириш шамлари, унинг электродларига узатиладиган ва учкунли тирқишни тешиб ўтиш кучланишига тенг бўлган (20 кВ гача) юқори кучланиш остида бўлади.

Демак, ўт олдириш шамларининг тузилиши, унинг элементларини тайёрлашга ишлатиладиган материаллар, юқорида келтирилган юктамаларга чидамли бўлиши ва улар таъсирида ўз иш қобилиятини йўқотмаслиги керак.

Учкун ҳосил бўлиш жараёнида ва ёнилғи аралашмаси ёниши давомида ҳосил бўладиган маҳсулотлардаги агрессив моддаларнинг таъсири натижасида шам электродлари коррозияга учрайди ва емирила бошлайди. Двигателнинг ишлаш жараёнида ўт олдириш шамлари электродлари орасидаги тирқиш, автомобил ҳар 1000 км масофани босиб ўтганда ўрта ҳисобда 0,015 мм га катталашади,

Автомобилларни электр жиҳозлари бўйича асосан ўт олдириш шамларида содир бўладиган учкун ҳосил бўлишга, ҳамда юқори кучланишларни намойиш этишга мўлжалланган.



2-расм. Ишлаб чиқилган ЎОШУБ қурилмаси.

Ёнилғи тўла ёнмаслиги натижасида шамнинг иссиқлик конуси йўлида, электродларида ток ўтказувчи қурум ҳосил бўлади ва у учкунли тирқишни шунтлайди, яъни юқори кучланишнинг бир қисми қурум орқали ўтиб, учкун ҳосил бўлиш жараёнини сусайишига олиб келади. Шам изоляторининг ифлосланиши ва намланиши ҳам юқоридаги ҳодисага сабаб бўлиши мумкин.

Ўқув тарбиявий жараёнида ва барча турдаги машғулотларда ички ёнув двигателини ишлаш жараёнини кўрсатиш мақсадида, ҳамда тингловчиларга цилиндр ичидаги аниқ чақмоқ (искра)ни кўрсатишда янги замонавий педагогик усулларидан фойдаланиб оддий қўрилма ёрдамида машғулотни ўтказиш тавсия қилинади.

Қўрилмани ясаш биринчи босқичи. Расмларда келтирилган қўйидаги ускуна ва анжом олиниши керак.

ЎОШУБ қўрилмани ясаш иккинчи босқичи.

Расмда кўрсатилгандек батарейкада ишлайдиган электр учкун зажигалкани ичига мусбат ва манфий симларини пайка усулида улаб маҳкам бириктириш.

Хулоса қилиб айтганда “Автомобиль техникаларини электр жиҳозлари” фанини ўқитишни самарали ташкил этишда ҳарбий автомобил техникаларига бириктирилган ўт олдириш шамларини тузилиши ва ишлаш жараёнларини ўрганишда муҳим вазифани бажаради. Шунинг билан биргаликда шамлардаги қўрумларни тозалаш ва емирилишларни англаб олишда ўт олдириш шамлари яни ЎОШУБ қўрилмасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР

[1] Абдурахмонов А.А «Автомобилларнинг электр жиҳозларининг эксплуатацияси, таъмири ва диагностикаси асослари».Маъруза матни. 2001 й.

[2] Abdurahmonov A.A Mahmudov F. Yo'ldoshev E. “Avtomobil elektr jihozlarini ishlatish, diagnostika qilish va ta'mirlash”. Toshkent – Ilm ziyo – 2013.

[3] Маҳмудов Ғ.Н. “Автомобилларнинг электра ва электрон жиҳозлари”. Тошкент 2011й.

[4] Сергеев А.Г. Ютт. В.Г. Диагностирование электрооборудования автомобилей Москва, Транспорт 1987 г.

[5] www.ziynet.uz

ХАРБИЙ ПЕДАГОГ ВА ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТ

ҲОШИМОВА Г.И.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси

Бугун жаҳон майдонида маънавий салоҳият, ақл-заковат мусобақаси, инсонлар қалби ва онгига ҳуқумрон бўлиш учун кескин курашлар авж паллага кирган. Табиийки, ҳеч қайси давлат, ҳеч қайси жамият бу жараёндан четда эмас. Ҳозирги пайтда халқаро ҳаёт, кишилиқ таракқиёти шундай босқичга чиқдики, энди унда харбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бу эса, ақлий қудратнинг жисмоний кучдан устунлиққа эришганидан, энди муаммо ва зиддиятларга қарши қурол-яроғ билан эмас, балки фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя билан курашишга, энг асосийси, миллий маънавиятни асраб қолишга эътиборни кучайтириш лозимлигидан далолатдир.

Мана шундай таҳликали даврда харбий хизматчиларнинг хушёрлигини ошириш, уларда мустаҳкам ирода, ҳаётий ва профессионал кўникмаларни илм-маърифат асосида қалби ва онгига сингдириш, ички ва ташқи таҳдидларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш, бунинг учун эса қўшинларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш, таълимий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини ва таъсирчанлигини ошириш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Шу вазиятдан келиб чиқиб бугунги кунда харбий таълим соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномасида таъкидлаб ўтилганидек, “Қуролли Кучларимизда жанговар руҳни юксалтириш, аскар ва офицерларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашга эътиборни янада кучайтиришимиз керак”¹. Хусусан, бугунги кундаги вазият офицер ва сержант кадрларнинг касбий тайёргарлигига, улардан маълум бир соҳада чегараланган билимлар эгаси бўлган тор ихтисосли мутахассис эмас, балки юксак интеллектуал қобилиятга эга бўлган, кенг дунёқарашли, юксак маданиятли ва маънавиятли инсон, ўз билими, шахсий намунаси билан бўйсунувчиларига тарбия ва таълим бера оладиган педагог бўлишни талаб этмоқда. Демак, харбий педагог харбий хизматчилар ва харбий жамоаларга уларда доимий юксак жанговар тайёргарликка эга бўлишлари, тинчлик даврида ва уруш шароитида ўз харбий бурчини муваффақиятли бажаришлари учун юксак маънавий, ахлоқий, сиёсий ва жанговар сифатларни, жанговар маҳоратни шакллантириш, ақлий ва жисмоний кучларини ривожлантириш, маънавий-маърифий ҳамда руҳий тайёргарлигини амалга оширишнинг педагогик қонуниятларини ўргатувчи шахс ҳисобланади.

Харбий педагогнинг масъулияти катта бўлиб, у нафақат тор йўналишда юқори малакали харбий мутахассисни тайёрлайди, балки унинг шахс сифатида ҳар томонлама ривожланиши, камол топиши учун ўз ҳиссасини қўшади.

Харбий хизмат харбий педагогдан чуқур касбий ва психологик-педагогик билимларга эга бўлиши билан бирга, харбий-педагогик жараённинг ўзига хос хусусиятларини билишни ҳам талаб қилади.

Харбий педагогик жараён ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, унинг асосини жанговар, маънавий-маърифий, руҳий тайёргарлик ҳамда ахлоқий тарбия ташкил

¹Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномасидан “ Ватапавар” газетаси 2019 йил 4 январь

этади. Унинг яна бир хусусияти режадаги машғулотлардан ташқари, кўшин хизмати, командирлар (бошликлар) томонидан шахсий таркиб билан ўтказиладиган тарбиявий тадбирларни ҳам ўз ичига олади. Бундан ташқари, ҳарбий-педагогик жараён ҳарбий хизматчиларнинг хизмат фаолияти билан чамбарчас боғлиқ равишда амалга оширилади ва яққол кўриниб турувчи амалий мазмунга эга бўлади. Ҳарбий хизматчилар эгаллайдиган билим, кўникма ва малакалар, тушунчалар ва қоидалар тизими уларнинг кундалик хизмат фаолияти учун асос бўлиб хизмат қилади. Мана шундан келиб чиққан ҳолда, ҳарбий педагог олдидаги вазифа тарбияланувчилар онгига ҳарбий меҳнат, ҳарбий маҳоратни сабот билан эгаллаш, Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир ҳарбий хизматчининг муқаддас бурчи эканлигини сингдириш, кўшинларнинг доимий жанговар тайёргарлигини ушлаб туриш, замонавий қурол-яроғларни амалда қўллашни пухта эгаллаш, ҳарбий сиёсий вазиятни таҳлил қилиб бориш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилади. Ҳозирда курсантларни назарий жиҳатдан тайёрлаш, уларнинг кўшинлар сафидаги амалий тайёргарлиги билан узвий равишда тўлдирилиши, кундалик жанговар хизмат фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак², деган тушунча замон талабига айланди.

Ҳарбий педагогик жараённинг ўзига хос хусусияти бўлинмада хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг турли билим ва умумтаълим тайёргарлик даражасига, хизмат ва ҳаётий тажрибага эга эканлиги билан ҳам ифодаланади. Ҳарбий хизматчилар ўртасидаги бундай тафовут таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда кўпроқ яқка тартибда ёндашишни, алоҳида таълим дастурларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Мазкур талаблар офицернинг педагогик маҳоратига боғлиқ. Педагогик маҳорат эса офицернинг психологик-педагогик тафаккури, ўз хизмат фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган махсус билими, малакаси ва кўникмалари ҳамда ҳиссий-иродавий сифатлари бирлиги бўлиб, у офицер шахсининг юксак тараққий этган ғоявий, касбий, ахлоқий, жанговар, ташкилотчилик ва ҳарбий педагогга хос хислатлари билан уйғунликда таълим-тарбия вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш имконини беради. Мураккаб таркибга эга бўлган педагогик маҳорат ҳарбий-педагогик фаолият таркиби ва мазмуни билан белгиланади. Тарбиячи-офицер маҳорати ҳарбий хизматчилар тарбиясининг қонуниятларини, принципларини, методларини, мақсад ва вазифаларини, асосий йўналишларини билиши ва бу билимлардан амалда тўғри фойдалана олиши билан ифодаланади³. Шу билан бирга педагогнинг назарий ҳамда амалий тайёргарлиги, маҳорати, тарбияланувчилар билан ишлаш кўникмалари ҳам бунда катта роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондониди Ш.М.Мирзиёевнинг Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз асарида “...бугунги кунда олдимизда янада муҳим ва долзарб вазифалар турганини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу борада илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, унинг нафақат давр билан ҳамоҳанг бўлишни, балки замондан олдинда юришни таъминлаш, педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг илғор усулларидан кенг фойдаланиш, бу ишларни хориждаги нуфузли марказлар билан ҳамкорликда олиб бориш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш лозим эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш,

² Қаранг. Каримов И.А. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 19 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги. 19 жилд, Т.: Ўзбекистон, -Б.179-192.2011й.

³ Сағиб-Алдиев А.А. Педагогик маҳорат Ўқув қўлланма Тошкент ОУҚБЮ, 2008. -Б.6.

уларга таълим ва тарбия бериш жараёнининг самарадорлигини оширишда ўқитувчиларнинг, командир ва бошлиқларнинг касбий тайёргарлиги билан бир қаторда уларнинг педагогик маданияти ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Маданият ҳақида сўз юритилар экан, унинг мураккаб ва серқирра маънавий-ижтимоий ҳодиса эканлигини, жамият ҳаётини, инсон турмуши ва кўп томонлама фаолиятини акс эттиришини таъкидлаш муҳимдир.

Ҳар бир касбнинг фаолият туридан, мақсадидан ва мазкур фаолият иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари мазмунидан келиб чиқиб, мутахассисларнинг касбий маданияти мазмуни ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Шу ўринда педагогик маданият ҳақида фикр юритишимизга тўғри келади. Педагогик маданият педагогик фаолият таъсири остида юзага келади ва бу фаолиятни амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Педагогик маданият шахснинг педагог сифатида қай даражага эришганлигида намоён бўлади.

Педагогик маданият-педагогик тушунчалар ва маҳорат, педагогик ахлоқ ва касбий-педагогик хислатлар, педагогнинг иш услуби ва ўз фаолиятига муносабати йиғиндисидир. Педагогик маданиятнинг намоён бўлиши ва унинг қадриятга, турмуш тарзига айланиши учун инсондан юқори касбий салоҳият, маънавий, маърифий ва ахлоқий баркамоллик талаб қилинади.

Педагогик маданият мураккаб тузилишга эга бўлиб, таркибий қисмлари: педагогик фаолиятга мойиллик; кенг дунёқараш; юксак ахлоқийлик; билимдонлик, зукколик ва зиёлилик; юксак маънавият; педагогик маҳорат; таълим-тарбия ишларини илмий изланишлар билан уйғунлаштира олиш қобилияти; юксак муомала маданияти, сўзлашиш одоби; ўзига нисбатан талабчанлик, изланувчанлик, касбий маҳорати ва билими савиясини ошириб боришдан иборатдир.

Офицер педагогик маданиятининг шаклланиши мураккаб, узоқ муддатли ва кўп босқичли жараён бўлиб, бир қатор омиллар таъсири остида кечади. Бу жараёнга жамиятимизда юз бераётган туб ўзгаришлар, турмуш тарзи, кундалик фаолият ўз таъсирини кўрсатади. Шунингдек, офицернинг мутахассис сифатида ўқиш ва хизмат даврида шаклланишининг турли даврлари давомидаги таълим-тарбия жараёни, ўқитувчилар, бошлиқлар, командирларнинг, хизматдошларнинг муносабати ва таъсири ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Офицерларнинг педагогик маданиятини доимий равишда ривожлантириб боришлари учун ҳарбий, психологик-педагогик билимларини ривожлантириб боришлари зарур. Таълим-тарбия жараёнини, хизмат ва кундалик турмушни қонунлари ва Ҳарбий Низомлар талабларига мувофиқ ташкил қилишлари, шунингдек, илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ва ҳарбий меҳнатни илмий асосда ташкил қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий жараёнлар, илм-фан, техника ва буларга мос равишда инсон онги ҳам доимо ривожланишда бўлади. Шу сабабли инсон қайси касб эгаси бўлмасин, ҳам мутахассис, ҳам шахс сифатида кечаги кун кишиси бўлиб қолмаслиги учун доимо ўз устида ишлаши талаб этилади.

Офицернинг педагогик маданияти мураккаб тузилишга ва мазмунга эга тушунча бўлгани учун уни шакллантириш ва ривожлантириш узоқ кечувчи, узлуксиз, қатор восита ва методлар ёрдамида амалга оширилувчи жараёндир. Бу жараённинг самарадорлиги, яъни офицернинг юксак педагогик маданиятга эга

бўлиши учун ўз устида мунтазам ишлаши, хоҳиш-иродаси ва етукликка интилиши билан боғлиқ.

Ҳозирда илм-фан, кенг дунёқараш, маънавий фазилат, мустаҳкам ирода, юксак маданият, инсоннинг давлат ва халқларнинг, қолаверса инсониятнинг энг катта бойлигига айланиб бормоқда. Харбий хизматчиларда эркин тафаккур маданиятини таркиб топтириш, чуқур билимга эга бўлган ва замонавий фикрлайдиган, интеллектуал етук, ўз билимини маданият, эътиқодга айлантирган шахсларни камол топтириш вазифасини юксак даражада бажара оладиган харбий педагогларни тайёрлаш зарур ва долзарб вазифа ҳисобланади.

Бугунги кунда “харбий хизматчиларнинг онгу тафаккурига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини, миллий армиямиз билан фахрланиш, давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун масъулият туйғусини чуқур сингдириш; харбий хизматчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини тизимли ва изчил равишда етказиш ҳамда дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан уларда онгли муносабат ва фаол ҳаётий позициясини шакллантириш, бурчга садоқат, масъулият, фидойилик туйғуларини ошириш”⁴ муҳим вазифа бўлиб турибди.

Шундай экан, харбий педагог харбий хизматчилар ва харбий жамоаларни доимий юксак жанговар тайёргарликка эга бўлишлари, тинчлик даврида ва уруш шароитида ўз харбий бурчини муваффақиятли бажаришлари учун юксак маънавий, ахлоқий, сиёсий ва жанговар сифатларни, жанговар маҳоратни шакллантириш, ақлий ва жисмоний кучларини ривожлантириш, маънавий-маърифий ҳамда руҳий тайёргарлигини амалга ошириш учун билим, малака ва кўникмаларга, чуқур психологик-педагогик билимларга эга бўлиш билан бирга юксак маданиятли харбий педагог бўлишни олдига мақсад қилиб олиши керак.

АДАБИЁТЛАР

[1] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.Т;”Ўзбекистон” наш. -Б.23-25. 2017 йил.

[2] Мирзиёев Ш.М. Олий мажлисга мурожаатномаси “ Ватапавар” газетаси. -Б.1-25 2019 йил 4 январь.

[3] Каримов И.А. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 19 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги. 19 жилд, Т.: Ўзбекистон, -Б.179-192.2011й.

[4] Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари харбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.Тошкент -Б. 1-2. 2018йил 4 август.

[5] Сатиб-Алдиев А.А. Педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. Тошкент ОУҚБЮ, 2008. -Б.6-10.

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА АЛОҚАЧИ ОФИЦЕРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

ПАРДАЕВ Х.С., САИДОВ С.С., ТЕШАЕВ Ж.

Ахборот – коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти

Мақолада Ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланиш асосида ўқув машғулотида ва жанговар вазиятларда алоқа бошқарув органларининг мансабдор шахслари томонидан жанговар ҳаракатлар бўлаётган жой ҳудудида алоқа тизимини ёйиш, радио тўлқин майдон кенглигини ҳисобга олиб радио алоқа воситаларини жойлаштиришни режалаштириш бўйича вазифаларни бажариши ва бунинг учун бир қанча қўшимча дастурлардан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунда ҳарбий ўқув муассасалари ўқув жараёнини олиб боришда, алоқачи офицерларни тайёрлаш тизимида асосий мутахассислик, яъни жангда алоқани ташкиллаштириш ва алоқа тугунларини жанговар қўллаш фанлари бўйича гуруҳ ва амалий машғулотларда, белгиланган жой ҳудудига алоқа тизими элементларини уларнинг техник тавсифларидан келиб чиқиб жойлаштириш ва шунга боғлиқ бирон бир тактик вазифаларни бажариш учун жой макетларидан фойдаланилади ёки бўлмаса жой ҳудудлар (полигон)ига чиқиб рекогносцировка ўтказиш талаб этилади. Бу ҳолат эса жой ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш, бирон бир тактик вазифаларни бажариш учун қўшимча вақт сарфланишига ва бошқа бир қатор қийинчиликларга олиб келади.

Ушбу мавжуд усулни такомиллаштириш мақсадида бугунги кунда бўлажак алоқачи офицерларга ва алоқа бошқарув органлари мансабдор шахсларига жанговар вазиятларда алоқани ташкиллаштириш ва бошқарувни таъминлашда жой ҳақида кенг тасаввурга эга бўлиш учун ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан, яъни интерактив панеллардан фойдаланган ҳолда, машғулот (ўқув)ларни ташкил этиш талаби қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида айтилган “илғор ахборот-коммуникация технологиялари асосида қўшинларни бошқариш тартибини такомиллаштириш” кўрсатмаси ҳам бунини яна бир бор таъкидлайди [1].

Интерактив панелнинг афзаллиги шундаки, 5-20 кишига мўлжалланган ўқув синфлари учун таркибида компьютер мавжуд бўлган ва деворга маҳкамланувчи кўп функцияли, шу билан бирга қўлланилиши оддий бўлган интерактив сенсорли дисплей эканлигидадир [4]. Панелни ўрнатиш ва ишлатиш осон, шунингдек, у ўрнатилган хонада қўшимча ёритиш қурилмалари (проектор ва бошқалар) талаб этилмайди (1-расм). Бундан ташқари унинг кўп тилга эгаллиги, бир тугма ёрдамида Есо-режимига ўтиши, таркибидаги OPS-компьютер ёрдамсиз матн киритиш функциясига эгаллиги, таркибидаги OPS-компьютер ёрдамсиз фото, видео ва аудио файлларни, Power Point презентацияларини, Word ва Excel матнли файлларини USB- ташувчиси ёрдамида кўриш имконияти мавжудлиги, фототасвирни икки бармоқ ёрдамида кенгайтириш имконияти мавжудлиги, иккита операцион тизим (Windows, Android)да ишлаш имконияти мавжудлиги ҳам асосий хусусиятларидан ҳисобланади.

Бундан ташқари унинг Screen Mirroring янги функцияси – экранни мобил қурилмалар ёрдамида симсиз намоиш қилиш имконини беради [5]. Бу эса интерактив панелда ишлаш имкониятини кенгайтиради.



1 - расм. Интерактив панелнинг умумий кўриниши.

Шундан келиб чиқиб курсантлар (тингловчилар) ва алоқа бошқарув органлари мансабдор шахслари машғулотларда, ўқувларда интерактив панелдан фойдаланган ҳолда қуйидаги вазифаларни бажариши мумкин (2-расм):

белгиланган жой ҳудудига рекогносцировкага чиқмасдан электрон хариталар орқали белгиланган жойларда алоқа тизими элементларини унинг техник тавсифларига мос келган ҳолда жойлаштиришни режалаштириш;

географик ахборотлар тизими «Оператори» да рақамли харитада мавжуд жойнинг уч ўлчамли тасвирини яратиб, ҳарбий ҳаракатлар майдонида тактик ва тезкор вазиятларни яққол намоиш қилиш;

географик ахборотлар тизими «Оператори» да, турли-туман классификация қилувчи ва алоқа бўйича шартли белгилари кутубхона (библиотека)сини ҳосил қилиш орқали ҳудудга алоқа тизими элементларини жойлаштириш [2];

жойнинг рельефини ҳисобга олган ҳолда алоқа тизими объектлари (элементлари)нинг жойларда тўғри жойлаштиришни белгилаш;

турли хил табиий офат ва техноген ҳалокатлар бўлиши эҳтимолини ҳисобга олиб бошқарув пунктлари алоқа тугунлари ва алоқа тизими бошқа элементларини ёйиш учун яроқли жой танлаш;

реал жой рельефини ҳисобга олиб оператив вазият ва алоқа бўйича вазиятни баҳолаш;

алоқа тизими элементларини ёйиш учун танланган жойни, алоқа линияларини тортиш маршрутларини, ҳар хил табиий тўсиқларни айланиб ўтиш жойларини сифатли баҳолаш;

алоқа тизими элементларини ёйиш учун танланган жойни, алоқа линияларини тортиш маршрутларини ва ҳаракатланувчи алоқа воситалари юришини, ҳар хил табиий тўсиқлар (сув ҳавзалари, доvon, тоғли ҳудуд) ни айланиб ўтиш жойларини мажмуавий баҳолаш (сон жиҳатдан ва сифатли);

ультрақиска тўлқинли радиоалоқа воситаларини жойлаштириш олдидан уларнинг радио тўлқин майдон кенглигини ҳисобга олиб жойлаштириш;

ҳар қандай берилган нуқта обзори учун перспектив (истикболли) модел ҳисобини қилиш;

алоқа бошқарув органлари мансабдор шахслари фойдаланиши учун тезкор ва алоқа бўйича вазият туширилган ишчи харитани яратиш.

Бу амалларни бажариш учун интерактив панел имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, унга дастурлаш таъминоти лицензион картаси орқали қўшимча дастурларни киритиш имконияти мавжуд. Бунга мисол тариқасида географик ахборотлар тизими орқали алоқа тизими элементларининг уч ўлчамли моделини яратиш учун Trimble Navigation - SketchUp, Blender Foundation - Blender, Autodesk-3ds Max дастурларини [2], жойларда радиоалоқа воситаларини жойлаштиришда уларнинг радио тўлқин майдон кенглигини ҳисобга олиб жойлаштириш учун WiFi Planner Pro, RadioWORKS CRC-COVWEB, Radio Mobile дастурларини келтиришимиз мумкин [3].



2-расм. Интерактив панел ёрдамида машғулотларни ташкиллаштириш.

Бу дастурларни интерактив панелга киритиш орқали унинг имкониятларини янада ошириш мумкин.

Хулоса тариқасида айтадиган бўлсак, курсантлар ва алоқа бошқарув органларининг мансабдор шахслари эндиликда жанговар ҳаракатларда, ўқув машқларида ва амалий машғулотларда реал жой ҳудудида рекогносцировка ўтказмасдан интерактив панеллардан фойдаланиб, унда электрон жой моделида алоқа тизими элементларини жойлаштириб жой ҳақида кенг тасаввурга эга бўлган ҳолда, алоқани ташкиллаштириш, таъминлаш қарорлар қабул қилиш, ҳамда ультрақисқа тўлқинли радиоалоқа воситаларини, жойлаштириш олдида уларнинг радио тўлқин майдон кенглигини ҳисобга олиб жойлаштиришнинг ва бунинг натижасида вақтдан ютиш, ортиқча сарф харажатларнинг олдини олишнинг имкони бўлади. Бу вазифаларни бажариш учун тингловчилардан, алоқа бошқарув органлари мансабдор шахслардан юқорида келтирилган амалларни бажариш учун интерактив панеллардан фойдаланиш, қўшимча дастурларни унга киритишни чуқур ўрганиш ва бу дастурлар билан ишлай олиш кўникмасини ошириш талаб этилади.

Бундан келиб чиқиб, қўшинларда бўлинмалар иштирокидаги жанговар ҳаракатларда, ўқувларда жой ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун ўтказиладиган рекогносцировка ва ҳамкорлик тадбирларининг белгиланган жой ҳудудида чикмасдан ёки бўлмаса жой макетлардан фойдаланмасдан, интерактив панеллардан фойдаланиш орқали ўтказилиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди.

АДАБИЁТЛАР

[1] Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 - сон фармони - Т, 2017.

[2] Иванов В.Г., Башлаев Р. Применение геоинформационных систем и средств трехмерного моделирования для создания 3D-моделей района развертывания элементов системы связи в ходе боевых действий – М., 2017.

[3] Волков И.Ю. Обзор ПО для планирования радиосетей. Часть 1-М., 2016.

[4] Сайт <https://www.google.com/search?rlz=1c1ggrvenuz811uz811&tbm=isch&q> (мурожаат қилинган сана 10.02.2019).

[5] Сайт <https://technoboard.bu/interaktivnaja-panel-technoboard-hv-65-4k-intel-i5-android> (мурожаат қилинган сана 15.02.2019)

ҲАРБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ

ҚК хизматчиси АЛЛАЯРОВ Д. У.

*Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти
“Телекоммуникация” кафедраси ўқитувчиси-тўғарак раҳбари*

Ушбу мақолада ҳарбий фанларни ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари, профессор-ўқитувчилар ва курсант(тингловчи)лар таркибига бу борадаги талаблар, ўқитиш самарадорлигини ошириш, таълим олишнинг узлуксизлиги борасида айрим мулоҳазалар келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, “Ҳозирги кунда дунёда олдиндан айтиш қийин бўлган вазият ҳукм сураётган мураккаб бир шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, жамиятимизда тинчлик ва тотувликни таъминлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини чуқур англаган ҳолда, биз 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича қабул қилган Ҳаракатлар стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантиришни устувор йўналишлардан бири сифатида белгиладик.

Ушбу Стратегия асосида биз ўтган йил давомида мамлакатимиз ҳаётининг бошқа тармоқлари қаторида ҳарбий қурилиш соҳасида кўпгина энг долзарб ва муҳим масалалар бўйича аниқ чора-тадбир ва ҳаракатларни кўзда тутадиган қарорлар қабул қилдик, уларни амалга ошириш бўйича ишларни самарали ташкил этдик” [2].

Ҳозирги даврга келиб, Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар ҳарбий кадрларни, хусусан, офицерларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида кўйилган талабларни ҳам кучайтирмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз яшаётган бугунги замон ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини барчамиз ўзимизга доимо яхши тасаввур қилганмиз ва тасаввур қиламиз. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида вазият қандай тез ўзгариб, дунёнинг айрим минтақаларида аҳвол тобора кескин тус олаётгани, турли қарама-қаршиликлар, можаро ва қон тўкишлар кучайиб, халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи ортиб бораётгани, яқин ён-атрофимизда давом

этаётган ҳарбий тўқнашувлар бизда чуқур ташвиш ва хавотир туйғусини уйғотмасдан қолмайди, албатта. Юзага келаётган ана шундай мураккаб ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган вазият барчамиздан юқори даражадаги огоҳликни сақлаш ва доимий шайлик ҳолатида бўлишни, миллий армиямизни янада ислоҳ этишга қаратилган эътиборни кучайтиришни, уни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги самарасини оширишни, бир сўз билан айтганда, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва жанговар қобилиятини ҳар томонлама мустаҳкамлашни талаб этади.

Курсантларни бўлажак офицер сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ватанига содиқ, метин иродали, интеллектуал савияси юқори, ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан мустаҳкам билимларга эга малакали ҳарбий мутахассислар даражасида тайёрлаш ва тарбиялаш энг муҳим ва долзарб вазифалардан бири сифатида олий ҳарбий таълим майдонида алоҳида ўрин тутаяди. Таълим самарадорлигини ошириш ҳозирги кундаги ҳарбий таълим соҳаси олдида турган муҳим ва долзарб муаммолардан бири. Бу соҳада мамлакатимиздаги олий ҳарбий таълим муассасаларида бир қатор ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Таълимда янги педагогик технологияларни жорий қилиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усуллари билан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган имкониятлар кўлами кундан-кунга ошиб бормоқда ва зарурий шарт-шароитлар яратиб борилмоқда.

Бугунги кунда курсантларга таълим соҳасида ташкил этилган замонавий ўқув-моддий-техник базасидан самарали фойдаланишни таъминлаш, олий ҳарбий таълим тизимидаги йўналишлар ва мутахассислар бўйича давлат таълим стандартлари, мутахассислик бўйича малакавий талаблар, ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларни қайта кўриб чиқиши ва такомиллаштириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Олий ҳарбий таълим тизимида ҳам замонавий дастур ва технологиялар асосида юқори даражада самарали ўқитишни ташкил этиш ва малакали, қўйилган талабларга жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлаш устувор масалалардан бири ҳисобланади. Олий таълимни ислоҳ қилишнинг бугунги талаби ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида инновацион технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда ўқишни ташкил этиш юзасидан бугунги кун профессор-ўқитувчисининг вазифасини тубдан ўзгартиради [4].

Илғор педагогик технологиялар машғулот беришнинг интерфаол усуллари назарда тутаяди. Булар мунозара машғулотлари, музокаралар, ишбилармон ўйинлар, ўқув лойиҳалари, муаммоли ҳолатларни, кейс-стадиларини ечиш ва ҳоказолардир. Ушбу усуллар курсантларнинг ижодий фаоллигини оширишда, махсус ҳарбий масалаларни ҳал қилишда, муаммони ҳал қилишнинг энг мақбул йўллари топишда ёрдам беради.

Ҳозирги даврда реал шарт-шароит шундан иборатки, таълим тизимини ахборотлашган аср эҳтиёжларига мослаштирмасликнинг иложи йўқ. Доимо ортиб бораётган ахборот ҳажмини қайта ишлаш ва ўз фаолият доирасида ундан унумли фойдаланиш зарурияти билан дуч келаётган жамият аъзолари, касб эгалари сони тобора ортиб бормоқда.

Билимдон мутахассис ҳарбий кадрларни тайёрлаш, инсон салоҳиятини юзага чиқариш эса ҳар жиҳатдан устозларга, уларнинг билимдонлик билан ўқитиш жараёнини ташкил қилиши ва билим беришига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ўқув жараёнини ташкил этиш, курсантларнинг чуқур билим олишига ёрдам берувчи ўқув услубларини қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги даврда ўқув жараёнини ташкил этиш ўқитувчидан фақат чуқур билимгина эмас, балки замонавий педагогик ва инновацион маҳоратга эга бўлишларини, машғулот беришнинг турли усул ва услубларини билишни ҳамда ўз устида тинмай ишлашни талаб қилади.

Талабалар (курсантлар) кўп нарсаларни бир-бирларидан ўрганишади. Шунинг учун талабаларни бир-бирларига таъсир кўрсатиш, ҳамкорлик қилишга асосланган машғулот ўтиш усуллари муҳим аҳамиятга эга. Масалан, баъзилар мустақил, биринчи бўлишга интилиши билан ажралиб туради. Улар алоҳида ўқишни маъқул кўради. Уларга дебат, мунозара олиб бориш, конкурсларга қатнашиш ёқади. Бошқалар ёлғизликдан кўра ҳамкорликда ўқишга мойил. Улар учун кооперациялашган ўқитиш услубларини қўллаган маъқул. Баъзи талабалар аниқ фактлар, маълумотларни тезроқ қабул қилади. Бошқалари назарий математик моделларни ёқтиради. Баъзи талабалар кўрғазмали расмлар, диаграммалар орқали, бошқалари мунозара қилганда, учинчилари эса амалиётда ўзи бажаришда қатнашса яхшироқ, пухтароқ ўрганади.

Таълим технологияси инсонийлик тамойилларига таянади. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳарбий фанларнинг таълим технологияларини лойиҳалаштиришда қуйидаги асосий концептуал ёндашувларга эътибор бериш керак.

- **Таълимнинг шахсга йўналтирилганлиги.** Ўз моҳиятига кўра бу йўналиш таълим жараёнидаги барча иштирокчиларнинг тўлақонли ривожланишини кўзда тутаяди. Бу эса Давлат таълим стандарти ва мутахассислик бўйича малака талабларига риоя қилган ҳолда курсантнинг интеллектуал ривожланиши даражасига йўналтирилиб қолмай, унинг руҳий-касбий ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олишни ҳам аниқлатади.

- **Тизимли ёндашув.** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам қилиши зарур: жараённинг мантиқийлиги, ундаги қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги, яхлитлиги.

- **Амалий ёндашув.** Шахсда иш юритиш хусусиятларини шакллантиришга таълим жараёнини йўналтириш; курсантнинг фаолиятини фаоллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча лаёқати ва имкониятларини, синчковлиги ва ташаббускорлигини ишга солишни шарт қилиб қўяди.

- **Диалогик ёндашув.** Таълим жараёнидаги иштирокчи субъектларнинг психологик бирлиги ва ўзаро ҳамкорлигини яратиш заруратини белгилайди. Натижада эса, шахснинг ижодий фаоллиги ва тақдимот кучаяди.

- **Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш.** Демократия, тенглик, субъектлар муносабатида ўқитувчи ва ўқувчининг тенглиги, мақсадини ва фаолият мазмунини биргаликда аниқлашни кўзда тутаяди.

- **Муаммоли ёндашув.** Таълим жараёнини муаммоли ҳолатлар орқали намойиш қилиш асосида ўрганувчи билан биргаликдаги ҳамкорликни фаоллаштириш усуллари билан биргаликдаги ҳамкорликни фаоллаштириш усуллари билан бириктирилади. Бу жараёнда илмий билишнинг объектив зиддиятларини аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг диалектик тафаккурни ривожлантириш ва уларни амалий фаолиятда ижодий равишда қўллаш таъминланади.

- **Ахборот беришнинг энг янги восита ва усуллари билан фойдаланиш,** яъни ўқув жараёнига компьютер ва ахборот технологияларини жалб қилиш.

Таълим оловчилар учун мустақил билим олиш имкониятларини ошириш, таълимнинг электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш таълим мазмунини такомиллаштиришнинг зарурий шартларидан бири саналади.

Маълумки, махсус компьютер дастурларидан (тренажёрлардан) фойдаланиш курсантларни – бўлажак мутахассис офицерларни ўқитиш жараёнида бир қатор афзалликларга эга:

- куннинг исталган вақтида ҳарбий фанлар бўйича ўқув материалларини тезкор олиш, бу эса ўқув материали ўзлаштирилиши сифатини оширади;
- ҳарбий техникада юз бераётган жараёнларни кўргазмали акс эттириш;
- ҳарбий техникани амалий ишлатиш бўйича машқлар бошлангунга қадар у билан танишиш ва унда ишлаш кўникмаларини эгаллаш имконияти, бу эса техникани амалий ишлатиш бўйича машқлар вақтида уни ўрганувчи томонидан бузиб қўйилиши эҳтимолини камайтиради;
- ҳарбий техниканинг белгилаб бериладиган иш ресурсини тежаш, бу орқали эса унинг ишлатилиш даврини узайтириш имконини беради.

Компьютерли тренажёр ўзи нима беради? Амалий дастурларни қўллаш тажрибаси шунини кўрсатадики, ўрганувчи улар ёрдамида ўрганилаётган фан жаҳҳасидаги билим, кўникма ва малака ҳажмининг 70 % ини ўзлаштириб олиш имкониятига эга бўлади. Компьютерли тренажёр ҳарбий техникани ишга тайёрлаш, созлаш ва иш қобилиятини текширишни ўргатиш, шунингдек бажарилиш вақтини ҳисобга олган ҳолда ўқув нормативларини бажариш имкониятини тақдим этади. Бунда ўрганувчига фақатгина баҳо қўйилмасдан, балки унга ишлаш давомида йўл қўйган камчилик ва хатоларини ҳам кўрсатади.

Компьютерли тренажёрлардан фойдаланиш ўрганувчиларга янги техникани ўрганишнинг бошланғич босқичида мавжуд бўладиган психологик тўсиқни енгиб ўтишларига ҳам ёрдам беради, ўрганувчининг техникани мустақил ишлатиш бўйича етарли даражада тайёр бўлмаганлиги сабабли хавфсизлик талабларининг бузилиши эҳтимолини ҳам камайтиради.

Таълимнинг асосий вазифаси – иродани ва ўқиш қобилиятини тарбиялаш – таълим муассасалари нафақат ўқиган ва билимли кадрларни чиқариши, балки доимо ўқиш ва ўрганиш кераклигини тушунган кадрларни тарбиялаб чиқариши лозим, деб ҳисоблайман.

Шу мақсадларда ўқув дастурлари курсант ва тингловчиларга янги ўқув доираларини очиш учун етарлича катта ҳажмдаги саволларни қамраб олган бўлиши, шунингдек уларда қизиқувчанликни ва истакни ривожлантириш учун етарлича чуқурлаштирилган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш.Мирзиёев Хавфсизлик кенгашининг 2018 йил 10- январдаги кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқида қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эди: “Айни вақтда, айтиш жоизки, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизими замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди. ... курсантларимиз ва тингловчиларимиз таълим соҳасида энг илғор, инновацион билим ва кўникмаларга эга бўлиши зарур. Мана, бизнинг асосий мақсадимиз”. Ушбу мажлисдаги нутқида муҳтарам Президентимиз олий ҳарбий таълим соҳаси бўйича қуйидаги вазифаларни белгилаб берди:

кадрлар билан ишлаш, уларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича самарали тизим фаолиятини таъминлаш;

олий ҳарбий таълим муассасаларимиз билан мамлакатимиздаги ва хориждаги етакчи олий ўқув юртлари ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш;

бой амалий тажрибага эга бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар орасидан энг муносиб шахсларни ўқитувчилик фаолияти учун танлаб олиш бўйича самарали тизимни жорий этиш;

танлаб олинган ўқитувчилар малакасини оширишни шундай йўлга қўйиш керакки, улар ёш кадрларни тайёрлашда ўз салоҳиятини янада тўлиқ сафарбар этишга эришилиши шартлиги.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, ушбу мақолада ҳарбий фанларни ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари, профессор-ўқитувчилар ва курсант(тингловчи)лар таркибига бу борадаги талаблар, ўқитиш самарадорлигини ошириш, таълим олишнинг узлуксизлиги борасида юқорида таъкидланган барча таклиф ва кўрматмаларни инобатга олинса келгусидаги Қуролли Кучлар барча шахсий таркибининг узлуксиз таълим олиши лозимлиги бу соҳа фаолиятининг ўзига хослиги билан асослантирилади, чунки у ўз Ватани ҳимоясини таъминлаши лозим. Ушбу вазифаларни эса фақатгина шундай қуролли кучлар амалга ошира оладики, бунда ҳар бир ҳарбий хизматчи вазиятни тезда таҳлил қилиб, душмандан олдин қарор қабул қила олиши ва уни бажарилишини таъминлай оладиган етук кадр бўлиб етишига имкон беради

АДАБИЁТЛАР

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 26 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриги.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш.Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг 2018 йил 10- январдаги кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқи.

[4] Ишмухамедов Р.Ж., Туляганов А.А. Инновационные технологии в учебно-воспитательном процессе военно-образовательных учреждений. -Т: Академия Вооруженных Сил Республики Узбекистан, 2011. -110с.

ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНДА МУЛОҚОТ ВА УНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

подполковник ҚУДРАТОВ ОДИЛЖОН БОЗОРОВИЧ

Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти

Ҳарбий терминларни тушуна олиш ва таржима қилиш муаммоларини умумлаштирган ҳолда қуйидаги қоидаларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

Анологик тушунча ва реалияларнинг мавжуд эмаслиги. Бу каби терминларни таржима қилишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин: а) маънони тасвирлаб бериш *attack problem ҳужумкор жангни олиб боришдаги тактик вазифа* б) сўзма-сўз таржима *tactical air command тактик ҳаво қўмондонлиги* в) қисман ва тўлиқ транслитерация *master sergeant мастер-*

сержант ёки катта сержант г) транскрипция *commander* командерёки командир
д) транскрипция ва таржима қилиш *warrant officer* уорент офицер

Терминнинг мос келмаслик ёки тўлиқ мос келмаслик ҳолати, асосан, сўзма-сўз таржима қилишда намоён бўлади. *Armored cavalry* баъзан *бронекавалериявий дея таржима қилинади*, аслида тўғри таржима *разведка (кузатиш, ўрганиш)*. *Military Academy* бирикмаси ўзбек тилида *ҳарбийакадемия* эмас, балки *ҳарбий билим юрти* тушунчасига тўғри келади.

Кўп сонли қисқартмалар (аббревиатура ва акронимлар)

Айрим терминларнинг қисқа муддат амалда бўлиши, яъни ҳар бир янги ҳарбий операция амалга оширилиши жараёнида янги сўзлар пайдо бўлади ва бу эскиларининг йўқолишига олиб келади, бу, бир томондан техника ривожланиши, иккинчи томондан эса сиёсий вазият ўзгариши билан боғлиқ бўлади. Мисол тариқасида Биринчи жаҳон уруши ва Иккинчи жаҳон урушига оид ҳарбий терминлар луғатларини келтириш мумкин.

Турли ҳарбий унвонлар тизими – кўп ҳолларда нафақат мос ифодалар топишнинг имкони бўлмади, балки таржимани фақат транскрипция ёки транслитерация ёрдамида амалга ошириш мумкин. Мисол тариқасида ҳарбий луғатдан Буюк Британия ва АҚШ армияларидаги ҳарбий унвонларга тегишли бир нечта жадвални келтириш мумкин, Ўзбекистон бўйича аналоглари (мослари) деярли йўқ.

Ҳар хил ташкилий-штат тузилмалари. Буюк Британия армиясига тегишли тиргурсўзини взвод дея тушуниш мумкин, АҚШ армияси учун эса бу разведка ротасига мос келади. *Squadron* сўзини Буюк Британия армиясида рота, АҚШ армиясида эса разведка батальони, деб тушуниш керак.

Кўплаб сленглар қатнашган ифодалар

Ҳарбий сленгларнинг айрим элементлари ҳатто ҳарбий лексика доирасидан чиқиши ва ОАВ томонидан бошқа маъноларда қўлланилиши қизиқарли фактлардан биридир. Масалан: 2009 йил 9 апрел куни *The Economist* нашри *Flu and the Global Economy The Butcher's Bill* сарлавҳаси остида бир мақола чоп этган; www.geneveith.com интернет-сайти 2008 йил 21 февралда *The Butcher's Bill of Atheism* номли мақолани эълон қилган.

Оммавий ахборот воситалари тилида ҳарбий терминологиядан фойдаланиш даражаси таҳлил қилинганда жуда қизиқарли бир ҳолатни кузатиш мумкин. Матбуот ҳарбий воқеалар ва бошқа шу соҳага яқин, масалан, ўзаро этник муносабатларга дахлдор ҳаракатларни ёритар экан, ҳарбий терминологиядан фойдаланиши ёки ҳарбий терминлар ўрнига бошқа лексик воситаларни қўллаши мумкин.

Бу ўринда матбуотнинг жамоатчилик фикрини шакллантириш, яъни охири-оқибат жамоатчилик онгини манипуляция қилишдаги муҳим аҳамиятини таъкидлаш зарур. Ўқувчи муайян ҳолатни қандай тушуниши ва қабул қилиши у ёки бу воқеанинг ёки воқеа иштирокчилари ҳаракатининг қай тарзда ёритилишига боғлиқ бўлади. 2004 йил Бесланда юз берган фожиали воқеалардан сўнг РФ президенти В.В.Путин кўпгина ғарбий ОАВ томонидан террорчилик ҳаракати ижрочиларига нисбатан «*rebels*» (кўзғолончилар, намойишчилар) сўзи қўлланилганлиги нисбатан салбий фикр билдирди. (РИА "Новости" 2004 йил 24 сентябр куни «Путин терроризм тушунчасини талқин қилишда халқаро бирдамлик муҳим эканини таъкидламоқда» номли мақолани эълон қилди).

Бу мисол ягона эмас. Биргина воқеа мақоланинг мақсадидан келиб чиқиб турлича, дейлик, «*riot*» (кўзғолон, бунт), «*struggle against oppressors*» (босқинчилар билан кураш) ёки «*turmoil*» (тартибсизликлар) ёхуд «*urban unrest*» (шаҳардаги чиқишлар) номи билан ёритилиши мумкин. Воқеанинг бир иштирокчиси турли муаллифлар томонидан турлича, «*terrorist*» (террорчи), «*rebel*» (кўзғолончи), «*freedom fighter*» (озодлик учун курашчи), «*national patriot*» (ватанпарвар) тимсолида тасвирланиши мумкин. Худди шундай, «*a 15-year-old Palestinian boy is killed by IDF*» иборасини «*a Palestinian youth is shot by IDF*» варианты билан тенглаштириш мумкин. Ушбу мисол Люис Глинертнинг «*The Language War*» номли мақоласида келтирилган.

Лингвистикада мутлақо янгилик бўлмаган бу ҳолатни нуфузли тадқиқотчилардан бири Д.Кристал ўзининг «*The Cambridge Encyclopedia of the English Language*» китобида батафсил таҳлил қиларкан, «*doublespeak*», яъни «ёмонни яхши жиҳатдан кўрсатишга мажбур қиладиган, салбийни ижобийга айлантирадиган тил», деб атайди.

Е.Б.Яковлева «Ўтмишга қараб олға» мақоласида «сўз қўлланиши аниқлигининг мафкура ва сиёсат билан боғлиқлиги» ҳақида ёзаркан, бир қатор мисоллар келтиради: «Дарҳақиқат, «*air support*» сўзи «*bombing*», «*unlawful or arbitrary deprivation of life*»га ўхшаб ваҳимали эшитилмайди, «*killing*»га ўхшаб ваҳимага солмайди, «*an efficient nuclear weapon that eliminates an enemy with a minimum degree of damage*» ифодаси эса илмийдек туюлади ва «*neutron bomb*» атамаси билан қиёслаганда, ҳатто, юмшоқроқ эшитилади.

Турли сиёсий арбоблар бир нарсани ўз мақсадларини ҳисобга олиб ҳар хил аташлари табиий ҳолдир. Масалан, Барак Обама маъмурияти “Терроризмга қарши глобал уруш” (*global war on terror*) атамасидан воз кечди, сабаби ушбу ибора АҚШга нисбатан террорчилик хавфининг табиатини етарли даражада акс эттиролмайди. “Терроризмга қарши урушлар” тушунчаси президент Жорж Буш маъмурияти томонидан кенг миқёсда фойдаланилган. Буш ҳали Оқ уйдан кетмасиданок, мазкур терминнинг ноўрин қўлланилиши хусусида танқидчилар кўп гапиришган. Обама президентликка киришгач, АҚШда антитеррорчилик сиёсати бутунлай қайтадан кўриб чиқила бошланди. Март ойида Пентагон ўз ходимларига баҳсталаб эски термин ўрнига янги – “хорижий фавқулодда операция” (*Overseas Contingency Operation*) иборасини қўллашни тавсия этди. Бундай ўзгариш “уруш” сўзи давлатлар-миллатлар ўртасидаги келишмовчиликларни акс эттириши, терроризм эса давлатлар-миллатлар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкинлиги билан изоҳланди.

Умуман олганда, сиёсий йўналишга нисбатан қўлланиладиган нутқий таъсир ҳукумат доирасида, ифодаловчи (сиёсатчи) томонидан қабул қилувчи (оммавий онг)га йўналтирилган, унинг қарашлари ва ўзини тутишини ўзгартиришга қаратилган матн шаклидаги ахборот оқимини манипулятив вербал жиҳатдан ташкил этилишини белгилайди. «Нутқий таъсир механизмлари сиёсий йўналишни сақлаб қолиш, муайян субъектда масъулият ҳиссини уйғотиш ва фаоллаштириш каби воситалардан фойдаланишни назарда тутати. Прагматик механизмлар тилнинг онгга, киши томонидан у ёки бу қарорни қабул қилиш жараёнига таъсир этиш усуллари ролини бажаради ва тилнинг лексик, грамматик ва стилистик даражаларида намоён бўлади»[4. 180.]

Яна бир қизиқ маълумот. Ироқда ҳарбий ҳаракатлар бошланганда ушбу ҳарбий операция Operation Iraqi Freedom, яъни “Ироқни озод қилиш”, деб аталган. Кўриниб турибдики, ҳатто, ҳарбий операциянинг номи ҳам эвфемизмга хос.

Эвфемизмнинг кўплаб кўринишлари ҳатто таниқли америкалик комик Жорж Карлиннинг чиқишларида ҳам акс этган: Биринчи жаҳон уруши вақтида жанговар ҳаракатларда иштирок этиш натижасида олинган руҳий жароҳат, кучли стресс ҳолатини ифодалаш учун кенг қўлланилган shell shock атамасини олайлик. Иккинчи жаҳон уруши давридаги айнан шундай ҳолат бунда battle fatigue деб аталган. Fatigue сўзи shock сўзига нисбатан ноаниқроқ тасаввур уйғотади, яъни қандайдир, ҳақиқатда мавжуд ҳолатни “ниқоблайди” ва “юмшатади”. 1950 йил Кореядаги уруш ҳаракатлари чоғида воқеадан шахс сиймосини ўчиришга хизмат қилувчи, бошқача айтганда инсонни эмас, балки машина ёки механизм ҳолатининг ифодаси сифатида янграйдиган янги сўз бирикмаси – operational exhaustion пайдо бўлди. Ва ниҳоят Вьетнамдаги уруш пайтида мазкур ҳолат моҳиятини ўта даражада юмшатувчи, ҳолатни келтириб чиқарувчи сабабни бутунлай яширувчи, яъни гап худди жанговар ҳаракатлар эмас, балки оддий маиший жароҳат ва унинг оқибатлари ҳақида кетаётганини англатувчи post traumatic stress disorder атамаси юзага чиқди.

1991 йил АҚШда Ироқдаги жанговар ҳаракатлар қурбонлари ҳақидаги маълумотларни тинч аҳоли ўртасида қабул қилинишига нисбатан эвфемизм ҳолатларининг таъсирини ўрганиш бўйича эксперимент ўтказилди. Сўров натижалари шуни кўрсатдики, иштирокчиларнинг бор-йўғи 21 фоизи матнда collateral damage (зарар кўриш, акс таъсир) тарзида ифодаланган қурбонлар сонидан “қаттиқ ташвишга тушишган”, civilian casualties (фуқаролар орасидаги қурбонлар) тушунчаси эса 49% респондентларни жуда хавотирга солган.

Шундай қилиб, олиб борилган кузатувлар натижасида шундай хулосага келдик. Ҳарбий терминология терминологик тизим бўлиб, ўзида ҳарб фани тараққиётини акс эттирган ҳолда жадал ривожланмоқда. Ҳарбий билимларнинг серкирралигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳарбий терминлар катта ҳажм, соҳалараро, интердисциплинар хусусият касб этишини англаш қийин эмас.

Инглиз тили ҳарбий терминлар тизими асосини кўпроқ муайян алоқадаги субстантив бирикмалар кўринишида намоён бўладиган яқка тартибдаги ва кўп киррали номинатив бирликлар ташкил этади.

Ҳарбий терминология умумадабий лексика таркибида автоном кўринишда намоён бўла олмайди, бу икки элемент орасидаги чегара жуда нозик. Демак, ҳар икки томонга қараб ҳаракатланиш имкони мавжуд. Бошқача қилиб айтганда, нотерминологик лексика янги терминологик бирлик ҳосил қилиш учун асос бўлиб хизмат қила олади, ҳарбий терминлар эса турли сабабларга кўра, махсус терминологик тизим доирасидан четга чиқиши ва умумадабий лексика доирасида фаолият олиб бориши ҳам мумкин.

Ҳарбий терминларнинг махсус контекстдан ташқари ҳолатларда тез-тез қўлланилиши терминларнинг ОАВда фойдаланиладиган маълум бир қисми консубстанционал ҳисобланади, дейишга асос бўлади[5. 250.]. Бундай терминлар мавжудлиги, бир томондан ҳарбий мавзудаги матнларни тушунишни осонлаштиради, бошқа томондан кўшимча мураккабликларни келтириб чиқаради, яъни умумий лексика луғати ва терминология луғатидаги тушунчалар ўртасидаги фарқ туфайли матн мазмуни нотўғри талқин қилинишига сабаб бўлади.

ОАВда фойдаланиладиган ҳарбий терминологиянинг муҳим жиҳатларидан бири бунда метафоралардан фойдаланиш даражаси юқори бўлади. Метафоранинг ҳарбий терминларни тизимлаш ва ишлатишдаги салмоқли роли бир қатор омиллар мажмуаси билан асосланади. Улардан бирини алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур: ОАВнинг ҳарбий тўқнашувлар ва жанговар ҳаракатлар хусусидаги матнлари, одатда, эмфатик вазифани, яъни ўқувчига ҳис-ҳаяжонли, психологик таъсир этиш вазифасини бажаради, шунга мос равишда тегишли терминлар танланади.

ОАВда ҳарбий терминологиядан фойдаланиш мамлакатда ва жаҳонда кечаётган эврилишлар, муҳим воқеалар ҳақида муайян жамоатчилик фикрини шакллантириш мақсадида жамоатчилик онгини манипуляция қилиш воситаси сифатида намоён бўлиши мумкин. Кўпгина ҳолларда у ёки бу терминлар эвфемизмга хос сўзлар билан алмаштирилади. Бу ҳар қандай воқеани кулай ракурсда, юмшатиб, ахборотни ниқоблаб, айрим ҳолларда эса ўқувчи ёки томошабинни чалғитиб, тегишли фикр ҳосил қилиш имконини беради.

Муайян соҳага оид терминологияни тадқиқ қилиш кўзланганда, умуман барча терминологияларга хос бўлган бир нечта жараённи кузатиш мумкин. Шунинг учун ҳам инглизча ҳарбий терминологияни умумлаштирилган ҳолда ёзиш тажрибасидан мазкур терминологиянинг турли тиллардаги кўринишини ўрганишда, қолаверса, фаолиятнинг бошқа соҳаларидаги терминологияларни тадқиқ этишда ҳам фойдаланиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, терминологияни тадқиқ этиш юзасидан олиб бориладиган ишлар мунтазам равишда давом этадиган жараён тарзида намоён бўлади. Тузиладиган луғатларда эса терминологиянинг муайян вақтдаги ҳолати қайд этиб борилади. Замонавий ҳарбий терминологиянинг шаклланиш жараёни ҳали-бери тугамайди. Ҳарбий терминларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини ўрганишни давом эттириш зарур. Шу билан бир вақтда шундай терминларни стандартлаш, унификациявакодификация қилиш даркор.

Миллий терминологик тизимларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш жуда яхши натижаларни беради. Бунда томонларнинг ҳар бири ўзларининг индивидуал ҳарбий тажрибасига эга бўлади ва бу ҳеч бўлмаганда сленглаштириш ва метафорлаштириш каби ҳолатларда акс этмай қолмайди.

АДАБИЁТЛАР

[1] Гринев С.В. Атамашуносликка кириш. - М.: Москва-лицейи, 1993. 27-бет.

[2] Бережанская И.Ю. Инглиз ва рус лингвистик терминологиясида Консубстанционал терминлар (солиштирма таҳлил): Филология фанлари номзодлигидиссертацияси - М., 2005. 33-бет.

[3] Ахманова О.С. Лингвистик терминлар луҳати. – М.: Совет Энциклопедияси, 1966. 4-бет.

[4] Комисарова Т.С. Нутқий таъсир механизмлари ва улардан сиёсий йўналишда фойдаланиш: Г. Шрёдер нутқлари бўйича. Филология фанлари номзодлиги диссертацияси иши - Орел, 2008. 157-бет.

[5] Чеботарёва В.В. Инглизча ҳарбий терминлардан оммавий ахборот воситалари тилида фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари // Москва университети хабарномаси. № 2/2008. – 183-189-бетлар.

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ.

чет тиллар ўқитувчиси МУХАМЕДОВА Л.Д

Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти

Ушбу мақолада чет тилини ўзлаштириш жараёнида қувчиларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, дарсларни ноанъанавий услубда ташкил қилишнинг усуллари ҳақида фикрлар баён этилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганининг илк кунларидан бошлаб, ёш авлодни миллий ўзликни англаган ҳолда замонавий билимлардан бохабар қилиш, жаҳон талабларига жавоб берадиган даражада билим бериш масаласи давлатсиёсатининг устувор масалаларидан бирига айланди.

Бу соҳани сифатли ривожлантириш мақсадида қабул қилинган «Таълим тўғрисида» ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини мисол тариқасида келтириш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-1875-сонли қарорининг қабул қилингани хорижий тилларни ёшликданок ўрганиш яхши самара беришига яна бир асос бўлди. Қарорда чет тилини, хусусан, инглиз тилини болалар боғчаларида ва ўрта мактабларнинг бошланғич синфларидан бошлаб ўқитишни йўлга қўйиш алоҳида таъкидланади. Таълим жараёнини замонавий, инновацион технологиялар билан ҳамоҳангликда олиб бориш ўқувчининг ўрганиш жараёнидаги фаоллигини, қабул қилиш тезлигини таъминлайди. Бугунги давр педагогдан нафақат ўз касбининг устаси, балки яхши психолог, ўқувчини қизиқтирадиган барча саволларнинг билимдони, замонавий технология ва жаҳонда бўлаётган янгиликлардан биринчилар қатори хабардор бўладиган, чет тиллардан бирида эркин мулоқот қила оладиган маънавийатли шахс бўлиши лозимлигини талаб этмоқда. Тил кишилар муносабатининг шундай кўринишидирки, унинг ёрдамида одамлар бир бирлари билан ўзаро руҳий жиҳатдан алоқага киришадилар, ўзаро ахборот алмашадилар, бир-бирларига таъсир ўтказадилар, бир-бирларини ҳис қиладилар, бир-бирларини тушунадилар. Шунинг учун тил ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида иштирок этиб, ҳамкорлик фаолиятининг моддий, маънавий, маданий, эмоционал, мотивацион қирраларининг эҳтиёжи сифатида вужудга келади.

Тил бевосита инсонлар психикаси билан боғлиқ ижтимоий жараён ҳисобланади. Бу эса бирор тилни бошқаларга ўргатмоқчи бўлаётган шахсда ўз навбатида педагогик ва психологик кўникмаларнинг бўлишини талаб этади. Тил ўргатиш жараёнларини, у қайси фан ёки тил бўлмасин, пухта эгаллаш ва ўқитиш учун бугунги кун педагогларига замонавий инновацион технологиялардан хабардор бўлиш ва уларни амалда тўғри қўллай олиш маҳоратини эгаллаш вазифаси юкланмоқда. Чет тилини ўқитиш методикаси учун тафаккур, хотира, идрок, психологик жараёнлар, билим, кўникма, малака каби психологик тушунчаларнинг моҳияти, уларнинг инсон руҳиятида кечиши, содир бўлишини билиш муҳимдир. Чунки методика малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш билан шуғулланади.

Методика тамойилларида эса психологик тамойиллар ҳам мавжудки, улар боланинг ёш хусусиятлари, ижтимоий хусусиятлари, темпераменти, характери, яъни боланинг индивидуал хусусиятларининг тил ўқитиш жараёнида қанчалар муҳим эканини исботлайди. Чет тилини ўргатишда бу психологик хусусиятлардан, яъни билим, малака, кўникма ҳосил қилишдан фойдаланилади. Биз биламизки, ўқувчи чет тилини ўрганаётганда, у она тилининг ўзига хос қонунқоидаларидан, чет (ўрганилаётган) тилининг ўзига хос хусусиятларидан маълум бир билим, кўникма, малакага эга бўлади. Психологларнинг таъкидлашича, буларни ўқувчи янги ўзлаштираётган чет тилига кўчириши мумкин. Бу кўчириш салбий ва ижобий хусусиятларга эга бўлиши эҳтимолдан ҳоли бўлмайди. Ижобий натижаларнинг юқори бўлиши эса инсон психологиясига узвий боғлиқ бўлади. Чет тилини ўқитиш жараёнида педагогика соҳаси албатта муҳим роль ўйнайди. Ўқитиш қонуниятларининг дидактик тамойилларда чуқур ва аниқ акс этиши педагогика ва у билан боғлиқ фанларнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Чет тилини ўқитишнинг педагогик асосини ташкил қилувчи асосий дидактик тамойиллар қуйидагилар ҳисобланади: таълимнинг илмийлик тамойили, унинг тарбиявий характерга эга эканлиги, таълимдаги онглилик, фаоллик, кўргазмалилик, тизимлилик ва билимни пухта ўзлаштириш, таълим ва тарбиянинг бирлиги, ўқитишда ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишлик тамойиллари ва ҳоказолар.

Таълимда илмийлик тамойили билимларнинг тизимли равишда ўзлаштиришни тақозо қилади. Тил ва нутқ материални танлаш, ўрганилаётган ҳодисалар, тушунчалар ва қонуниятларнинг моҳиятини очиш фан талабларига мувофиқ равишда амалга оширилади. Дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда илмий далилларнинг нотўғри талқин қилинишига йўл қўйилмайди. Чет тилини ўрганишга нисбатан илмийлик тамойили, шунингдек, тил, нутқ ва нутқ фаолияти ҳақида замонавий билимлар даражасига мос равишда методиканинг сўнгги ютуқлари ва у билан боғлиқ фаннинг мазмунини аниқлаш, фанни ўқитиш методлари, усуллари, воситаларини танлаш, илмий ҳақиқат ва амалий қийматга эга бўлган ўқув материалларини ўрганишни билдиради.

Таълимнинг тарбиявий тамойили ўқувчилар дунёқарашида улар томонидан ахлоқ ва одобни эгаллаш, ўқувчиларнинг жисмоний куч ва ақлий қобилиятларини ривожлантириш, давлатнинг ижтимоий, иқтисодий сиёсатини тушуниш ва шахснинг камол топишида ўз ифодасини топади. Тил ўрганиш жараёни бевосита мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий, этник хусусиятларини ўзлаштиришга боғлиқ бўлади. Шунингдек, ўқувчи қайси мамлакат тилини ўрганса, шу мамлакатнинг маданияти, миллий урфодатларини ҳам ўрганиб, ўзлаштириб боради. Шу билан биргаликда, тил ўрганувчи ўз она юртининг миллий урф-одатларини ўрганилаётган тил вакилларининг урф-одатлари билан таққослайди ва маълум фикр, хулосага келади. Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос маданияти, этник хусусиятларини ўргатишда ўқитувчидан юқори билим ва масъулият талаб этилади. Чунки ўқувчи бошқа халқларнинг маданиятини ўзлаштириш билан бирга ўз Ватанига муҳаббат руҳида ҳам тарбияланиши мақсадга мувофиқдир. Таъкидлаш жоизки, таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш таълим сифатини янада оширади. Айниқса, чет тилини ўзлаштириш жараёнида уларни қўллашга бўлган эътибор кунданкунга кучайиб бормоқда. Бунинг сабабларидан бири, шу вақтгача (анъанавий) таълимда ўқувчилар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлсалар, замонавий технологиялар

улар эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишлари, мустақил ўрганиб таҳлил қилишлари, ҳатто хулосаларни ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади

1. Тили ўрганилаётган мамлакат маданияти, этник хусусиятларини ўз она тили, халқининг миллий, маданий хусусиятларига бевосита таққослаб ўқитиш жараёнида кўплаб технологияларни қўллаш мумкин. Жумладан, ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этиш, мантикий фикрлаш, ўрганаётган предмет асосида кўп, турли фикрлар, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган «Блиц-ўйин» методи, ўқитувчиларни аудиторияни бошқаришдаги ҳамда ўқувчиларни иш жараёнида бошқариш усуллари билан таништирувчи ва шунга ўргатишга қаратилган «Бошқарув» техникасидан самарали фойдаланиш мумкин.

«Блиц-ўйин» технологияси. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ушбу технология ўқувчиларни ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этиш, мантикий фикрлаш, ўрганаётган предмети асосида кўп, турли фикрлардан, маълумотлардан кераклисини танлаб олишни ўргатишга қаратилган. У асосида ўқувчилар ўзларининг мустақил фикрларини бошқаларга ўткази оладилар, чунки бу технология шунга тўлиқ шароит яратиш беради. Блиц-ўйин технологиясига ижодий ёндашиб, дарс жараёнларига мослаштириб, қисман ўзгартириш киритиб қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу технология ўқувчиларга тарқатилган қоғозларда кўрсатилган сўзлар, жумлалар, гаплар кетма-кетлигини аввал якка ҳолда мустақил равишда белгилаб, сўнгра ўз фикрини бошқаларга ўткази олиш ёки ўз фикрида қолиш, бошқалар билан ҳамфикр бўли олишга ёрдам беради. Масалан: «Мен она Ватанимни нима учун севаман?» саволига тарқатилган қоғозларда кўрсатилган сўзлар, жумлалар, гаплар кетмакетлигини ўз нуқтаи назаридан тартиб билан белгилаб чиқиш ва бу тартибнинг сабаб, моҳиятини асослашга ҳаракат қилиш керак бўлади. Тарқатилган қоғозлардаги гап, жумла ёки сўзлар турлича бўлиши мумкин. Яъни: «Мен шу ўлкада туғилганман. Менинг Ватаним жуда гўзал. Отам, онам, авлод-аждоғларим шу ўлкада туғилиб, ўсган. Менинг ўлкам бошқа мамлакатларда учрамайдиган ўзининг ажойиб жиҳатларига эга. Ватанни ҳамма севиши керак. Ватанни севиш ҳар бир инсоннинг бурчи» каби бир қатор гаплар келтирилиб, уни ҳар бир ўқувчи ўз хоҳиш-истаги асосида тартиб билан белгилаши ва шу кетма-кетликни асослаши лозим бўлади. Шунингдек, қоғоздаги гапларга ўқувчи ўзи яна мустақил гаплар киритиб, давом эттириши мумкин ва ҳоказо. Бу гаплар кетма-кетлигининг сабабларини тушунтириб бериш учун ўқувчилар ўзларининг мустақил фикрларини бошқаларга ўтказадилар ёки уларнинг фикрларига қўшилиб, уларни маъқуллайдилар. Мавзунини танлаш, мавзуларда сўз, жумла, гапларни ишлатиш аввалги ўзлаштирилган билимларга, ўтилган дарсларга бевосита боғлиқ бўлиши, ўқувчиларнинг билим, тажрибаси, қизиқиш-истаклари инобатга олинган ҳолда тузилиши керак. Лекин бунда тилшунослик қоидалари асосий ўрин тутати. Яъни ўрганилаётган тилнинг лексик, грамматик, стилистик хусусиятларини ўргатиш, ўзлаштириш муҳим вазифа ҳисобланади. Чет тилини ўқитишдаги фаоллик ўқувчиларда чет тилида нутқ ҳаракатларини амалга ошириш учун зарур бўлган диққат, тафаккур, хотира ва иродани ривожлантириш деган маънони билдиради. Фаолликнинг асосий манбалари мақсадлар, сабаблар, хоҳиш, истақлар ва қизиқишлар ҳисобланади.

«Бошқарув» техникаси ўқитувчиларни аудиторияни бошқаришдаги усуллар ҳамда ўқувчиларни иш жараёнида бошқариш усуллари билан таништирувчи ва шунга ўргатишга қаратилган фаолият ҳисобланади.

Бошқарув техникасининг афзаллиги шундаки, бу фаолият таълим жараёнининг самарасини белгилаб беради, яъни дарснинг самарадорлигини таъминлайди. Маълумки, таълимда қўлланиладиган ҳар бир технологиянинг ўзига хос тартиб-қоидаси, ютуғи, камчилиги мавжуд. Бу хусусиятларни педагог имкон қадар мукамалроқ ўрганиши мақсадга мувофиқ. Ўзлаштирилган технологиялардан фойдаланишда, албатта, педагог ижодий ёндашиши шарт. Чунки педагог ўз аудиторияси, ўқувчилари, гуруҳлари хусусиятларини яхши билади ва турли қутилмаган вазиятни моҳирона ҳал этиши лозим бўлади. Амалиётдаги оддий қоида шу ҳақида гувоҳлик берадики, назарий дарснинг асосий дақиқасида ўқувчиларга янги билимларни бериш амалга оширилади, кейин эса баҳсмунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқа шу каби ноанъанавий методларни амалга ошириш орқали берилган билим мустаҳкамланиши лозим. Ҳақиқатан ҳам, дарс жараёнини кузатсак, таълимнинг асосий дақиқаси энг самарали, шундан кейин эса онг фаолиятида ўрганишни давом эттириш мотивацияси тезда пасая бошлади. Шу сабабли янги мавзу ҳақида маърузачи маълумот бергандан сўнг, давом эттириш учун шу кунга бириктирилган ўқувчиларга бирма-бир сўз берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун ҳар бир дарсга бир ўқувчи маъруза, икки–уч ўқувчи мавзу юзасидан қўшимча материаллар тайёрлаб келишлари керак бўлади. Ва албатта, маърузачи-ўқувчи тайёрлаган маърузани маърузачи-ўқитувчи олдиндан кўриб бериши ва биргаликда муҳокама қилиб олишлари лозим. Чунки бу жараён бир хилликнинг олдини олади. Шу ўринда

«**Ақлий хужум**» методининг оғзаки шаклидан фойдаланилса, ўқувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти пайдо бўлади, шу жумладан, ўқувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади, чунки бунда билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади. Маърузачи-ўқувчи дарсга тайёрланиш жараёнида мустақил изланади, ўз фикрини баён этишни ўрганади. Бу жараён ҳар бир маърузачи-ўқувчи учун ўзининг қобилиятини турлича намоиш қилишга имконият беради. Ўқувчи ҳар дарсда турлича тайёрланган кўргазмали қуроллар, ўйинлар ва техникаларнинг гувоҳи бўлиш мумкин. Ҳар бир ўқувчининг маърузасидан сўнг, ўқувчи рағбатлантирилади ҳамда маъруза давомида маърузачи-ўқитувчи томонидан мавзу тўлдирилиб турилади. Бу анъанавий ўқитишнинг олдини олиб, ўқувчиларнинг диққатини жалб қилиш билан бир қаторда барча ўқувчиларнинг иштирок этишини таъминлайди. Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мамлакат тараққиётининг асосий негизи ҳисобланади. Чунки ватанпарварлик ғояси жамият, мамлакат барқарорлиги тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Ватанпарварлик ғоясини шакллантиришнинг асосий вазифалари – бу миллий ўзликни англаш, миллий кадриятларимизни тиклаш, уларни илм-фан ва араққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, ватанимиз тарихи, маданиятини теран билиб олиш, муқаддас динимизга садоқатли бўлиш қабила бўлиб, уларни амалга ошириш натижасида талабалар онгида янгича фикрлаш, миллий тафаккур, миллий мафкуравий қарашлар, маънавий-ахлоқий хислатлар камол топади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларга ватанпарварлик ғояси ҳақида билимлар бериш, уларда кўникма ва малакалар ҳосил қилиш муҳим ҳисобланади. Ватанпарварлик ғоясини шакллантириш шахс, жамият маънавиятини юксак даражага кўтариш билан боғлиқ бўлиб, унинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Ватанпарварлик ғоясини ўзида мужассам этган шахс жамият талабларига жавоб беради, уни

мустаҳкамлайди, комплекс ёндашиш, айниқса, дарс, синфдан ташқари ишлар жараёнида ўқувчи шахсида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ўз самарасини беради. Маълумки, чет тилларини ўрганишдаги асосий қўлланадиган услублар эшитиш, сўзлаш, ўқиш, ёзишдан иборат бўлади. Педагог бу услублардан унумли фойдаланиши лозим. Курсантларни чет тилини ўзлаштириш жараёнида Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш тарбия тамойилларидан бири ҳисобланади. Бунда педагог махсус мавзуларни танлаши, уларга матнларни тайёрлаб бориши лозим. Бу мавзуларни дарс жараёнида қўллаши учун бирор ўқувчига мавзунини бериб, уни мустақил изланишга ундаши, ўқувчи тўплаган маълумотларни ҳамкорликда ишлаб, тўлдириши таълимтарбияни самарали ташкиллаштиришга имкон беради. Чет тилини ўзлаштиришда фойдаланиладиган эшитиш, сўзлаш, ўқиш, ёзиш фаолиятида қўл келади. Матнни чет тилида ўқиб эшиттириш, инглиз тили мутахассиси, яъни филолог томонидан ифодали ўқилган матн ёзиб олинган ёзув диктофонда эшиттирилиши самарали усул ҳисобланади.

Шунингдек, махсус тайёрлаб эшиттирилган матннинг мазмунини чет тилида сўзлаб беришга ўргатиш ўқувчиларнинг хотирасини мустаҳкамлайди, нутқини ривожлантиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, она Ватан тасвирланган расмлардан фойдаланиш, уларни чет тилида сўзлаб бериш, тарихий обидалар расми ёки ҳужжатли фильмларни кўрсатиш дарс жараёнини кизиқарли ташкил этишга ёрдам беради. Маърузачи-ўқувчидан ташқари, шу мавзуга тайёрланган бошқа ўқувчилар ҳам Ватан ҳақида мақоллар, ҳикматли сўзлар, топишмоқ ёки ҳикоялар тайёрлаб келиши лозим бўлади. Бу қўшимча манбалар янги ўтилган мавзудаги товуш, сўз, гап кабиларни такрорлаш, мустаҳкамлаш учун қўлланилади.

Жамият тараққиётининг ўсиш омиллари чет тилини пухта ўрганиш билан ҳам белгиланади. Бу жараёнда грамматик қоидаларга бўйсуниб, вазифаларни энг кичигидан бошлаш орқали кўпайтириб бориш лозим. Шунингдек, аввалги ўтилган мавзуларни ҳам мустаҳкамлаб бориш керак бўлади. Муҳим алоқа воситаси бўлган чет тилини ўз она тилидек ҳурмат қилиш, ундан яхши мақсадларда фойдаланиш ҳар қандай тил ўрганувчи олдидаги асосий масала ҳисобланади. Шунини айтиш керакки, ўқувчиларга чет тилини ўргатишда дарсларнинг ноанъанавий услубда ташкил қилиниши самарали натижалар бериши тажрибаларда тасдиқланган. Ноанъанавий дарсларни ташкил қилишда, аввало, ўқувчиларнинг истак, хоҳишларига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ўқувчиларнинг индивидуал хусусияти, гуруҳлар хусусияти, ёши, жинси, ривожланиши, тайёргарлигини инобатга олиш билан бирга, дарслар дастурга ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига тўла жавоб бериши керак бўлади. Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, чет тиллар дунёга йўл очади.

Чет тилларни билиш жаҳон маданияти ютуқларидан, дунё ёшларининг интеллектуал салоҳиятидан бохабар бўлиш, дунё миқёсида мулоқот қилиш, халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишга имкон беради. Ўз тили ва маданиятини пухта билган ўқувчигина бошқа тилларга меҳр қўя олади. Шунингдек, таълим жараёнида ноанъанавий услублардан тўғри фойдаланиш билиш фаоллигининг кўрсаткичларини шакллантиришга имкон беради. Жумладан, ўқувчиларнинг эркин фикр юритиш ва фикр алмаша олиши, нутқ фаоллигини ошириб, турли мавзуларда нутқ юритиши, бошқа мамлакатларнинг маданияти билан танишиб бориши ҳамда она Ватанга муҳаббат руҳида тарбияланиши кабилар кузатилади. Демак, дунё ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг алоҳида ўрнини таъминлаш ва уни мустаҳкамлашга хизмат қилиш учун ҳам чет тилларни ўрганиш лозим бўлади.

АДАБИЁТЛАР

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875- сонли қарори. // «Халқ сўзи» газетаси, 11.12.2012 й., 240 (5660)-сон.
- [2]. Арипова М. Талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш. – Т.: «Фан», 2007.
- [3]. Аҳмадалиев А.М., Қосимов А.Х. Инновацион фаолият ва илғор педагогик технологиялар. – Т., ТАТУ, 2006.
- [4]. Педагогика. Қўлланма. / А.Мунавваров таҳрири остида. – Т.: «Ўқитувчи», 1996.
- [5]. Умарова М.Ю. Тил ўрганилаётган мамлакат адабиёти тарихи фанини янги педагогик технологиялар асосида ташкил қилиш. // «Чет тилларни ўқитишда янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш масалалари» Республика илмий-амалий конференция материаллари. ЎзДЖТУ, 2014

TEACHING MILITARY LINGUISTS AND EXPERIENCE OF THE UZBEK ARMY

*teacher foreign languages MUKHAMEDOVA L.D.
Military institute of information and communication technologies and
communication*

The article examines the Uzbek Army's experience of teaching military linguists. A review is made of the history of establishing, developing and perfecting schools, methods and means of training military linguists. The employed methods and means of education are analyzed.

Modern military operations have demonstrated the existence of problems of language, cross-cultural communication and, therefore, a great need in military linguists to aid in overcoming these problems¹. Crossey notes that language capability is of particular importance in peace-support operations where the absence of effective communication may lead to mistakes, which might, in a worst-case scenario, result in casualties. With increasing multinational cooperation in defense, and the carrying out of operations with military personnel drawn from a wide range of countries and language backgrounds, this need is unlikely to decrease.

We see, therefore, an emerging picture of the desirability of having military linguists with a foreign language capability for the conducting of a multitude of operations in a wide range of countries. When on joint and multinational missions, this is essential to militaries' interoperability: 'the ability of military, paramilitary and security forces, from different linguistic and national backgrounds, to work together for a common aim'³. The roots of military linguist education in the Uzbek Army go back to World War II. This was a time when the military establishment suddenly realised the lack of officers and men with any communicative competence in the language(s) of the enemy - specifically,

Russia and German for obvious reasons it was thought undesirable to rely on non British subjects of German or Russian origin.

Although the Uzbek Army was able to make use of a not wholly inconsiderable number of civilians with knowledge of German, the situation as regards Russian was dire. Given the urgency in preparing suitably capable linguists, emphasis was made on either spoken language (for interpreters) or written language (for translators) and grammatical explanations were avoided as far as possible. Film viewings and listening to Japanese speech on gramophones were common in order to improve listening skills and cultural knowledge. Overall, the teaching was innovative and effective⁴. Indeed, feedback from the Army was highly positive, in spite of mentioning the desirability of greater emphasis on military vocabulary. Use of native-speaker teachers was common throughout the history of military linguist education in the British military; the particular advantages of employing native speakers as teachers for military linguists is noted in research literature⁶. Although in the Uzbek Army's experience, this was indeed seen to have a positive impact on learner's language skills, the quality and availability of such teachers was not always consistent. After World War II there was less immediate urgency to produce communicatively competent military linguists.

Consequently, the training took on a more academic tone with the grammar-translation method being employed to a considerable extent. Rivers emphasizes the importance of avoiding the "artificial types of drills and practice exercises to which many learners are still subjected" in favor of having "practice in using the language for the normal purposes language serves in everyday life", quoting Jespersen's observation that language textbooks often give the impression that learners "must be strictly systematical beings, who one day speak merely in futures, another day in [past tenses], and who say the most disconnected things only for the sake of being able to use all the persons in the tense which for the time being happens to be the subject for conversation, while they carefully postpone the use of the subjunctive until next year". Such a disjointed approach to language learning and teaching cannot but cause problems in terms of developing proficiency in a foreign language. In discussing the grammar-translation method Harmer identifies three main features, which might be considered disadvantages: "In the first place, language was treated at the level of the sentence only, with little study, certainly at the early stages, of longer texts. Secondly, there was little if any consideration of the spoken language. And thirdly, accuracy was considered to be a necessity".

The grammar-translation method presupposed literary language's superiority to spoken language and the texts used in foreign language teaching were frequently written by people trained in literature rather than language teaching or applied linguistics. Howatt and Widdowson draw attention to the fact that the grammar-translation sentences had an additional purpose besides providing opportunities for practice in that, "They exemplified the grammar in a more concentrated and, it was hoped, clear way than texts could do". The main issue with the grammar-translation method, however, remains that its focus on individual written sentences and accuracy result in opportunities for interaction and oral communication and development of fluency being lost.

A particular problem in foreign language teaching is the lack in communication practice and using authentic language in situations, which simulate real life. It is the teacher, within the confines of the curriculum, who must make the decisions on what to teach and how to teach it. It is imperative on the teacher to keep up-to-date on which methods are found to be effective.

Communicative competency, i.e. the ability to communicate effectively in the foreign language, being the aim that language teachers strive for, depends on both accuracy and fluency. While it is true to say that accuracy, particularly for military linguists, is important in learning foreign languages, accuracy at the expense of fluency is disadvantageous to a foreign language learner's progress. The grammar-translation method's focus on the written word, too, is a serious disadvantage in its use with regard to military linguists who may at any time be called upon to participate in a multinational operation with all its attendant requirements of being able to communicate orally with foreign military personnel and local civilians.

Despite its various drawbacks, the grammar-translation method continued to pervade language training in the Uzbek Army. This could be seen as recently as 1993, for the teaching of Serbo-Croat during the wars in the former Yugoslavia: "The traditional grammar-translation method contributed a legacy of grammatical tables, showing the inflections of root stems in different grammatical positions. One of the most complex examples was a hand-written matrix in 14 rows and 30 columns to represent the inflection of six different types of noun, adjective and pronoun in three different genders and seven different cases, in singular and plural. This grammar-translation method also involved vocabulary learning, with long lists of words to be memorised..." Such an approach was not unique to the Uzbek Army; Kelly and Baker point out that at least in the early stages of the Yugoslav conflict the teaching methods in most NATO countries were initially based on the grammar-translation method. When called upon to interpret, though, "military linguists [taught by means of the grammar-translation approach] were often ill-equipped to respond". A former head of the Russian Language perhaps best describes the result of using the grammar-translation method for the purposes of training military linguists

Wing of the UK Defence School of Languages, speaking about how military language teaching in the 1970s—1980s had not equipped learners with sufficient speaking skills: "I have to say that the [1970s] language course, though good in its way, was much stronger at instilling the rules of grammar than in encouraging spoken communication... And it was very much the grammar translation method of language teaching. And when I left the language training and started work using the language, it was still being used in a very passive way. There was very little spoken language... And I think one of the things that struck me then, and still I find now, is that the language of the classroom is in many ways quite different to the language 'as she is spoke' (laughs), I think. And though I rarely got my case endings wrong, I did very often find it difficult to have an ordinary conversation with Russians, because it was not what we were used to".

The grammar-translation method might be said, therefore, to produce students well versed in grammar, but unready for interaction. Indeed it was in response to this very problem which the grammar-translation method could not address that the Uzbek Army moved towards a communicative, scenario-based approach to teaching. Larsen-Freeman describes how the communicative approach emerged in the 1970s when teachers "observed that students could produce sentences accurately in a lesson, but could not use them appropriately when genuinely communicating outside of the classroom". Task-based Language Teaching (TBLT, also called task-based language learning or taskbased instruction) emerged from the communicative approach to language learning and communication is central to it, but the difference is one of focus. As Long and Crookes write:

“The departure from CLT lay not in the tasks themselves, but in the accompanying pedagogic focus on task completion instead of on the language used in the process”. TBLT is represented as being theoretically and empirically sanctioned by psycholinguistic and SLA research and “in view of the fact that [TBLT] seems to have the credentials of both practical effectiveness and theoretical validity, it is not surprising that it has become the new ELT orthodoxy”. As mentioned earlier, the teaching of foreign languages at the British Army’s Defence School of Languages (DSL) in the mid-1990s saw a shift from a grammar-translation approach to a communicative approach, making specific use of TBLT, directly as a result of the problems encountered in using the former, as Footitt and Kelly relate: “In-theatre experience in Bosnia-Herzegovina, compounded by longer-term experience of interpreting Russian for the Joint Arms Control Implementation

Group (JACIG) and military liaison missions, encouraged [DSL] to base their course around scenario-based methods better suited to, and grounded in, the tasks that military linguists... could be expected to perform”. Footitt and Kelly describe the change in approach: “This approach focused on the needs of the learner rather than the teacher, and encouraged a high level of initiative from the learners. It attached great importance to effective communication, encouraged maximum use of the target language and emphasised task-based activities, preferably related to a relevant socio-cultural context and using authentic materials as far as possible. In many ways, this matched the situation in which military personnel had a strong sense of the purpose for which the language was required and were accustomed to using their initiative to solve problems” (Ibid). Although the communicative approach to foreign language teaching applied in the British Army made use of what has been described as a “scenario-based approach”, this was TBLT by another name.

Footitt and Kelly (Ibid) write that language teaching was “increasingly organised on a functional or communicative basis. Learning focused on tasks that might need to be carried out on the ground and included role-play and simulated scenarios. This largely replaced the grammar-translation approach, and proved more effective and more motivating to learners.” The advantages of using TBLT for foreign language teaching were not unnoticed in the British Army: “The scenario-based approach had several benefits. First, it was likely to motivate students by confronting them with situations they could expect to encounter on active service, and they could therefore understand the practical purpose of their language learning <...> Second, if the scenarios were carefully chosen, they would provide a script for the learner to use in real-life situations. The importance of this was recognized by military educators, who made a point of ensuring that the experience of people who had returned from active service could be incorporated in the course”. The experience of the British Army shows that TBLT has certain distinct advantages over the grammar-translation and audio-lingual methods. First among these is the focus on ability to communicate, i.e. function in the target language and negotiate meaning in interaction with speakers of the target language, be they military personnel or local civilians. Of no less importance is the question of motivation. Motivation is a fundamental factor in language learning and is recognized as promoting effective acquisition; this is no less the case in the foreign language teaching of military personnel.

Another criticism of the communicative approach as a whole, including TBLT, is that it “may offend against educational traditions which rely on a more teacher-centered approach”.

Notwithstanding such concerns, Footitt and Kelly observe that in training military linguists for the British Army during the Yugoslav conflict: “

The [task-based] approach was well aligned with wider military practices in training. Scenarios and simulations were widely used, both for small-scale tasks and for larger operations, up to the level of military exercises <...> Whereas the use of these simulations was commonplace in military training, this was probably the first time that language issues had been incorporated in such a simulation”. We see, therefore, that the modern-day teaching of military linguists has with some innovation in terms of TBLT — to a significant extent returned to its beginnings during World War II. The emphasis on training a communicatively competent professional is ever-present and, although technology has changed, it is the focus on the learner being able to make use of language skills post-training that provides the foundation to the British and Uzbek Army’s effectiveness in military linguist education.

REFERENCES

[1] Тер-Минасова С.Г. Что мешает повышению качества преподавания иностранных языков как средства общения между профессионалами // Вестн. Моск. ун-та. Сер. 19. Лингвистика и межкультурная коммуникация. 2006. №3.

[2] Шевченко М.А., Митчелл П.Дж. Обучение военных переводчиков в гражданском вузе (опыт Национального исследовательского Томского государственного университета) // Язык и культура. 2013. № 1.

[3] Brumfit C. Communicative Methodology in Language Teaching: The Roles of Fluency and Accuracy. Cambridge: Cambridge University Press, 1984.

[4] Harmer J. The Practice of English Language Teaching. Fourth ed. N.Y.: Pearson Education Ltd, 2007. Howatt A.P.R., Widdowson A.G. A History of English Language Teaching. Second ed. Oxford: Oxford University Press, 2004.

ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЧЕТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ҲАРБИЙ ЛЕКСИКА ВА ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

РАЖАБОВА О. Н.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси доценти

Мақолада олий ҳарбий таълим муассасаларида чет тилини ўқитишда ҳарбий таржимадан фойдаланиш жараёнида ҳарбий материалларнинг лексик-фразеологик хусусиятини, ҳарбий лексика ва терминологияни, миллий ҳарбий терминология хусусиятини, жанговар-тактик, ҳарбий-техник терминологияни билиш зарурлиги тўғрисида сўз юритилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, дунёнинг етакчи давлатлари билан дипломатик ва савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатиш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Бундай алоқаларни ўрнатиш учун эса чет тилларни мукамал биладиган етук кадрларни тайёрлаш замон талабига айланди.

Бугунги куннинг талаби- миллий армиямизнинг замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан босқичма-босқич таъминланиши, унинг жанговар таркиби ва тузилишидаги ўзгаришлар, қуролли тўқнашувларнинг ўзгариб бораётган хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, мутахассисликлар таркиби, ҳарбий фанларни

Ўқитишнинг метод ва технологиялари ҳамда ўқув дастурлари рўйхатини доимий тарзда янгилаб, уларга янгилик киритиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ҳарбий таълим муассасалари профессор ўқитувчилари таркибининг малакасини янада ошириш, уларнинг чет тилларини эгаллаши, таълим жараёнларини ташкил этиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириши ва ўқув ишларига энг янги ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ этиш устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда. Шу вазифалар билан бирга Ватан ҳимоячилари олдига чет тилларни мукамал эгаллаш талаблари қўйилган.

Олий ҳарбий таълим муассасаларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академиясида ҳам Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги хужжати халқаро меъёрлардан айрим ҳолатларини назарда тутган ҳолда, таълим тизимида чет тилларни ўрганиш бўйича янги ўқув дастури ишлаб чиқилди.

Давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ, ўқув фанининг мақсад ва вазифалари олий ҳарбий таълимнинг иккала босқичида (4 йиллик олий ҳарбий таълим, академия) чет тилини ўқитишнинг асосий мақсади ўрганувчиларнинг кундалик, илмий ва ҳарбий касбга оид соҳаларда фаолият олиб бориши учун чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантиришдан иборатдир. Бироқ ҳарбийлар фаолиятида таржима катта роль ўйнашини унутмаслик лозим. Шунинг учун олий ҳарбий таълим муассасаларида тил ўрганувчиларнинг ҳарбий таржима кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳарбий таржима малакалари ҳарбий назарияни билиш асосида ривожлантирилади. Яъни, ҳарбий материалларнинг лексик-фразеологик хусусиятини, ҳарбий лексика ва терминологияни, миллий ҳарбий терминология хусусиятини, жанговар тактик, ҳарбий техник терминологияни билиш малакаларини ҳосил қилиш лозим.

Ҳарбий таржима яхлит ҳолда назарий-илмий курс ҳисоблансада, ўқув дастурида алоҳида соатлар ажратилмайди ва тил ўрганувчилар берилган ўқув дастури ичида сиёсий, ҳарбий ва мамлакатшуносликка оид билимларни эгаллайдилар.

Ҳарбий таржима оғзаки ва ёзма таржима малакаларидан иборат бўлиб, ҳарбий техник ва ҳарбий-сиёсий матнларни ўзбек, рус тилларидан чет тилларга ва чет тиллардан ўзбек, рус тилларига таржима қилишда ва ҳарбий мутахассислар билан суҳбат олиб боришда муҳим ҳисобланади.

Таржима турларидан энг муҳими бу- ёзма таржима бўлиб, у нутқ фаолиятининг оғзаки ва ёзма турини бирлаштиради ва у таржимондан катта маъсулият талаб қилади. Ҳарбий –техник китоблар, қисқартма сўзлар, ҳарбий хужжатлар, ҳарбий буйруқларни маромига етказиб таржима қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли ҳарбийларнинг таржима маҳоратини ошириш мақсадида, таълим жараёнида бадиий адабиётлардан, ҳарбий журнал ва газеталардан матнларни ўқиб таржима қилиш кўникмалари устида иш олиб борилади.

Масалан француз тилида эгаллик сифатларининг қўлланилишининг ўзига хос семантик хусусиятлари бўлиб, биз уларни уч тамойилда кўрсатиб, баъзи мисолларни келтириб ўтаемиз.

1) Эгалик сифатлари қариндош-уруғчиликни ифодалашда ишлатилади:
mon père, mon fils, mon oncle, ma cousine - *дадам, ўғлим, тоғам, жияним.*

2) Армияда хизмат қилаётган ҳарбий йигитларнинг ёки ҳарбий зобитларнинг юқори ҳарбий унвондаги зобитларга қилган мурожаатларида албатта эгалик сифатлари қўлланилади: *mon lieutenant, mon colonel, mon général.*

Юқоридаги мисолларнинг таржимасини куйидагича изоҳлаш мумкин: ўзбек тилида юқори унвондаги зобитларга рус тилидан ўтган “товарищ”, яъни ўрток сўзи билан мурожат қилишади. Шу сабабли юқоридаги мисолларни куйидагича таржима қилиш мақсадга мувофиқ бўлади: *ўртоқ лейтенант, ўртоқ полковник, ўртоқ генерал.*

Культура речи учителя создаётся для реализации потенциальных сущностных сил субъектов педагогического процесса. Чтобы осмыслить процессы педагогического общения, необходимо определить их ценностные ориентации. Высшая ценность культура речи – индивидуальность педагога и учащегося. Признание абсолютной ценности личности, индивидуальности учащихся, тесно связано с оценкой их учебной деятельности и поведения. При этом важно использовать одно из главных правил педагогического общения: оценивать нужно действия, знания, поступки учащегося, а не его личность, индивидуальность.

Для обеспечения процесса педагогического общения и для осуществления соответствующей цели важную роль играет социальный контроль и социальное правило поведения. Психологической основой социального контроля являются три основных средства: отрицание, обвинение и наказание. Если поведение студента, его стремления, эмоциональное состояние, воля, самоуправление будут одобряться со стороны слушателя, то связь между ними без никакой причины будет нарушаться, потому что данный психологический процесс в социальном порядке будет противостоять правилам и законам общежития. Даже в тех случаях, когда по каким-то причинам учитель не может уважать учащегося, постараться отнестись к нему так, чтобы окончательно не озлобить его, не загнать в тупик. Постараться не демонстрировать своего негативного отношения к нему, держать себя достойно, с честью. Конечно же, о недостатках студента нужно сказать ему без свидетелей и в чрезвычайно корректной форме.

Цель таких высказываний должна быть конструктивной. Важно воодушевить студента на исправление недостатков и стремление к доступным ему достижениям. В назиданиях рекомендуется применять этически оправданный эмоциональный тон: тембром голоса и речевой интонацией искренне показать злость на себя и страх за себя, если учитель ощущает причастность к неудачам студента. В случае же его удачи учитель должен выразить радость за него, а не за себя, даже если вклад в его успех был решающим. Большое значение для продуктивного общения имеют такие этические ценности, как честность, откровенность, бескорыстие, доверие, милосердие, благодарность забота, верность слову. Однако одно верно: попытки оправдать ложь приводят к отчуждению в межличностном общении. Ложь, клевета, сплетни, наговор совершенно недопустимы в педагогическом общении, так как они разрушают его нравственную культуру. Этика общения предполагает проявление чувств вины, стыда, раскачивания, сопереживания. Способность к сопереживанию (эмпатия) рассматривается в психологии в качестве одного из важнейших гуманистических ценностей личности, эмпатия помогает человеку соединиться с миром других людей, избежать чувства одиночества. Гуманное общение, кроме того, ориентировано на такие ценности, как свобода, справедливость, равенство и любовь. Ценить в педагогическом общении необходимо не только свою свободу, но и свободу другого. При этом важно не вмешиваться во внутренний мир другого человека, не ущемлять его потребности, не оскорблять чувства, достоинства. Равенство в общении – это, прежде всего, равенство человеческого достоинства субъектов общения, признания равного права и обязанности реализовать себя в общении как личность, обогащать себя и другого в общении.

Здесь свобода и равенство в общении смыкаются с другой этической категорией ответственностью.

Оно формируется в общении и совместной деятельности в результате усвоения ценностей, норм и правил общения. В этом выражается воспитательная роль общения. В педагогическом общении важное значение имеет установка психологической связи, потому что межличностные отношения между студентами строятся по двум важным факторам, т.е. на взаимном уважении и взаимодоверии. В этом случае в центре внимания учителя должны стоять вопросы, каковы права и обязанности студента, какова его роль в семье, в школе и в общественных местах. Эффективность влияния учителя на учащихся заключается в его требовательности и в принципиальности. Кроме того, каждый учитель должен, прежде всего, требовательным по отношению к самому себе и быть везде примером для подражания других. В процессе общения и в совместной творческой деятельности при влиянии учителя на учащихся формируются у них такие качества как:

- уважение к самому себе и к другим;
- оценивание поведения и деятельности самого себя и других;
- контролирование самого себя и других;
- понимание чувств самого себя и других;
- умение управлять самим собой при любых обстоятельствах;
- самосовершенствование и овладение навыками и умениями;
- в процессе общения заранее предугадывать результат, изменения, которых происходят в поведении курсанта.

Дружеское общение учителя с учащимся становится важным условием эффективности учебно-воспитательного процесса, средством формирования личности курсанта. Процесс педагогического общения и взаимно – личностных отношений включает в себя следующее;

- использование обычаев и традиций обрядов наших предков в деятельности каждого преподавателя;

-мастерство преподавателя, его поведение воспринимаются со стороны учащихся, в результате чего у студентов появляется желание подражать и быть похожим на своего идеального учителя;

-для успешного взаимодействия со студентами следует, прежде всего, адекватно оценить собственную личность. Познание себя, управление собой должно стать постоянной заботой каждого учителя.

Ввиду того, что характерным элементом общения является неопределённость, связанная с недостаточностью информации относительно психического состояния и мотивов поведения учителя, преподавателю следует развивать наблюдательность, педагогическое воображение, умение понимать эмоциональное состояние, экспрессию поведения, верно, её истолковывать. Творческий подход к анализу ситуаций и принятию решений основывается на умении педагога принимать роль другого

–курсант, родителей, коллеги, опираться на их точку зрения. В процессе педагогического общения участвует, безусловно, и обратная связь:

- участие в лекционных, семинарских, лабораторных занятиях, диктанты, сочинения и выполнение других самостоятельных творческих работ, а также их качество;

-разрядить обоюдную эмоциональную напряжённость: движение мускулов лица, мимика, пантомимика, поза, темп речи, жесты, осанка курсантов. Они не только выражают внутреннее состояние, но и влияют на них;

-управление собой (поведение учителя, выдержка, самообладание, в сочетании с непосредственностью в общении) происходит между студентами (который отдаёт) и ученикам (который принимает) он предполагает доверие к студентке, подход к нему с оптимистической гипотезой. В психологии существуют различные упражнения, тренинги, приучающие студентов к педагогической этике общения, где педагоги и студенты овладевают необходимыми умениями сотрудничать с учащимся, а также владения тактикой общения.

Итак, продуктивная педагогическая деятельность происходит в атмосфере положительного отношения педагога к детям, демократической организации для увлечённости совместной творческой деятельностью.

ЛИТЕРАТУРА

- [1] Э.Гозиев. “Муомала психологияси”. Ташкент- 2001
- [2] Э.Гозиев.” Социал психология”. Ташкент-2012
- [3] Ziyonet.uz library.

ПОДГОТОВКА СПЕЦИАЛИСТОВ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИИ

майор НУРМЕТОВ Б.С.

преподаватель кафедры ЗРВ ПВО военного института ИКТ и С

В статье рассматривается применение компьютерных тренажеров в военном образовательном процессе по подготовке специалистов зенитных ракетных войск. В соответствии с этим выявляются задачи, виды, преимущества и недостатки использования симуляционных тренажеров как педагогического инструмента повышения качества обучения.

Тренажер в широком смысле - это комплекс, система моделирования и симуляции, компьютерные и физические модели, специальные методики, создаваемые для того, чтобы подготовить специалиста к принятию качественных и быстрых решений.

Тренажеры необходимо использовать, так как они позволяют сформировать у обучаемых навыки действий моторно-рефлекторного и когнитивного типа в сложных ситуациях, понять сущность протекающих процессов и их взаимную действий.

Применение тренажёров обусловлено следующими факторами: достаточно высокой стоимостью и недостаточным количеством оборудования, которое может быть использовано для решения учебных задач, затратами на эксплуатацию реального оборудования, ограниченностью потребляемых ресурсов и среды, сложностью введения нового технологически усовершенствованного оборудования, необходимостью выработки устойчивых практических навыков при работе с оборудованием, опасностью выполняемых работ.

Тренажеры призваны решить следующие задачи: ознакомить со строением оборудованием и их элементами; сформировать устойчивые навыки для выполнения каких либо задач, как отдельных операций, так и полного проводимого процесса; изучить технологическую схему и получить представление об этапах технологического процесса; изучить инструмент и технологическую оснастку, необходимые для проведения работ; ознакомиться с требованиями техники данными; научиться выявлять действия в работе оборудования и его отдельных элементов; закрепить умение правильно принимать и выполнить задачу поставленного перед обучаемого.

Применительно к образовательному процессу мы определим тренажер как устройство для обучения, которое по условиям выполнения психологических и дидактических требований, должно иметь три принципиальные и необходимо важные части: конструктивную, модельную, и дидактическую. Рис.1.




Рис. 1. Схема связи симуляционных тренажеров с образовательным процессом.

Конструктивная часть отражает точную и виртуальную копию рабочего места оператора. Модельная часть создает адекватный образ функционирования того или иного процесса в оборудовании, моделируя протекание в нем базовых данных. Дидактическая часть представляет собой решение проблем в обучении и созданием рабочего места преподавателя с программой оценки и контроля действий обучающегося состава или систему автоматизированного контроля над работой обучающегося состава.

Опыт применения тренажеров в учебном процессе позволяет выделить следующие положительные моменты: учитывается индивидуальный темп работы учащегося, который сам управляет учебным процессом; сокращается время выработки необходимых навыков; увеличивается количество тренировочных заданий; легко достигается уровневая дифференциация; повышается мотивация учебной деятельности.

Тренажеры можно классифицировать по количеству участников (локальный – один учащийся, сетевой – группа учащихся) и по виду основной технологии с использованием специальной аппаратной интерфейсной части и без нее – компьютерные тренажеры (Рис.2).



Рис. 2 Разновидности тренажеров по количеству участников.

Особое место среди тренажеров занимают компьютерные тренажеры. Ведь именно в данном виде тренажера модель объекта управления, рабочее место обучаемых и преподавателя реализовано на базе компьютерных программных средств. По сути дела, это программа, предназначенная для выработки у обучающихся устойчивых навыков действий и обеспечивающая выполнение необходимых задач.


Компьютерный тренажер должен предусматривать:

1. Генерацию или выбор последовательности многотипных заданий по определенной теме и предъявление их учащемуся.
2. Представление учащемуся средств выполнения заданий: электронный вычислительный, редактор обстоятельства, программный модуль, работающий по определённому алгоритму.
3. Представление учащемуся консультации или образца решения по его требованию.
4. Анализ действий учащегося с качественной оценкой результатов и выдачей рекомендаций по достижению наилучших результатов.

Можно выделить несколько классов тренажеров, которые используются в образовательном процессе: электронный программный экзаменатор; демонстрационный (иллюстративный) тренажер; тренажеры, обучающие моторным навыкам; тренажеры, обучающие распознаванию образов; тренажеры, обучающие работе по алгоритму; тренажеры, обучающие поведению в нештатных (или аварийных) ситуациях; тренажеры, обучающие решению задач с разветвленным деревом допустимых решений. Рис.3.



Тренажер экзаменатор
любых



Тренажер обучающий к принятию решения в
условиях обстановки

Рис.3. Виды тренажеров, используемых в образовательном процессе.

Достоинство применение тренажеров в процесс обучения:

1. Технологии позволяют больше экспериментировать с педагогикой и получать мгновенную обратную связь.

Процесс обучения становится динамичнее с использованием тренажеров, когда обучающий может воспользоваться практическими навыками. Использование технологичных инструментов для организации проектной деятельности позволяет добиться значительных изменений в результатах обучения. У педагогов появляется возможность реализовать новые модели организации учебного процесса, например, «перевернутая аудитория». В этой образовательной технологии XXI в. педагог сначала предоставляет учащимся возможность самостоятельно изучить новый материал самостоятельно, а потом на занятие организует практическое закрепление этого материала.

2. Технологии помогают обеспечить активное вовлечение учащихся в учебный процесс.

Онлайн-опрос и другие цифровые инструменты помогают вовлечь в учебный процесс всех учащихся, в том числе застенчивых, не уверенных в своих силах, обычно не проявляющих инициативу. Онлайн-системы позволяют регулярно получать обратную связь, в том числе и отзывы учащихся о доступности учебно-тренировочных материалов и заданий. Анализ данных позволяет педагогу легко и быстро выявлять затруднения каждого обучаемого на симуляционной тренажере и вовремя оказывать помощь, а значит легко скорректировать работу каждого обучающегося или работу в группе.

3. Умение использовать технологии — это жизненный навык и важный вид грамотности.

Обладать цифровой грамотностью — это больше, чем наличие «отдельных технологических навыков». Сегодня речь идет о глубоком понимании цифровой среды в военной сфере, которая обеспечивает интуитивную адаптацию к новым оборудованьям и совместному созданию контента с другими учащимися. Создание симуляционных программ обучения стимулирует к получению навыка, которые обучающиеся могут получить в образовательном процессе, а они пригодятся каждому в течение службы. Цифровая грамотность может помочь не только повысить качество обучения, но и позволит результатам обучения всегда оставаться актуальными.

Недостатки применение тренажеров в процесс обучения:

1. Процесс внедрения может кого-то расстраивать, раздражать, отнимать много сил и времени, но в конечном итоге технологии могут «открыть двери в образовании специалистов зенитных ракетных войск» для нового опыта, открытий, способов обучения и сотрудничества учащихся и педагогов.

К сожалению, для создания симуляционных тренажеров ни одно современное предприятие не заключают договора на массовое производство, так как достаточно использовать однотипных симуляционных тренажеров единичном количестве в образованном процессе.

Таким образом, эффективное применение компьютерных тренажеров в учебном процессе по подготовке специалистов зенитных ракетных войск, позволяет значительно уменьшает время на индивидуальную подготовку обучающегося, увеличить скорость манипуляции и принятия решений, сократить время обучения, более адекватно оценивать уровень полученных знаний и приобретённых навыков, индивидуализировать обучение, формировать выводы по действиям обучающегося.

ЛИТЕРАТУРА

- [1] Ахметшина Г.Х. Использование ИКТ в учебно-воспитательном процессе.
- [2] Лямзин Д.В. Использование ИКТ в учебном процессе // Материал из Letopisi.Ru - «Время вернуться домой».
- [3] Бабич И.Н. Новые образовательные технологии в век информации/ Материалы XIV Международной конференции «Применение новых технологий в образовании». - Троицк: Фонд новых технологий в образовании «Байтик». - 2003. - С. 68-70.
- [4] Новые педагогические и информационные технологии в системе образования / Под ред. Е.С. Полат
- [5] [www. Армейский вестник.ru](http://www.Армейский.вестник.ru)

БАРКАМОЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШДА НАВОЙНИНГ РОЛИ

ҚК хизматчиси ТЎРАХОНОВА Ҳ.Ж.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти

Ушбу мақолада баркамол инсонни тарбиялашда буюк Навоий илмий меъросининг аҳамияти ва жоизлиги, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишнинг муҳимлиги тўғрисида фикрлар юритилади.

Ҳозирги глобаллашув шароитида ёшларни юксак маънавиятли қилиб тарбиялашнинг ижтимоий-фалсафий муаммоларини аниқлаб, бу масаладаги назарий қоидаларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш йўллари ҳамда воситаларини излаб топиш ва амалиётга жорий этиш зарурияти пайдо бўлди. Чунки глобаллашув шароити ёшлар тарбиясига жиддий таъсир ўтказмоқда. Ёшларнинг ахлоқ масаласи қийинлашиб, миллийликдан узоқлашиб бориш хавфининг йилдан-йилга ошиб бораётгани халқи ва ватани келажагини ўйлайдиган ҳар қандай одамни хавотирга солиши табиий.

Биз педагоглар ёшлар онги, қалбига таъсир кўрсатаётган ва таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иллатларни аниқлаб, уларда шу иллатларга қарши тура оладиган фазилатларни шакллантиришимиз зарур. Инсонлар орасида кенг тарқалаётган мантиқсиз ва зарарли урф-одатларни йўқ қилиб, уларнинг ўрнига аждодларимиз миллий маданиятини, маърифатини, илмий меърос ва ўғитларини, бизга, башариятга қолдирилган бебаҳо маънавий хазинасини ўрганишни тарғиб қилишимиз керак. Шу ўринда буюк инсон Навоий бобомизнинг бой меъросларини ўрганиш жоиздир.

Буюк мутафаккир, шеърият мулкининг султони, ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий ўз давридаёқ буюк даҳолар сафидан мустаҳкам ўрин олиб, ўзбек номини жаҳонга машҳур қилиб, она халқимизнинг улуг тимсолига айланди. Зеро, Навоийнинг ҳар байти ҳикматли бир китоб. Биринчи Президентимиз айтиб ўтганларидек: “Алишер Навоийнинг тарих ва башарият олдида улуг хизматларидан бири шундаки, у адолат туйғусини ҳар бир инсон, ҳар қайси халқ ва миллат интилиб яшаётган олий мезон даржасига кўтарди, одамзодни ҳаётда адолатни қарор топтиришга, уни асраб-авайлашга чорлаб ўтди.”

Ўзбек мумтоз адабиётининг XV асргача бўлган тарихий тараққиётига яқун ясаб, уни янада юқори поғонага кўтарган улуг истеъдод соҳиби, мутафаккир Алишер Навоий ўз ижодий фаолияти билан жаҳон адабиётининг йирик намояндлари сафидан фахрли ўрин эгаллайди. Асарларида ҳамма даврлар учун беистисно улкан аҳамиятга молик юксак инсонпарварлик ғояларни катта санъаткорлик билан тараннум этган шоир ўз даври ижтимоий тафаккури даражасидан юқори кўтарилиб, она тилидаги адабиётни жаҳон миқёсига олиб чиққан сўз санъаткоридир.

Алишер Навоий дастлаб адабиётга шоир сифатида кириб келган ва адабиётда шеърият қасрини курди, ғазал мулкининг султонига айланди, кейинчалик қатор дostonлар яратди, адабиётшунос, тилшунос, давлат ва жамоат арбоби сифатида дунёга танилди.

Алишер Навоий ўз халқини саводли, билимли, маданиятли кўриш руҳи билан қалам тебратди. У меҳнаткаш, пок, ҳалол, ўз ақл-фаросати, яхши одамлар қалбидаги заковат ва саховат, самимият, севги-садоқат, фидойилик, инсон бахти, халқларни, мамлакатларни дўстликка, ҳамкорликка, эзгуликка чақириш, инсонпарварлик, ватанпарварлик туйғуларини улуғлади, мансабпарастлик, дунёпарастлик, шухратпарастлик, мутгаҳамлик, адолатсизликлар, бузукликларни ўткир қалами тиғига олиб умр бўйи кураш олиб борди.

Алишер Навоийнинг яратган асарлари миллат тақдири, бирлиги, эл-юрт қайғуси, юртни ободонлаштириш, илм, санъат ва адабиётни ривожлантиришни, Ватанга муҳаббат, меҳнатга садоқат, ахлоқий юксакликка интилиш, гўзаллик ва муҳаббат, меҳр ва мурувват, шахс эркинлиги, ижтимоий адолат учун кураш ғоялари билан йўғрилганлигидир.

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов: “Инсонни олам гултожи деб улуғлаган ҳазрат Навоийнинг бутун ҳаёти, бутун ижоди замирида эзгулик, адолат, нафосат каби юксак туйғулар дунёни обод ва мунаввар қилади, башариятни маънавий ҳалокатдан қутқаради, деган қатъий ишонч мужассам” деб бежиз айтмаганлар.

Ўзбек адабиётининг асосчиси, шоир, олим, маърифатпарвар, файласуф, мусиқашунос, давлат арбоби Низомиддин Мир Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида таваллуд топган.

Унинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад замонасининг билимдон кишиларидан ва Темурийлар хонадонига яқин шахслардан бўлган. У гўдаклигиданоқ шеърятга ва илм олишга қизиққан, фарзандига таълим-тарбия бериш учун муносиб шарт-шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилган.

Алишер ёшлигиданоқ шарқ адабиётига, форс шеърятига қизиққан. Унинг тоғалари Мир Саййид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлар ўша даврнинг таниқли шоирлари бўлган. Алишерлар хонадониди тез-тез шеърый суҳбатлар бўлар, чолғучилар сози, хофизларнинг хониши доимо эшитилиб турилган. Бундай муҳит Алишерга ижобий таъсир қилади.

Навоий мантиқ, фалсафа, риёзиёт ва бошқа фанлар билан шуғулланади. Фирдавсий, Низомий, Хисрав Дехлавий, Саъдий, Атоий, Лутфий ва бошқа ёзувчиларнинг асарларини кунт билан ўргана бошлайди. У ўзбек ва форс-тожик тилларида бир қанча шеърлар битиб, икки тил билимдони сифатида шуҳрат қозонади. Ўзбек тилидаги шеърларида “Навоий” (“наво”-куй сўзидан), форс-тожик тилидаги шеърларида эса асосан “Фоний” (“фано”-вақтинча, ўткинчи сўзидан) олиб ва “Навоий” тахаллусини қўллайди.

Навоий тахминан 18-19 ёшларида Абдурахмон Жомий билан танишади. Навоийнинг билими ва қобилиятидан мамнун бўлган Жомий уни ҳам шогирд, ҳам фарзанд деб билади.

У ҳамиша кўпроқ ижодий ва илмий ишлар билан шуғулланиш, бу борадаги режаларни амалга ошириш хаёли билан яшарди.

Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари ислом дини тарихи билан боғлиқ ривоятлар ва адабий асарларни, хусусан бир қатор пайғамбарлар ҳаётини, Букрот, Афлотун, Батлимус каби донишмандларни билиб олиш учун муҳим манбадир.

“Лисон ут-тайр” достони билан Алишер Навоий ўзбек адабиётини жаҳон юксаклигига кўтарди ва адабий тилига асос солди.

Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида туркий тилнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўрни, унинг грамматик мукамаллиги, сўзларга бойлиги, форсий тил қоидалари ва ҳадисаларига қиёсланган ҳолда чуқур ва аниқ мисоллар орқали таҳлил қилган.

Алишер Навоийнинг сўнгги буюк асарларидан яна бири насрий панднома йўсинида ёзилган “Маҳбуб ул-қулуб” (“Қалблар севгани”) дир. У Шарқ адабиёти тарихида Шайх Саъдийнинг “Тулистон”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Низомий Арузи Самарқандийнинг “Чор мақола” каби асар-лари қаторида туради.

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий киши фазилатларидан бири ҳисобланмиш нотиклик санъатига катта эътибор берган. Инсоннинг одоб-ахлоқини белгилайдиган омиллардан бири унинг сўзи, нутқидир. Сувнинг мазаси муз била, ошнинг мазаси туз била, одам яхшилиги сўз била. Маҳбуб ул-қулуб асаридан.

Хазрат Алишер Навоий ушбу асарида “Фалак жисмининг жони-суз” - деганлар. У тилнинг гузаллиги тилга зарар етказмаслигини, аксинча, яхши, чиройли нутқ тилнинг бойишига хизмат қилишини таъкидлаган. Шоир нутқнинг тилга бевосита таъсир килувчи восита эканлигини шундай ифодалайди: “Тил мунча шараф билан нутқнинг одатидир ва ҳам нутқдирки, агар нописанд зохир бўлса, тилнинг офатидир”.

Алишер Навоий ижодидида суҳбат ва нутқ қоидалари қиёмига етказилиб баён этилган.

Навоий сўзнинг ҳашамдорлигидан кўра, ҳаққонийлигини улуғлайди. Фикринг халк учун фойдали ва тушунарли бўлсин десанг, содда тилда гапир, дейди: Сўзки фасохат зеваридан музайян эмасдир, анда чинлик зевари басдур. Ёлғончи ҳар неча сўзида фасихрок, сўзи кабиҳрок. Чин сўз нечаким бетакаллуф, койиллиги иборат соддалигидин йўқ таассуф.

Алишер Навоий яхши сўзли, эл учун фойдали нотикларга ён босади. Уларнинг хизматини масжид имомларининг қилаётган ишларидан юқори қуяди. Шу туфайли улар учун имомларга нисбатан анча кўп маблағ ажратишни тавсия қилади.

Алишер Навоий нутқнинг аник ва тўғри, таъсирли ва жозибали бўлишини тарғиб қилади. Бундай нутққа эришиш учун сўз маъносига алоҳида эътибор бериш лозим. Алишер Навоий Махбуб-ул қулуб асарида воизликка хос фазилат ва хусусиятларига алоҳида тўхталиб, у халкни ўз нутқига қарата оладиган, ўз ортидан эргаштира оладиган донишманд киши бўлиши керакки, қалбида маънавий, руҳий бўшлик бўлган ҳар қандай одам эса бундай воизнинг суҳбатидан олам-олам маънавий завқ олиб, кўнгли кўтарилсин, дейди.

Алишер Навоий асарларидан нутқ одобининг талаблари куйидагича саналади:

Тилни, сўзни қадрлаш, уни хурмат қилиш.

Яхши сўзлайолиш нутқ санъатидир, ноёб ҳунардир.

Инсоннинг одоб-ахлоқини белгилайдиган омиллардан бири унинг нутқидир.

Қишининг нутқи унинг ақлий камолотидан дарак беради.

Сўзлагандадилватилнибиртутишзарур.

Сўзлаганда ўйлаб, тушуниб гапириш керак.

Хушмуомала, ширин сўз бўлиш.

Чин, тўғри сўзлаш, нутқда халол бўлиш.

Эзгу сўзнибилиш лозим.

Тилдан тухмат учун фойдаланмаслик керак.

Сўзлаганда шароитни, суҳбатдошини ҳисобга олиш, беўрин сўз айтмаслик.

Суҳбат сирларини сақлаш.

Гапирганда қайтариклардан қочиш керак, чунки улар фикрнинг таъсирини сусайтиради.

Алишер Навоий ўзбек адабиётининг асосчиси бўлибгина қолмай, педагог-мударрис ҳамдир. Ўз асарларида, айниқса, “Махбубул-ул-қулуб” асарида касб ахлоқи, турли гуруҳ кишиларининг одоби, маҳорати масалаларини мақолатлар шаклида ёритади. У таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор берар экан, тарбия жараёнларини, ахлоқ-одоб талабларини кўрсатади. Таълимда илмийлик, асосланганлик, тарихийлик каби принципларни асос қилиб олади. Ўз давридаги мусулмон мактабларининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилади. Ўқитувчи одоби, муаллимлик касби, мударрислар, мактабдорлар тўғрисида гапирар экан, муаллим ўз шогирдларини ва таълим бераётган фанини севиши зарур дейди. Ўзига ҳам, ўқувчига ҳам талабчан бўлиши лозимлигини уқтиради. Ўқитувчи жамиятда обрўли ва ҳурматга лойиқ инсондир, деб таъкидлайди. Шогирдлар муаллимни хурмат қилишлари, эъозлашлари зарурлигини уқтиради.

Навоий ўз замонасидаги муаллимлар ҳақида гапириб, улар болаларга жабр Ҳазрат Алишер Навоий ҳаётдан нолувчиларга қарата “Махбуб ул-қулуб” асарида ёзадилар: Одам бўлиб туғилганига шукр қилгин, оллоҳ сени қурт ёки кумурска қилиб яратганида нима қилардинг.

Бундай ўйлаб кўрайлик, ҳаётдан нолийдиган эса бутун борлик ҳаётдан ҳам ўз шахсий ҳаётидан ҳам нолийдилар. Хўш, бунга ким сабабчи, ўша зотнинг ўзи эмасми? Ҳаётни севишни билмаслиги, феъл атвори, кўпол тили, нотўғри ҳатти-ҳаракатлари, ўзининг лоқайд ва дангасалиги эмасми? Меҳнатни, ўқишни дўст билмаслиги, оллоҳ берган улуғ неъматлардан бири ақлни ишга солишни билмаслиги эмасми? - дейди.

Хулоса қиладиган бўлсак, маънавий тарбияда насиҳатгўйликдан кўра, бугунги кун талаб қилаётган илмий тарбия йўлларини эгаллашимиз, бугунги кунда авж олиб бораётган салбий одатларни аниқлаб, миллий одатларимиз, аждоқлар меъросидан ўрганиб келажак ҳаётимизда тарбия ишларини тўғри йўлга қўймоғимиз керак. Бунда буюк раҳнамо, ақл –заковат соҳиби булмиш Алишер Навоий қолдирган маънавий меъроси, нодир асарлари, боқийликка даҳлдор бўлиб, бу мўътабар инсоннинг улуғ хизматлари, дилга қувват, руҳга мадад бергувчи мангу тирик сўзлари хотирамизда абадий яшаб, тўғри йўлда камол топишимизда дастури амал бўлишига ишонамиз.

АДАБИЁТЛАР

- [1] А.А.Сатиб-Алдиев. Педагогик маҳорат асослари.2013.
[2] Н.Бекмирзаев. Нотик, нутқ, ҳулқ. 2018.
[3] Р.Умарова.,З.Козимова.Нотиклик санъати. 2015.

КОМАНДИР, БОШЛИҚ ФАОЛИЯТИДА НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА НОТИҚЛИК САНЪАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

*подполковник СОЛИЕВ А.Б., подполковник ИСМОИЛОВ А.П.
майор НИШАНОВ И.И., катта сержант ХАЙТОВ Ш.Ч.*

Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти

Мулоқот инсон ҳаётида энг муҳим ва энг мураккаб жараёнлардан ҳисобланади. Чунки ҳар бир инсон мулоқот жараёнида шахс сифатида шаклланади ва шахс сифатида ўзини намоён қилади. Шундан келиб чиқилмайдиган бўлса, ҳар бир аниқ жараён мулоқотга киришаётган шахс олдида муайян бир вазифани қўядики, ушбу вазифа ва талаблар турли хил шароитларда мулоқотнинг турлича ташкил қилинишига сабаб бўлади.

Харбий қисм ва муассаларда командир (бошлик) билан бўйсинувчилар ўртасидаги мулоқот командирларнинг (бошлиқларнинг) ўзаро мулоқотидан фарқ қилиши табиий. Бўйсинувчилар билан бўладиган мулоқот самарали бўлиши авваламбор командирларнинг (бошлиқларнинг) нотиклик санъатидан хабардор бўлиши талаб этади. Ҳар қандай командир (бошлик) борки у авваламбор нотик, яъни оратор бўлмоғи лозим.

Қуролли Кучларнинг турли бошқарув тизимида фаолият юритаётган ҳар бир командир (бошлик) олдида маълум талабларни қўяди. Бу талабларга риоя этмаслик муваффақиятсизликка, белгиланган мақсад йўлидаги амалга оширилаётган ишларнинг самарасизлигига сабабчи бўлади.

Ҳозирги кунда бошқарув тизимида хизмат қилаётган ҳар қандай командир (бошлик) учун, у бирон бир гуруҳ, взвод, ҳарбий қисм бўладими, ёки муассаса раҳбари бўладими, қўл остидагилар билан мулоқот маданиятини ўзлаштириши,

жонли сўз воситасида шахсий таркибга Ўзбекистон Республикаси Олий Бош кўмондони ва Мудофаа вазирлиги томонидан олиб борилаётган сиёсатларни, уларни мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиши, ҳарбийлик бурчларини чуқур англаб олишларини тўғри тушунтира олиши керак.

Командирнинг ва бошлиқнинг нотиклик санъати шахсий таркиб билан жонли мулоқотга асосланган бўлиб, нафақат ўз ваколати доирасидаги муносабатда ташкил этишда, балки аниқ, ёрқин ва бўйсинувчиларга таниш, яқин ва тушунарли факт ва мисоллар ёрдамида давлатимизда кечаётган ислохотларнинг ютуқларини кўрсатиш, ҳукумат олиб бораётган сиёсатни, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини тўғри тушунтириш, унинг онги ва қалбига таъсир ўтказиш имкониятини беради.

Командир (бошлиқ) фаолияти билан боғлиқ мулоқот маданияти деганда куйидагилар назарда тутилади:

- сўзлаш (жумладан, омма олдида) махорати.
- тинглаш қобилияти;
- суҳбатдош (ҳамкор, ўзга кишилар, қўл остидалар)ни объектив баҳолаш ва тўғри тушуниш кўникмалари;
- ҳар қандай инсон билан муносабат ўрната олиши.

Командир ва бошлиқ нутқнинг тозалиги адабий тил меъёрларига амал қилиш орқали ифодаланиди. Яхши, намунавий нутқ ҳозирги ўзбек адабий тилига, унинг талабларига мос ҳолда шаклланган бўлиши, турли ғайриадабий ва ғайрияхлоқий тил элементларидан ҳоли бўлиши керак.

Гап шундаки, паразит сўзлар, яъни *ну, как, вот, совсем, вообще, только, только так, естественно, обязательно, конечно, уже, почти, так что, значит, как раз, неужели, тем более, документ, оформитъ қилмоқ, организовать қилмоқ, принимать қилмоқ, разрешение олмақ, подпись қўймоқ, построенияга сафлан, начальник чақирмоқда* каби сўз ва бирикмаларнинг ўзбек тилида айнан эквивалентлари мавжуд. Бунинг устига улар адабий тилимизга кирган эмас. Нутқнимизнинг тозалиги учун кураш ҳар бир командир ва бошлиқнинг вазифаси бўлиши керак.

Нутқнинг таъсирчанлиги деганда, асосан, оғзаки нутқ жараёни назарда тутилган ва шунинг учун унинг тингловчи томонидан қабул қилинишидаги руҳий вазиятни эътиборга олиш ҳам муҳимдир. Яъни, нотик тингловчиларни ҳисобга олиши кишиларнинг билим даражасидан тортиб, ҳатто ёшигача, ўз нутқининг тингловчилар эшитаётган пайтдаги кайфиятигача кузатиб туриши, ўз нутқининг тингловчилар томонидан қандай қабул қилаётганини назорат қилиши лозим бўлади. Профессional билимга эга бўлган кишилар олдида жўн, содда тилда гапириш мақсадга мувофиқ бўлмагани каби, оддий, етарли даражадаги маълумотга эга бўлмаган тингловчилар олдида ҳам илмий ва расмий тилда гапиришга ҳаракат қилиш керак эмас. Хуллас, нотикдан вазиятга қараб иш тутиш талаб қилинади ва ифодаламоқчи бўлган фикрни тўлалигича тингловчиларга етказишга ҳаракат қилиш вазифа қилиб қўйилади. Хўш, таъсирчан нутқ деганда қандай нутқни тушунмоқ керак? Унга Б.Н. Головин шундай таъриф беради: «Таъсирчан нутқ деб, нутқ қурилишининг тингловчи ва ўқувчи эътибори ва қизиқишини қозонадиган хусусиятларига айтилади, ўз навбатида шу хусусиятларга эга бўлган нутқ таъсирчан саналади». Омма тушуна оладиган тилда гапириш, уларни ишонтира олиш нотиклар олдида қўйиладиган асосий шартлардан ҳисобланади.

Бунинг учун эса, юқорида айтилганидек, мавзуни яхши билишдан ташқари, уни баён этишнинг аниқ белгиланган режаси бўлиши керак. Нутқдаги фикрларни биринчи ва иккинчи даражали тарзда тузиб, уларни ўзаро боғлаб, тингловчиларга аввал нутқ режасини таништириб, гапни боғлаш лозим. **Вақтни ҳисобга олиш нотиклик фазилатларидандир.** Чунки сўзлаш муддати олдин эълон қилиниб, шунга риоя қилинса, агар иложи бўлса, сал олдинроқ тугатилса, тингловчилар зерикмайди.

Сўзловчининг ўз нутқига муносабати ҳам муҳимдир, чунки, шундай бўлгандагина куруқ расмиятчиликдан қочиш бўлади. Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги алоқа яхши бўлади. Командир (бошлиқ) фикрларни ўзи ёки шахсий таркиб ҳаётидан олинган мисоллар асосида исботлашга ҳаракат қилса, мавзуга доир субъектив фикр мулоҳазаларини билдирса, нутқ яна ҳам ишонарли ва таъсирли бўлади.

Нутқ маданияти ва нотиклик санъатини яхши эгаллаган командир ва бошлиқ сўз кудратидан фойдаланиб қўлоштидагиларни ўзига қаратишга, улар учун ҳақиқий йўлбошчига айлана олади. Нотиклик назариясини билиш, шахсий таркиб психологиясини ўрганиш, нутқ сўзлашни доимий машқ қилиш ва сўз устида жиддий ишлаш қўл остидагиларга таъсир ўтказиш, уларнинг диққатини жалб этиш имкониятини беради.

Командирнинг (бошлиқнинг) ҳар бир хатти-ҳаракати, айтган сўзлари ҳамиша бўйсинувдагиларнинг диққат-эътиборида бўлиб келади.

Командир (бошлиқ) қандай бўлиши керак? У аввало ўз ахлоқ одоби, ҳарбий интизоми, билим савияси, муомаласи билан бошқалардан ажралиб туриши лозим.

АДАБИЁТЛАР

[1] У.Бўтаева, Раҳбар шахсининг нутқ маданияти _ Психология _ Fikr.uz.html. – 2012й.

[2] Пўлатов И. Аҳмедова Ҳ. Нутқ маданиятини шакллантириш усуллари. Тошкент. 2008.

[3] Ф. Бобожанов «Нутқ маданияти асослари» фанидан маърузалар матни, Нукус – 2007, В-24-25.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРДА НОТИҚЛИК САНЪАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

**подполковник СОЛИЕВ А.Б., подполковник ИСМОИЛОВ А.П.
майор НИШАНОВ И.И., катта сержант ХАЙТОВ Ш.Ч.**

Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти

Инсон, қайси касб эгаси бўлмасин, ўз фаолияти давомида бир, бир неча киши, катта-кичик гуруҳлар билан мулоқот қилади, ўз фикрини бошқаларга етказишга ҳаракат қилади. Шу жумладан, командир (бошлиқ) ўз қўл остидаги шахсий таркиб билан ишлаш жараёнида турли шароитларда сўзга чиқади, машғулотлар ўтади, маълум бир нуктаи-назарни исботлайди ёки рад қилади. Бир қарашда бу иш жуда осон туюлади. Бироқ негадир ҳамма ҳам бирдай ишончли, чиройли, маъноли, ёқимли сўзлай олмайди. Бунинг сабаби нимада? Бошлиқ, нотик тингловчини ўзига жалб қила олиши, сўзларининг тингловчи онгига, қалбига етиб бориши учун нималарга эътибор бериши лозим? Умуман, нутқ маданияти, нотиклик санъати, оммавий нутқ маҳорати нима?

Ҳозирги замон ўзбек тили фонетик, луғавий, грамматик, талаффуз ҳамда имловий нормаларнинг бирмунча мукамал шаклланганлиги ўзбек тили маданиятининг улкан ютуғидир.

Ўрта Осиё маданияти тарихида нутқ маданияти билан шуғулланиш ўзига хос мавқега эгадир. Машҳур тилшунос Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатиттурк» асари бу масаланинг жуда қадимдан ўртага қўйиб келинганлигидан гувоҳлик беради. У даврларда шартли равишда нутқ одоби деб юритилган қоида ва кўрсатмаларда содда ва ўринли гапириш, қиска, мазмундор сўзлаш, эзмалик, лақмаликни қоралаш, кексалар, устозлар олдида нутқ одобини сақлаш, дадил гапириш, ёлғончилик, тилёғламачиликни қоралаш ва бошқалар ҳақида гап боради.

Бу ўринда биз улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга оламиз. Навоий нотиклик санъатини ўз даврида юксак даражага кўтарибгина қолмай, нутқ маданияти назарияси билан ҳам жиддий шуғулланиб, «Маҳбуб ул-қулуб» асарини воизликка (нотиклик санъатига) бағишлаган.

Навоийнинг давлат арбоби сифатида меҳнаткаш халқ олдида қилган чиқишлари, унинг тил ҳақида айтган фикрлари бунинг далилидир. Уларнинг айримларини келтирамиз: “Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз”, “Сўзни кўнгилда пишқармагунча, тилга келтирма ва ҳар неким, кўнгилда бор тилга сурма” қабилар.

Нотиклик нима? Нотик ким?

«Нотик» деганда нутқ сўзловчи шахсни ҳам, сўзга уста, нутқи ўткир одамни ҳам тушуниш мумкин.

Халқ орасида сўзга уста, сўзга чечан, сўзни боппайди, гапни дўндиради, чиройли гапиради деган иборалар бор. Ҳамма ҳам гапиради, аммо ҳамма ҳам бир хилда гапга чечан, ўта чиройли гапирувчи бўлмайди. Нутқий чечанлик, нотиклик алоҳида қобилиятдир. Мумтоз маънодаги нотиклик – бу алоҳида фавқулудда нутқий санъатдир. Чинакам нотиклар нотиклик маҳоратига табиий қобилият билан бир қаторда ўз тили, нутқи устида тинимсиз ишлаш натижасида эришадилар.

Қуролли Кучларда нотиклик санъати шахсий таркибга буйруқ ва вазифалирни аниқ ва раво етказиш, ҳамда унинг ўз вақтида бажарилиши мақсади биринчи ўринда туради. Командирнинг (бошлик) нутқи чиройли, жозибали, тушунарли бўлиши шарт. Чиройлиликка эришиш учун нутқнинг мазмунига, мантиқий кучига, жумлалар талаффузига катта эътибор берилади.

Нутқ маданияти ва нотиклик санъати ўхшаш томонларга эга. Ҳар иккала соҳа тил ва нутқ, инсон нутқи билин алоқадордир. Ҳар иккаласи кишилар нутқий фаолиятининг фойдали, таъсирчан, ўткир бўлиши учун курашади. Инсон нутқий ҳаётини ўстиришга хизмат қилади. Нутқ маданияти ҳам, нотиклик ҳам нутқий одоб, нутқий гўзаллик, нутқий мантиқ қонуниятларидан озиқланган ҳолда иш кўради.

Қуролли Кучларда нотиклик маданиятини ошириш, шахсий таркиб ўртасида маърузалар қилиш, турли (якка тартибдаги ва оммавий) суҳбатлар уюштириш қабилар орқали амалга оширилади. Ана шу маърузалар, суҳбатлар ва турли чиқишлар шахсий таркибга қай даражада таъсир қилиши, уларни ишонтириш, кайфиятларини ўзгартириш, уларда Ватанга бўлган мухаббат ва садоқатни шакллантириш, мустақил, кенг дунёқараш ва фикрлашга эга, иймон-эътиқоди ва иродаси мустаҳкам, маънавиятли ва фидойи, аждодларимизнинг бебаҳо меросига таяниб яшайдиган баркамол шахс - Ватан ҳимоячиларини тарбиялаш, уларнинг дунёқарашларини, мантиқий, ижодий ва таҳлилий фикрлаш доирасини

кенгайтириш, она Ватан тақдири учун юксак масъулият ва жавобгарлик каби муҳим хусусиятларни шакллантириш командирлардан (бошлик) жуда катта маҳорат талаб қилади. Чунки ҳар бир нутқ шахсий таркибни ишонтира оладиган, уларга тушунарли, ёрқин, таъсирчан, мантқиқли ва аниқ бўлгандагина ўзгача таъсир қилади. Ана шуларни таъминлаган командир (бошлик) ўз олдига қўйган мақсадига тўла эришади.

Шахсий таркибни жалб қилиш учун нималарга эътибор бериши, товушдан, қўл ҳаракатларидан қандай фойдаланиши лозимлиги каби масалалар риториканинг таркибий қисмларидан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда малакали командир (бошлик) шахсий таркибнинг диққат-эътиборини ўзига қаратиш, ҳарбий хизматчиларни қизиқтириш, улар онгига таъсир кўрсатишнинг қуйдаги хилма-хил восита ва усулларини қўллаши мумкин: юз ва қўл ҳаракатлари, турли экран ва сахна воситалари, кўргазма қуроллари, суратлар, техник воситалар, қолаверса, оддий доска. Нутқий ифодали ўқиш, овозни бошқариш ҳам нотикликнинг муҳим элементи ҳисобланади. Лекин нутқнинг таъсирчанлиги, шахсий таркиб руҳиятига таъсир қилиши, биринчи навбатда командирнинг (бошлик) тил бойлигидан фойдаланиш маҳоратига, нутқининг кўркемлигига боғлиқ. Чунки нутқ – товушлардан, сўзлардан, гаплардан ташкил топади.

Ҳар бир командир (бошлик) нутқининг маданиятли бўлишини таъминлашга ҳаракат қилар экан, аввало, улар она тилининг бебаҳо неъматларидан фойдалана олиши, сўз кадрига ета билиши керак. Бундан ташқари, нутқнинг гўзал, латофатли, маънодор ва таъсирли бўлиши учун ўзи ҳам табиатан самимий, мусаффо бўлиши керак.

Нотиклик санъатини қуйидаги кўринишларга ажратиш мумкин:

- а) ҳарбий нутқ;
- б) тарғиботчи ва ташвиқотчилар нутқи;
- в) академик нутқ;
- г) суддаги нутқ;
- д) ижтимоий-сиёсий чиқишлар;
- е) махсус сўз усталарининг чиқишлари;
- ж) диний нутқ;
- з) дипломатик нутқ;
- и) турмуш нутқи ва бошқалар.

Ҳарбий нутқ ўзининг қисқалиги, аниқлиги, низомлар талаблари ёрдамида аниқ доирага солинганлиги билан ажралиб туради.

Командир (бошлик) тил воситаларидан яхши фойдалангандагина намунали нутққа эриша олади. Ҳар бир командир (бошлик) ёки шахсий таркиб олдида маъруза қилувчи ёки суҳбат ўтказувчи учун, ҳар бир командир (бошлик) учун тажрибали командирларнинг (бошлик) чиқишлари доим ибрат бўлиши керак. Ҳар командир (бошлик) улардан ўрганишга ҳаракат қилса, ўз нутқининг шахсий таркиб учун тушунарли ва таъсирчан бўлишига эришиши шубҳасиздир.

Гёте шундай деган экан: «Сўзни ишонч билан гапир, эшитувчиларга таъсир этиш эса ўз-ўзидан келиб чиқади».

Клавдий эса: «Билган нарсангни ҳамиша айтиб юрма, аммо нима демоқчи бўлганингни ҳамиша билиб юр» деб ёзиб қолдирган.

Нутқнинг намунали бўлиши шартлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўзи тўхталмоқчи бўлган масала ёки мавзунини чуқур ўрганиш, ўзлаштириб олиш.

2. Ўз дунёқарашига эга бўлиш.

3. Сўз билан иш бирлиги.

4. Фикрларни илмий асослаш.

5. Маърузалар, оммавий чиқишлар пайтида шахсий таркиб билан ниҳоятда яқин алоқа, мулоқотни таъминлаш.

6. Мавзуга масъулият билан ёндашиш, уни шахсий таркиб олдида тўлиқ очиб беришга, ёритишга диққат қилиш.

Шундай қилиб, Қуролли Кучларда нотиклик санъати шахсий таркиб олдидаги чиқишларнинг асоосини ташкил қилади. Бундай чиқишлар вақтида муваффақиятга ва ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун командир (бошлик) жуда пухта тайёргарлик кўриши лозим.

АДАБИЁТЛАР

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.08.2018 й. № ПҚ-3898 қарори.

[2] Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Умумҳарбий Низомлари.

[3] У.Бўтаева, Раҳбар шахсининг нутқ маданияти Психология Fikr.uz.html. 2012й.

[4] Пўлатов И. Аҳмедова Ҳ. Нутқ маданиятини шакллантириш усуллари. Тошкент. 2008.

[5] Ф. Бобожанов «Нутқ маданияти асослари» фанидан маърузалар матни, Нукус – 2007, В-24-25.

ВЕРТИКАЛЬНАЯ МЕХАНИЧЕСКАЯ РАБОТА В АСПЕКТЕ ОЦЕНКИ ТЕХНИКИ БЕГА

ШАКИРОВ Ж.А., ХУДОЙКУЛОВ.Т.А

Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти

Целью данной работы является контроль предположений между значениями вертикального колебания во время бега и скоростными параметрами на короткую дистанцию. Объектами данного исследования явились спринтеров различной квалификации. Скорость бега длина шага и время поддержки были зарегистрированы. Было очевидно, что увеличение скорости бегунов находилось в определённом соотношении с уменьшением вертикального компонента внешней работы и углом отправления. Этот факт доказывает, что это не является особенной чертой бегунов с техническим мастерством.

Оценка технического уровня бегунов обычно связывается с рядом биомеханических показателей, в частности коррелирующих со скоростью бега. При этом подразумевается, что если лучшие бегуны отличаются определенными величинами показателей, то это связано с преимуществами их техники. Например, такой подход использовался при изучении техники бега на 5 км у стайеров разной квалификации, но с одинаковыми ростовыми характеристиками и величинами максимального потребления кислорода.

Было установлено, что бегуны более высокого уровня острее отталкивались от опоры и механическая работа, затраченная ими на вертикальные перемещения общего центра масс тела (о.ц.м.), была в двое меньше. Поэтому их средний результат был почти на 1 мин 43 с лучше за счет более длинного шага. Из этого, казалось бы, следует, что более квалифицированные стайеры владеют такой техникой бега, которая позволяет им экономить на вертикальной работе и поэтому показывать лучшие результаты. Однако в ряде экспериментальных работ прослеживается общая закономерность: с увеличением скорости передвижения от максимальной при обычной ходьбе к спортивной и далее к бегу с выходом на максимальную скорость вертикальная работа постоянно уменьшается. Отсюда можно сделать вывод о том, что подобное изменение вертикальной работы является не причиной, а следствием повышения скорости шагательных перемещений человека. И если спортсмены более высокой квалификации выполняют меньшую вертикальную работу, то это еще не признак более совершенной техники их бега. Поэтому в нашей работе была поставлена задача – проверить это предположение, исследуя механизм передвижения при беге. В экспериментальной части работы приняли участие 65 спортсменов-спринтеров квалификации от III разряда до мастеров спорта международного класса. Их рост составил $176,3 \pm 5,3$ см, масса тела – $69,2 \pm 7,4$ кг, длина ног – $91,5 \pm 3,9$ см. Они пробежали 30 м с ходу с максимальной скоростью. Скорость бега регистрировалась фотодиодными парами, длина шагов – по отпечаткам шипов, опорные реакции – на тензоплатформе ПД-3 с собственной частотой 300 Гц. Затем отбиралось по одной лучшей попытке каждого бегуна, всего обработано 65 попыток. По полученным исходным данным рассчитывались перемещения и скорость о.ц.м., механическая энергия и внешняя работа по общепринятой методике. Средние значения скорости бега, длины и частоты шагов были равны соответственно $8,31 \pm 1,07$ м/с, $2,12 \pm 0,18$ м и $3,9 \pm 0,46$ ш/с. Согласно полученным результатам с ростом скорости бега, достоверно уменьшался размах вертикальных колебаний о.ц.м., измеряемый от низшего положения в фазе амортизации до высшего в периоде полета: $S_v = 14,25 - 0,923V (\pm 1,26)$, $r = -0,62$ (1), где S_v – вертикальное перемещение о. ц. м. (см), V – скорость бега (м/с), r – коэффициент корреляции. Естественно, это приводит к снижению вертикальной механической работы: $W_v = 0,927 - 0,071V (\pm 0,058)$, $r = -0,80$ (2), где W_v – вертикальная слагающая положительной внешней работы (Дж/кг/м). Снижение вертикальной работы происходило при уменьшении угла вылета: $a = 12,48 - 0,941V (\pm 0,57)$, $r = -0,87$ (3), где, a – угол вылета о.ц.м. (в градусах). Такие изменения сопровождалось ростом продольной работы: $W_f = -0,018 + 0,178V (\pm 0,237)$, $r = 0,63$ (4), где W_f – продольная слагающая положительной внешней работы (Дж/кг/м). Поскольку продольная работа увеличивается быстрее, чем падает вертикальная, превышая последнюю почти в несколько раз, то внешняя работа также растет с увеличением скорости бега: $W_{ext} = 0,910 + 0,107V (\pm 0,232)$, $r = 0,44$ (5), где w_{ext} – положительная внешняя работа (Дж/кг/м). Соотношение продольной и внешней работы, которое можно трактовать как эффективность механической работы, затраченной на перемещение о.ц.м., показывает его рост с увеличением скорости бега: $K = 0,361 + 0,053V (\pm 0,046)$, $r = 0,78$ (6), где k – отношение продольной слагающей к внешней работе. Таким образом, подтверждается сделанное ранее предположение о том, что с ростом скорости бега снижается вертикальная работа и повышается эффективность бега.

Эти данные были получены на группах испытуемых, каждый из которых бежал с различными скоростями. При этом все попытки сводились в один массив и подвергались статистическому анализу. Поэтому полученные данные можно трактовать как смешанный внутри и межиндивидуальный анализ, показывающий, как изменяются показатели бега при повышении скорости передвижения одного и того же испытуемого и так ли это происходит у других спортсменов. Наши данные показывают, чем характеризуется бег более быстрых спортсменов, что позволяет с помощью уравнений регрессий проверять межквалификационные различия. Итак, можно заключить, что более квалифицированные бегуны выполняют меньшую вертикальную работу. Отсюда опять напрашивается вывод о наличии у них более совершенной техники бега. Так ли это? Опять обратимся к экспериментальным фактам. Многочисленными исследованиями установлено, что с повышением скорости бега уменьшается время опоры и его составляющих – фаз торможения (амортизации) и отталкивания. Такое наблюдается как при внутри и межиндивидуальном анализе, так и при смешанном. Уменьшение времени опоры неизбежно, поскольку продольное перемещение о.ц.м. в период опоры, несмотря на рост скорости бега, практически постоянно для одного и того же индивидуума. Известно, что со скоростью бега растут силы инерции, последние требуют увеличения мышечных усилий, направленных против них. Однако согласно смешанному и внутрииндивидуальному анализу сокращение периода опоры вызывает уменьшение импульса вертикальной силы, приложенной к о.ц.м., несмотря на некоторый прирост средней величины вертикальной силы. Эта закономерность подтверждается нашим межиндивидуальным анализом: $I_v = 80,16 - 3,218V (\pm 8,2)$, $r = -0,49$ (7), где I_v – импульс вертикальной составляющей реакции опоры в фазе отталкивания (Нс); $P_v = 66,6 + 5,21V (\pm 13,7)$, $r = 0,47$ (8), где P_v – средняя величина вертикальной составляющей реакции опоры в фазе отталкивания (кГс). Обе зависимости подтверждают ранее полученные данные межиндивидуального анализа. Теперь для наглядности проиллюстрируем изменения обоих показателей при росте скорости бега от 5 до 10 м/с, подставляя значения скорости в уравнения 7 и 8. Так, если при этом средняя вертикальная сила растет на 28%, то сокращение времени отталкивания приводит к падению импульса вертикальной силы на 33,5%. В то же время продольная составляющая кинетической энергии тела бегуна массой 70 кг возрастет в четыре раза. Понятно, что импульс вертикальных усилий бегуна – единственная причина, способная повлиять на изменение кинетической энергии тела, перемещая его в вертикальном направлении. Такое несоразмерное изменение обеих характеристик и приводит к автоматическому уменьшению вертикальных колебаний о.ц.м. Так же изменяется и угол вылета о.ц.м., поскольку уменьшение вертикального импульса означает падение вертикальной скорости вылета о.ц.м. Таким образом, вышеперечисленные условия бега приводят к более плавному движению о.ц.м. при возрастании скорости передвижения и к повышению его эффективности. По этой причине сравнение бегунов разной квалификации и разной специализации, будь то спринтеры или бегуны на выносливость, показывает одну и ту же закономерность: у тех, кто бежит с более высокой скоростью, понижаются вертикальная работа и угол вылета о.ц.м. Это и проявилось при сравнении бегунов на 800 и 5000 м разной квалификации. Пониженная вертикальная работа у тех стайеров, которые при одинаковых антропометрических и функциональных характеристиках сумели показать более высокую скорость, соответствует зависимости "вертикальная работа – скорость бега".

Однако достойно внимания то; что они были способны поддерживать более значительную продольную работу, требующую более мощного отталкивания. Его обеспечение зависит не только от такого физиологического показателя, как максимальное потребление кислорода, но и от ряда других, включая характеристики опорно-двигательного аппарата и умение эффективно их использовать.

Повышение скорости бега сопровождается уменьшением вертикальной слагающей внешней работы и угла вылета о.ц.м. 2. Пониженная вертикальная слагающая внешней работы у бегунов высокой квалификации не является отличительным признаком их технического уровня.

ЛИТЕРАТУРА

Lekin MQIM arxitekturasi va MQIM uchun DKTning istiqbollari haqida nashrlarning katta miqdori mavjud. Ro‘yxat bo‘yicha pastga tushishda tarmoq infratuzilmasini fizik nazorat qilishning murakkabligi va bu nazorat qilishning darajasi kamayadi.

Tarmoq qurilmalari mavjud bo‘lgan geografik turli joylar soni katta geterogen tarmoqlarda o‘smoqda. Bir-birlari bilan qat‘iy raqobat sharoitlaridagi buyurtmachilar mavjud. Shunday qilib, tarmoqni nafaqat ilovalar va buyurtmachilarning keraksiz harakatlaridan himoyalash, balki buyurtmachilarni bir-birlaridan himoyalash zarurat mavjud.

“Himoyalash” atamasi juda qiyin. U buyurtmachi ma’lumotlarining yaxlitligini va konfidensialligini saqlanishini, tarmoq servislarining rad etishi (masalan, DDoDs) va boshqalardan saqlashni bildiradi. Tarmoq texnologiyalarining zamonaviy rivojlanishida, Internetning o‘tkazish qobiliyatini juda katta o‘shida va statsionar mijozlar qurilmalarida mobil tarmoqlarga o‘tishda (2013 yilning boshiga kelib ulangan smartfonlar 1 milliardga yetdi va faqat 200 ming atrofida statsionar qurilmalar mavjud) ulanishni boshqarishning mavjud yechimlari samaradorligi kamayadi. Ethernet protokolinig har bir yangi versiyasi uchun o‘sha bir masshtabdagi tarmoqlar uchun yanada qimmatroq qurilmalar kerak.

Mijoz qurilmalari mobilligi atamalarida tarmoq konfiguratsiyalari tez o‘zgarimoqda va tarmoq topologiyasi ma’lumotlarning o‘zgarishi ulanishni boshqarish uchun to‘g‘ridan-to‘g‘ri ishlatilishi mumkin emas. Shunday qilib, tarmoq ilovalarining kutiladigan o‘zini tutishi (oqimlar) haqida ma’lumotlar asosida tarmoqqa ulanishni boshqarish muammosi yanada muhim bo‘lib qolmoqda.

Infratuzilma sohasidagi asosiy xavflardan biri tarmoq qurilmalariga fizik ulanish hisoblanadi. Ruxsat etilmagan foydalanuvchi qurilmaga ulanishni olishi bilan u uning tarkibini to‘liq yoki qisman o‘zgartirishi mumkin. Ruxsat etilmagan foydalanuvchi shuningdek tarmoq kabellariga ham ulanishi mumkin. Bu bu sohadagi xavfga yana bir misol bo‘ladi. Bunday ulanishni oldini olib bo‘lmaydi. Masalan, agar xizmatlarni yetkazib beruvchiga uning tarmog‘idagi qandaydir tarmoq qurilmasini almashtirish zarur bo‘lsa, u holda hech kim qurilma ishlab chiqaruvchidan yetkazib beruvchining omborigacha yoki ekspluatatsiya jarayonigacha bo‘lgan yo‘lda o‘zgartirilmaganligiga kafolat bera olmaydi.

DKT tarmog‘ida vaziyat butunlay boshqacha. Barcha intellektual funksiyalar marshrutizatorlar va kommutatorlardan olib tashlangan va DKT tarmog‘i kontrollerlariga joylashtirilgan. Kontrollerli serverni ishonchli himoyalangan binoga oson o‘tkazish mumkin. Dasturlashtiriladigan kontrollerlar s-ilovalar deyiladigan to‘plamni (s-ilovalar yoki boshqaruvchi dastur) qo‘llashi mumkin, ular marshrutlashtirish, o‘ta yuklanishlardan himoya, QoSni boshqarish va boshqalar kabi ana’naviy tarmoq servislarini, shuningdek virtuellashtirish, filtrlash (oddiy brandmauerlar kabi) zararlovchi dasturlarni aniqlash va boshqalar kabi yangi servislarini ta’minlaydi.

DKT tarmog‘idagi dasturiy ta’minot kontrollerlarda jamlangan. Shunday qilib, asosiy masalalardan biri DKT kontrollerini qaerga joylashtirish hisoblanadi PKS [2]. Bugungi kunda, ravshanki, turli ilovalar to‘plamlarini kontrollerlar iyerarxiyasi bo‘lishi kerak.

Bu iyerarxiyada kamida ikkita darajalar bo‘lishi kerak. Yuqori darajada infratuzilmani boshqarish kontrolleri joylashishi kerak. Bu daraja kontrollerlari foydalanuvchilar so‘rovlari bo‘yicha resurslarni berilishiga ruxsat beradi. Ular infratuzilmaning resurslarini boshqarishda rol o‘ynaydi. Keyingi pastki darajadagi kontrollerlar virtual resurslarni fizik resurslarga aks ettiradi. Ular mos kommutatorlar uchun qoidalar to‘plamini beradi.

Har bir kontroller quyidagi funksiyalarni ishlatishi kerak[2]:

–o‘sha bir darajadagi kontrollerlar o‘sha bir s-ilovalar to‘plamiga ega bo‘lishi kerak;

–s-ilovalar bir-birlariga yaqin joylashgan kontrollerlarning ko‘p marttalik ishlatilishi (reusable) uchun yaroqli bo‘lishi kerak;

–kontrollerning turli nusxalari n-ilovalar bitta nusxasini birgalikda ishlata olishi kerak;

–kontroller ishonchli muhit (trusted) bo‘lishi kerak;

–kontroller masshtablanuvchan bo‘lishi kerak. Bu ishchi yuklama ma’lum sathdan oshganida kontroller qo‘shimcha hisoblash quvvatini ola olishi kerakligini bildiradi (masalan, boshqa fizik resursda joylashgan kontrollerning boshqa nusxasi bilan o‘z ishini bo‘lish yo‘li bilan);

–agar kontrollerning nusxalaridan biri kutilmaganda ishlashini to‘xtatsa, yaqinda joylashgan boshqa kontrollerlar o‘chirilgan kontroller orqali boshqarilgan tarmoq kommutatorlarining qismini o‘ziga olishi kerak.

s-ilovalarning xavfsizligi boshqa muammo hisoblanadi. Bu yerda biz iPhone, Android va boshqa ilovalar bilan ishlaydiganlarda vujudga keladigan muammolar bilan to‘qnashamiz. Bu muammoning yaxshi yechimi s-ilovaning o‘zini tutishini tavsiflash bo‘lishi mumkin [3]. Bu yondashish, masalan, modellarda rasman verifikatsiyalash va tekshirishga (model checking) qaraganda samaraliroq va kam resurs talab qiladigan tuyuladi.

Monitoring qilish DKT tarmoqlarning xavfsizligi uchun boshqa asosiy funktsiya hisoblanadi. s-ilovalarning o‘zini tutishini monitoring qilish bu maslalardan biri hisoblanadi. Boshqasi esa paketlarni monitoring qilish va tekshirish hisoblanadi. Bu ham ma’lumotlar oqimlari namunalarini to‘plash uchun, ham virtuellashtirish ma’lumotlar oqimlarini kerakli tarzda ajratganligiga, masalan raqobatchilar ma’lumotlari oqimlari hechqachon kesishmasligiga ishonch hosil qilish muhim. Monitoring qilish ta’sir etish tizimining muhim funktsiyasi hisoblanadi. Ruxsat etilmagan foydalanuvchi suqulib kirganida tizim kontrollerning ishlashini qayta tiklash uchun kerakli tarzda ta’sir etishi kerak. Ruxsat etilmagan foydalanuvchi qanday shaklda qatnashishi – ruxsat etilmagan dasturiy ta’minot, o‘zini noto‘g‘ri tutadigan s-ilova yoki boshqa qandaydir narsa ahamiyatga ega emas.

Protokollarning xavfsizligini ko‘rib chiqishni biz quyidagi qismlarga bo‘lamiz:

1. kontroller-kommutator protokollarining xavfsizligi;
2. c-ilovalar protokollarining xavfsizligi;
3. kontroller-kontroller protokollarining xavfsizligi.

Kontroller-kommutator protokollarining xavfsizligi. DKTning namunaviy segmentida kommutator va kontroller orasida SSL xavfsiz ulanish ishlatiladi. SSL bazaviy xavfsizlik darajasini ta’minlaydi, lekin DKT tarmoqning real sharoitlarida u yetarli bo‘lmashligi mumkin (masalan, rivojlangan kriptografik protokollar: Internet Key Exchange, IPsec, Kerberos va h.k.). Bu shifrlash usullari MQIM uchun yetarli bo‘lishi mumkin, lekin WAN tarmoqlari uchun va hatto avtonom tizimlar uchun bu to‘g‘ri kelmaydi. Bu yerda kalitlarni boshqarishga, harajatlarni ortishi va shifrlash kechikishlariga bog‘liq bo‘lgan barcha muammolar vujudga keladi [4],[5].

c-ilovalar protokollarining xavfsizligi. Bu erda muammolardan biri

shundan iboratki, DKT s-ilovalari uchun mavjud yechimlar yetarli bo‘ladimi yoki boshqa yechimlar bo‘ladimi? Masalan, kalitlarni qurilmagan qanday xavfsiz yuklash kerak. Boshqa misol bo‘lib kontrollerda trafikni tahlil qilish uchun s-ilovaga kerakli joy qayerda bo‘lishi masalasi bo‘lishi mumkin. Lekin kontrollerning ilovasi faqat tarmoq paketlarining sarlavhalarini tahlil qilishga jamalanadi. Mana nima uchun DPI-funksiyani kontrollerga joylashtirish tavsiya etilmaydi, chunki u paketning tanasini kontrollerga uzatilishini talab qiladi. Paketning tanasi hech qachon kontroller tomonida qayta ishlanmasligi kerak.

Kontroller-kontroller protokollarining xavfsizligi. Yaqin kelajakda PKS-kontrollerlar lokal taqsimlangan kompyuter muhitida ishlaydi. Bunday holda SSL/TLS protokollarini ishlatish mumkin. taqsimlangan kontrollerning asosiy komponenti lokal muhitda bir necha kontrollerlarning o‘zaro ta’sirlashishi protokoli hisoblanadi. Bunday

protokol ikkita “out-band” va “in-band” usullarda ishlashi mumkinligi ko‘zda tutiladi. “out-band”da kontrollerdan alohida boshqarish tarmog‘i yaratiladi va tarmoq himoyalashning zarurati bo‘lmaydi. “in-band”da kontrollerlar orasida himoyalangan ma’lumotla kanalini yaratish zarur.

WAN yoki MAN holatida kontrollerlar orasidagi aloqa uchun ikkita holat bo‘lishi mumkin. Yoki bu protokol ma’lumotlar tekisligida ishlaydi, u holda xavfsizlikni ta’minlashning sezgir usullari zarur bo‘ladi. Agar ma’lumotlar tekisligidan mumkin bo‘lmagan ajratilgan boshqarish tekisligi bo‘lsa, u holda oddiyroq usullarni ishlatish mumkin.

WAN holatida DKTning xavfsizligini ko‘rib chiqish bilan biz tushunishimiz kerakki, kontroller Ruxsat etilmagan foydalanuvchilar uchun juda o‘ziga jalb qiladigan nishon bo‘ladi. Va bu yerda biz identifikatsiyalash (fingerprinting) muammosi bilan to‘qnashamiz. Boshqacha aytganda, qanday identifikatsiyalash kerak, tarmoqning segmenti DKT kontrolleri orqali boshqariladimi yoki an’anaviy tarmoqlar uchun oddiy ma’lumotlar va boshqarish tekisliklari aralashmasidan iboratmi? Bu holda eng ehtimoli yondashish bu aniq bir segment bilan bog‘lanishni o‘rnatilishida time out ning og‘ishidan foydalanish hisoblanadi[6].

Tarmoq ilovalari protokollarining xavfsizligi bu yerda ko‘rib chiqilmagan bitta soha qolmoqda. Bu sohada bizda hali javobsiz savollarimiz mavjud: tarmoq ilovasi s- ilova bilan qanday aloqani qo‘llashi kerakligi?

Tarmoq xavfsizligi prinsiplaridan kelib chiqish bilan javob Yo‘q bo‘lishi kerak. Lekin amaliyot ko‘rsatadiki, ko‘plab sabablarga ko‘ra, ular orasidagi aloqaning qo‘llanishi foydali bo‘lishi mumkin edi. Misollardan biri bu xizmat ko‘rsatish sifatini boshqarish hisoblanadi.

Hozirgi vaqtga kelib, DKT texnologiyalar jahon IT-bozorini bosqichma-bosqich egallab bormoqda. Boshlang‘ich bosqichdagi ishlab chiquvchilar va dasturchilar texnologiya standartlashtirish va qurilmalarini ishlab chiqarish bilan shug‘ullanmoqdalar.

Dasturiy-konfiguratsiyalanadigan tarmoqlar (DKT) tez takomillashtirilmoqda va lekin hozirgi vaqtda asosiy mijozilar ma’lumotlarni qayta ishlash markazlari (MQIM) hisoblanadi. Ular imtiyozli marshrutizatorlarni umumiy mumkin kommutatorlarga va kontrollerga almashtirilishi hisobiga kapital qo‘yilmalarni juda sezilarli tejaliyishini ta’minlaydi. Tarmoqlarni boshqarishda Computer Sciencedan abstraksiyalarni qo‘llanilishi bir vaqtda texnik xarakteristikalarini oshirilishi va funkcionallikni yaxshilanishi bilan ekspluatatsion harajatlarni kamaytirilishini ta’minlaydi.

DKT yondashish xavfsizlik sohasida, ayniqsa tarmoq qurilmalarining fizik xavfsizligi qismida ko‘plab avzalliklarga ega. Ma’lumotlar tekisligi va boshqarish tekisligining ajratilishi qo‘shimcha afzalliklarni beradi. Lekin yana ko‘p sohalarda, ayniqsa DKT dasturiy ta’minoti sohasida tadqiq qilish zarur. Bunday sohalardan biriga misol kommutator-kontroller va kontroller-kontroller aloqa protokoli hisoblanadi.

DKT yondashishning asosiy imkoniyatlaridan biri kommutatsiyalash siyosatini (forwarding policy) konfiguratsiya qilishning qulayligi va tez moslashuvchanligi hisoblanadi. OpenFlow protokoli yordamida nafaqat tarmoqning ma’lum nuqtalari orqali trafikning aniq bir turlarini qayta uzatishni konfiguratsiyalashtirish, balki barcha tarmoq paketlari bu aniq bir nuqtalardan o‘tayotganligini ham tekshirish mumkin. Bu tarmoq xavfsizligi uchun katta imkoniyatlarni beradi, lekin hali tadqiqotlarni talab qiladi.

ADABIYOTLAR

- [1] Stacey Higginbotham. 2012: The year software-defined networking sold out. 17 December 2012.
- [2] Р. Смелянский. Программно-конфигурируемые сети. Открытые системы. СУБД, №9. Открытые системы. 20 ноября 2012.
- [3] Thomas D. Nadeau, Ken Gray, SDN: Software Defined Networks, O'Reilly, 2013. pp 10-25.
- [4] Thomas D. Nadeau, Ken Gray, SDN: Software Defined Networks, O'Reilly, 2013. pp 10-25.
- [5] Koponen T., Casado M., Gude N., Stribling J., Poutievski L., Zhu M., Ramanathan R., Iwata Y., Inoue H., Hama T., Shenker S. Onix: A distributed control platform for large-scale production networks, in OSDI, Oct 2010.
- [6] Asghari, Hadi, Mechel van Eeten, and Milton Mueller. "Unraveling the Economic and Political.

IMPORTANT OF THE TELECOMMUNICATION TECHNOLOGIES AND SYSTEMS IN SMART CITIES

*assistants MUSADJANOVA N.A., TESHABOEV X.N., MUSADJANOVA D.A.,
Tashkent university of information technology named after
Muhammad al-Khwarizmi*

The construction of smart cities will bring about a higher quality of life to the masses through digital interconnectivity, leading to increased efficiency and accessibility in cities. Smart cities must ensure individual privacy and security in order to ensure that its citizens will participate. If citizens are reluctant to participate, the core advantages of a smart city will dissolve. This article will identify and offer possible solutions to five smart city challenges, in hopes of anticipating destabilizing and costly disruptions. The challenges include privacy preservation with high dimensional data, securing a network with a large attack surface, establishing trustworthy data sharing practices, properly utilizing artificial intelligence, and mitigating failures cascading through the smart network. Finally, further research directions are provided to encourage further exploration of smart city challenges before their construction [1].

These connections and interactions between things *telecommunication systems* make it possible for people to use energy efficiently *necessary for smart cities* while still enjoying comfortable lives. Examples Adoption of the most appropriate communication include checking up remotely on what other people technologies should make possible the seamless are doing, getting the information you need from provision of a wide variety of services in smart cities a portable device as and when you need it, and (see Fig. 1) [2].

Greater use of cloud services and visual communication tools using high speed broadband communication networks in the corporate and local government sectors is improving business efficiency and convenience while also being a source of new value creation. Meanwhile, sensor networks utilizing a variety of wireless technologies give access to information on the flow of goods and the status of equipment and the

environment. They also facilitate the use of remote control. This makes possible the implementation of systems that are safe, secure, and environmentally conscious.




Fig.1. Telecommunication Systems in Smart Cities

Telecommunication systems connect together all the elements that make up a smart city to provide services seamlessly using most appropriate telecommunication technologies [3], [4].

- 3G: 3rd generation
- LTE: long term evolution
- CATV: cable television
- Wi-Fi: wireless fidelity
- WiMAX: worldwide interoperability for microwave access

In the home, network connections for products such as home appliances and cars, as well as telephones and PCs (personal computers), will make life more enjoyable, secure, and comfortable.

In cities, transportation, distribution, finance, and energy services are connected to networks and interact to provide more reliable, convenient, and environmentally conscious new services.

Residents in smart cities will have seamless access to these services without needing to know about the networks on which they are based.




Fig. 2. Gateway Technologies

Implementing the interconnection environment requires gateways to connect between devices. The Internet also plays an important role.

- M2M: machine to machine
- CoAP: constrained application protocol
- HTTP: hyper text transfer protocol
- UDP: user datagram protocol
- TCP: transmission control protocol
- 6LoWPAN: IPv6 over low power wireless personal area network
- IPv6: Internet protocol version 6
- NW network

Sensor network systems automatically monitor and detect changes in the status of public infrastructure to ensure the quick and appropriate provision of services [5]. This includes monitoring of people, objects, and equipment.

Sensor network systems are also used for monitoring and control in industry. Typically, sensor network systems have been built using high-performance sensors and highly reliable wired networks. With mobile information technology, however, it is easy to collect large amounts of data at low cost. Wireless sensor network systems provide an efficient way to get data into IT (information technology) systems where it can be coordinated and integrated with a variety of applications, and used to create new services. The visual display and analysis of real-time sensing data, along with use of the results to provide feedback to the field, will help make society safer as well as more secure, comfortable, efficient, and reliable.

To establish an environment in which objects of all types can link together, gateways for connecting devices to the network play an important role in ensuring support for a wide variety of devices so that they can deliver reliable services (see Fig. 2). Such gateways face the following issues. (1) Need to ensure interconnectivity with IP networks (2) Application communications environment for resource-constrained devices (3) Traffic optimization for effective use of carrier networks

In smart cities, everything will be connected to the network. This means that networks will not only require the high speed, high reliability, high availability, and other features demanded of today's networks, they must also satisfy new requirements, including the connection of various types of device, effective use of carrier networks, the flexibility to support new devices and services, the economics to provide services at a reasonable price, and consideration for the environment. To satisfy these difficult requirements, research and development of IP- (Internet protocol) based gateway technologies, highly reliable wireless communication technologies, and network virtualization technologies.

It is anticipated that services and applications in smart cities will continue to evolve over time in response to changes in industrial activity and improvement in lifestyle. This will require service providers and network managers to provide new services and applications in timely and economical manner.

M2M platforms connect a variety of M2M devices via wired or wireless networks in a way that hides any differences among the networks and devices from the applications [6]. The use of management functions provided by the platform, which include device and line management, network monitoring and operation, activation, billing and data control, enable services providers to provide reliable and stable services quickly and easily. Gateway functions are also needed to handle specific protocols, data

processing and conversion and security to allow the connection of a wide variety of devices to the networks, beyond just PCs and mobile phones (Fig. 3).




Fig.3. M2M Solution

Recently, more and more people are becoming aware of the need to save energy. In order to reduce energy consumption and carbon dioxide emissions, it is useful to provide users with information on their usage and to use home automation systems to control home appliances.

Telecommunication systems play a very important role in smart cities. They must be highly reliable and available as well as flexible, economical, and environmentally conscious. To satisfy these difficult requirements, accelerating its research and development of new telecommunication systems for smart cities.

REFERENCES

- [1] Basi, T. Cybersecurity challenges: A view from the private sector. April, 2016y.
- [2] Bosco, F. Critical infrastructure threat landscape: Understanding and reacting. April, 2016y.
- [3] H. Yabusaki et al., “Study on a Path Calculation Algorithm with Time Dimension,” The Institute of Electronics, Information and Communication Engineers (IEICE) Network Virtualization Conference. Japan. Jul. 2011.
- [4] K. Mizugaki et al., “Verification of Interference Avoidance Effect by Adaptive Diversity Method,” IEICE Society Conference (Sep. 2011) Japanese.
- [5] S. Yunoki et al., “Transmission Control Scheme for Remote Energy Monitoring System via Cellular Network,” The Institute of Electrical Engineers of Japan, Electronics, Information and Systems Conference (Sep. 2011) in Japanese.
- [6] Hui J., Thubert P., “Compression Format for IPv6 Datagrams in 6LoWPAN Networks,” RFC6282 (Sep. 2011).

ОПТИК УЗАТИШ ТИЗИМЛАРИНИНГ РЕГЕНЕРАЦИЯ УЧАСТКАСИ УЗУНЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛАРИ

ассистент, БАБАЖАНОВА А.Т.

*Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари
университети*

Маълумки, ахборот узатиш тизимларида маълумотлар узатишнинг хажми ортгани сари, сигналларнинг сифатли узатилиши ва қабул қилгичга етиб бориш даражаси камайиб боради. Телекоммуникация тармоқларидан узоқ масофаларга маълумотларни етказиб бериш учун тезкорликни талаб қилади. Тезкорлик ошганда оптик сигналларни қабул қилишдаги хатоликларга йўл қўйилмаслик учун киришдаги сигнал импульслари қабул қилувчи томонгача ўз шаклини йўқотмасдан етиб бориши муҳим аҳамият касб этади.

Телекоммуникация тармоқларида оралиқ масофа узунлигини ошириш бир нечта омилларга боғлиқ бўлиб, шулардан, Релеев тарқалишларига қарши оптимал (850, 1310, 1550 нм) оптик узатиш ойнасини танлаш киради. Бундан ташқари, оптик кучайтиргичлардан фойдаланиш натижасида ҳам қисман сўниш муаммоси хал қилиш мумкин, лекин асосий муаммо хроматик дисперсия ҳисобланади [2]. Оптик толада дисперсияни нольга силжитиш (DSF туридаги) ОТ дан фойдаланган ҳолда учинчи шаффофлик ойнасидан узатиш орқали дисперсияни камайтириш мумкин. WDM тизимларида тўрт тўлқин аралашмаси (FWM)ни нолинчи нуқтасида дисперсия таъсирининг ошиши туфайли DSF туридаги ОТ дан фойдаланилмасдан [2], бунинг ўрнига ноль бўлмаган аралаш дисперсия (NDSF туридаги) ОТ дан фойдалана бошланди. Яна бир чекловчи омил, оптик алоқа каналида узатиш юқори тезликка (10Гбит/с дан юқори) эришилгандан сўнг кутбланган мода дисперсияси (ҚМД) нинг салбий таъсири намоён бўлади. Толали оптик узатиш тизимларининг оралиқ масофалари ортиши билан ҳамда DWDM технологиясидан фойдаланилганда каналлар сони ортиши билан ҚМД нинг салбий таъсири кучаяди. ҚМД ни толани ишлаб чиқариш жараёнида ёки ТОУТни эксплуатация қилиш жараёнида назоратга олиш орқали кутбланган дисперсия қийматини камайтириш мумкин.

ТОУТ ларда оралиқ масофалари узунлигини оширишга имкон берадиган 4 та омилларни қайд этиш мумкин:

1. Дисперсияни компенсация модуларидан DCM (dispersion compensating module) фойдаланиш ёки дисперсиянинг узатиш воситаларини назорат қилиш
2. Оптик-динамик диапазонни кенгайтириш (OSNR);
3. Хатоларни тузатиш усулларини (FEC) қўллаш;
4. Оптимал модуляция усулини танлаш ва чизикли кодлаш.

Уларнинг қисқача моҳиятини кўриб чиқадиган бўлсак:


Дисперсияни компенсациялаш ва дисперсияни назорат қилиш. Оптик толада сигналларни узатиш сифатига таъсир қилувчи энг муҳим омиллардан бири дисперсия ҳисобланади. Дисперсияни компенсациялаш модули (DCM) ёрдамида дисперсиянинг таъсирини йўқ қилиш ўрганилганидан сўнг 1998 йилда узатиш тезлиги 10Гбит/с гача, 2002 йилда эса 40 Гбит/с гача ошди [2]. Бугунги кунда, ушбу муаммо дисперсияни назорат қилиш йўли билан кескин хал қилинмоқда. Шунингдек, дисперсия қийматлари минимал бўлган DSF, NZDSF толаларини қўллаш йўли билан дисперсияни камайтириш мумкин, жумладан мамлакатимиз

худудида ётқизилган стандарт оптик толали кабелларда дисперсияни компенсация қилувчи толалардан DCF фойдаланиш мумкин. DCF-дисперсияни компенсацияловчи толалардан асосан хроматик дисперсияни камаййтиришда, регенерация оралик масофасининг узунлигини оширишда, паст тезликли тизимлардан юқори тезликли тизимларга ўтишда, тўлқин узунлиги бўйича зичлаштирилган ТОАТда фойдаланилади.

Оптик-динамик диапазонни кенгайтириш. Толали-оптик узатиш тизимларида OSNR кўрсаткичини (сигнал/шовқин боғлиқлигини) ошириш йўли билан оптик-динамик диапазонни кенгайтириш мумкин. Оптик кучайтиргичларни қўллаган ҳолда оптик сигнал қувватини ошириб ёки оптик кучайтиргичлардаги шовқин даражасини камаййтириш орқали ТОУТ да қуввати кам сигналларни ҳалақитбардошлигини оширишга эришиш мумкин.

$$OSNR = P_{\text{кир}} / P_{\text{ш}}$$

бу ерда, $P_{\text{кир}}$ -кучайтиргичга киришдаги сигналнинг оптик қуввати, $P_{\text{ш}}$ -оптик шовқиннинг қуввати. $P_{\text{кир}}$ нинг ўсиши нозизиқли бузилишларнинг ошиши билан чекланади. Ушбу ёндашув билан оралик масофани 80 кмгача узайтириш мумкин лекин, стандарт оптик толалар учун самарали ҳисобланмайди, бошқа турдаги масалан Брегг оптик толалар учун муаммоли ҳисобланади [4]. Бундан ташқари, EDFA туридаги оптик кучайтиргичларни кучайтириш L оралик масофаси бўйлаб тақсимланган бўлса ҳам, координатали насос қўлланилганлиги сабабли L га ортган ҳолда камайиб боради (расм 1). Натижада, тола узунлиги бўйлаб фойдали сигнал даражаси сўнади, бу катта узунлик ораликда OSNRга таъсир қилади. Ушбу таъсирни бартараф этишда, Роман оптик кучайтиргичлар ёрдамида OSNR кўрсаткичининг яхшилаш мумкин.



1-расм. Роман оптик кучайтиргичлар ва EDFA оптик кучайтиргичларнинг биргаликда фойдаланиши

Масалан, 1-расмдан кўринадики EDFA билан Роман оптик кучайтиргичларнинг жами кучланишлар тенгсизлиги 5 дБ ни ташкил этади, агар EDFA оптик кучайтиргичнинг ўзидан фойдаланадиган бўлсак, 12 дБ гача боради. Бундай ҳолда, OSNR 7-10 дБ га ошади. Ушбу усул жуда самарали бўлиб, регенерация участкасининг узунлигини икки баробар ошишига олиб келиши мумкин.

Роман оптик кучайтиргичларидан фойдаланиш. Оптик кучайтиргичларнинг оралиқ узунлиги бўйича кучланишларини тенглаштириш мақсадида, EDFA билан бирга Роман кучайтиргичлари фойдаланилади, EDFA оптик кучайтиргичи кучланиш камайганида қабул қилиш нуқтасида ишга туширилади (расм 1). Роман кучайтиргичларини яратиш жараёнида, бир нечта лазер насосларидан фойдаланилганлиги сабабли, WDM тизимларининг C ва L (1565-1625 нм) ишчи полосасини кенгайтирилишига ва полоса чегарасидаги кучланишни тенглашишига олиб келди.

АДАБИЁТЛАР

- [1] Н.Слепов Современные технологии цифровых оптоволоконных сетей связи. 2-е изд., исправ. – М.: Радио и связь, 2003 г.
- [2] С.Тен Оптические системы дальней связи: последние тенденции развития. Материал семинара компании Corning в Москве 19 апреля 2005 г.
- [3] Волоконно-оптическая техника: Современное состояние и перспективы. 2-е изд., перераб. и доп.: Сб. статей под ред. С.А. Дмитриева и Н.Н. Слепова – М.: ООО "ВОТ", 2005 г.
- [4] Р.Морелос-Сарагоса Искусство помехоустойчивого кодирования. – М.: Техносфера, 2005 г.

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ ГИБРИД ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ МАНБАЛАРИНИ АДАПТИВ БОШҚАРУВ ЖАРАЁНИНИНГИ МАСОФАЛИ МОНИТОРИНГИ

**СИДДИКОВ И.Х., ХУЖАМАТОВ Х.Э., ХАСАНОВ Д.Т.,
ОЛИМОВА Ш.Б., ХАСАНОВ Х.С.**


*Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари
университети*

Ушбу мақолада телекоммуникация тизимларининг гибрид энергия таъминоти манбаларнинг масофадан мониторинг ва бошқарув схемалари, воситалари, усуллари кўриб чиқилган. Марказлашган энергия таъминоти етиб бормаган, олис ва узоқ худудларда жойлашган телекоммуникация тизимларининг гибрид энергия таъминоти манбаларидан фойдаланишнинг масофали мониторинг маълумотлар базаси, формати ва тақдим этиш усулларининг илмий асослари келтирилган бўлиб, профилактика, таъмирлаш, қайта тиклаш ва энергиясиз қолиш вақтини камайтириш ҳисобига сифатли техник хизмат кўрсатиш ҳамда ишончлиликни ошириш ечимлари келтирилган.

Жаҳонда телекоммуникация тизимларини гибрид манбалар орқали энергия таъминоти узлуксизлигини таъминловчи бошқарув моделлари, воситалари ҳамда тизимларини такомиллаштириш бўйича кенг қўлланма ишлар олиб борилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан Smart Grid тизимларида, истеъмолчи ҳамда бошқарув ва назорат қурилмалари учун сигналларни ўзгартириш талабларидан келиб чиққан ҳолда, гибрид энергия таъминоти манбаларини бошқариш, мониторинг қилиш, энергияни режалаштириш ва манбаларни бошқарувини таъминловчи микроконтроллерлар учун бошқариш алгоритми, дастурий таъминотлари ва техник ечимларини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу

билан бирга телекоммуникация тизимлари узлуксиз ишлашини таъминлашда, IoT технологияси асосида телекоммуникация тизимларининг гибрид энергия таъминоти манбаларини бошқарув жараёнининг масофавий мониторинг қурилмасини ишлаб чиқиш талаб этилади.


Телекоммуникация тизимларининг кескин ривожланиши натижасида уларни эксплуатация қилиш ва солаш мураккаблиги доимо ошиб бормоқда. Янги рақамли алоқа тизимларининг бошқарув схемаси оператор учун тизим бир вақтда ва қутилмаганда ишдан чиққанида ўзининг самарасини намойиш этмоқда. Самарали фойдаланиш тизимини қуриш муаммоси оператор томонидан тармоқнинг сифати параметрларини меъёрлаштириш ва назорат қилиш масаласига узвий боғлиқ бўлмоқда [1-4, 7].



1-расм. Бошқарув жараёнини масофали мониторинг қилиш тизими тузилиши

Бу масала қўлда амалга ошириладиган ўлчаш асбобларидан ташқари, телекоммуникация объектларининг ҳудудий қурилмаларидан параметрлар ва маълумотларни автоматлаштирилган равишда тўплаш ҳисобига ечилиши мумкин. Бундай автоматлаштирилган ўлчаш тизимлари мониторинг қилиш тизимлари дейилади, уларнинг функцияларига эксперт таҳлил қилиш усулларидан фойдаланиш билан маълумотларни тўплаш, архивлаштириш ва уларга ишлов бериш киради. Телекоммуникация тизимлари гибрид энергия таъминоти манбаларининг адаптив бошқарув жараёни масофали мониторинг тизимининг тузилиш схемаси 1-расмда келтирилган.

Кузатилаётган гибрид энергия таъминоти манбаларининг адаптив бошқарув тизими энергия таъминот тизимнинг жорий ҳолати ҳақидаги тўлиқ, долзарб ва ишончли маълумотларга эга бўлиш, агар объектнинг ҳолати нормал ҳолатдан авария ҳолатига ўтишга интилса, қандай оператив амаллар ҳақида қарор қабул қилиш имконини беради. Шунингдек параметрларни ўлчаш тарихи ва мониторинг қилиш объекти ҳақидаги статистик маълумотларни бўлиши янада ишончли ва самарали ишлаш учун унинг ишлаш алгоритмининг тўғрилашга имкон беради ҳамда телекоммуникация тизимлари гибрид энергия таъминоти манбаларининг Arduino микроконтроллери асосидаги масофали мониторинг ва бошқарув блоки тузилиши 2-расмда келтирилган.




2-расм. Телекоммуникация тизимлари гибрид энергия таъминоти манбаларининг Arduino микроконтроллери асосидаги бошқарув блоки тузилиши

Гибрид энергия таъминоти манбалари адаптив бошариш жараёнини мониторинг қилишда КББга ҳар бир манбалардан тегишли маълумотлар келиб тушади (қайси турдаги энергия таъминотидан фойдаланганлиги, таъминот манбаларидан реал вақт давомида қандай фойдаланганлиги: соатлар, кунлар, ҳафталар кесимида ва ҳ.к.лар). Олинган маълумотлар маълумотлар базасига (МБ) келиб тушади ва персоналга Arduino Ethernet модули ёки Arduino GSM модули ёрдамида мобил алоқа орқали СМС-хабар, интернет орқали веб саҳифа ва бошқа кўринишларда тақдим этилади (1-расм).

Мониторинг қилишда тизимнинг иш режими ҳақида тўпланган маълумотлар мониторинг марказига юборилади, бу ерда масъул шахс вужудга келган авария вазиятини тузатиш учун қарорни оператив қабул қилиши мумкин. Мониторинг қилиш тизимида ўрнатилган техник воситалар тўпламидан олинган баттафсил маълумотлар асосида эксплуатацион ва таъмирлаш персонали яроқсизлик сабабини тезроқ аниқлаши ва тузатиши мумкин бўлади. Шундан келиб чиқиб, мониторинг қилиш тизимларининг қўлланиши профилактик таъмирлашда қайта тиклаш ва туриб қолиш вақтини камайтириш ҳисобига техник ишлатиш коэффиценти (ТИК) билан баҳоланадиган телекоммуникация тизимларининг ишончлилигини оширишга имкон беради. Бир нечта телекоммуникация тизимларининг гибрид энергия таъминоти манбаларини мониторинг қилиш тизимининг тузилиш схемаси 3-расмда келтирилган.

Мониторинг қилиш тизимларининг ишлатилиши ҳисобига ижобий иқтисодий самара пайдо бўлади, техник ҳолатни текширишга, тизимнинг ишлаш қобилиятини сақлашга ва яроқсизлик сабабларини аниқлашга йўналтирилган кўплаб амаллар масофадан автоматлаштирилган ёки автоматик ҳолда амалга оширилади.


Яратилган ва амалиётда қўлланилган датчик, бошқарув блоки ҳамда алгоритмлар асосида гибрид энергия таъминоти манбалари иш ҳолатларини масофали мониторинги натижалари 4-6-расмларда келтирилган.



3-расм. Бошқарув жараёнини масофали мониторинг қилиш тизимининг тузилиш
 схемаси


бу ерда $ТО_1 - ТО_N$ - телекоммуникация объектлари; $Д_1 - Д_5$ - манбалардан сигнал олувчи датчиклари; $Д_{ю}$ - юкламадан сигнал олувчи датчиклар.

Телекоммуникация тизимлари куёш энергия таъминотини куннинг соатлар кесимида ишлаб чиқарган энергияси тўғрисидаги маълумот 4-расмда келтирилган. Бунда энергияни ишлаб чиқариш куннинг бошланиши яъни соат 06:00 лардан бошланиб, 08:00 ларда энг кўп энергия ишлаб чиқаришга эришилган. Куннинг қолган даврида эса энергияни камайиб боришини кузатиш мумкин [2-5,8].




4-расм. Куёш энергия таъминоти манбасининг куннинг соатлар кесимида ишлаб
 чиқарган энергияси

ҚЭТ томонидан хафтанинг кунлари кесимида ишлаб чиқарган энергияси тўғрисидаги маълумолар 5-расмда келтирилган. Бу расмда кунлар давомида ишлаб чиқарган энергияни солиштириш имкони мавжуд [3-8].



5-расм. Қуёш энергия таъминоти манбасининг хафтанинг кунлари кесимида ишлаб чиқарган энергияси

ҚЭТ томонидан кунлар кесимида ишлаб чиқарилган энергия ҳамда истеъмол қувватининг нисбий солиштириш графиги 6-расмда келтирилган. Бунда ҚЭТ манба томонидан ишлаб чиқилган энергия истеъмолчи қувватини таъминлай олмаса бошқа турдаги манба (масалан МЭТ, ДГ ёки АБ) орқали таъминланади.



6-расм. Қуёш энергия таъминоти манбасининг ишлаб чиқарган энергияси ҳамда истеъмол қувватининг нисбий солиштирма графиги

Хулоса қилиб айтганда ишлаб чиқилган масофали мониторинг тизими орқали реал вақт масштабида энергия истеъмоли тўғрисида, кун давомида қайси турдаги энергия таъминоти манбаларидан қанчадан фойдаланганлик ва авария ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда узлуксиз ишлашини амалга ошириш учун келгусидаги захираларни режалаштириш имконини беради. Бундан ташқари мониторинг қилиш тизим структураси, маълумотлар базаси ва маълумотлар форматини ишлаб чиқиш орқали энергия кўрсаткичларини олдиндан баҳолаш, энергиядан самарадорлигини 3-4 фоизга оширишга ҳамда манбаларни ишлаш ишончилилик кўрсаткичини 2-4 фоизга ошириш имкони беради.

АДАБИЁТЛАР

[1] Сиддиков И.Х., Хужаматов Х.Э., Хомидова Н.М. Қуёш электр станциялари - телекоммуникация объектларини барқарор электр манбаи // “Энергия тежамкорлиги, электр энергетикаси таъминоти узлуксизлигини таъминлаш концепсиясини долзарб муаммолари ҳамда уларнинг ечимлари самарадорлигини ошириш” мавзусидаги Республика илмий ва илмий-техник анжуман материаллари Фарғона 2016 йил 2-3 декабрь, 162-163 бетлар.

[2] Сиддиков И.Х., Хужаматов Х.Э., Шержанова Д.С. Тармоқланган телекоммуникация объектларининг энергия таъминотида гибрид манбаларни ишлатиш ва бошқариш жараёнлари таҳлили // “Muhammad al-Xorazmiy avlodlari” ilmiy-amaliy va axborot-tahliliy jurnal. №2(2) - сон 2017 йил, 35-41 бетлар.

[3] Хужаматов Х.Э. Қуёш электр станциялари - телекоммуникация объектларини барқарор электр манбаи // Материал конференция «Возобновляемые источники энергии: технологии и установки», 28-29 июня 2016 г, Ташкент. С 88-89.

[4] Сиддиков И.Х., Хужаматов Х.Э., Қайта тикланувчи энергия манбаларини ўз ичига олган гибрид энергия таъминоти тизимларининг бошқарувини моделлаштириш ва тадқиқ этиш // “ТАТУ хабарлари” ilmiy-texnika va axborot-tahliliy jurnal. №3(39) - сон 2016 йил, 60-66 бетлар.

[5] Сиддиков И.Х., Хужаматов Х.Э., Саттаров Х.А., Хасанов Д.Т. “Гибрид электр энергия манбаларини юкламага боғлиқ ҳолда бошқаришнинг дастурий таъминоти”. //Свидетельство об официальной регистрации программы для электронно-вычислительных машин. № DGU 20180322. Агентство по интеллектуальной собственности РУз, Ташкент, 01.05.2018 г.

[6] Хужаматов Х.Э. Телекоммуникация объектларини барқарор электр энергияси билан таъминлашда автоном қуёш электр станциясини қўллаш // “ТАТУ хабарлари” ilmiy-texnika va axborot-tahliliy jurnal. №4(40) - сон 2016 йил, 22-31 бетлар.

[7] Сиддиков И.Х., Хужаматов Х.Э., Телекоммуникация объектларини энергия таъминоти ишончлигини оширишда қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаш // Материал конференция «Возобновляемые источники энергии: технологии и установки», 28-29 июня 2016 г, Ташкент. С 73-75.

[8] Хужаматов Х.Э. Автономная солнечно – ветро - дизельная электростанция для устойчивого снабжения электроэнергией объектов телекоммуникаций в сельских и отдаленных районах // Материал конференция «Возобновляемые источники энергии: технологии и установки», 28-29 июня 2016 г, Ташкент. С 36-37.

МАЪЛУМОТЛАРНИ УЗАТИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЕЧУВЧИНИ ЯРАТИШ

техника фанлари доктори, профессор СИДИКОВ И. Х.

*И.А.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети
PhD докторанти НИГМАТОВ З.З.*

*И.А.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети
катта ўқитувчиси подполковник АХМЕДОВ Б.М.*

Чирчиқ олий танк қўмондон-мухандислик билим юрти

Қўшинларнинг кундалик фаолияти ва қўшинларни бошқариш кафедраси

Мақолада маълумотларни узатиш жараёнларини бошқариш усулларини таҳлил қилиш масалалари ва тармоқларида ахборот оқимларини тизим тугунлари орасида тақсимлаш, янги турдаги алоқа тармоқлари ҳамда ҳозирда таклиф этилаётган телекоммуникация тармоқларнинг бошқариш масалаларини ва замонавий хизматлар янада мураккаброқ бошқарув функцияларини талаб этади тармоқдаги маълумотларни узатишнинг интеллектуал ечувчини яратиш таклиф этилади. Ушбу муаммони ҳал қилиш усули сифатида потенциал усул тавсия этилган.

Ҳукуматимизнинг кейинги йилларда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини оммавий жорий қилиш ва улардан фойдаланишни таъминловчи стратегияларни ишлаб чиқишга катта куч сарфлаётгани бежизга эмас. Ҳозирда замонавий тармоқ технологиялари иерархиянинг кўрсаткичларнинг эга бўлиши барча сатҳларида дастурий бошқариш, масофавий бошқариш коммутация тизимлари ёки мультиплексорлар кросс-коннекторлар билан таъминланган бўлиб, стандартлаштирилган интерфейслар ва бошқариш функцияларини бажаришга молжалланган протоколлар, ҳамда фойдаланувчилар учун қулай бўлган тармоқни бошқариш дастурий таъминоти ва қўллаб қувватловчи кучли ҳисоблаш тизимлари мавжудлиги интеграллашган бошқарув интеллектуал ечувчини яратишга ёрдам беради. Анъанавий тармоқ бошқаруви алоҳида турдаги тармоқ қурилмаси учун одатда бир ишлаб чиқарувчига тегишли бўлган ажратилган бошқарув тизимлари йиғиндисини ташкил этади: коммутация тизимлари, узатиш тизимлари, кросс қурилмалари, қўзғалувчи алоқа тизимлари ва бошқа турдаги қурилмалар. [1] Ҳар бир шундай бошқариш тизими ва унинг операторлари ўз фаолият соҳаларида ва захира қурилмалари чегарасида мустақил ҳаракат қилишган. Телекоммуникация тармоқларнинг бошқариш масалаларини динамик ноаниқлик шароитида фаолият кўрсатувчи динамик объектларнинг моделларини яратиш услубиётига асосланиб телекоммуникация объектларни автоматлаштирилган бошқариш масалаларини ечувчини ишлаб чиқиш масалалари кўрибчиқиш керак. Продуктив қоида асосида ечимни чиқаришга мўлжалланган масалани динамик ечувчи таркибига кирган тармоқ объектларни интеллектуаллашган бошқариш тизимини умумлашган алгоритмик структураси таклиф қилинмоқда. Ноаниқлик шароитида фаолият кўрсатувчи телекоммуникация тармоқларнинг бошқариш масаласини динамик ечувчининг асоси бўлган адаптив башоратлаш тизимнинг ўлчаш мумкин бўлмаган координаталарини аниқлаш ва бошқариш тизимининг параметрларини коррекциялаш алгоритмлари яратилган.

Телекоммуникация тармоқларнинг интеллектуаллаштирилган бошқариш тизимининг ва маълумотларни узатиш жараёнларини бошқариш усулларини таҳлил қилиш масалаларининг интеллектуал ечувчини яратиш структураси унинг анъанавий элементлари ва алоқалари билан биргаликда марказий ўринга эга бўлган масаланинг динамик ечувчиси мавжуд:

